

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ОЛИЙ ҲАРБИЙ БОЖХОНА ИНСТИТУТИ**

**О.А. ХАСАНОВ, Қ.М. КАРИМҚУЛОВ, Б.Ё. АБДУҒАНИЕВ,
И.Р. АСҚАРОВ**

БОЖХОНА ЭКСПЕРТИЗАСИ

фанидан дарслик



ТОШКЕНТ

О.А. Хасанов, Қ.М. Каримқулов, Б.Ё. Абдуғаниев, И.Р. Асқаров.
//Давлат божхона кўмитаси Раиси, божхона хизмати полковниги
З.А. Дусанов умумий таҳрири остида.

Божхона экспертизаси: Дарслик. – Тошкент.: «Фан ва технологиялар маркази», 2012 йил, - 312 бет.

Таҳрир хайъати: божхона хизмати полковниги Ш.Хайруллаев, божхона хизмати полковниги, ф-м.ф.н., А.Суюнов, божхона хизмати полковниги А.Сагитов, божхона хизмати подполковниги А.Иняминов, божхона хизмати майори, т.ф.н., О.Зайниддинов, и.ф.д., доцент А.Кучаров, божхона хизмати подполковниги, б.ф.н., доцент Л.Пулатова, божхона хизмати подполковниги А.Қурбонов.

Тақризчилар: С.Салиханов - «Ўзбекэкспертиза» ОАЖ Бош директор ўринбосари, т.ф.н.
М.Юлдашев - «Ўзбекэкспертиза» ОАЖ Синов комплекси бошлиғи, к.ф.д.
М.Мирсагатов - Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси Марказий божхона лабораторияси бошлиғи ўринбосари, божхона хизмати подполковниги, ф-м.ф.н.
Т.Пардаев - ОҲБИ «ТИФни давлат томонидан бошқариш» кафедраси доценти, божхона хизмати подполковниги, и.ф.н., доцент.

Дарслик Олий таълимнинг «Божхона иши» таълим йўналишида таҳсил олаётган тингловчиларга, ДБК ходимларига, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисларга ва ташқи иқтисодий фаолият билан қизиқувчиларга мўлжалланган. Товарларнинг божхона расмийлаштируви жараёнида пайдо бўлган муаммоларни ҳал этиш, ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича код рақамларини аниқлаш; товарлар тури ва таркибини аниқлаш каби вазифаларни аниқ ифодалаб бериш мақсадида, божхона тизимида божхона экспертизаси йўлга қўйилган. Дарсликда умумий экспертиза тушунчалари, предмети, турлари, вазифалари ва ҳуқуқий асослари, божхона экспертизасининг мазмун-моҳияти ва ўзига хос томонлари, товарлардан намуна олиш ва экспертизага юбориш тартиблари батафсил амалий мисоллар билан баён этилган.

Давлат божхона кўмитаси Олий ҳарбий божхона институти Илмий кенгаш йиғилишида муҳокама қилинган ва Олий таълимнинг «Божхона иши» таълим йўналиши тингловчилари ва ДБК ходимлари учун дарслик сифатида нашрга тавсия этилган (2012 йил 2 февраль 3/10/4- сонли баённома).

Мундарижа

Кириш	11
I БЎЛИМ. ЭКСПЕРТИЗА. ЭКСПЕРТИЗА ТУШУНЧАСИ, ПРЕДМЕТИ, ОБЪЕКТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ	
1-БОБ. Экспертиза тушунчаси, ҳуқуқий асослари ва унинг вазифалари.....	12
2-БОБ. Хорижий божхона лабораториялари.....	20
II БЎЛИМ. ТОВАРЛАРНИНГ БОЖХОНА ЭКСПЕРТИЗАСИ	
3- БОБ. Ўзбекистонда божхона экспертизасининг ташкил этилиш тарихи.....	34
4-БОБ. Божхона экспертизасининг моҳияти, вазифалари ва ҳуқуқий асослари	44
5-БОБ. Божхона экспертизасини амалга ошириш усуллари ва уларда кўлланиладиган техник воситалар.....	50
6-БОБ. Божхона экспертизасининг ўзига хос хусусиятлари. Божхона экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	60
7-БОБ. Божхона чегарасидан олиб ўтилаётган товарлардан намуна ва синамаларни олиш ва божхона экспертизасига юбориш	73
8-БОБ. “Товарларнинг божхона экспертизаси” автоматлаштирилган ахборот дастури.....	88
9-БОБ. Товарларнинг таснифланиши тўғрисида божхона органлари томонидан дастлабки қарор қабул қилиш.....	98
10-БОБ. Божхона юк декларациясининг 31-графасида товарларни тавсифлаш	104
III БЎЛИМ. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТДА НОТАРИФ УСУЛ БИЛАН БОШҚАРИЛАДИГАН ТОВАРЛАРНИНГ БОЖХОНА НАЗОРАТИ	
11-БОБ. Давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган истеъмол товарларини маркалаш ва расмийлаштириш.....	114
12-БОБ. Товарларни махсус идентификацион рақам билан маркалаш.....	124
13-БОБ. Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш.....	141
14-БОБ. Товарларни штрихли кодлаш.....	154
15-БОБ. Республика аҳолисини контрафакт товарлардан ҳимоялаш ва божхона органлари олдида турган долзарб вазифалари.....	163
16-БОБ. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни аниқлаш усуллари.....	174
17-БОБ. Озон қатламини емирувчи моддаларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш тартиби.....	190
18-БОБ. Ўзбекистон Республикаси ҳудудини карантиндаги зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлардан муҳофаза қилиш.....	233

**IV БЎЛИМ. ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИ.
ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТДАН МУҲИМ БЎЛГАН ТОВАРЛАРНИНГ
БОЖХОНА ЭКСПЕРТИЗАСИ**

19- БОБ. Гўшт-сут маҳсулотларининг боғхона экспертизаси.....	234
20- БОБ. Алкоголли ва алкогольсиз ичимликларнинг боғхона экспертизаси....	247
21- БОБ. Тўқимачилик саноати маҳсулотларининг боғхона экспертизаси.....	264
22-БОБ. Металларнинг боғхона экспертизаси.....	277
23-БОБ. Минерал ўғитларнинг боғхона экспертизаси.....	281
Боғхона экспертизаси фанидан якуний назорат (ЯН) саволлари.....	296
Боғхона экспертизаси фанидан курс ишлари мавзулари рўйхати.....	300
Боғхона экспертизаси фанидан битирув малакавий ишлари мавзулари рўйхати.....	301
Фойдаланилган адабиётлар.....	302
Иловалар.....	308

О.А. Хасанов, К.М. Каримкулов, Б.Ё. Абдуганиев, И.Р. Аскарров.
//Под общей редакцией Председателя государственного таможенного комитета Республики Узбекистан, полковника таможенной службы **З.А. Дусанова.**
Таможенная экспертиза: Учебник. - Ташкент.: «Фан ва технологиялар маркази», 2012. - 312 стр.

Редакционная коллегия: полковник таможенной службы Ш.Хайруллаев, полковник таможенной службы, к.ф-м.н. А.Суюнов, полковник таможенной службы А.Сагитов, подполковник таможенной службы А.Иняминов, майор таможенной службы, к.т.н., О.Зайниддинов, д.э.н., доцент А.Кучаров, подполковник таможенной службы, к.б.н., доцент Л.Пулатова, подполковник таможенной службы А.Курбонов.

Рецензенты: С.Салиханов - Заместитель генерального директора
ОАО «Узбекэкспертиза», к.т.н.
М.Юлдашев - Начальник комплекса
ОАО «Узбекэкспертиза», д.х.н.
М.Мирсагатов - Заместитель начальника
Центральной таможенной лаборатории
Государственного таможенного комитета
Республики Узбекистан, подполковник
таможенной службы, к.ф-м.н.
Т.Пардаев - доцент кафедры «Государственное
управление ВЭД» ВВТИ, подполковник
таможенной службы, к.э.н., доцент.

Настоящий учебник предназначен для студентов и слушателей, обучающихся по направлению «Таможенное дело», а также для сотрудников Государственного таможенного комитета, специалистов по таможенному оформлению и лиц, интересующихся внешнеэкономической деятельностью. В таможенном деле в целях решения ряд проблем при таможенном оформлении товаров, определения кода товара по товарной номенклатуре внешнеэкономической деятельности, изучения вида и состава товара введена таможенная экспертиза. На основе конкретных практических примеров рассмотрены понятия общей экспертизы, предмет, задачи, виды, правовые основы, значение и специфические стороны таможенной экспертизы, а также приведен порядок отбора проб, образцов товаров и отправления их на экспертизу.

Рассмотрен на Ученом совете Высшего военного таможенного института Государственного таможенного комитета и рекомендована к изданию в виде учебника для студентов, обучающихся по направлению «Таможенное дело», а также для сотрудников Государственного таможенного комитета (Протокол № 3/10/4, «2» февраль 2012 г.).

Содержание

Введение.....	11
I РАЗДЕЛ. ЭКСПЕРТИЗА. ПОНЯТИЕ ОБ ЭКСПЕРТИЗЕ, ПРЕДМЕТ, ОБЪЕКТ И ЗАДАЧИ	
1-ГЛАВА. Понятие об экспертизе, правовые основы и задачи.....	12
2-ГЛАВА. Зарубежные таможенные лаборатории.....	20
II РАЗДЕЛ. ТАМОЖЕННАЯ ЭКСПЕРТИЗА ТОВАРОВ	
3-ГЛАВА. История возникновения таможенной экспертизы в Узбекистане.....	34
4-ГЛАВА. Значение, задачи и правовые основы таможенной экспертизы.....	44
5-ГЛАВА. Методы проведения таможенной экспертизы и технические средства, используемые в таможенной экспертизе.....	50
6-ГЛАВА. Специфические стороны таможенной экспертизы. Права и обязанности таможенного эксперта.....	60
7-ГЛАВА. Порядок отбора проб и образцов товаров, перемещаемых через таможенную границу и отправления их на таможенную экспертизу.....	73
8-ГЛАВА. Автоматизированная информационная программа «Таможенная экспертиза товаров».....	88
9-ГЛАВА. Принятие таможенными органами предварительного решения о классификации товаров.....	98
10-ГЛАВА. Описание товаров в 31-графе грузовой таможенной декларации...	104
III РАЗДЕЛ. ТАМОЖЕННЫЙ КОНТРОЛЬ ТОВАРОВ, РЕГУЛИРУЕМЫХ НЕТАРИФНЫМ СПОСОБОМ ВО ВНЕШНЕЭКОНОМИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ	
11-ГЛАВА. Маркировка и оформление потребительских товаров, подлежащих к обязательному маркированию на государственном языке.....	114
12-ГЛАВА. Маркировка товаров специальными идентификационными знаками.....	124
13-ГЛАВА. Контроль за качеством и безопасностью продовольственных товаров.....	141
14-ГЛАВА. Штриховое кодирование товаров.....	154
15-ГЛАВА. Защита населения республики от контрафактных товаров и актуальные задачи, стоящие перед таможенными органами.....	163
16-ГЛАВА. Методы определения наркотических средств и психотропных веществ.....	174
17-ГЛАВА. Порядок ввоза и вывоза озоноразрушающих веществ в Республику Узбекистан.....	190
18-ГЛАВА. Охрана территории Республики Узбекистан от карантинных вредителей, болезней растений и сорняков.....	233

**IV РАЗДЕЛ. ЛАБОРАТОРНЫЕ РАБОТЫ.
ТАМОЖЕННАЯ ЭКСПЕРТИЗА ТОВАРОВ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ
ВАЖНОСТИ**

19-ГЛАВА. Таможенная экспертиза мясных и молочных товаров.....	234
20-ГЛАВА Таможенная экспертиза алкогольных и безалкогольных напитков.	247
21- ГЛАВА Таможенная экспертиза текстильных товаров.....	264
22-ГЛАВА Таможенная экспертиза металлов.....	277
23-ГЛАВА Таможенная экспертиза минеральных удобрений.....	281
Вопросы итогового контроля.....	296
Перечень тематики курсовых работ	300
Перечень тематики выпускных квалификационных работ.....	301
Использованная литература.....	302
Приложения.....	308

O.A.Hasanov, K.M.Karimkulov, B.Yo.Abduganiev, I.R.Askarov.

//Under edition of the Chairman of the state customs committee of Republic of Uzbekistan, the colonel of customs service **Z.A. Dusanov.**

Customs examination: the Textbook. - Tashkent.: «Fan va texnologiyalar», 2012: - 314 p.

Editorial board: the colonel of customs service S.Hayrullaev, the Colonel of customs service, the cand.phys.-math.sci., A.Suyunov, the colonel of customs service A.Sagitov, the lieutenant colonel of customs service A.Inyaminov, the major of customs service, cand.tech.sci., O.Zayniddinov, the major of customs service, doctor of ekonomik science, the senior lecturer A.Kucharov, cand.biol.sci., senior lecturer L.Pulatova, the lieutenant colonel of customs service A.Kurbonov.

Reviewers:

- S.Salihanov - the Assistant to the general director OJC «Uzbekexpertiza», cand.tech.sci.
- M.Juldashev - the Chief of a complex OJC «Uzbekexpertiza», the doctor of chemistry
- M.Mirsagatov - the Deputy chief the central customs Laboratory the state customs committee Republic of Uzbekistan, the lieutenant colonel of customs service, the candidate of physical and mathematical sciences
- T.Pardaev - the senior lecturer of chair «State management of foreign trade activities» HMCI, the lieutenant colonel customs service, cand.econ.sci.

The present textbook is intended students and the listeners trained in a direction «Customs», and also to employees of the State customs committee, experts in customs registration and persons, interested with foreign trade activities. In customs business with a view of the decision a number of problems at customs registration of the goods, definitions of a code of the goods under the commodity nomenclature of foreign trade activities, studying of a kind and goods structure customs examination is entered. On the basis of concrete practical examples concepts of the general examination, a subject, problems, kinds, legal bases, value and the specific parties of customs examination are considered, and also the order of sampling, samples of the goods and their departure for examination is resulted.

It is considered on the Academic council of the Higher military customs institute and it is recommended to the edition in the form of the textbook for the students trained in directions «Customs», and also for employees of the State Customs Committee (The report №3/10/4, «2» february 2012 y.).

© the Higher military customs institute. 2012

CONTENT

INTRODUCTION	11
I SECTION. EXAMINATION. CONCEPT OF EXAMINATION, THE SUBJECT, OBJECT AND PROBLEMS	
1-HEAD. Concept of examination, legal bases and problems.....	12
2-HEAD. Foreign customs laboratories.....	20
II SECTION. CUSTOMS EXAMINATION OF THE GOODS	
3-HEAD. History of occurrence of customs examination in Uzbekistan.....	34
4-HEAD. Value, problems and legal bases of customs examination.....	44
5-HEAD. Methods of carrying out of customs examination and the means used in customs examination.....	50
6-HEAD. The specific parties of customs examination. The rights and duties of the customs expert.....	60
7-HEAD. An order of sampling and samples of the goods moved through customs border and their departures for customs examination.....	73
8-HEAD. The automated information program «Customs examination of the goods».....	88
9-HEAD. Acceptance by customs bodies of the preliminary decision on classification of the goods.....	98
10-HEAD. The description of the goods in the 31-column of the cargo customs declaration.....	104
III CUSTOMS CONTROL OF GOODS, REGULATED NON-TARIFF WAY IN THE FOREIGN ECONOMIC ACTIVITY	
11-HEAD. Marks and registration of the consumer goods which are subject to obligatory marking in a state language.....	114
12-HEAD. Marks of the goods by special identification signs.....	124
13- HEAD. Control over quality and safety of articles of food.....	141
14-HEAD. Stroke coding of goods.....	1154
15-HEAD. Protection of the population of republic against the counterfeit goods and the actual problems facing customs bodies.....	163
16-HEAD. Methods of definition of narcotics and psychotropic substances.....	174
17-HEAD. An import and export order ozone destruction substances in Republic of Uzbekistan.....	190
18-HEAD. Protection of territory of Republic Uzbekistan from quarantine wreckers, illnesses of plants and other plants.....	233

IV SECTION. LABORATORY WORKS.

CUSTOMS EXAMINATION OF THE GOODS OF ECONOMIC IMPORTANCE

19-HEAD. Customs examination of the meat and dairy goods.....	234
20-HEAD. Customs examination alcoholic and soft drinks.....	247
21-HEAD. Customs examination of the textile goods.....	264
22-HEAD. Customs examination of the metals.....	277
23-HEAD. Customs examination of mineral fertilizers.....	281
Questions of total control.....	296
The list of subjects of term papers.....	300
The list of subjects of final qualifying works.....	301
The used literature.....	302
Appendices.....	308

Кириш

Мазкур дарсликда Олий ўқув юртлари, хусусан Олий ҳарбий божхона институти ўқув курсларида ўтиладиган «Божхона экспертизаси», «Халқаро савдода товарларни таснифлаш», «Товаршунослик», «Товарларни халқаро сертификатлаш» фанларига оид мавзулар кенг ёритилган бўлиб, китобхонларнинг божхона экспертиза соҳаси бўйича мукамал билим ва кўникмаларга эга бўлишига назарий ёрдам беради.

Дарсликда умумий экспертиза тушунчалари, предмети, турлари, вазифалари ва ҳуқуқий асослари, божхона экспертизасининг мазмун-моҳияти ва ўзига хос томонлари, товарлардан намуна олиш ва экспертизага юбориш тартиблари батафсил амалий мисоллар билан баён этилган.

«Божхона экспертизаси» фанидан тасдиқланган Ишчи ўқув дастурига мувофиқ, 182 соатга мўлжалланган мавзулар мазкур дарсликда тўртта бўлим, йигирма учта боб ва иловаларда берилган.

Дарсликнинг биринчи, иккинчи ва учинчи бўлимлари - умумий экспертиза тушунчалари, хорижий божхона лабораториялари, экспертизанинг предмети, турлари, вазифалари ва ҳуқуқий асосларига бағишланган. Божхона экспертизасининг яратилиш тарихи, мазмун-моҳияти ва ўзига хос томонлари, товарлардан намуна олиш ва экспертизага юбориш тартиби, контрафакт, сифатсиз товарларни аниқлаш усуллари, товарларни штрихли кодлаш, маркировкалаш қоидалари батафсил, амалий мисоллар билан баён этилган.

Тўртинчи бўлим - лаборатория машғулотларига бағишланган бўлиб, иқтисодий жиҳатдан муҳим товарлар (озиқ-овқат маҳсулотлари, спиртли ва спиртсиз ичимликлар, металллар ва минерал ўғитлар ва ҳоказо) мисолида божхона экспертизасини амалга ошириш усуллари келтирилган. Якунида мазкур фандан якуний назорат саволлари, курс ишлари ва битирув малакавий ишлар мавзулари ва тест саволлари берилган.

Иловаларда - фойдаланилган, тавсия этилган адабиётлар рўйхати ва божхона экспертизаси соҳасига оид меъёрий ҳужжатлар тўплами акс эттирилган.

Божхона органларининг барча тоифадаги ходимлари, ТИФ қатнашчилари, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар, шунингдек Олий ҳарбий божхона институти тингловчиларига мўлжалланган ҳамда уларга «Божхона экспертизаси» фани бўйича зарур билим ва кўникмаларини оширишда ёрдам беради.

I БЎЛИМ. БЎЛИМ. ЭКСПЕРТИЗА. ЭКСПЕРТИЗА ТУШУНЧАСИ, ПРЕДМЕТИ, ОБЪЕКТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1- БОБ. ЭКСПЕРТИЗА ТУШУНЧАСИ, ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Режа:

1. Экспертиза тизими тушунчаларига шарҳлар.
2. Экспертизанинг ҳуқуқий асослари.
3. Экспертиза ўтказиш турлари.
4. Экспертиза турлари ҳақида маълумотлар.

Маълумки, мавжуд илмий адабиётларда экспертиза ва уни ўтказиш тартиби ҳақида бир қатор маълумотлар келтирилган.

Экспертиза тушунчаси - латин тилидаги «*expertus*» - **тажриба** сўзидан олинган бўлиб, илмий-тадқиқот натижаси маъносини билдиради.

Экспертиза – бу мутахассислар томонидан баъзи бир масалаларнинг текширувлар ёрдамида ҳал қилиниши, тақдим этилган объектларни текшириш ва унинг асосида эксперт (эксперт комиссияси) томонидан олинган маълумотларнинг таҳлил этилиши ҳамда объектнинг сифатий хусусиятларини, ҳақиқийлигини, мувофиқлигини, идентификациясини ва шу кабиларни текширишга қаратилган, шунингдек сўнггида акт, хулоса, айрим ҳолларда эса сифат, мувофиқлик сертификатини бериш билан тугалланадиган тадқиқотдир.

Экспертиза мурожаатлар асосида ёки терговчи, суриштирувчининг қарорлари асосида ўтказилади.

Мурожаатлар асосида экспертиза ўтказиладиганда фан ва техниканинг, санъат ва халқ хўжалигининг айрим соҳалари бўйича мутахассис-экспертлар ва касб-ҳунар эгалари томонидан маълум бир муаммони ечиш, ҳолатга аниқлик киритиш мақсадида, объектлар устида лаборатория шароитида текшириш ишлари олиб борилади.

Мурожаатлар асосидаги экспертизанинг вазифаси - олиб борилган илмий текширишлар натижасида муаммо ва ҳолатнинг аниқ ечими ҳақида ахборот (маълумот) беришдир.

Бунда эксперт - фан-техника, ҳунар, санъат соҳасида махсус билимга эга бўлган ҳамда экспертиза муасасаларидан бирида ишловчи шахсдир.

Эксперт қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: олдида қўйилган саволларга етарли даражада тўғри ва асосли жавоб беришга қодир ва шахсан шу соҳа бўйича етарли билимга эга бўлган мутахассис бўлиши зарур.

Эксперт ўтказилаётган экспертиза иши оқибатидан ҳеч қандай манфаатдор бўлмаган, масалани бетараф, холисона ва объектив равишда ҳал қилувчи шахс бўлиши керак. Экспертиза текширишларининг объекти,

Ўзларининг характерига кўра турли-туман ашёлар, микроэлементлар, эксперт текшируви учун олинган товарларнинг намуна ва нусхалари бўлиши мумкин.

Қонун талаблари бузилганда тергов жараёнларида, суд муҳокамасида ёки суриштирув ишларини олиб боришда бирон-бир муаммони ҳал қилиш, объектларни идентификация қилиш орқали аниқ жавоб ёки маълумот олиш мақсадида, фан, техника, санъат ёки касб-ҳунар соҳасида ишловчи малакали мутахассис-экспертларни жалб қилишга, уларнинг шу иш юзасидан фикрини олиш зарурати туғилади. Бундай ҳолатларда терговчи ёки суриштирувчининг қарори асосида экспертиза ўтказилади.

Терговчи ёки суриштирувчининг қарори асосида экспертиза ўтказиладиганда жиноят процессуал қонун асосида, фан ва техниканинг, санъат ва халқ хўжалигининг айрим соҳалари бўйича мутахассис-экспертлар ва касб-ҳунар эгалари томонидан тергов ёки суд муҳокамаси жараёнида келиб чиқадиган баъзи далилларнинг мавжудлигини аниқлаш мақсадида, объектлар устида лаборатория шароитида текшириш ишлари олиб борилади.

Мазкур экспертизанинг вазифаси - олиб борилган илмий текширишлар натижасида аниқ шахс, объект-далилий ашё юзасидан уларнинг айнан бир хиллиги ёки қайси гуруҳга мансублиги ҳақида ахборот (маълумот) беришдир.

Бунда эксперт - фан-техника, ҳунар, санъат соҳасида махсус билимга, эксперт гувоҳномасига эга бўлган ҳамда экспертиза муасасаларидан бирида ишловчи процессуал шахсдир.

Эксперт қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: Терговчи, суд ёки суриштирувчи унинг олдида қўйган саволларга етарли даражада тўғри ва асосли жавоб беришга қодир ва шахсан шу соҳа бўйича етарли билимга эга бўлган мутахассис бўлиши зарур.

Эксперт жиноят ишига, яъни текширилаётган ишга бевосита ёки билвосита алоқаси ёки унинг оқибатидан ҳеч қандай манфаатдор бўлмаган, масалани бетараф, холисона ва объектив равишда ҳал қилувчи шахс бўлиши керак. Экспертиза текширишларининг объекти, ўзларининг характерига кўра турли-туман далилий ашёлар, излар, микроэлементлар, портловчи моддалар, хужжатлар ҳамда эксперт текшируви учун олинган товарларнинг намуна ва нусхалари бўлиши мумкин.

Булардан ташқари саноат, қишлоқ хўжалик корхоналари, уй-жой лойиҳаларининг сифати тўғрисида масалани ҳал қилишда ҳам экспертлар қатнашади. Улар бу қурилишнинг қанчалик мустаҳкам, сифатлилигини ва лойиҳанинг ҳозирги фан-техника ривожига тўғри келиши, муҳандислик-техник ҳисоблар тўғрилиги ва шу каби масалалар билан шуғулланадилар.

Экспертизанинг ҳуқуқий асослари

Экспертизанинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, кодекслари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор, фармон ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари,

Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган вазирлик ва идораларнинг буйруқ, йўриқномалари ҳамда вазирлик ва идораларнинг ички ҳужжатларидан ташкил топган. Ушбу қонун ҳужжатларининг асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонуни (01.06.2010 й. № ЎРҚ-249).

2. Ўзбекистон Республикасининг “Экологик экспертиза тўғрисида”ги қонуни (25.05.2000 й. №73-II).

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят – процессуал кодекси (22.09.1994й. №2013-XII).

4. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси (26.12.1997 й. 548-I).

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди пленумининг “Фуқаролик ишлари бўйича экспертиза тайинлаш, ўтказиш ва эксперт хулосасига баҳо беришда суд амалиётида келиб чиқадиган айрим масалалар ҳақида”ги 24- сонли қарори (12.12.2008 й.).

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 491- сонли қарори (31.12.2001 й.)

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тиббий-меҳнат экспертиза хизмати бошқариш тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 175-сонли қарори (08.08.2008й.).

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тиббий-меҳнат экспертиза хизмати фаолиятини ташкил этишни такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 193- сонли қарори (02.09.2010 й.).

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 5-сонли қарори (05.01.2011й.).

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 29 августда 1269-рақам билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтилаётган товарларнинг намуна ва синамаларини божхона органлари тизимида тасарруф қилиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 8 октябрда 2013-1-сон билан рўйхатга олинган “Саноат хавфсизлиги экспертизасини амалга ошириш қоидалари”.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2011 йил 28 августда 2259-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд-тиббийёт экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 йил 28 мартда 2347-сон билан рўйхатга олинган “Ҳужжатларнинг қимматлилигини аниқлаш экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом.

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 14 майдаги «Божхона экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»ни тасдиқлаш ҳақидаги 170-сон буйруғи.

Экспертизанинг ҳуқуқий асосларидан бири ҳисобланган Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонуни (5 та боб, 33 та модда) суд экспертизаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Мазкур қонунга мувофиқ суд экспертизаси деганда суд, прокуратура ва ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши фаолиятида уларнинг эҳтиёжларини бажарувчи давлат экспертиза муассасалари тизими тушинилади. Суд эксперти текширишларини ўтказиш ва хулоса беришдан иборат бўлган процессуал ҳаракатларни амалга оширади. Суд-экспертлик фаолиятини амалга ошириш учун ташкил этилган ихтисослаштирилган муассаса давлат суд-экспертиза муассасасидир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят – Процессуал Кодексининг 22-экспертиза бобининг 67, 68, 172-187- моддаларида экспертиза тайинлаш, ўтказиш масалалари, экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексининг 5, 53, 79, 114-116, 181, 182 моддаларида божхона органларининг божхона назоратини ўтказишда ёрдам кўрсатиш учун мутахассислар, экспертларни жалб этиш ва бошқа органлар, ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, божхона назорати остида турган товарлардан экспертиза қилиш учун намуналар ва нусхалар олиш ҳамда экспертиза тайинлаш, божхона ишининг масалалари юзасидан дастлабки қарор қабул қилишлари ҳақида атрофлича асослаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 29 августда 1269-рақам билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтилаётган товарларнинг намуна ва синамаларини божхона органлари тизимида тасарруф қилиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномага асосан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Товар номенклатурасига биноан товар кодини аниқлаш экспертиза тадқиқотини ўтказиш мақсадида товар-моддий бойликлардан синама ва намуналар олинади.

Божхона экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш, хулоса бериш тартиблари ҳамда божхона экспертларининг ҳуқуқ–мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 14 майдаги «Божхона экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 170-сон буйруғида ҳар томонлама ёритиб берилган.

Экспертиза ўтказиш турлари

Экспертизанинг “одатдаги” кўринишидан ташқари, *қўшимча, такрорий, комиссия* иштирокидаги ҳамда *комплекс* турлари бўлади ва бу ҳақида “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонунининг 18-21 моддалари, ЖПКнинг 176-178 моддаларида ҳар томонлама ёритиб берилган.

Дастлабки экспертиза - биринчи навбатда ўтказилган “одатдаги” экспертизадир.

Қўшимча экспертиза қуйидаги ҳолларда божхона органининг мансабдор шахси томонидан тайинланади:

худди ана шу объект бўйича амалга оширилган божхона экспертизаси юзасидан хулосада баён этилган якуний фикрлар етарли даражада очиқ-равшан ёки тўлиқ бўлмаганида;

асосий экспертиза саволларига янги қўшимча саволлар қўйиш, янги ҳолат ва янги материаллар тўпланиши каби ҳолларда ҳамда эксперт хулосасидаги камчиликларни тўлдириш учун тайинланади. Қўшимча божхона экспертизасини ўтказиш экспертизани амалга оширган шу экспертнинг ўзига ёки бошқа экспертга топширилиши мумкин.

Қайта экспертиза (такрорий) – айна ўша объектларни текшириш ва айна ўша масалаларни ҳал қилиш учун божхона органининг мансабдор шахси томонидан тайинланади ва қуйидаги ҳолларда бундан аввалги божхона экспертизасини ўтказишда қатнашмаган экспертлар ва ташкилотлар томонидан ўтказилади:

аввалги божхона экспертизасининг хулосаси устидан ваколатли шахснинг шикоят аризаси тушганида;

божхона экспертнинг хулосаси асослангилмаган ёки унинг тўғрилигига шубҳа туғилганда ва норозилик юзага келган ҳолларда ёхуд унга қилинган асослар ишонарсиз деб топилса ёки экспертиза ўтказишнинг қоидалари жиддий бузилганда қайта тайинланади.

Қайта божхона экспертизасини ўтказиш тўғрисидаги мурожаат ёки қарор, ажримда уни тайинлаш учун бўлган асослар ва биринчи экспертиза хулосасига қўшилмаганлик сабаблари кўрсатилиши зарур.

Биринчи экспертизани ўтказган эксперт ёки экспертлар комиссияси эса қайта экспертиза ўтказишда ҳозир бўлиши ва тушунтиришлар бериши мумкин, лекин у эксперт текшируви ўтказиш ва хулоса тузишда иштирок этмайди.

Қўшимча ва қайта экспертизалар ўртасидаги асосий фарқ шундаки, қўшимча экспертизада илгари кўриб чиқилмаган масалалар, такрорий экспертизада эса, илгари эксперт текширувининг предмети бўлган масалалар ҳал этилади. Қўшимча экспертизани ўтказиш айнан ўша ёхуд бошқа экспертга, қайта экспертизани ўтказиш эса, бошқа экспертга ёки ташкилотга, топширилади.

Мураккаб экспертизалар бир ихтисосдаги экспертлар комиссияси томонидан ўтказилиши мумкин. Экспертлар ўзаро маслаҳатлашиб, умумий фикрга келганларидан кейин биргаликдаги хулосани ёки хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги ҳужжатни тузади ва имзолайдилар. Экспертлар ўртасида келишмовчилик рўй берганда ҳар бир эксперт келишмовчилик чиққан барча ёки айрим масалалар бўйича алоҳида хулоса беради, шунингдек

экспертлар комиссияси таркибига киритилмаган шахслар эксперт текширувини ўтказишни бажаришига йўл қўйилмайди.

Экспертиза текширувига юбориладиган объектлар юзасидан бир неча турдаги билим соҳалари талаб қилинган тақдирда **комплекс** экспертиза тайинланади. Уни ўтказишда ҳар бир эксперт томонидан аниқланган ҳолатларга асосланиб, улар ушбу экспертизада аниқланиши лозим бўлган ҳолат тўғрисида яқуний хулоса чиқарадилар. Бунда комплекс экспертиза ўтказишда қатнашаётган ҳар бир эксперт уларнинг ҳар бири ўзи аниқлайдиган ҳолатлар ҳажми ва мажмуидан қатъи назар, текширувни мустақил амалга оширади, бунинг учун шахсан жавобгар бўлади ва фақат ўз ваколати доирасида хулоса беради. Эксперт комплекс экспертиза хулосасининг фақат ўз ваколатига тааллуқли қисмини имзолайди.

Агар экспертиза ўтказиш экспертиза муассасасига топширилган бўлса, комиссиявий экспертизани ўтказиш ва комплекс текширувни ташкил қилиш унинг раҳбари зиммасига юклатилади.

Экспертиза ўтказиш уч босқичдан, яъни тайёргарлик кўриш, тадқиқот қилиш ва хулоса чиқариш босқичларидан иборат бўлади.

Эксперт текширишларни ўтказиб бўлганидан кейин хулоса беришдан олдин, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади ва хулоса беришдан бўйин товлаганлик, шунингдек била туриб ёлғон хулоса берганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 238, 240 моддаларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирилади сўнг ўз номидан ёзма хулоса тузади. Эксперт хулосаси икки турга бўлинади – ижобий ёки салбий бўлиши мумкин.

Эксперт хулосасида экспертиза ўтказишнинг сабаблари кўрсатилади. Текшириш ўтказилганидан қолган ашёвий далиллар, намуналар, бошқа объектлар, шунингдек фотосуратлар, схемалар, чизмалар эксперт хулосасига қўшиб қўйилади. Агар текширув чоғида экспертга берилган материалларнинг етарли эмаслиги ёки экспертнинг махсус билимлари етарли эмаслиги маълум бўлиб қолса, эксперт буни хулосада кўрсатади ва қўйилган айрим саволларга жавоб беришни рад этишини батафсил асослаб беради.

Экспертиза турлари ҳақида маълумотлар.

Экспертизада қандай билим ёки касб соҳаси талаб қилинишига қараб қуйидаги: криминалистик экспертиза, суд-тиббиёт экспертизаси, суд-бухгалтерия экспертизаси, товарлар экспертизаси, сертификатлар экспертизаси, божхона экспертизаси ва бошқа экспертизалар ўтказилади. Ўз ўрнида бу экспертизалар турларга бўлинади.

Хусусан, криминалистик экспертизалар қаторига асосан хатшунослик, изшунослик ва суд баллистик экспертизалар киради.

Хатшунослик текшируви: ҳужжатларнинг қалбакилигини, дастлабки ҳолатига кейинчалик қандай ўзгартиришлар киритилганлигини, муҳр ва

штампларини асл ёки қалбакилигини улар ким томонидан, қандай шароитда ва ҳолатда ёзилганлигини аниқлашдан иборат.

Суд трасология экспертизаси: далилий ашё ҳисобланган турли излар ҳосил бўлиши механизмини, қайси предметдан қолдирилганлигини аниқлаш учун ўтказиладиган текширув.

Суд баллистик экспертизаси: гумон қилинган ёки шахсдан воқеа жойидан топилган ўқларни ўқ отув қуроли ёки ўқлари, ўқ отув қуроллари юзасидан тайинланади.

Суд-тиббиёт ва психиатрия экспертизаси: инсон ҳаёти ва соғлигига хавф туғдирувчи инсон шахсиятига қарши қаратилган ҳаракатларни аниқлаш ва уларни тасдиқлаш зарурияти туғилганида тайинланади. Мазкур экспертизанинг иш фаолияти Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлигига қарашли суд-тиббий экспертиза бюросида олиб борилади. Суд-тиббиёт эксперти- суд медицинаси бўйича махсус тайёргарликдан ўтган ва тегишли гувоҳномага эга бўлган олий маълумотли шифокор.

Товарлар экспертизаси - мустақил экспертизалардан бири бўлиб, тижорат ва нотижорат мақсадидаги товар, хом ашё, ярим хом ашё ва асбоб-ускуналарни экспертиза қилади. Товарлар экспертизасининг ҳам кўпгина турлари бўлиб, текширишнинг мақсад вазифаси бўйича экологик, иқтисодий, суғурта экспертизаси, технологик ва сертификатлаш соҳасидаги экспертизалари амалга оширилиши мумкин.

Экологик экспертиза - товарнинг кўрсаткичларини баҳолаш, инсонларнинг хавфсизлигига таъсир этадиган маҳсулотларнинг таркибини, характерини ва фойдаланиш давомида атроф-муҳитга таъсирини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Иқтисодий экспертиза - эксперт томонидан молия-иқтисод органлари учун ўрнатилган тартиб асосида иш мақсади ва шароитга қараб саволларга тўғри ечим топиш ва тўғри фаолият тартибини ўрнатиш учун ҳамда корхона ва унинг бўлимлари томонидан ишлаб чиқариладиган товар маҳсулотига кетган харажатларнинг умумий миқдори аниқланади.

Суғурта экспертизаси - товарларни табиий офат, ёнғин, ҳалокат ва бошқаларга учрашиши сабабларини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Технологик экспертиза - хом ашё, ярим хом ашё, тайёр маҳсулотни қайта ишлаш технологиясини ўрганиш, керакли асбоб-ускуна, мослама модели, ишлаб чиқариш қуввати ва тайёр маҳсулотнинг ишлаб чиқариш жараёнида технологик режимга мослигини аниқлайди.

Сертификатлар экспертизаси - давлат стандартлари (ГОСТ) асосида товарларни сертификатлаштириш, ишлаб чиқариш техникавий шартлари (ТШ), сифат даражаси ва бошқаларни аниқлашда ўтказилади.

Божхона экспертизаси юқорида берилган экспертиза турларидан тубдан фарқ қилиб, божхона экспертлари томонидан божхона расмийлаштируви жараёнида маълум бир божхона мақсадларида ўтказилади.

Юқорида кўрсатилган деярли барча турдаги экспертизалар махсус давлат экспертиза муассасаларида ўтказилади. Айрим ҳолларда эса баъзи ишлар юзасидан махсус Давлат экспертиза муассасасидан ташқари олий ўқув юртларига, илмий текшириш институтларига ёки айрим мутахассис шахсларга ҳам экспертиза ўтказишни топшириш мумкин. Санъат, адабиёт, соҳасида тасвирий ва ижодий асарларнинг муаллифини аниқлаш, ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати ёки тайёрланган жойини аниқлашда касб-ҳунарга эга бўлган мутахассислар жалб этилади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, инсон ҳаёти ва саломатлигини сақлаш, атроф-табiiй муҳитни муҳофаза қилиш, Республика халқларининг тарихий, бадиий, археологик бойликлари, истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, товарларнинг божхона назоратини амалга ошириш жараёнида, бож тўловларини тўғри ҳисоблаш ва ундирилишини назорат қилиш, божхона статистикасини олиб бориш ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа манфаатларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси божхона органлари мансабдор шахслари томонидан божхона экспертизаси тайинланиши мумкин.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Экспертиза тушунчасини шарҳлаб беринг.
2. Экспертизанинг ҳуқуқий асосларини шарҳлаб беринг.
3. Экспертизанинг нечта турлари бор ва уларни шарҳлаб беринг.
4. Экспертиза ўтказиш усулларини мисоллар билан изоҳланг.

2- БОБ. ХОРИЖИЙ БОЖХОНА ЛАБОРАТОРИЯЛАРИ

Режа:

1. АҚШ божхона лабораториялари.
2. Божхона эксперт-техник таълим муассасалари (ZPLA) (Германия, Кёльн).
3. Буюк Британия давлат кимё лабораторияси.
4. Япония Марказий божхона лабораторияси.
5. Финляндия, Туркия, Хитой ва Корея божхона лабораториялари.
6. Хулоса.

Хорижий мамлакатларнинг божхона лабораториялари фаолияти ва уларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ҳамда божхона ходимларига ушбу илғор тажрибаларни етказиш муҳим аҳамият касб этади. Хорижий мамлакатларнинг божхона лабораториялари фаолиятини ўрганиш республикамизда божхона лабораторияси фаолиятини ташкил қилиш ва ривожланиш босқичларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу сабабли мисол тариқасида бир қатор ривожланган давлатларнинг божхона лабораториялари фаолиятини ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

1. АҚШ божхона лабораториялари

АҚШ божхона хизмати тасарруфида – 6 та божхона лабораторияси ва илмий-тадқиқот Маркази мавжуд.

Нью-Йорк божхона лабораторияси - ушбу лаборатория Нью-Йорк худудига хизмат кўрсатади, у божхона бошқармаси биносига жойлашган.

Нефть ва нефть маҳсулотлари, металллар, кимёвий моддалар ва уларнинг маҳсулотлари, халқ истеъмол товарлари, полимер ва пластмасса, қоғоз каби товарлар экспертизасига ихтисослашган. Лаборатория махсус жиҳозланган микроавтобус ёрдамида бевосита божхона постларида (мобиль операциялар) экспертиза ишларини амалга ошириш имкониятига эга.

Лабораториянинг техник жамоаси – 30 нафар кимёгар ва тўқимачилик саноати (текстиль) бўйича мутахассисдан иборат.

Йилига 12 мингдан зиёд товар намуналари устида экспертизалар ўтказилади.

Бошқарув раҳбарлари - 6 кишидан иборат.

Асосий вазифаси - АҚШга импорт қилинадиган маҳсулотларнинг кимёвий анализларини амалга ошириш.

Бундан ташқари компьютерлар ва патент ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ бўлган интеллектуал мулк ҳуқуқларининг ҳимояси бўйича дастур ишлаб чиқишда иштирок этади.

Уйғунлаштирилган тизимга асосан (3000 га яқин) кимёвий товарлар бўйича маълумотлар базасига эга.

Сан-Франциско божхона лабораторияси - ушбу лаборатория Калифорния штатининг бир қисми ҳамда Орегон, Вашингтон, Аляска, Колорадо, Юта штатларига хизмат кўрсатади.

Вазифаси - кўп тармоқли лаборатория бўлиб, божхона ходимлари ва бошқа ташкилотларга импорт ва экспорт қилинаётган маҳсулотлар юзасидан кимёвий-аналитик хизмат кўрсатади.

Лаборатория аналитик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Улар:

- оптик спектрофотометр,
- сканер қиладиган электрон микроскоп,
- хроматомасс-спектрометр,
- газ хроматографи,
- рентген диффрактометри.

Ҳар йили лабораторияда кўплаб кийим-кечак намуналари, пойафзал, қурилиш материаллари, металл ва металл маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, спиртли ва спирtsiz ичимликлар ва органик ҳамда ноорганик моддаларнинг кимёвий таҳлили ўтказилади.

Агарда лабораторияга намунани тақдим этилишига имконият бўлмаса, мобиль операциялар амалга оширилиб, маҳсулот жойида текширилади.

Чикаго божхона лабораторияси - лаборатория Шимолий худуднинг 8 та тумани ва Шимолий-Шарқий худуднинг 8 та туманларига хизмат кўрсатади.

Лабораториянинг кўпчилигини кимёгар ва технолог мутахассислардан иборат 25 кишилик жамоа ташкил этади.

Лаборатория 1932 йилда ташкил этилган божхона бошқармаси биносидан жойлашган.

АҚШ туманлараро божхона лабораториясининг асосий вазифаси - импорт божларидан тушган киримларнинг йиғилиши ва божхона назоратининг ўрнатилишида божхона ходимларига илмий, техник хизмат кўрсатиш ҳамда маслаҳат беришдан иборат.

Жойлашувига кўра лаборатория асосан Канададан импорт қилинадиган товарларнинг экспертизасига ихтисослаштирилган. Бундан ташқари, лабораторияда пўлатнинг мустаҳкамлик даражасини аниқловчи ускуналар ҳам мавжуд.

Саванна божхона лабораторияси - лаборатория Вашингтондан то Флорида штатигача бўлган Жанубий-Шарқий божхона худудига хизмат кўрсатади.

Саванна лабораторияси 1918 йилда ишланмаган шакарни кимёвий таҳлил қилиш мақсадида ташкил этилган.

Лабораторияда - турли хилдаги маҳсулотлар шу жумладан гиёҳвандлик воситаларининг кимёвий-физик таҳлил қилувчи кўп тармоқли аналитик ускуналар мавжуд.

Лабораторияда 4 та раҳбар лавозимида ва 24 та хизматчи лавозимидаги кимёгар ва технолог мутахассислигига эга ходимлар хизмат қилади.

Лаборатория - кўп тармоқли лабораториялардан бири бўлганлиги сабабли, мураккаб асбоб-ускуналар, яъни рентген флюоресцент спектрофотометр, ядро магнит резонанси спектрометри ва сканерловчи электрон микроскопи билан жиҳозланган. Лаборатория интеллектуал мулк бўйича ҳуқуқларни ҳимоя қилиш билан ҳам шуғулланади.

Янги Орлеан божхона лабораторияси - лаборатория Аризона, Техас, Арканзас штатларда жойлашган божхона хизматлари учун кимёвий аналитик ва техник хизмат кўрсатади. Лаборатория божхона бошқармаси биносида жойлашган.

Лаборатория ўз фаолиятини 1990 йилда Техас ва Луизианага импорт қилинаётган турли хил товарларнинг намуналарини кимёвий таҳлилидан бошлаган. Кимёвий таҳлил қилинадиган намуналарнинг асосий қисми шакар ва қиёмни ташкил этган. Бугунги кунда лабораториянинг техник жамоаси - 17 нафар кимёгар ва тўқимачилик саноати (текстиль) бўйича ҳамда физик мутахассислардан иборат.

Лаборатория контрабанда товарларининг физик-кимёвий тузилишини, импорт ва экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг классификациялаш ишларини амалга оширади.

Лаборатория ўтган асрнинг 80-йилларида, пўлатни жойида таҳлил қилиши учун кўчувчи асбоб-ускуналарни қўллашни бошлагандан сўнг АҚШнинг бошқа лабораториялари орасида муваффақиятли натижаларга эришди. Ҳозирги кунда махсус операцияларни амалга ошириш учун туманларда 2 та кўчма (мобил) лаборатория мавжуд бўлиб, операциялар 22 футли автобус ва микроавтобус ёрдамида бажарилади.

Лос-Анжелес божхона лабораторияси – ушбу лаборатория Лос-Анжелес ва Сан-Диего ҳудудларига хизмат кўрсатади, у божхона бошқармаси биносида жойлашган.

Интеллектуал мулк ҳуқуқлари, автомобиль ва дивагателлар ҳамда хавфли материалларни таҳлил қилишга ихтисослашган.

Лабораториянинг жойларда мобил вазифалардан фойдаланишга мўлжалланган катта бўлмаган вағони мавжуд.

Вазифалари: товарларни классификация қилиш, божхона инспекторларини товарлар, кимёвий моддалар ва хавфли маҳсулотларнинг намуналари билан таъминлаш, товарларни муаллифлик ҳуқуқлари, патент, савдо белгилари ва савдо маркаларига биноан текшириш, Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда божхона қонунчилигига оид материалларни ишлаб чиқиш, божхона инспекторларининг малакасини ошириш. бўйича техник хизматлар кўрсатади.

Илмий хизматлар ва Тадқиқот Маркази бошқармаси - Марказ божхона бош офиси биносида жойлашган.

Тадқиқот Марказининг ишчи жамоаси: - 8 нафар кимёгар-тадқиқотчи, 2 нафар физик-мутахассис ва котибдан иборат.

Асосий вазифаси - божхона бош идораси ва вилоят божхона лабораторияларига илмий-техник хизмат кўрсатади.

Шунингдек, Тадқиқот Маркази, қалбакилаштирилган товарларни аниқлаш ва таснифлаш юзасидан ихтисослаштирилган махсус илмий тадқиқотлар олиб боради. Олим-тадқиқотчилар божхона операциялари билан боғлиқ бўлган бир қатор муаммоларни ҳал этишда қўлланиладиган янги услуб ва жиҳозлар устида ишлайди. Бу – кенг миқёсда товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлашни, муаллифлик ҳуқуқлари ва патентларни, интеллектуал мулк ҳуқуқларини баҳолашни ўз ичига олади. Вилоят лабораторияларига амалий услуб талаб қилинган ҳоллардагина техник ёрдам кўрсатилади.

Тадқиқот марказининг фаолияти бошқа ҳукумат ташкилотлари, хорижий мамлакатларнинг божхоналари ва бўлимлари билан техник ва илмий ҳамкорлик ишларини ҳам ўз ичига олади ва улар билан ўзаро тажриба алмашади. Бундан ташқари, бу бўлим халқаро миқёсда тарқатилган “The Customs Laboratory Bulletin” деб номланган журнал нашр этади.

Тадқиқот маркази иккита: аналитик хизмат ва махсус лойиҳалар бўлиmidан иборат.

- **“Аналитик хизмат” бўлими** – мазкур бўлим қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- АҚШ Уйғунлаштирилган тизими талаблари бўйича тадқиқот услубларини ишлаб чиқади;

- Аналитик услубларнинг ишлаб чиқиш, баҳолаш ва ҳаётга татбиқ этилиш билан шуғулланади;

- Вилоят лабораторияларда қўлланилиши учун спецификациялар ишлаб чиқади ва янги жиҳозларни баҳолайди;

- Вилоят лабораториялари ўртасида таҳлилларнинг бир хиллигини таъминлаш учун дастурлар ишлаб чиқади;

- Вилоят лабораториялари учун хавфсизлик дастурларининг такомиллаштирилишида ва асосан хавфли моддаларнинг ўрганилишида иштирок этади;

- Кимёвий маълумотлар базасининг тараққиётини талаб этадиган божхона дастурларини қўллаб-қувватлаш мақсадида автоматлаштирилган таҳлиллар олиб боради;

- Даврий журнал нашр қилади.

- “Махсус лойиҳалар” бўлими:

- Божхона дастурларини қўлаб-қувватлаш мақсадида илмий ва аналитик фаолият олиб боради;

- Маҳсулотнинг классификацияси ва унинг қийматини аниқлаш мақсадида, бош офисга келтирилган намуналарнинг таҳлили билан шуғулланади;

- Вилоят лабораторияларини компьютер техник маълумоти билан таъминлайди;

- Божхона инспекторларини наркотик моддалар, тариф классификацияси мавзулари бўйича ўқитади;

- Вилоят лабораторияларини методика (услуг) билан таъминлайди, амалий методологиянинг ишлаб чиқилишида келиб чиқувчи масалалар билан шуғулланади;

Лабораторияларнинг таҳлили ва тадқиқотлари. Американинг барча божхона лабораториялари ташкил топган даврдан бошлаб ишланмаган шакарни таҳлил қилишган, чунки ишланмаган шакар ва шакар моддаларидан ташкил топган маҳсулотлар квоталарнинг чекланишига ва божларнинг солинишига олиб келувчи сахароза таркиби бўйича текширилади. Ишланмаган шакарнинг таҳлили, божхона лабораторияларининг ташкил этилишига олиб келган сабаблардан биридир.

Келиб чиқиш мамлакати импорт қилинаётган маҳсулотнинг эмбаргоси, квотаси, савдо белгиларига бўлган талабларининг аниқланишида муҳим ва ҳал қилувчи фактор ҳисобланади. Шунинг учун вилоят лабораториялари ва Тадқиқот маркази келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш бўйича кўплаб экспертизалар олиб боради. Эркин савдо ҳақидаги битимнинг кучга кирганидан буён, келиб чиқиш мамлакатининг аниқланиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Ушбу соҳада, яна бошқа кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи - Божхона лабораториялари, хусусий фирмалар билан ҳамкорликда интеллектуал мулк, яъни савдо белгилари, маркалари, муаллифлик ҳуқуқлари, патентларнинг ҳимояси учун самарали дастурлар ишлаб чиқади ва амалиётга татбиқ этишда асосий ҳал қилувчи ўринни эгаллайди.

Фармацевтика маҳсулотлари, люминесцент таркибли, миниатюралар электрон чўнтак фонарлари, сохта-қалбаки товарлар (масалан, соатлар ва парфюмерия) ни аниқлаш юзасидан ҳам дастурлар яратилди.

Интеллектуал мулк ҳуқуқлари билан Нью-Йорк, Саванна, Лос-Анжелес, Сан-Франциско, Вашингтон, Чикаго ва Янги Орлеандаги божхона лабораториялари шуғулланиб келишмоқда.

Текстиль - Тўқимачилик толалари ва улардан олинадиган маҳсулотлар АҚШга импорт қилинадиган товарларнинг энг катта синфини ташкил этади.

Тўқимачилик маҳсулотлари (текстиль) бўйича экспертлар томонидан толанинг таркиби ва идентификацияси, иплар ҳамда халқаларнинг сони, калаванинг рақами, устки қопламининг идентификацияси, намга чидамлилиги ва оғирлиги каби бирламчи тадқиқотлар амалга оширилади. Шунингдек пояфзал “бошмоғининг устки юқори юзасини” ўлчаш каби ноодатий таҳлиллар ҳам ўтказилади.

Хулосалар:

1. Американинг божхона лабораториялари ўз олдига қўйган кўплаб мақсадларига эришиш учун, илмий-тадқиқот ишларини олиб боради.

2. Америка божхона лабораторияларининг замонавий жиҳозланганлиги-уларнинг товарлар тадқиқотини сифатли, катта ҳажмда ва юқори даражада, шу билан бирга, қисқа муддатларда олиб боришга имконият беради.

3. Америка божхона лабораториялари компьютерлаштирилган ва АҚШ божхона тизимининг маълумотлар таркибига киритилган.

4. Махсус даврий журналнинг нашр этилиши, божхона лабораторияларини бошқа илмий эксперт жамоалари билан тезкор маълумот ва тажриба алмашилиш ҳамда ишчи-ходимларнинг малакаси, маҳоратини ошириш учун жуда кенг имконият беради.

5. Америка божхона лабораториялари АҚШ божхона хизматининг нафақат тадқиқот ва маълумот-аналитик бўлимини, балки махсус билим талаб этадиган, божхона тизими учун асосий тизимларидан бири ҳисобланади.

6. Американинг барча божхона лабораториялари иш фаолияти самарадорлигини оширишда кўчма (мобиль) операцияларини олиб боради.

7. Асосан интеллектуал мулк ва маҳсулотларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш ишларига катта аҳамият берилади.

2. Германия, Кёльн божхона эксперт-техник таълим муассасалари (ZPLA)

Тарихий қисқача маълумот. Фридрих Вильгельм Прусский қирол маҳкамасининг буйруғи билан 1823 йилда Кёльн шаҳрида вилоят Солиқ бошқармасининг ташкил этилиши, Рейн вилоятининг янги солиқ тартиби учун асос бўлиб хизмат қилди. Қироллик Бош Солиқ Бошқармаси ҳузурида чет эл товарларининг тадқиқоти учун зарур тадқиқотларни олиб борувчи лаборатория ташкил этилди.

1900 йилларда саноатнинг жадал ривожланиши, савдо ҳажмининг йилдан-йилга ўсиши, янги божхона тарифларининг амалиётга татбиқ этилишига ва бу бир вақтнинг ўзида вилоят лабораториялари вазифаларининг кенгайишига олиб келди.

Божхона ходимларининг мунтазам равишда ўқитилиши, яъни уларнинг малакасини ошириб турилиши зарурати юзага келди. Вилоят лабораториялари тасарруфида 1904 йилда божхона томонидан идора қилинадиган вилоят лабораториялари бошқарувини ўз зиммасига олган Кёльн шаҳрида божхона ва солиқ ишчи-ходимлари учун, божхона таълим муассасаси очилди.

1951 - 1952 йилларда божхона криминалистика бўлими саналган Божхона Криминалистика Институти таъсис этилди.

Бугунги кунда, Божхона эксперт-техник таълим муассасаси (ZPLA) да илмий ва божхона техник бўлиmidан ташкил топган ўртача 80 та ходим ишлайди. Бу бўлимлар ўз ўрнида биттадан раҳбар томонидан бошқарилади. Умуман олганда, ZPLA бир вақтнинг ўзида Молия Бош бошқармасининг божхона ва акциз солиғи гуруҳининг бошқарувчиси саналган битта раҳбар томонидан бошқарилади.

(ZPLA) Божхона эксперт-техник таълим муассасасининг вазифаси.

Илмий бўлим. Илмий бўлимда 13 нафар кимёгардан иборат 4 та ишчи гуруҳи фаолият олиб боради. Ишчи гуруҳларида барча турдаги товарлар турли кимёвий-аналитик тадқиқ қилинади.

1. Ноорганик кимё ва нефть бўйича ишчи гуруҳи қуйидаги фаолиятни олиб боради:

- Пўлатдан ясалган товарлар экспертизаси, тунуканинг ишланиш даражаси (металл) пўлат секторининг экспортини кузатиш;
- Ноорганик моддаларнинг тадқиқоти ва экспертизасини ҳамда уларнинг божхона тарифлари бўйича классификациясини амалга ошириш;
- Сувоқ ёнилғи экспертизаси ва тадқиқотини аниқлаш, этилланган ва этилланмаган ёнилғи таркибидаги кўрғошин миқдорини аниқлаш, нефть маҳсулотларининг киритилишида божхона божлари ва имтиёзли божларнинг ундирилиши устидан назорат ўрнатиш;

2. Қишлоқ хўжалик ва фармацевтика маҳсулотлари ишчи гуруҳи қуйидаги фаолиятни амалга оширади:

- Тартибга солинадиган бозор муносабатлари тизимидаги маҳсулотларнинг назорати;
- Алкоголь ичимликларининг тадқиқотини олиб бориш, пиво, ароқ ва вино маҳсулотлари учун божхона божларини аниқлаш;
- Фармацевтика маҳсулотларининг классификацияси;
- Шакар солиғининг ундирилиши билан боғлиқ тадқиқотлар олиб бориш.

3. Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишчи гуруҳи қуйидагича фаолиятни олиб боради:

- Товарлар тадқиқоти ва классификацияси, уларни озиқ-овқатлар сирасига киритиш, тартибга солинадиган бозор муносабатларида кофе, чой, шакар маҳсулотларидан солиқларнинг ундирилиши.

4. Органик кимё ишчи гуруҳи қуйидаги фаолиятни олиб боради:

- Героин, гашиш, кокаин ва бошқа наркотик моддалар ва қонун бўйича наркотик моддаларга тенглаштирилдиган дори воситаларининг намуналарини тадқиқ қилиш. Чунки, ушбу соҳанинг ўзида йилига бир неча минглаб тадқиқ қилинувчи намуналарни ўз ичига олувчи 2000 дан зиёд экспертизалар олиб борилади.
- Экспорт қилинадиган органик кимёвий моддаларнинг тадқиқотини олиб бориш, экспортга рухсат берилмаган ҳолларда уларни назорат қилиш.
- Умуман олганда, бир йилда 6200 га яқин намуналар тадқиқот ўтказиш учун берилган ва шунча экспертиза ўтказилди.

Божхона техник бўлими. Экспертларнинг тадқиқот ишлари божхона техник бўлимида ҳал этилади. Мазкур бўлимда ҳам 13 нафар экспертдан иборат 4 та ишчи гуруҳи фаолият олиб боради

1-Ишчи гуруҳининг вазифаси:

- Текстиль ва текстиль маҳсулотларининг тадқиқоти ва экспертизаси;
- Кийим-кечак экспертизаси ва классификацияси;
- Махсус рухсатнома талаб қиладиган маҳсулотларнинг тадқиқоти;

2-Ишчи гуруҳининг вазифаси:

- Биринчи навли қоғоз ва қоғоз маҳсулотларининг экспертизаси;

3-Ишчи гуруҳининг вазифаси:

• Қимматбаҳо металллар ва тошлардан ясалган товарларнинг экспертизаси, уларнинг таҳлили эса (яъни кимёвий-таҳлили) илмий бўлим орқали амалга оширилади;

4-Ишчи гуруҳининг вазифаси:

• Синтетик материаллардан тайёрланган маҳсулотлар, ёғоч ва пўкак маҳсулотлари тадқиқоти;

• Пойафзал, шиша ва кулолчилик товарларининг тадқиқоти;

• Электрон мосламалар (переключателлар) қисмларининг тадқиқоти ва уларни олиб чиқилишига рухсат;

• Оптик жиҳозлар, ўлчовчи асбоблар, мебель, автомобиль ва бошқа товарларнинг тадқиқоти;

• Антиквариат ва коллекцион экспонатлар тадқиқоти;

Эксперт вазифалари билан бир қаторда, ушбу бўлимнинг барча экспертлари божхоначиларнинг ўқиш ва малакасини ошириш билан ҳам шуғулланадилар.

Бунинг учун қуйидаги йўналишларда махсус курслар олиб борилади:

- Йўловчиларнинг божхона расмийлаштирилишидаги ҳаракатлари;
- Божхоначиларнинг чет тиллари бўйича тайёргарликлари;
- Мижозлар билан ишлаш маҳорати;
- Акциз солиқнинг қўлланиши ва назоратига ўргатиш;

Бир йилда 1100 га яқин намуналар тадқиқ қилинди ва экспертизадан ўтказилди, 30 га яқин таълим тадбирлари - кадрлар малакасини ошириш ишлари олиб борилди, жумладан 600 га яқин божхоначилар ва бўлғуси божхона мутахассислари ўқитилади.

3. Буюк Британия Давлат кимё лабораторияси

Лаборатория 1842 йилда ташкил этилган. Лаборатория 6 та бўлимдан иборат, унинг ишчи жамоаси - 317 кишини ташкил қилади.

1. Криминалистика тадқиқотлари бўлими, дори воситалари ва наркотик моддалар таҳлили, ман қилинган алкоголь ичимликлари ҳамда сохта ёнилғиларнинг шубҳа туғдирувчи ҳужжатлари экспертизасига йўналтирилган.

2. Савдо ва божхона бўлими, кимёвий моддалар, текстиль, пластмасса, алкоголь, озиқ-овқат молларининг акциз ва божхона божлари ҳамда хавфли товарларнинг халқаро транспортировкалари экспертизаси билан шуғулланади.

3. Атроф-муҳит хавфсизлиги бўлими, ифлосланган ҳудуд ва сувларнинг тадқиқоти билан шуғулланади.

4. Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўлими, ўғитлардан бошлаб то қайта ишланган маҳсулотлар, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларининг экспертизаси ва тадқиқоти билан шуғулланади.

5. Соғлиқ ва хавфсизлик бўлими ўз ичига тамаки маҳсулотлари, пестицидлар, истеъмолчилар хавфсизлиги, сувнинг микробиологик хусусиятларини ўрганади.

6. Инновацион бўлим ва сифат бўлими, миллий ўлчов тизимининг кимёвий томонларини ишлаб чиқади ва намуналар коллекциясини тарқатади.

Давлат Кимёгари Лабораторияси кўп сонли экспертизаларни қуйидаги асбоб-ускуналар ёрдамида ўтказади:

- Масс-спектрометр (MS) лаборатория ушбу жабҳада 30 йилдан ортиқ иш тажрибасига эга. Масс-спектрометрия ифлосланган элементларни аниқлашда ва дори воситаларининг таркибини текширишда қўлланилади.

- Масс-спектрометрияга қўшимча тарзда Фурье 270 Мгц ядровий магнит резонансли спектрометр (NMR) ишлатилади, чунки у молекуляр тузилмалар ҳақида батафсил маълумот беради ва 40 дан ортиқ элементларни ўрганиш имконини беради.

- Фурье инфрақизил спектрометри (IR) кўп миқдордаги намуналарни, шу жумладан, қаттиқ жисмлар ва буғларни ўрганиш имконини беради, яна, органик ёки ноорганик моддаларни аниқлаш мумкин.

- Ультрабинафша спектрометр (UV) намуналарнинг эритмалардаги сифатли таҳлили учун қўлланилади.

- Индуктив тарзда бириктирилган плазмали ва эмиссияли спектрометр (ICP OES) ноорганик таҳлилларнинг асосий мосламаси ҳисобланади Бу мослама ёрдамида бир вақтнинг ўзида 35 тагача элементни намуналарнинг кенг миқёсдаги сони билан, шу жумладан, сув ва оқар сувлар, минераллар, тупроқ ва металлларни ҳам биргаликда аниқлаш мумкин.

4. Япония марказий божхона лабораторияси

Японияга импорт қилинадиган товарлар ва материаллар қонун доирасида божхона назоратидан ўтказилади ва улардан импорт божлари ундирилади. Бироқ, шундай баъзи товарлар борки, уларни қонун ва қоидалар талқинида равшан аниқланиши қийин, шу сабабли тегишли импорт божлари ва акциз солиқларини белгилашда қийинчиликлар вужудга келади. Бу ҳолатда, божхона лабораторияси зиммасига ушбу товарларнинг таркибини аниқлаш учун уларнинг тузилиши ва табиати бўйича аналитик экспертизалар ўтказиш вазифаси юклатилади.

божхона лабораториялари ташкил этилган Юқоридагиларни инобатга олғиб, товарларнинг таркибини аниқлаш, замонавий профессионал

технологияларни талаб қиладиган таҳлиллар олиб бориш ҳамда бундай аналитик операциялар учун зарур ҳисобланган текширув ва методикаларни ишлаш мақсадида 1963 йилда Молия Вазирлиги ҳузурида Марказий божхона лабораторияси ташкил этилди.

Ҳозирги кунда Марказий божхона лабораторияси божхона, божхона бошқармалари, божхона ҳамкорлиги бўйича Кенгашнинг топшириғига кўра импорт ва экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг, айниқса, дори воситаларининг таҳлили билан шуғулланади. Лаборатория янги аналитик методлар, божхона лабораториясининг стандарт методларини тадқиқ қилиш ва ишлаш, божхоналарнинг аналитик экспертизаларига оид консултациялар ўтказиш ва божхона ҳамкорлиги бўйича Кенгаш орқали халқаро божхона ҳамкорлигини амалга ошириш, шунингдек ривожланаётган мамлакатлар учун технологик тажрибалар ўтказиш орқали божхона иши фаолиятида муҳим ўрин эгаллади.

Марказий Божхона лабораториясининг Приборлар залида замонавий приборлар мавжуд, жумладан, Масс-спектрометр, Инфрақизил спектрометр, Юқори самарадорли суюқлик хроматографи, Газ хроматографи, Ультрабинафша спектрометрия, Рамановский спектрофотометр, Электрон микроскоплар;

Кутубхона. Кутубхона фондининг катта қисми аналитик кимёга оид бир неча томли китоб ва журналлар (стандарт спектрлар, инфрақизил ютилиш, ядровий магнит резонанс ютилиш, масс-спектрометрия ва бошқалар)дан иборат. Кутубхонада 60 га яқин Европа ва 80 та Япония профессионал журналлари мавжуд.

Таҳлилий хизмат.

Марказий божхона лабораториясида 4 та таҳлилий хизмат бўлимлари мавжуд бўлиб, божхонада таҳлил қилиш мураккаб ҳисобланган ва божхона органлари учун қийинчилик туғдирганда товарларнинг экспертизасини ўтказилади.

Биринчи таҳлилий бўлимнинг асосий йўналишлари

- қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар турининг идентификацияси;
- Қимматбаҳо ва ноёб металлларнинг сифатий ва миқдорий таҳлиллари;
- Глинозёмли минераллар турининг идентификацияси, зарур ҳолларда, унинг тўлиқ ишланган ёки ишланмаганини текшириш;
- Минерал толалар (шу жумладан, углеродли тола)ларнинг идентификацияси;
- Ноорганик компонентларнинг тузилишли ва миқдорий таҳлили;
- Сунъий корундларнинг тузилишли ва миқдорий таҳлили;
- Металлокерамика, қотишма ёки янги керамиканинг тузилиши таҳлили;
- Синтетик ва табиий цеолитнинг идентификацияси;

- Сўнгги вақтда ишлаб чиқилган асосий аналитик методлар;
- Автомобилларнинг ишланган газлари таркибидаги платина, палладий ва радий миқдорини аниқлаш ва уларни флюоресцентли рентген спектрофотометр ёрдамида тозалаш;
 - Фаоллашган глинозём минералларининг идентификацияси, рентген дифракцияси методи ёки сканерловчи рентген дифракцияси ёрдамида идентификацияси;
 - Табиий ва сунъий цеолитларнинг рентгенли дифракция ёрдамида идентификацияси;
 - Ноорганик сульфидларни лазерли Романов спектрометри ёрдамида идентификациялаш.

Иккинчи таҳлилий бўлимнинг асосий йўналишлари:

- Табиий ва қотишма пишлоқ турларини идентификациялаш
- Дон ва ундан тайёрланган (протеин, ёғ, кукунли дон ва бошқалар) ва сут маҳсулотлари ва озиқ-овқат маҳсулотларининг мураккаб таҳлиллари.
- Барча турдаги гўшт маҳсулотларининг таҳлили, улар таркибининг таҳлили ҳамда ишланганлик даражасини текшириш.
- Алкоголь ичимликлари ингредиентларининг таҳлили (алкоголь, экстрактлар ва таъмни яхшилаш учун қўшимчалар) ва ичимлик турини аниқлаш.
- Ҳайвон ва ўсимлик ёғларининг таҳлили, уларнинг ишланганлик даражаси ва турини аниқлаш ҳамда ингредиентларини таҳлил қилиш.
- Таъм қўшимчаларининг сифатли ва тузилишли таҳлили.
- Озуқавий қўшимчаларни тасдиқлаш ва уларнинг миқдорий таҳлили.
- Наркотик моддалар идентификацияси (синтетик наркотик моддалар бундан мустасно).

- Сўнгги вақтларда ишлаб чиқилган асосий аналитик методлар:
- Импорт қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг юқори самарадорли суюқлик хроматографи ёрдамида таҳлили.
- Сариёғ таркибидаги таъм қўшимчаларининг характеристикаси
- Доннинг электрофорез ёрдамида идентификацияси

Учинчи таҳлилий бўлимнинг асосий йўналишлари:

- Нефткимё ва нефть маҳсулотларининг миқдорий таҳлили, қўшилмаларнинг сифатли ва миқдорий таҳлиллари.
- Органик аралашмалар, дори воситалари ва хом ашёларнинг тузилишли ва компонентли таҳлили.
- Бўёқ (синтетик бўёқлар, ҳайвон ва ўсимликлардан олинган бўёқлар)нинг ва органик пигментларнинг компонентли таҳлили.
- Ўсимлик эфир мойларининг турини тасдиқлаш.

- Наркотик моддаларни ва қўзғатувчи дори воситаларни аниқлаш, (шу жумладан, синтетик наркотик дори воситалари).

Бундай таҳлилий фаолиятнинг барчаси энг сўнгги русумдаги таҳлилий асбоб-ускуналар, яъни: инфрақизил спектрофотометр, ядровий магнитли резонанс спектрометр ёрдамида амалга оширилади.

Ҳозирги кунда ишлаб чиқилган сўнгги таҳлилий методлар:

- Таркибида фосфор мавжуд бўлган органик компонентларнинг ЯМР-13С ёрдамида таҳлили.

- Термик солинган ёнилғининг капилляр газли хроматографияси.

- Ноконуний дори воситаларининг тезкор аниқланиши.

- Қўзғатувчи дориларнинг флюоресцентли таҳлили.

- Тўртинчи таҳлилий бўлимнинг асосий йўналишлар:

- Синтетик каучукнинг тузилишли ва компонентли таҳлили

- Табиий ва сунъий елим, аралашма ва сополимер ва қўшма полимеризацияни аниқлаш.

- Синтетик елим ва олигомерларнинг молекуляр вазини аниқлаш.

- Сунъий ва ишланган мумнинг компонентли таҳлили.

- Табиий ва синтетик толаларнинг тасдиғи ва уларнинг компонентли таҳлили.

- Қоғоз маҳсулотларининг таҳлили.

- Ҳозирги кунда ишлаб чиқилган сўнгги таҳлилий методлар:

- Ацетат таҳлили.

- Полимерларнинг таҳлили учун десорбцион масс-спектрометрни қўллаш.

- Гидролиз ёрдамида бир-бирига боғлиқ фосфатларнинг тартибга солиниши.

- Термик ишланган хроматография ёрдамида сополимер стиролнинг таҳлили.

Сўнгги тадқиқотларнинг асосий мавзулари:

- Турли хил полимерларнинг бир-бирига боғлиқлик сабабларини ЯМР-FT (1Н, 13С) ёрдамида аниқлаш.

МБЛ фаолиятининг айрим қўшимча вазифалари

Тадқиқотлар ва техник дастур. Ушбу кичик тизим божхона аналитик ва техник савиясини ошириш мақсадида экспертиза ва тадқиқотлар ўтказилишини таъминлайди.

Барча божхона органларида қўлланиши мумкин бўлган божхона лабораториялари услуб (методика)лари ишлаб чиқилади.

Бутун мамлакат бўйлаб барча божхоналар таҳлилий бўлимларини техник дастур билан таъминлайди.

Божхона ходимлари бошқа божхона органларига техник ёрдам кўрсатиш мақсадида сафарга юбориладилар.

Марказий Божхона лабораторияси йиллик ҳисоботининг эълон қилиниши.

Божхона ва Марказий Божхона лабораторияларида амалга ошириладиган тадқиқотлар тўғрисидаги профессионал нашр йилида бир мартаба нашр қилинади ва дунёнинг божхона, университет ва илмий-тадқиқот институтларига тарқатилади.

Кимёвий конференцияларни ўтказиши.

Бу конференция божхона кимёгарлари учун таҳлилий операцияларни бажариш чоғида вужудга келган технологик саволлар юзасидан ва аналитик экспертизаларнинг сифатини ошириш мақсадида ўтказилади.

Божхона таҳлилий семинарининг йилига бир марта ўтказилиши. Божхона кимёгарлари амалга оширган тадқиқотлар намойишидан иборат бўлади. Бу семинар божхоналар учун божхона лабораторияларининг ташвиқоти ва уларнинг амалиётга татбиқ қилиши учун ўтказилади.

Академик жамиятларда қатнашиши, яъни Япониянинг Кимёвий Жамияти ва Япония таҳлилий кимё жамиятида қатнашиш лаборатория ишчи-ходимларини университет ва малака ошириш олийгоҳларига йўналтиради.

5. Финляндия, Туркия, Хитой ва Корея божхона лабораториялари

Финляндияда - битта божхона лабораторияси мавжуд. Лекин у фақат божхона соҳасида фаолият юритмай, бир вақтнинг ўзида товарларни халқаро стандартлаштириш ва сертификатлаш вазифаларини ҳам амалга оширади. Лаборатория Европадаги энг зўр жиҳозланган лабораториялардан биридир.

У ерда кўп сонли намуналарнинг таҳлил қилиниши муносабати билан текшириш ва таҳлилий мосламалар ва намуналарнинг штрих кодлари тизими қўлланилади. Ходимларнинг умумий сони 88 та. Лабораторияда истеъмол моллари, гиёҳвандлик моддалари, дори воситалари, металллар, текстиль маҳсулотлари ва ёғоч бўйича тадқиқотлар ўтказилади.

Туркияда - 25 та божхона лабораторияси мавжуд бўлиб, уларда товарнинг ҳолатини, таркибини аниқлаш мақсадида, кимёвий ва физик таҳлиллар ўтказилади.

Хитойда - МБЛ ва иккита вилоят божхона лабораториялар мавжуд. Гванджоудаги божхона лабораторияси Жанубий Хитойдан импорт қилинадиган маҳсулотларнинг экспертизаларини амалга оширади.

Кореяда - Сеулда МБЛ ва Пусан, Тигу, Инчеон ва Кимпода тўртта божхона лабораторияси мавжуд. Улар импорт ва экспорт қилинадиган товарлар классификацияси ва гиёҳвандлик моддаларнинг, бошқа тақиқланган моддаларнинг экспертизасини ўтказиши. МБЛ эса, замонавий аналитик хизматни таъминлаб, экспертизаларни амалга оширади ва Уйғунлаштирилган Тизимга асосланиб дори воситалари, наркотик моддалар ва бошқа товарлар бўйича илмий-тадқиқотлар олиб боради. Божхона лаборатория ходимлари БТнинг УТ (ГС) бўйича Кенгаш йиғилишларида қатнашадилар.

ХУЛОСА

Юқоридаги таҳлилий маълумотлардан кўришиб турибдики, кўплаб ривожланган мамлакат божхона хизматлари тасарруфида божхона экспертиза лабораториялари қарийб 1 асрдан аввал ташкил этилган ва фаолият олиб бормоқда.

Мамлакат учун стратегик аҳамиятга эга бўлган товарларни таркибини, уларга нисбатан божхона ва солиқ тўловларини тўғри ундирилганлигини, товарларни тўғри таснифланганлиги аниқлаш мақсадида, мутахассислар иштирокида ва замонавий жиҳозланган лабораторияларда турли хил тадқиқот ишлари, экспертизалар ўтказилади.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, таъкидланса, товарларнинг сифати ва истеъмолга яроқлилигини, товарларни келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш мақсадида, албатта божхона лабораторияларида экспертиза ўтказилади. Масалан, Германия, Япония, Россия Федерацияси Федерал божхона хизматининг Марказий божхона лабораторияларида товарларга мувофиқлик сертификати бериш, товарларни идентификациялаш, қалбаки ҳужжатларни аниқлаш ва бошқа мақсадларда экспертизалар ўтказилади. АҚШ, Япония, Испания, Бельгия ва Европа Иттифоқи мамлакатларининг божхона тизимларида ҳам турли хил божхона экспертиза лабораториялари мавжуд бўлиб, товаршунослик, криминалистика ва бошқа кўплаб соҳа экспертизалари ўтказилади.

АҚШ ва Германия мамлакатларида ҳаттоки, махсус жиҳозланган кўчма (мобиль) автомобилларда бевосита божхона постларида экспертизалар ўтказиш ташкил этилган.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. АҚШ божхона лабораториялари тўғрисида маълумот беринг.
2. Божхона эксперт-техник таълим муассасаларининг фаолияти тўғрисида шарҳ беринг.
3. Буюк Британия Давлат кимё лабораторияси ҳақида маълумот беринг.
4. Япония Марказий божхона лабораториясининг тузилиши ва вазифаларини шарҳланг.
5. Финляндия, Туркия, Хитой ва Корея божхона лабораториялари тўғрисида маълумот беринг.

II. БЎЛИМ. ТОВАРЛАРНИНГ БОЖХОНА ЭКСПЕРТИЗАСИ

3- БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА БОЖХОНА ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШ ТАРИХИ

Режа:

1. Божхона экспертизасининг ташкил этилиш тарихи.
2. Божхона экспертиза лабораторияларини бошқа вазирлик ва идоралар лабораториялари билан ҳамкорлиги.
3. Божхона экспертлари ҳақида маълумот.
5. Товарларни ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси код рақамларини аниқлашда божхона экспертизасининг аҳамияти.
6. Республикамиз ҳудудига сифатсиз товарларни кириб келишини олдини олишда, Марказий божхона лабораторияси томонидан амалга оширилаётган ишлар.

Божхона экспертизасининг ташкил этилиш тарихи

1993 йилда Ўзбекистон Республикаси ДБҚ раҳбариятининг ташаббуси билан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида биринчилардан бўлиб, Марказий божхона экспертиза лабораторияси (кейинги матнларда МБЭЛ) ташкил этилди ва унга раҳбар этиб кимё фанлари доктори, профессор И.Р.Асқаров тайинланди.

Ўзбекистон божхона идораларида жуда қисқа муддат ичида МБЭЛ ташкил этилди ва 1993 йилнинг ўзидаёқ дастлабки, товарларни божхона экспертизаси амалга оширила бошланди. МБЭЛ ҳақида Низом ишлаб чиқилди ва ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланди. Марказий Осиё давлатлари орасида Ўзбекистонда божхона идоралари тасарруфида МБЭЛнинг ташкил этилиши республика иқтисодиётини ҳимоя қилишда божхона экспертизасининг муҳим ўрин тутганлигидан ва республикада божхона сиёсатини олиб боришни илмий асосда йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

МБЭЛни қуйидаги тажрибали раҳбарлар: к.ф.д., проф. И.Р.Асқаров (1993-1997 йй); т.ф.д. М.А. Рахимджонов (1997-2006 йй), к.ф.н. Б.Ё.Абдуғаниев (2006 йилдан ҳозирги кунга қадар) бошқариб келмоқда.

Дастлаб, 1993 йилда МБЭЛни ташкил этишда т.ф.д. Қ.М. Каримкулов, Д.Солижонов, О.Асташин, Х.Маҳкамов, к.ф.д., проф. Ғ.Ҳамроқулов, т.ф.д. М.Рахимджонов, к.ф.н. Ш.Миркомиллов, М.Абдумажитов, М.Холиқов, Р.Холиқов, Н Сафарова, М.Юсупов ва бошқа ходимлар фаол иштирок этдилар.

МБЛ мутахассислари ривожланган хорижий давлатларнинг, жумладан, Япония, АҚШ, Туркия, Испания, Олмония ва бошқа кўплаб давлатларнинг божхона экспертизаси соҳасидаги тажрибаларини ўрганиб, ўз фаолиятлари давомида мазкур соҳани ривожлантирмоқдалар.

1994 йилда МБЭЛнинг фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида, ДБКнинг ҳудудий вилоятлараро божхона экспертиза лабораториялари:

Жумладан, Андижон, Фарғона ва Наманган вилояти божхона бошқармалари учун Андижон шаҳрида (к.ф.н. Ш.Қирғизов, А.Нишанов, А.Абдуқаҳҳаров).

Қашқадарё ва Сурхондарё вилояти божхона бошқармалари учун – Термиз шаҳрида (к.ф.н. Р.Самиев)

Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Навоий ва Хоразм вилояти божхона бошқармалари учун Бухоро шаҳрида (к.ф.н. М.Шодиев, к.ф.н. Ф.Насруллаев) ташкил этилди.

1996 йилга келиб, ТИФ қатнашчиларига, тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида, ҳудудий экспертиза лабораториялари кенгайтирилиб, ДБКнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича қуйидаги бошқармаларида божхона экспертиза лабораториялари (кейинги ўринларда БЭЛ) ташкил этилди.

- Тошкент шаҳри божхона бошқармаси (О.Тошпўлатов, Ш.Миркомиллов, Қ.Каримқулов, Э.Салихов).
- Андижон вилояти божхона бошқармаси (к.ф.н. Ш.Қирғизов, А.Нишанов).
- Фарғона вилояти божхона бошқармаси (к.ф.н. О.Тошпўлатов, проф. А.Ибрагимов, доцент М.Исоқов, к.ф.н. Б.Абдуғаниев).
- Наманган вилояти божхона бошқармаси (к.ф.н. А.Джураев).
- Тошкент вилояти божхона бошқармаси (к.ф.д. Ғ.Ҳамроқулов).
- Сирдарё вилояти (Б. Норбўтаев, к.ф.н. Б.Абдуғаниев).
- Жиззах вилояти божхона бошқармаси (И.Қодиров).
- Самарқанд вилояти божхона бошқармаси (С. Хафизов, к.ф.н. Р.Самиев, Г.Музаффарова).
- Бухоро вилояти божхона бошқармаси (к.ф.н. М.Шодиев, к.ф.н. Ф.Насруллаев).
- Хоразм вилояти божхона бошқармаси (к.ф.н. доцент О.Кулимов).
- Навоий вилояти божхона бошқармаси (С. Сафоев).
- Қашқадарё вилояти божхона бошқармаси (Ч.Хидиров).
- Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси (Р.Мирзаев);
- Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармалари.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки йилларида божхона идораларида божхона экспертиза лабораториясини ташкил этилиши, товарларни Ташқи иқтисодий Фаолият товарлар номенклатураси (ТИФ ТН) кодларини тўғри аниқлашни йўлга қўйилиши давлат хазинасига қўшимча бож ва бошқа божхона тўловлар тўлиқ ундирилишини таъминлади.

2000 йилда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти божхона бошқармалари тасарруфидаги божхона экспертиза лабораториялари ва МБЭЛ тугатилиб, унинг асосида ДБҚ тасарруфида божхона экспертиза маркази ташкил этилди.

2001 йилда Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри бўйича божхона бошқармалари ва «Тошкент Аэро» ИБК асосида ташкил этилган божхона экспертиза маркази, Марказий божхона лабораториясига (МБЛ), вилоят божхона бошқармаларидаги божхона экспертиза лабораториялари эса божхона лабораториясига айлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 10 августдаги “Давлат божхона хизмати органлари иш фаолияти самарадорлигини ошириш ва янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1595-сонли қарорига мувофиқ, ТИФ қатнашчиларига қулайликлар яратиш мақсадида, ДБҚнинг худудий божхона бошқармалари тасарруфидаги тоифасиз ва биринчи тоифали барча ТИФ божхона постларида божхона лабораторияси гуруҳлари ташкил этилди, божхона экспертлари дастлабки экспертиза ишларини, бевосита ТИФ божхона постларида амалга оширадилар. Агар экспертлар лаборатория шароитида экспертиза ўтказилишига зарурат бўлиб қолса, МБЛга товарнинг хужжатлари ва намуналарини юбориши йўлга қўйилди. Шунингдек, қарорнинг 7-бандига асосан, Республикага сифатсиз, қалбаки-сохта товарларнинг кириб келишини олдини олиш мақсадида, импорт қилинадиган истеъмол товарларни 2012 йилнинг январь ойидан махсус назорат идентификацион рақам билан маркировкалаш жорий этилди.

Божхона экспертиза лабораторияларининг бошқа вазирлик ва идоралар лабораториялари билан ҳамкорлиги

МБЛ Республикадаги барча экспертизага тааллуқли вазирлик, идоралар ва ташкилотлар билан мунтазам илмий алоқалар ўрнатиб келмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси ва Ўсимликлар карантини Бош давлат инспекцияси (“Ўзбошдавқарантин”), Республика Суд экспертиза маркази, Давлат патент идораси, илмий-тадқиқот институтлари, «Ўзстандарт» агентлиги, «Ўзбекэкспертиза» ОАЖ ва ҳамда Бутун жаҳон божхона ташкилоти экспертлари ва бошқа вазирлик ва идоралар.

Бутун жаҳон божхона ташкилотининг 1994-1998 йиллардаги Бош котиби Джеймс Шавер ДБҚ МБЭЛга 1997 йилда ташриф буюрганида, МБЭЛ фаолиятига ва унинг илмий салоҳиятини божхона экспертизаси соҳасида қилган ишларини эътироф этди. МБЭЛ энг замонавий, юқори даража ва ўта сезгирликда ишловчи, хроматомасс-спектрометр, Инфрақизил спектрометр, Ультрабинафша спектрометрлар билан жиҳозланди. Ушбу ускуналар билан ишлаш ва товарлар экспертизаси учун зарур тадқиқотлар олиб боришда божхона экспертиза лабораториясига товарлар экспертизаси бўйича 4 та фан доктори ва 10 дан ортиқ фан номзоди илмий даражасига эга бўлган

мутахассислар таклиф этилди. Марказий божхона экспертиза лабораторияси ходимлари томонидан Республика иқтисодиётини ҳимоя қилишда муҳим натижаларга эришилди. Жумладан, Ўзбекистондан экспорт қилинаётган пахта толаси ва унинг маҳсулотлари, рангли металллар ва уларнинг қотишмалари, пахта ёғи ҳамда экспорт-импорт қилинаётган дон ва дон маҳсулотлари, сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларини назорат қилиш илмий асосда йўлга қўйилди.

Юқоридаги энг замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида товарларни кимёвий тузилиши ва таркибини ўрганиш натижасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор, кимё фанлар доктори, профессор И.Р.Асқаров ва техника фанлари доктори, академик Т.Рисқиевлар томонидан 02.00.22- «Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш» ихтисослигига асос солинди.

Маълумки, Ўзбекистон Миллий энциклопедиясининг 11 том 451-бетида "Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш" фани кимё фанлари тизимида ишлаб чиқилган янги фан эканлиги ва ушбу фаннинг асосий мақсад вазифалари қисқача баён қилинган.

2003 йилда ташкил этилган Олий ҳарбий божхона институти тасарруфида «Товарларни синфлаш ва сертификатлаш» кафедраси фаолият юритмоқда. Кафедрада «Божхона экспертизаси», «Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси», «Халқаро стандартлаш ва сертификатлаш» ва «Товаршунослик» каби фанлари ўқитилади, шунингдек «Товарларни синфлаш ва сертификатлаш» илмий-тадқиқот лабораториясида мазкур йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

02.00.22-«Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш» ихтисослиги бўйича, шу даврга қадар, 1 нафар докторлик (Қ.Каримкулов) ва 2 нафар (Н.Тўхтабоев, О.Абдурахманова) номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди, Олий аттестация комиссиясида Божхона экспертларидан 2 нафар профессор (И.Асқаров, Ғ.Ҳамроқулов), 4 нафар доцент (А.Намозов, Қ.Каримкулов, Ғ.Ҳамроқулов, Л.Пулатова) илмий унвонларида тасдиқландилар.

Божхона экспертлари ҳақида маълумот

Табиийки, божхона экспертлари сифатида кимлар хизмат қила олиши мумкин деган савол туғилади?

Божхона экспертлари сифатида асосан кимё, кимё-технология, физика, биология, товаршунос, фармацевтика, санитария-эпидемиология ёки божхона иши мутахассислигига эга бўлган, юклатилган вазифаларни бажара оладиган мутахассислар хизмат қилиши мумкин.

Божхона экспертлари Марказий божхона лабораторияси бошлиғи тақдимномаси асосида ДБҚ Раиси буйруғи билан лавозимга тайинланади ва овоз этилади.

Божхона экспертларидан ўз билимларини мустақил равишда ошириб

бориш, божхонага оид меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишиб ва ўз фаолиятида улардан тўғри фойдаланиш, ўзига топширилган материаллар бўйича белгиланган тартибда экспертизалар ўтказиш, унинг олдида қўйилган саволлар бўйича асосланган ҳолда хулоса бериши ҳамда ТИФ ТНнинг амалда қўллаш қоидаларини, товарларнинг хусусиятларини мукамал билишлик талаб этилади. Шунингдек, улар малакаларини ошириш мақсадида, Бутун жаҳон божхона ташкилоти (ББТ) экспертлари томонидан ташкил этилган ўқув курс семинарларда доимий равишда қатнашадилар.

Товарларни ТИФ ТН код рақамларини аниқлашда божхона экспертизасининг аҳамияти

Божхона экспертиза лабораториясининг асосий вазифаси экспорт ва импорт қилинаётган маҳсулотларнинг ТИФ ТНга хос халқаро код рақамларини тўғри белгиланганлигини илмий асосда, тадқиқот қилиш йўли билан назорат қилишдан иборат.

Халқаро иқтисодий муносабатларда ва божхона амалиётида экспорт-импорт қилинадиган барча товарларнинг ТИФ ТН код рақамларини тўғри аниқлаш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Товарларни ТИФ ТН код рақамларини божхона экспертизаси орқали таҳлил қилиш натижасида, уларнинг кимёвий таркиблари, тузилиши, органолептик, физик-кимёвий ва бошқа кўрсаткичлари ҳамда товарларни ишлаб чиқариш жараёнларига доир муҳим маълумотларига эга бўлинади. Бу, ўз навбатида, товарларни тўғри номлаш, иқтисодий муносабатларда рўй бериши мумкин бўлган бир қатор жиноятларнинг олдини олиш ва ниҳоят истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятини беради.

Товар ва транспорт воситаларининг божхона расмийлаштирувини, уларнинг ТИФ ТН код рақамларини аниқлашнинг кимё фанининг ютуқларисиз амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам, ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, таъкидланса, товарларнинг сифати ва истеъмолга яроқлилигини аниқлашда, албатта экспертиза ўтказилади. Масалан, Россия Федерацияси Федерал божхона хизматининг Марказий божхона лабораториясида товарларга мувофиқлик сертификати бериш, товарларни идентификациялаш, қалбаки ҳужжатларни аниқлаш ва бошқа мақсадларда экспертизалар ўтказилади. Япония, Испания, Бельгия ва Европа Иттифоқи мамлакатларининг божхона тизимларида ҳам турли хил божхона экспертиза лабораториялари мавжуд бўлиб, товаршунослик, криминалистика ва бошқа кўплаб соҳа экспертизалари ўтказилади.

Бутун жаҳон божхона ташкилоти ва ривожланган давлатлар тажрибалари ўрганилди ва бу йўналишда чоп этилган адабиётлар таҳлил этилди. Товарларнинг ТИФ ТН код рақамларини аниқлаш учун авваламбор, товарларнинг 5 та хоссаси: кимёвий таркиби, вазифаси, миқдори, нархи ва жаҳон бозоридаги аҳамиятини ўрганиш талаб этилади. Ушбу маълумотлар ва ТИФ ТНни интерпретация қилишнинг асосий қоидаларига (6 та) биноан,

товарлар таснифланади. Товарларнинг кимёвий таркибини аниқлаш эса, физик-кимёвий усуллар орқали амалга оширилади. Товарларни тўғри ТИФ ТН код рақамларини аниқлаш жуда муҳим ҳисобланади. Сабаби, товарларнинг ТИФ ТН код рақамлари асосида божхона тўловлари тўлиқ ундирилади.

БЮДнинг 33-графасида товарларнинг ТИФ ТН код рақами;

31 –графасида товарларни тўлиқ тавсифи;

44-графасида товарга тегишли ҳужжатлар;

47-графасида ундириладиган божхона тўловлари (йиғим, бож, акциз ва ҚҚС ставкалари) ҳақидаги маълумотлар бир-бирига мос келиши назорат қилинади. Товарга тегишли маълумотлар товар кузатув ҳужжатларида (авиа ёки ж/д накладной, инвойс ёки счет фактура, сертификатлар ва бошқа ҳужжатлар) товарларнинг код рақамлари (масалан: код по ТН ВЭД 2208 ёки HS- 2208) берилади. Ушбу ҳужжатлардаги маълумотлар БЮДнинг 31,33,44-графаларидаги маълумотларга солиштирилади ва бу маълумотлар бир-бирига мос келиши назорат қилинади.

Юқоридаги таҳлилий маълумотлардан кўриниб турибдики, божхона экспертизаси товарларни ТИФ ТН код рақамларини аниқлаш учун товарларнинг маълум, асосий хоссаларини ўрганади. Масалан: бизга маълумки, енгил автомобилларнинг турлари ва ишлаб чиқарадиган давлатларнинг сони жуда кўп, лекин уларни ТИФ ТН бўйича таснифлашда асосий кўрсаткичи автомобилларда «от кучи», пахта толаси ва уларнинг маҳсулотларида эса, тола узунлиги эканлиги аниқланган.

Демак, товарларни ТИФ ТН код рақамлари тўғри аниқланиши натижасида божхона тўловлари тўлиқ ундирилади, бу соҳада ДБҚ МБЛ томонидан олиб борилган ишларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Республикамиз ҳудудига сифатсиз товарларнинг кириб келишини олдини олишда, Марказий божхона лабораторияси томонидан амалга оширилаётган ишлар

1) “Кафельный клей на цементный основе” товари БЮД орқали 3824 40 000 0 ТИФ ТН код билан расмийлаштирилган ва 10% бож тўланган. Мазкур номга мос келувчи товар 3214 90 000 9 ТИФ ТН код билан таснифланиши ва қўшимча равишда 30% бож, 30% акциз ва тегишлилигича қўшилган қиймат солиғи ундирилиши лозимлиги аниқланган.

2) “Добавки готовые для бетонов” товари БЮД орқали 3824 40 000 0 ТИФ ТН код билан расмийлаштирилган ва 10% бож тўланган. Мазкур товар 3214 90 000 9 ТИФ ТН код билан таснифланиши юзасидан хулоса тайёрланди. Натижада қўшимча равишда 30% бож, 30% акциз ва тегишлилигича қўшилган қиймат солиғи ундирилди.

3) Ўзбекистон Республикаси хўжалик субъекти томонидан импорт қилинаётган бўёқлар 3210 ТИФ ТН коди билан расмийлаштирилган. Ушбу кодда мойлар асосидаги бўёқлар таснифланади. Х.Сулаймонова номидаги суд

экспертизаси билан Марказий божхона лабораторияси ҳамкорлигида бўёкни кимёвий таркибини ўрганиш натижасида, бўёқ алкид лак асосида тайёрланганлиги аниқланиб, унинг тўғри ТИФ ТН коди 3208 эканлиги юзасидан хулоса тайёрланди.

4) “Составы водозащитные для бассейнов” товари БЮД орқали 3824 90 700 0 ТИФ ТН код билан расмийлаштирилган ва 10% бож тўланган. Мазкур товар 3214 90 000 9 ТИФ ТН код билан таснифланиши ва қўшимча равишда 30% бож, 30% акциз ва тегишлилигича қўшилган қиймат солиғи ундирилиши зарур.

5) “Смеси сухие строительные Mastertop 300 grey” товари БЮД орқали 3824 50 900 0 ТИФ ТН код билан расмийлаштирилган ва 10% бож тўланган. Мазкур товар 3214 90 000 9 ТИФ ТН код билан таснифланиши ва қўшимча равишда 30% бож, 30% акциз ва тегишлилигича қўшилган қиймат солиғи ундирилиши кераклиги аниқланган.

6) “Сухой раствор WEBER SS-10 dry koll-flex classic white” товари БЮД орқали 3824 40 000 0 ТИФ ТН код билан расмийлаштирилган ва 10% бож тўланган. Мазкур товар 3214 90 000 9 ТИФ ТН код билан таснифланиши ва қўшимча равишда 30% бож, 30% акциз ва тегишлилигича қўшилган қиймат солиғи ундирилиши лозим.

7) “Двухкомпонентный строительный раствор WEBER DRY SS-10 Powder, WEBER DRY SS-10 Liquid” товари БЮД орқали 3824 90 700 0 ТИФ ТН код билан расмийлаштирилган ва 10% бож тўланган. Мазкур товар 3214 90 000 9 ТИФ ТН код билан таснифланиши ва қўшимча равишда 30% бож, 30% акциз ва тегишлилигича қўшилган қиймат солиғи ундирилиши зарурлиги аниқланган.

8) “Цифровой видеорегистратор для видеонаблюдения” товари БЮД орқали 8471 90 000 0 ТИФ ТН код билан расмийлаштирилган ва 10% бож тўланган. Мазкур товар 8521 90 000 9 ТИФ ТН код билан таснифланиши юзасидан экспертиза хулосаси тайёрланди. Натижада қўшимча равишда 60% бож, 45% акциз ва тегишлилигича қўшилган қиймат солиғи ундирилади.

9) Республикамиз ҳудудига *“велосипед бутловчи қисмлари”* номли товарлар импорт қилинган. Ушбу бутловчи қисмларни ўрганиш натижасида “рама, передняя вилка, руль, обода, спица, камера, крышка, цепь, педали, передняя втулка, средняя и задняя ось, цепные звездочки, ведущая звездочка, венус-труба рулевая, ось, для педали, подшипники шаровые, устройство переключения передач, крыло, держатели тормозные, ручка тормозная, багажник, барабан, червяк, сепаратор, седла для велосипедов, трубка для седла, пружины для седла, хомуты для седла, кожух для седла, проволока для крепления седла, комплект для передней вилки, задний аппарат, чашка, стержень рулевой, шпонка, ролики, гайка” номли қисмлардан ташкил топганлиги бу эса ўз навбатида велосипед йиғиш учун керакли бўлган барча бутловчи қисмлар эканлиги маълум бўлди. Мазкур бутловчи қисмлар тайёр

велосипед йиғиш учун зарур бўлган барча бутловчи эҳтиёт қисмларни ташкил этиши ва уларни оддий йиғиш йўли билан тайёр велосипед ҳолатига келтириш мумкин эканлиги аниқланди. Бу эса ўз навбатида ТИФ ТНни интерпритация қилишнинг 2 (А) қоидасига мувофиқ ушбу бутловчи қисмларни “велосипед бутловчи қисмлари” тугалланган ва йиғилган товар каби таснифланиши кераклиги аниқланди.

10) БЮД билан расмийлаштирилган “Суперпенообразователь” номли товарнинг ТИФ ТН бўйича таснифланиши МБЛ томонидан ўрганиб чиқилди ва эксперт хулосаси тайёрланди.

Мазкур хулосага кўра, БЮДда товар учун нотўғри 3824905500 ТИФ ТН код қўйилган, ушбу товарни ТИФ ТН бўйича 2106909809 код билан таснифлаш зарурлиги маълум бўлди.

11) “Ресивер Openbox для параболической антенны” товари БЮД орқали 8529 10 800 0 ТИФ ТН код билан расмийлаштирилган ва 10% бож тўланган. Мазкур товар 8528 71 990 0 ТИФ ТН код билан таснифланиши ва кўшимча равишда 30% бож ва тегишлилигича қўшилган қиймат солиғи ундирилиши лозим.

12) “Заменитель молочного продукта” ва “Сухое молоко” товарлари “эркин муомалага чиқариш” божхона режимига 0402101100 ТИФ ТН код билан расмийлаштирилган. Марказий божхона лабораториясида ушбу товарларнинг намуналарини ТИФ ТН бўйича таснифланиши ўрганилганда, кимёвий таркибига кўра, ушбу товарлар ТИФ ТН бўйича 2106909200 код билан таснифланиши аниқланди.

14) “Седельные тягачи” товарларини ТИФ ТН бўйича таснифлашланиши юзасидан ўтказилган комиссиявий экспертиза хулосаси тайёрланди.

Мазкур хулосага кўра, БЮДда товар учун нотўғри 8704 ТИФ ТН код қўйилган, ушбу товарни ТИФ ТН бўйича 8701 код билан таснифлаш зарурлиги маълум бўлди.

15) “Передние и задние панели для телевизора H AIRUN, Пульт дистанционного управления для цветного телевизора H AIRUN, Конденсатор электрические постоянного напряжение 25v 220, Схема плата для цветного телевизора H AIRUN, комплектующие - Гайка М6, Шайба, винты самонарезающие, Скобы, Пенопласт для упаковки телевизоров, Картонная коробка из гофрированной бумаги для упаковки телевизоров, Инструкция по применению со схемой для цветного телевизора” ҳамда “Передние и задние панели для телевизора, Пенопласт для упаковки телевизоров, Картонная коробка из гофрированной бумаги для упаковки телевизоров, Пульт дистанционного управления для цветного телевизора, Схема плата для цветного телевизора, комплектующие - Гайка М6, Шайба, Инструкция по применению со схемой для цветного телевизора, Трубки электронно лучевого цветного изображения-кинескопы 21 дюйм, 17дюйм” телевизор учун эҳтиёт қисмлар импорт қилинган.

ТИФ ТНни интерпретация қилишнинг асосий қоидалари 2 (А) бандига мувофиқ кавшарлаш, бўяш, тешиш, заклепкаш ҳамда гайка ёрдамида маҳкамлаш каби оддий йиғиш жараёнини амалга ошириш билан қисмлар кўринишида тақдим этилган буюмни йиғиш мумкин бўлса, тугалланмаган ва йиғилмаган ҳолда тақдим этилган товарни тугалланган ва йиғилган товар каби таснифланади. ТИФ ТН интерпретация қилишнинг 2 (А) қоидасига биноан “Телевизорлар учун эҳтиёт қисмлар” номли товарлар тайёр тугалланган ва йиғилган ҳолдаги телевизор сифатида ТИФ ТНнинг 8528725400 товар подсубпозициясида таснифланиши аниқланди.

16) “Ўқувчи столлари” товари, мебель қисмлари сифатида БЮДда товар учун нотўғри 8704 ТИФ ТН коди орқали расмийлаштирилган. Ушбу товарларни экспертизаси натижасида тайёр мебель сифатида ТИФ ТН бўйича 9403 код билан таснифланиши маълум бўлди.

17) “Совутгичлар учун бутловчи қисмлар” товари Марказий божхона лабораторияси импорт қилинган “LG” маркали совутгичларни ишлаб чиқариш учун келтирилган бутловчи қисмлар тўплами товарлари шартномаларда ҳар бир турдаги товар номи учун бутловчи қисмга хос бўлган ТИФ ТН кодлар қўйилган. ДБҚ ходимлари томонидан корхонага бориб ўрганиш натижасида «LG» маркали совутгичларни ишлаб чиқариш учун келтирилган бутловчи қисмлар тўплами тайёр товар сифатида ТИФ ТНнинг 8418108001 коди билан таснифланиши аниқланди ва хулоса тайёрланди.

Шунингдек ўтган йилларда: “Ацетатные фильтровые палочки” товарининг ТИФ ТН кодини аниқлаш ёки телевизор учун бутловчи қисмлар сифатида келтирилган товарларни ТИФ ТНнинг 2(а) қоидасига асосан тайёр товар сифатида классификацияланиши натижасида катта миқдорда қўшимча божхона тўловлари ундирилиши аниқланди.

“Фильтровые палочки” товари ТИФ ТНнинг 481310000 коди билан классификацияланган. ДБҚ томонидан 2010 йилда ўтказилган экспертиза натижасида ушбу товарнинг ТИФ ТН коди 5601229900 эканлиги аниқланиб қўшимча божхона тўловлари ундирилди.

ТИФ ТНнинг 4813 товар позициясида (Бумага папиросная, нарезанная или не нарезанная по размеру или в форме книжечек или трубок) яъни қоғоздан (целюлоза) тайёрланган маҳсулотлар классификацияланади.

ТИФ ТНнинг 5601 товар позициясида (Вата из текстильных материалов и изделия из нее; текстильные волокна, не превышающие по длине 5мм (пух), текстильная пыль и узелки) яъни текстиль толалардан тайёрланган маҳсулотлар классификацияланади.

“Фильтровые палочки” товарини кимёвий таркибини ўрганиш натижасида филтрлар триацетин пластификатори билан ишланган ацетат толаларидан ташкил топганлиги маълум бўлди.

МБЛнинг яна бир йўналиши Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТНни Бутун жаҳон божхона ташкилотининг Уйғунлашган тизим номенклатураси ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ТИФ ТНлари билан мувофиқлаштириб бориш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш бўйича чоратадбирлар тўғрисида" 2012 йил 10 сентябрдаги ПҚ-1816-сон қарори билан Уйғунлаштирилган тизимнинг 2012 йилги шаклига асосланган, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг ТИФ ТН (2012 йил таҳрири) амалиётга жорий этилди.

Демак, юқоридаги таҳлилий маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасининг божхона тизимида илмий жиҳатдан асосланган Божхона экспертизаси тизими ташкил этилди. Божхона экспертизасининг ҳуқуқий асослари ва уни амалга ошириш усуллари, меъёрий ҳужжатлар тўплами, божхона экспертизасини ўтказиш тартиби, ҳозирги пайтда ишлаб чиқилиб бевосита амалиётга татбиқ қилинган. Бундан ташқари, божхона экспертизаси фани вужудга келиб, замонавий услубий қўлланмалар тайёрланди.

Олий таълим муассасаларида, жумладан, Олий ҳарбий божхона институти тингловчиларига «Божхона расмийлаштируви» бўйича мутахассисларга, шунингдек малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида ушбу фанни ўқитиш йўлга қўйилди.

НАЗОРАТ САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Божхона экспертизаси ташкил этилиши тарихини шарҳлаб беринг.
2. Божхона экспертизасининг асосий вазифаларини изоҳлаб беринг.
3. Божхона экспертлари сифатида кимлар хизмат қилиши мумкин?
4. Божхона экспертиза лабораториясининг бошқа вазирлик ва идоралар лабораториялари билан ҳамкорлигини шарҳлаб беринг.
5. Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш ихтисослигининг божхона органларида тутган ўрни ва аҳамиятини шарҳлаб беринг.
6. Товарларнинг ТИФ ТН код рақамларини аниқлашда божхона экспертизасининг аҳамиятини мисоллар билан тушунтиринг.
7. Республикамиз ҳудудига сифатсиз товарлар кириб келишининг олдини олишда, Марказий божхона лабораторияси томонидан амалга ошириладиган ишлар тўғрисида мисоллар келтиринг.

4- БОБ. БОЖХОНА ЭКСПЕРТИЗАСИНИНГ МОҲИЯТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Режа:

1. Божхона экспертизаси ва унинг мақсади.
2. Божхона экспертизасининг объекти ва субъекти.
3. Божхона экспертизасининг моҳияти ва вазифалари.
4. Божхона экспертизасининг ҳуқуқий асослари.

Божхона экспертизаси ва унинг мақсади

Божхона экспертизаси - бу махсус илмий, амалий ва таҳлилий тадқиқот натижаси бўлиб, божхона экспертлари томонидан божхона расмийлаштируви жараёнида маълум бир божхона мақсадлари учун зарур бўлган вазифаларни бажаради. Божхона экспертизасини умумий экспертизага таққослаганда, унинг ўзига хос белгилари, мақсад ва вазифалари ҳамда экспертиза ўтказиш усуллари борлигини кўриш мумкин.

Божхона экспертизаси товарларнинг божхона назоратини амалга ошириш усулларида бири бўлиб, божхона юк декларациясида расмийлаштирилган товарларнинг намуна ва нусхасининг кимёвий таркибини ўрганиш асосида ТИФ ТН бўйича синфлаш қоидаларига биноан халқаро код рақамининг тўғри ёки нотўғри синфланганлигини назорат қилади ва қуйидаги мақсадларда ўтказилади:

- Товарни идентификациялаш;
- Товарнинг кимёвий таркиби, характеристикалари, қўлланилиши ва ТИФ ТН кодини аниқлаш;
- Товар ҳолатини, тавсифини, ўрами ва омборларда сақланаётган товарлар сонини;
- Хужжатларнинг қалбаки ёки сохта эканлигини аниқлаш, бошқа маълумотлардан тўғри фойдаланишни, ушбу маълумотларни аниқлашни ва тўплашни ўрганиш;
- Қайта ишлашда товарларга кетган харажатларни, идентификациясини аниқлаш ва бошқа мақсадлар учун ўтказилади;
- БҚБ ҳолатлари юзасидан расмийлаштирилган ишларни юритиш бўйича юзага келган баҳс-мунозарали ҳолларни ечишда ва бошқа мақсадларда.

Божхона экспертизаси объекти ва субъекти

Божхона экспертизаси объекти – божхона назоратига олинishi лозим бўлган барча товарлар ва товар хужжатлари ҳамда божхона назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа хужжатлар божхона экспертизаси объекти бўлиши мумкин (ДБҚ нинг 2008 йил 14 майдаги 170-сонли буйруғиги асосан).

Божхона экспертизаси субъекти – божхона органлари мансабдор шахслари – божхона лабораторияларининг экспертларидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида, кенг миқёсда тадбиркор ва ишбилармонларга мустақил ташқи савдо билан шуғулланишлари учун жуда

кулай имкониятлар яратиб берилмоқда. Лекин улар Ташқи иқтисодий фаолият қоидаларини яхши билмасликлари ва экспертлар хизматидан фойдаланмасликлари оқибатида, товарларни хорижий мамлакатлардан олиб келиш ёки четга товар чиқаришда кўп хатоликларга йўл қўймоқда. Бунинг оқибатида, Республика иқтисодий манфаатларига зарар етказилмоқда.

Товарларни харид қилиш ва қабул қилишда, ТИФ қатнашчилари қуйидаги товарларга қўйиладиган талабларни билишлари зарур:

- товарларнинг миқдори, бус-бутунлигини тасдиқлаш;
- товарлар сифати, хом ашёларнинг таркибини аниқлаш;
- товарларни вагон ва контейнерлардан қабул қилишда уларнинг миқдорини аниқлаш;
- товарларни юклашдан олдин экспертизадан (передотгрузочная инспекция) ўтказиш;
- товарларнинг Давлат стандарти талабларига мослигини текшириш;
- товарларнинг шартнома талабларига мослигини аниқлаш ва ҳ.к.

Божхона экспертизасининг моҳияти ва вазифалари

Божхона экспертизаси бошқа тур экспертизалардан тубдан фарқ қилади. Божхона назорати ва расмийлаштирувини амалга ошириш жараёнида товарларнинг намуналари ва ҳужжатлари божхона экспертизасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 29 августда 1269-рақам билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтилаётган товарларнинг намуна ва синамаларини божхона органлари тизимида тасарруф қилиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома, Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 14 майдаги «Божхона экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»ни тасдиқлаш ҳақидаги 170-сон буйруғи талаблари асосида ўтказилади ва қуйидаги мақсадларда амалга оширилиши мумкин:

- товарларнинг божхона расмийлаштируви жараёнида пайдо бўлган муаммоларни ҳал этиш, яъни ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси (ТИФ ТН) бўйича код рақамларини аниқлаш; товарлар тури ва таркибини аниқлаш; товарларни сифат кўрсаткичлари асосида (нави, тури, таркиби ва ҳ.к.) унинг сифати ва нархини баҳолаш; божхона муҳрлари, ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш; товарни ишлаб чиқарган мамлакатни аниқлаш; товарларнинг божхона қийматини белгилайдиган кўрсаткичларни аниқлаш; гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни аниқлаш; божхона қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ ишларни олиб бориш; товарларнинг айнан бир хиллигини (идентификация) аниқ ифодалаб бериш.

Бундан ташқари, суриштирувчи ёки терговчи томонидан қўйилган саволлар асосида криминалистика, товаршунослик ва бошқа турдаги экспертизалар ҳам божхона экспертизасининг предмети бўлиши мумкин.

Божхона экспертизасини ўтказиш жараёнида тақдим этилган ҳужжатларнинг қалбаки ёки сохта эканлигини аниқлаш зарурати пайдо

бўлганлиги учун баъзан «дастхатлик» тадқиқотларини олиб боришга ҳам тўғри келади.

Хужжатларни илмий-техник воситалар ёрдамида текширишда хужжатларнинг қалбакилаштирилган ёки ёзувлари ўзгартирилган қисми турли физикавий, кимёвий ва бошқа усуллар ёрдамида текширилади.

Бунда, хусусан:

- хужжатлардаги турли ўзгаришларни (ўчириш, қўшимча ёзиш, бор ёзувни бошқача ўзгартириб ва матнни йўқотиб, ўрнига бошқа ёзувни киритиш кабилар) аниқлаш; дастлабки ҳақиқий матнни тиклаш; сўзларни ёзишда ишлатилган техник воситалар (ёзув машинкаси, компьютер ва бошқалар) турини аниқлаш; муҳр ва штампларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш ва бошқа ишлар юқорида кўрсатилган восита ва усуллар билан бажарилади. Шулардан келиб чиқиб, ушбу соҳада илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириб божхона экспертизаси самарасини ошириш долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг қарорига асосан, божхона экспертизаси ДБҚ Марказий божхона лабораторияси (МБЛ) ва унинг вилоят ва постлардаги божхона экспертизаси гуруҳларида амалга оширилади. Товарларнинг тури ва хусусиятларига қараб, зарурат бўлганда, экспертиза ўтказилиши учун четдан ҳам мазкур соҳа мутахассислари жалб этилиши мумкин.

Экспертизани тайинлаш масаласи мазкур ишни кўриш талабидан келиб чиқади. Экспертизада пухта тайёргарлик кўриб, унинг мақсадини аниқлаш, экспертизанинг яхши натижалар билан яқунланишини таъминлайди. Экспертиза объектларини тўплаш, танлаш, сақлаш ва экспертиза жойига жўнатиш маълум талабларга жавоб бериши лозим. Экспертизанинг муваффақиятли ўтказилиши ва экспертиза хулосаларининг тўғри ва ишончли бўлиши, экспертизага тақдим этилган материалларнинг тўла ва мукамаллиги, сифатли сақланганлиги, далилий ашёлардан нусха ёки намуналарнинг Давлат стандарти талабларига асосан олинганлиги, жўнатишда эса, тўғри ўралганлиги ва шу каби бир қатор талабларга риоя қилинганлигига боғлиқ. Экспертизага юбориладиган ҳар бир объект процессуал расмийлаштирилган бўлиши шарт. Шундагина эксперт хулосаси ҳуқуқий кучга эга бўлиши мумкин. Афсуски, экспертизага тақдим этилган тадқиқот объектлари юқоридаги талабларга баъзан жавоб бермайдиган ҳолатлар ҳам учраб туради. Экспертиза хулосасининг қанчалик далилий ишончилиги кўп ҳолатларда экспертларнинг билим ва малакасига ёхуд эксперт олдида қўйилган содда ва аниқ саволларга ҳам боғлиқ.

Агарда қўшимча экспертизани амалга ошириш жараёнида, эксперт бирламчи экспертиза натижаларидан фойдаланган бўлса, бу ҳақда қўшимча экспертиза хулосасининг тадқиқотлар қисмида кўрсатиши керак. Агар қайта экспертиза хулосаси билан бирламчи экспертиза натижалари бир-биридан фарқ қилса, бунинг сабаблари, илмий асосланган ҳолда, кўрсатилиши лозим.

Божхона экспертизаси хулосаси, жадвал ва чизмалар (илова тариқасида) берилганида, улар ҳам эксперт томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади. Иловаларда тегишли хулосанинг тартиб рақами ва берилган санаси ёзиб қўйилади.

Божхона экспертизаси хулосаси ва унинг иловалари 2 нусхада тузилиб, биринчи нусха экспертиза тайинлаган органга, иккинчи нусхаси эса, божхона лабораториясига топширилади.

Божхона экспертизасининг ҳуқуқий асослари

Божхона экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш тартиби учун куйидаги қонун ҳужжатлар ҳуқуқий асос бўлиб ҳисобланади.

1. Ўзбекистон Республикаси “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Қонуни (29.08.1997 й. 472-І).

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят – процессуал кодекси (22.09.1994й. №2013-ХІІ).

3. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси (26.12.1997 й. 548-І).

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат божхона хизмати органлари иш фаолияти самарадорлигини ошириш ва янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1595-сонли қарори (10.08.2011й).

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 29 августда 1269-рақам билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтилаётган товарларнинг намуна ва синамаларини божхона органлари тизимида тасарруф қилиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 14 майдаги «Божхона экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»ни тасдиқлаш ҳақидаги 170-сон буйруғи.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2010 йил 21 июлдаги “Товарларни божхона экспертизаси” автоматлаштирилган ахборот тизимини амалиётга киритиш тўғрисидаги 180 сонли буйруғи.

Давлат божхона хизмати тўғрисидаги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ божхона органлари ўз ваколатлари доирасида куйидаги ҳуқуқларга эга:

-товарлар ва транспорт воситаларини, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, жисмоний шахсларнинг ўзини кўздан кечириш;

-юримдик ва жисмоний шахслардан кўздан кечириш учун товарлар ва транспорт воситаларини, шунингдек зарур ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;

-валюта назоратини амалга ошириш;

-молия, банк ва бошқа ташкилотлардан, шунингдек юримдик ва жисмоний шахслардан экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ахборот ва ҳужжатларни ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ахборотни олиш;

-божхона назоратидан ўтказиш мақсадида товарлар ҳамда бошқа буюмлардан намуна ва нусхалар олиш;

-божхона назоратидан ўтказилиши лозим бўлган товарлар сақланаётган худудларга ва биноларга белгиланган тартибда кириш;

-божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига доир материалларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиш;

-божхонага оид ҳуқуқбузарликларнинг бевосита предмети бўлган товарлар ва транспорт воситаларини қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда ушлаб туриш ҳамда олиб қўйиш;

-экспорт қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулотлар Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетилаётганда, шунингдек акциз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганда, транспортировка (халқаро транзит бундан мустасно) қилинганда ва сақланганда уларни (хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан суд тартибида) мусодара этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

-суриштирув ўтказиш ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш;

-божхонага оид ҳуқуқбузарликларни аниқлашга хизмат қиладиган техникавий ва махсус воситаларни қўллаш.

Божхона органлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадирлар.

Божхона кодексининг 5 моддаси “Божхона органларининг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги” деб номланади, унда таъкидланганидек, божхона органлари божхона иши вазифаларини ҳал этиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар ҳамда давлатнинг ўзга органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Шунингдек, зарур ҳолларда Божхона кодексининг 53 моддасига биноан божхона органлари божхона назоратини ўтказишда ёрдам кўрсатиш учун махсус билим ва кўникмаларга эга мутахассислар ва экспертларни жалб этиши мумкин.

Божхона кодексининг 79-моддасида божхона расмийлаштирувини ўтказиш учун намуналар ва нусхалар олиш ҳақида баён қилинган.

Божхона расмийлаштирувини ўтказиш учун божхона органлари, уларнинг руҳсати билан эса товарларга нисбатан ваколатларга эга бўлган шахслар ва давлат назоратини амалга оширувчи бошқа органлар божхона назорати остида турган товарлардан уларни текшириш (экспертиза қилиш) учун намуналар ва нусхалар олишга ҳақлидирлар.

Товарларга нисбатан ваколатларга эга бўлган шахслар намуналар ва нусхалар олиш вақтида ҳозир бўладилар ва божхона органларининг мансабдор

шахсларига ёрдам кўрсатадилар, шунингдек намуналар ва нусхаларни текшириш натижалари билан танишадилар.

Божхона кодексининг 181-моддасида божхона экспертизасини ўтказиш ҳақида алоҳида кўрсатиб ўтилган бўлиб, унда божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни юритиш пайтида божхона органи мансабдор шахсининг қарори билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда экспертиза тайинланиши мумкин дейилган.

Божхона кодексининг 182-моддасида экспертиза ўтказиш учун намуналар ва нусхалар олиш тўғрисида берилган бўлиб, божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни юритаётган божхона органининг мансабдор шахси қарор асосида ва ҳолислар иштирокида, зарур ҳолларда эса, мутахассислар иштирокида товарлар ва бошқа буюмлардан экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган намуна ва нусхаларни, шунингдек имзонинг, ёзувнинг нусхаларини олишга ҳақли эканликлари белгилаб берилган.

Божхона экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома, божхона органлари томонидан божхона назорати объектларини божхона назоратидан ўтказиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, божхона қонунчилиги бузилиши ҳолатлари юзасидан расмийлаштирилган ишларни юритиш ёки юритилиш ваколати божхона органлари фаолияти доирасида бўлган жиноий ишлар ва божхонага оид бошқа қонунбузарликлар бўйича суриштирув ишларини ўтказиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан божхона лабораторияларида экспертиза тайинлаш, ўтказиш, хулоса бериш қоидаларини белгилаб беради, шунингдек бунда «Товарларни Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича тўғри классификацияланишида биринчи даражали идентификацияланадиган товарлар рўйхати» тасдиқланган ва амалга киритилган.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Божхона экспертизасининг вазифаларини шарҳлаб беринг.
2. Божхона экспертизасининг объекти ва субъектини шарҳлаб беринг.
3. Божхона экспертизасининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятларини изоҳлаб беринг.
4. Божхона экспертизасининг ҳуқуқий асослари.

5- БОБ. БОЖХОНА ЭКСПЕРТИЗАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УСУЛЛАРИ ВА УЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ТЕХНИК ВОСИТАЛАР

Режа:

1. Божхона экспертизасини амалга ошириш усуллари:
 - Органолептик усули,
 - Ҳисоблаш усули,
 - Инструментал усули ҳақида маълумотлар.
2. Хроматография усуллари.
3. Божхона экспертизасининг хусусиятлари.

Божхона экспертизасини амалга оширишда турли усуллар ва техник воситалардан фойдаланилади.

1. Органолептик усул - инсон сезги органлари (ҳид сезиш, таъм билиш, пайпаслаб кўриш ва ҳ.к.) томонидан қабул қиладиган товар хусусиятларининг ўзига хос томонларини аниқлаш имкониятини беради. Бу усул озиқ-овқат маҳсулотлари, ароматик моддалар ва қимматбаҳо тошларни аниқлашда қадимдан фойдаланиб келинган. Айниқса қимматбаҳо тошлар ва заргарлик буюмлари савдосида қадимдан визуал усул қўлланилиб келинган. Бу усулда кўзойнак ва лупадан фойдаланилган. Бу усул осон, арзон ва қисқа муддатда бажарилиши ҳамда буюмларнинг физик ҳолатига шикаст етказмаган ҳолда аниқланиши сабабли божхона экспертизаси фаолиятида жуда қўл келади. Бу усулни ўта аниқликда (сезгирликда) ўтказиш мумкин деб бўлмайди, шу сабабли аниқ маълумот олиш учун махсус мутахассисларга мурожаат қилинади. Товарларни органолептик усул билан божхона экспертизасидан ўтказилганда 50% натижа олиниши мумкин.

2. Ҳисоблаш усули – ушбу усулда товарларнинг божхона экспертизасини ўтказишда уларни мавжуд (хужжатлардаги сифат сертификати, техпаспорт кабилар) кўрсаткичларни давлат стандартларидаги кўрсаткичларига таққослаш ва ҳисоблаш орқали амалга оширилади. Масалан: кимёвий моддалар, нефть ва нефть маҳсулотлари ва шу кабилар. Шунингдек қимматбаҳо тошларнинг оғирлиги ва ҳажмини ўлчаш йўли билан олинган маълумотлар ҳисоб-китоб қилиниб божхона экспертизасида фойдаланилиши мумкин.

3. Асбоб-ускуналар ёрдамида тадқиқот ўтказиш (инструментал) усули – бу усулда товарларни физик-кимёвий замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида тадқиқот ишлари олиб борилади. Бунда қуйидаги асбоблар ишлатилиши мумкин:

- кимёвий лаборатория асбоб-ускуналари (физик кўрсаткичлар);
- спектрометрлар (ультрабинафша, инфрақизил);
- хроматографлар (газли, суюқ ва юпка катлам);
- рентген спектроскопия ;
- хроматомасс-спектрометрия;

- атом-абсорбцион ва бошқа спектрометрия асбоблари.

Хроматография усуллари

Ушбу услубнинг моҳияти, тадқиқ этилаётган моддаларни ажратиш, концентрлаш ва таҳлил қилишдан иборатдир. Хроматографик услуб ва воситалар моддаларнинг фракция ва молекуляр таркибини аниқлаш имконини беради. Уларнинг ўзаро аралашмасидан икки фаза (турғун ва ҳаракатчан) орасида турлича тақсимланишига асосланган бўлиб, Турғун фазанинг сирти билан туташганда аралашма таркибидаги моддалар ўз адсорбцияланиши ва эриш хусусиятларига мос равишда турғун ва ҳаракатчан фазалар орасида тарқалади.

Ютиладиган модда сорбат. Ютадиган модда сорбент ва айни жараён сорбция деб аталади.

Сорбция (сирт юзасида ютилиш), адсорбция (бутун ҳажмда ютилиш) тушунчаларини ўз ичига олади. Бундан ташқари, хемосорбция – кимёвий ютилиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Ютилишга тесқари бўлган ютилган моддаларнинг сорбентдан ажратиш жараёни десорбция дейилади.

Агар турғун фаза суюқлик бўлса, анализ қилинадиган модда унда эриши ва у ҳар иккала фаза орасида тақсимланиши керак. Бундай хроматография тақсимланиш хроматографияси деб юритилади.

Турғун фаза қаттиқ модда бўлиб, аниқланадиган модда унда ютилса, бундай усул адсорбцион хроматография дейилади. Хроматография усуллари куйидагилар асосида синфланиши мумкин:

1. Фазаларнинг агрегат ҳолати бўйича:
 - газ;
 - суюқлик;
 - газ-суюқлик хроматографияси.
2. Ажратиш механизми бўйича:
 - адсорбцион;
 - тақсимланиш;
 - жой алмашилиш;
 - чўктириш ва бошқалар.
3. Жараёни ўтказиш усули (техникаси) бўйича:
 - колонкали, капилляр, юзавий (қоғоз, юпка қаватли) хроматография.

Газ хроматографи (Gas Chromatograph).

Вазифаси:

1. Спиртли ичимликлар – вино, коньяк, ароқ ва шу каби маҳсулотлар;
2. Фармацевтика маҳсулотлари – дори воситалари ва субстанциялар;
3. Органик бирикмалар – кислоталар, альдегидлар, кетонлар ва шу каби маҳсулотлар;
4. Гербецид ва пестицидлар каби мураккаб таркибли маҳсулотларнинг таркиби ва микдори тўғрисида ахборот беради.

Ишлаш усули:

Аввал юқорида қайд этилган мураккаб аралашмаларни алоҳида тоза моддаларга ажратади. Ҳар бир моддани мавжуд стандарт моддага нисбатан таққослаш йўли билан қайси моддага мансублиги аниқланади. Газ хроматографияси махсус жараёнида “газ хроматографияси” деб аталган махсус асбоб қўлланилади.

Газ хроматографияси усулида- ҳаракатчан фаза сифатида ташувчи деб аталадиган инерт газ ишлатилади. Бу усулда аниқланадиган модда, албатта газ ҳолига ўтказилиши зарур. Газ хроматографияси газ қаттиқ (газ адсорбцион) ва газ суюқлик хроматографияси усулларига бўлинади. Газ адсорбцион усулда турғун фаза сифатида қаттиқ адсорбент ишлатилади. Газ-суюқлик хроматографияси усулида турғун фаза сифатида бирор қаттиқ моддага юпқа қават билан киритилган суюқлик ишлатилади. Колонка диаметри 3-6 мм, узунлиги 1-3 метрли пўлат, мис ёки шиша найдан иборат. Иссиқлик ўтказувчанлик, алангани ионлаштириш, электрон ишлаш асосидаги детекторлар, гелий, водород, азот сингари газлар ташувчи, силикагель, алюминий оксиди, активланган кўмир ва молекуляр элақлар турғун қаттиқ фаза, кутбланмаган углеводородлар ёки силоксанлар турғун суюқ фаза сифатида ишлатилади. Турғун фазаларни тутувчилар сифатида солиштирма юзаси етарли даражада катта бўлган механик мустаҳам, бир жинсли тақсимланишни таъминлайдиган кизельгур, митти шиша шариклари, силикагель, тефлон ва бошқалар ишлатилади.

Суюқлик Хроматографи (HPLC).

Вазифаси:

1. Нефтьнинг оғир фракциялари – мойловчи воситалар, керосин, солярка.
2. Озиқ - овқат маҳсулотлари таркибидаги витамин ва шунга ўхшаш мураккаб моддалар:
3. Ўсимликлар актив моддалари каби маҳсулотларни таркиби тўғрисида ахборот беради.

Ишлаш усули:

Юқорида қайд этилган мураккаб аралашмаларни аввал алоҳида моддаларга ажратади.

Ҳар бир модданинг мавжуд стандарт моддага нисбатан таққослаш йўли билан қайси моддага мансублиги аниқланади.

Юқори самарадор суюқлик хроматографияси (ВЭЖХ) усулида икки фаза, яъни турғун ва ҳаракатчан фазалар ишлатилади. Турғун фаза сифатида асосан силикагель (SiO_2), алюминий оксиди (Al_2O_3) ва полистерол ишлатилса, ҳаракатчан фаза сифатида эса дихлорметан, метанол, изопропанол, циклогексан, хлороформ ёки уларнинг аралашмалари ишлатилади. ЮССХ моддаларни ажратиш усули аниқланадиган моддаларнинг турғун фазада ионланиш

даражаси, кислоталилиги, молекуляр массаси ва кутиблилиги ҳамда бошқа хоссаларига асосан ҳаракатчан фаза ёрдамида ажратишга асосланган.

ЮССХ нинг колонкали хроматографиясидан афзаллиги, унда юқори босимнинг ишлатилиши (400 бар гача) натижасида ажратиш вақти (3-30 мин) тезлашади.

Гел-хроматографияси.

Молекулалар ўлчамларининг ҳар хиллиги асосида ажратиш амалга оширилади. Бу усул молекулалар элакли хроматография номи билан ҳам аталади. Турғун фаза сифатида аниқ ўлчамли ғовак заррачалар, ҳаракатчан фаза сифатида эса сувдаги ёки органик эритувчидаги элементлар ишлатилади.

Ажратиш вақтида модда сорбентнинг ғовак тирқишларида ва эритувчи орасида тақсимланиб турғун фаза оралиғидан, катта ўлчамли молекулалар эса сорбент тирқишларига киролмасдан колонкадан ўтиб кетади. Ўлчами кичик молекулалар тирқишларга кириб секин ҳаракатланади ва шу туфайли ажралади. Сорбентлар юмшоқ, қаттиқ, ва яримқаттиқ бўлиши мумкин. Юмшоқ сорбентлар полисахаридлар (крахмал, декстрин ва целлюлоз) асосида тайёрланади, улар босим ва катта тезликли ҳаракатга чидамли эмас. Яримқаттиқ геллар стирол ва дивинилбензолнинг сополимеризацияси асосида олинади, улар юқори босимга чидамли бўлади.

Қаттиқ геллар шиша ёки силикагелдан иборат бўлиб, уларнинг камчилиги геллар адсорбцион қобилиятининг юқорилигидадир.

Юпқа қатламли хроматография- адсорбцион ва тақсимланиш хроматографияси турларидан ҳисобланиб, унда электр пластинка устидаги юпқа қават бўйлаб, капиллярлик кучи туфайли ҳаракат килади. Элуент кўтарилувчи ёки тушувчи бўлиши мумкин. Ажратиладиган аралашма старт чизигига томизилгандан кейин ундаги моддаларни ҳаракатчан фаза ўзи билан ҳаракатлантиради. Ёмон абсорбланувчи модда кўпроқ ҳаракатланади ва яхши ютиладиган моддалар ажратади.

Инфрақизил спектрометр (ИҚ – спектр, FT IR).

Вазифаси:

1. Полимер бирикмалар – полиэтилен, полипропилен поливинилхлорид ва шу каби маҳсулотлар:

2. Суъний ва синтетик толалар – нейлон, капрон, полиэфир, акрил, вискоза, ацетат ва шу каби маҳсулотлар;

3. Кукунсимон органик бирикмалар каби маҳсулотлар тўғрисида тўлиқ ахборот беради.

Ишлаш усули: Юқорида қайд этилган маҳсулотларни инфрақизил спектрларини чизиб, ўзининг базасида мавжуд бўлган моддалар спектр чизиклари билан таққослаб, қайси модда эканлигини аниқ кўрсатиб беради. Базада 17600 та спектрлар мавжуд.

Инфрақизил спектроскопия моддаларнинг кимёвий тузилишини текширишнинг физик усули бўлиб, кимёвий моддалар спектрининг инфрақизил соҳасида электромагнит нурланиши билан таъсирланишига асосланган.

Молекуланинг ички энергияси электронлар энергияси, атомларнинг тебраниш энергияси ва атомлар группаларининг айланиш энергиясидан ташкил топади.

Электрон энергияси электромагнит тўлқин шкаласининг ультрабинафша ва кўринадиган қисмида намоён бўлади.

Инфрақизил соҳада атомларнинг тебраниш энергияси вужудга келади, шунинг учун инфрақизил спектрлар кўпинча тебраниш спектрлари, уни ўрганиш усули эса тебраниш спектроскопияси деб аталади.

Ўзининг оддийлиги, аниқлиги ва тежамлилиги билан бу усул химиклар эътиборини қозонди.

Текширилаётган модданинг миқдори жуда кам, яъни 10^{-6} граммгача бўлади. Анализ учун қўлланиладиган асбобнинг номи ИҚ– спектрометр дир.

Абцисса ўқига эса микрометр (мкм) да ўлчанган тўлқин узунлиги ёки тўлқин сони қўйилади. Тўлқин сони бу бир см масофа жойлашиши мумкин бўлган тўлқинлар сони бўлиб, см да олинган тўлқин узунлигининг тескари кийматидир. Тўлқин сони см^{-1} каби белгиланади (тескари сантиметр).

Нурланиш манбаи сифатида юқори температура ($1400-1900^{\circ}\text{C}$) гача қиздирилган ва узлуксиз нур спектрини берадиган кремний карбид ёки цирконий, иттрий ва торий оксидларининг аралашмаси ишлатилади.

ИҚ нур маълум узунликдаги нурларни ўтказувчи қурилма - монохроматор орқали ўтади. Бу қурилма асосини ош тузи, литий фторид ёки металлларнинг бошқа галогенидларидан тайёрланган призмалар ташкил этади; бу призмалар маълум тўлқин узунлигидаги ИҚ – соҳа учун тиниқ дир (шиша ва кварц ўртача ИҚ соҳа учун тиниқ эмас). Монохроматордан сўнг ИҚ нурлар учун тиниқ материалдан ясалган идиш – кювета ўрнатилади. Бу кюветага текширилаётган модда солинади. Бундай модда парда, эритма, паста, таблетка, газ кўринишида бўлиши мумкин. Моддаларнинг турли шакл ва агрегат ҳолатда бўлиши ИҚ-анализ усулининг бошқа физик усулларга нисбатан афзаллигидир.

Кювета орқали турли тўлқин узунлигига эга бўлган нурлар кетма – кет ўтказилади. Улар кюветадан ўтиб, нурни қабул қилиб олувчи қурилма детекторга тушади. Бу ерда нурлар қайд қилинади ва уларнинг интенсивлиги ўлчанади.

Нурланиш детектори сифатида иссиқлик қабул қилувчилар (барометрлар, термоэлементлар), ташқи фотоэффектли (фотоэлементлар, фотоқўпайтирувчилар, электрон-оптик ўзгартирувчилар) ёки ички фотоэффектли йиғувчилар (фоторезисторлар, фотодиодлар) қўлланилади. Детекторда олинган сигнал кучайтирилади, фотометр билан ўлчанади ва ёзиб олувчига ўтади, у эса ҳаракатланиб турувчи қоғоз лентага чизиқлар чизади. Координиталарда моддадан ўтган нур интенсивлиги ва тўлқин узунлигидан

иборат график ҳосил бўлади. Агар маълум тўлқин узунлигидаги нур текшириляётган моддага ютилса, бу график ёзувчи перонинг силжишига олиб келади ва ИҚ – спектрда (ҳосил бўлган график шундай аталади) ўша моддага хос ютилиш соҳаси пайдо бўлади.

Берилган молекула томонидан ютилган инфрақизил нур частотаси шу молекуладаги атомларнинг тебраниш частотасига мос келади. Минглаб индивидуал моддалар учун характерли (яъни маълум структурали атом группаларига хос) ютилиш частоталари ҳисоблаб чиқилган ва тажриба асосида аниқланган. Химик текшириляётган модданинг ИҚ – спектрини олгач, дастлаб уни махсус каталогларда берилган стандарт билан солиштиради.

Агар текшириляётган модда спектри бирорта стандарт билан мос тушса, у ҳолда текшириляётган модданинг спектри солиштириляётган модданинг спектри экан деб хулоса қилиш мумкин.

ИҚ – спектроскопия номаълум модданинг кимёвий таркиби ва тузилишини белгилашга, улардаги маълум функционал группаларни аниқлашга имкон беради. Бу кимёвий изланишларда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Хроматомасс – спектрометр (GCMS).

Вазифаси:

1. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар;
2. Прекурсорлар;
3. Нефтнинг енгил фракциялари - бензин, керосин, солярка;
4. Суюқ хушбўй моддалар– атир-упа, эфир мойлари;
5. Ўсимлик мойлари пахта, писта ва ловия ёғлари каби мураккаб таркибли маҳсулотлар таркиби ва миқдори тўғрисида тўлиқ ахборот беради.

Ишлаш усули:

Юқорида қайд этилган мураккаб аралашмаларни аввал алоҳида тоза моддаларга ажратади. Сўнгра ҳар бир модданинг масс спектрини ўлчаб ўзининг базасида мавжуд бўлган моддалар кўрсаткичлари билан таққослаб, қайси моддага мансублигини кўрсатади. Базада 25000 модда спектрлари мавжуд.

Хроматомасс спектроскопия усули оптик ва радио спектроскопик усуллардан тубдан фарқ қилади.

Масс - спектрометрия газ ҳолатидаги моддани масс спектрометр деб аталадиган асбобда чуқур ва вакуумда (10-7, 10-9мм симоб устунида) электронлар оқими билан бомбардимон қилиб парчалаш ва ҳосил бўлган ионларни - «бўлак»ларни анализ қилишга асосланган. Органик моддалар электронлар оқими билан бомбардимон қилинишидан олдин буғ ҳолатига ўтказилади, чунки буғ ҳолатида модданинг электронлар оқими билан тўқнашиши тезроқ содир бўлади.

Одатда, электронлар оқими энергияси 40-60 электрон-вольт атрофида бўлади. Бу энергия ионланиш энергиясидан ва молекуладаги боғларни узиш учун керакли энергиядан анча кўп. Бомбардимон қилаётган электронлар таъсирида моддадан дастлаб битта электрон ажралиб чиқади ва молекуляр ион

деб аталувчи катион (M^+) ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган ион (M^+)нинг молекуляр массаси дастлабки органик модданинг массаси билан бир хил бўлиши ўз-ўзидан тушунарли. Сўнгра ҳосил бўлган молекуляр ион (M^+)нинг бир қисми, баъзан ҳаммаси парчаланadi. Бундан ҳосил бўлган фрагментлар, асосан мусбат зарядланган ионлар, айрим ҳолларда эса радикаллар ёки нейтрал молекулалар бўлиши мумкин. Молекулаларнинг фрагментларга парчаланиши у ёки бу боғнинг қай даражада мустаҳкамлигига, яъни модданинг тузилишига боғлиқ. Шунинг учун масс-спектр бўйича ўрганилаётган модда молекуласидан қандай ва қанча миқдорда фрагментлар ҳосил бўлганини аниқлаб, модда тузилиши ҳақида ҳулоса чиқариш мумкин. Органик моддалар чуқур вакуумда бомбардимон қилинган учун ионлар кам миқдорда ҳосил бўлади. Бу эса, ўз навбатида, спектрнинг мураккаблашиб кетмаслигини таъминлайди.

Одатда текширилаётган модда масс-спектрнинг сезгирлиги юқори бўлган осцеллографлар ёрдамида фотоқоғоз ленталарига туширилади.

Фотоленталарга туширилган масс-спектр чизиқларнинг ҳар бири маълум массасини билдириб, бу катталиқ m/e – массасининг зарядга нисбати сифатида қабул қилинган. Бу қиймат ионнинг спектрда қайси нуқтада жойлашини белгилайди. Масалан, метил спирти CH_3-OH нинг спектридаги $M^+ 32 m/e$, унинг фрагмент ионлари эса, $29 m/e$, $15 m/e$ қийматларда кўринади. Ёки этил спирти, $M^+ 46 m/e$, унинг фрагмент ионлари эса, $45 m/e$, $28 m/e$, $15m/e$.

Ультрабинафша спектроскопия (УФ. UV).

Ультрабинафша УБ нурлар органик модда эритмасидан у ёки тор диапазондаги тўлқин узунлиги соҳасида нур интенсивлигининг кучсизланиши рўй беради. УБ – нурларни кўз билан кўриб бўлмаслиги туфайли нур интенсивлигининг кучсизланиши, яъни ютилиш спектрини ҳосил қилиш учун махсус аппаратлар керак бўлади. Масалан, УБ – спектр олиш учун кварцли спектрограф керак, чунки шиша ультрабинафша нурларни ютади.

Ютилиш спектрини кўриш учун фотопленкага унинг сурати олинади ёки махсус мосламалар ёрдамида ёзиб олинади.

УБ – спектроскопияда абсорбцион эгри чизиқларни чизиш учун, одатда абсцисса ўқига тўлқин узунлиги (ёки тўлқин сони), ордината ўқига эса ютилишни характерловчи экстинкция қиймати қўйилади.

УБ – спектроскопия 200-760 нм диапазонда жойлашганлиги туфайли энг осон кўзғаладиган Π – электронлар ва умумлашмаган электронлар жуфтнинг кўчишини кўрсатади. Умумлашмаган электронлар жуфти ёки Π – электронларга эга бўлган атомлар группаси мазкур модда спектрида у ёки бу ютилиш соҳаларини беради. Ана шундай атомлар группаси хромофор группалар деб аталади.

УБ- спектроскопиядан турли мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Қуйида ишлардан баъзиларини кўриб чиқамиз:

1. Синтез қилинган модда билан адабиётда тарифланган модданинг бир хил ёки бир хил эмаслигини исботлаш мумкин. Бунинг учун ҳар иккала модданинг бир хил шароитда олинган УБ – спектрлари таққосланади.
2. Молекулада водород боғланишлар бор-йўқлиги аниқланади.
3. УБ – Спектроскопиядан фойдаланиб, иккита водороди алмашилган бензол ҳосилаларидаги ўринбосарларнинг жойланиш тартибини аниқлаш мумкин.
4. Ютилиш интенсивлиги ёки оптик зичлик модда концентрациясига пропорционал бўлганлиги учун УБ – спектроскопия фармацевтик кимёда бирикмаларнинг миқдорини аниқлашда ҳам қўлланилади.

Фотоколориметрия ва спектрофотометрия.

Ушбу усулда модданинг нурни ўзига танлаб сингдириш қобилиятига асослангандир. Бу усул билан рангли эритмалардаги ранг берувчи моддаларнинг миқдорини аниқлаш мумкин.

Фотоколориметрия усулида эритма таркибидаги моддалар аниқланади. Бу усул текшириляётган модданинг монохроматик нурни танлаб ютишига асосланган. Текшириляётган модда эритмасининг ранги табиий ёки специфик реагент таъсирида ҳосил қилинган бўлиши мумкин. Фотоколориметрия усулида эритмаларнинг нур ютиш даражаси, фотоэлементли махсус асбоб билан аниқланади. Бундай асбоблар фотоэлектроколориметр (ФЭК) дейилади. Фотоэлемент рангли эритмадан ўтаётганда ёруғлик энергиясини электр энергиясига айлантиради. Бунда ҳосил бўляётган фототок тушаётган ёруғликка тўғри пропорционал бўлганлиги сабабли тушаётган ёруғлик нурининг камайишини ФЭК ёрдамида аниқлаш мумкин. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, ҳар доим янги эталон эритма тайёрланмайди ва кўз хатосига йўл қўйилмайди, шу сабабли анча аниқ натижа олинади.

Ҳар бир рангли модда ўзининг ютилиш спектри билан характерланади.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқариляётган ФЭК типидagi фотоколориметрлар энг мукамал ва универсал ҳисобланади. Улар қуйидаги: ФЭК–56М–У42, ФЭК–Н-57 ва ФЭК-60 маркаларда чиқарилмоқда.

Товаршуносликда маҳсулотларни анализ қилиш учун фотоколориметрия усулидан кенг фойдаланилади. Масалан, Грисс усули билан гўштли маҳсулотлардаги нитритлар аниқланади.

Спектрофотометрия усулида эса бирмунча мураккаб тузилган СФ-4, СФ-4А, СФ-10, СФ-16 ва бошқа маркали спектрофотометрлар ишлатилади.

Шунингдек бу усуллар билан узум винолари ва узум таркибидаги антоционлар миқдорини, чой ва кофедаги, какаодаги теобромин, мева ва сабзавотларда эса ранг берувчи моддаларнинг миқдорини аниқлаш мумкин.

Микроскопик текширувлар.

Экспертиза амалиётида микроскопик услублар катта аҳамиятга эга, чунки турли объектлар ёки уларнинг деталлари, моддалар ўз ҳажмига кўра жуда

кичик бўлади ва уларни оддий кўз билан кўриб бўлмайди, шунинг учун уларни оддий кўздан кечириш учун инсон кўзининг табиий имкониятлари чегарасини кенгайтириб бера оладиган катталаштирувчи оптик воситалар талаб қилинади.

Микроскопик услуб айрим ўсимлик, озиқ-овқат тўқималарини, крахмал турини, маҳсулотларда микроорганизмлар борлигини аниқлашда, шунингдек табиий ва кимёвий толалар тузилишини таҳлил қилишда қўлланилади. Бу каби тадқиқотлар ёрдамида кўпгина материалларни идентификациялаш, шунингдек, уларнинг тузилмасига оид фарқларни аниқлаш мумкин бўлади.

Микроскопнинг асосий қисмлари: тубус, штатив, ашё столчаси, окуляр объектив, конденсор ва ойнадан иборатдир.

Божхона экспертизасининг хусусиятлари

Божхона экспертизаси лабораторияси томонидан товарларнинг ТИФ ТН га хос халқаро код рақамларига таъсир этувчи асосий кўрсаткичлар, хоссалари тўла илмий асосда ўрганилади. Уларнинг қолган хоссаларини ўрганишга эса зарурат бўлмайди. Шу сабабли, божхона экспертиза лабораторияси Республикадаги бошқа кўплаб илмий-тадқиқот лабораторияларидан фарқланади. Масалан: Илмий-текшириш институти лабораториялари бирор- бир маълум илмий йўналиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб борса, «Ўзстандарт» лабораториялари эса товарларнинг давлат стандарти талаблари асосида тадқиқот қилиб товарларнинг давлат стандартига мослигини аниқлайди. Санитария назорат Маркази лабораториялари эса товарларнинг медик-биологик талаблари (МБТ) (медико-биологическое требования) мослиги, яъни истеъмолга яроқли ёки яроқсизлигини ўрганади.

Республикадаги мавжуд лабораторияларнинг ўз вазифалари белгиланган бўлиб, шу жумладан божхона экспертизаси лабораторияси олдига ҳам давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш борасида аниқ вазифалар қўйилган.

Божхона экспертизаси лабораториялари олдига қўйилган асосий вазифа, товарларнинг ТИФ ТН бўйича тўғри синфланганлигини назорат қилиш бўлиб, унга қўшимча равишда Республикага сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларининг кириб келишини олдини олиш вазифаси ҳам юклатилган.

Бу борада божхона экспертизаси лабораторияси «Ўзстандарт» агентлиги, Санитария назорат маркази, Республика суд-экспертиза маркази лабораториялари билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 182-моддасида кўрсатилган божхона ҳужжатлари ва воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, товар ёки бошқа бойликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказишга уринишлар бўлган ҳолатлардаги муаммоларни ҳал қилиш учун ҳам божхона экспертизаси тайинланиши мумкин.

Божхона экспертизасини ўтказиш жараёнида тақдим этилган ҳужжатларнинг қалбаки ёки сохта эканлигини аниқлаш зарурати пайдо бўлганлиги учун баъзан «дастхатлик» тадқиқотлари олиб боришга ҳам тўғри келади. Бу йўналиш жуда муҳим бўлиб қалбаки ва сохта ҳужжатларни аниқлаш товарларнинг божхона расмийлаштириливида фирибгарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳужжатларни техника воситалари ёрдамида текширишда ҳужжатларнинг қалбакилаштирилган ёки ёзувлари ўзгартирилган қисми турли физикавий, кимёвий ва бошқа техник усулларда текширилади.

Юқоридаги усуллар билан ҳужжатлардаги турли ўзгаришларни (ўчириш, қўшимча ёзиш, бор ёзувни бошқача ўзгартириб ва матнни йўқотиб, ўрнига бошқа ёзувни киритиш кабилар) аниқлаш;

- дастлабки ҳақиқий матнни тиклаш;
- сўзларни ёзишда ишлатилган техник воситаларни (ёзув машинкаси, компьютер ва бошқалар) идентификация қилиш ва ёзув машинкалари турини аниқлаш;
- муҳр ва штампларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш каби ишлар амалга оширилади.

Ушбу соҳадаги ишларни ривожлантириш божхона экспертизаси олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Божхона экспертизасини амалга оширишнинг усуллари шарҳлаб беринг.
2. Органолептик усулни шарҳланг ва мисоллар билан изоҳлаб беринг.
3. Ҳисоблаш усулига шарҳ беринг ва мисоллар билан изоҳланг.
4. Инструментал усулини шарҳланг ва мисоллар билан изоҳлаб беринг.
5. Хроматография усуллари турларини айтиб беринг.
6. Божхона экспертизасининг хусусиятлари тўғрисида маълумот беринг.
7. Ультрабинафша спектроскопия усули, ишлаш принципи ва ундан фойдаланиш ҳақида гапириб беринг.
8. Масс-спектрометрия усули, ишлаш принципи ва ундан фойдаланиш ҳақида гапириб беринг.

6- БОБ. БОЖХОНА ЭКСПЕРТИЗАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. БОЖХОНА ЭКСПЕРТИНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Режа:

1. Асосий термин ва қисқартмалар.
2. Божхона экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш тартибининг ҳуқуқий асослари.
3. Божхона экспертизасини тайинлаш.
4. Божхона экспертизасини ўтказиш тартиби.
5. Эксперт ҳулосаси.
6. Божхона экспертларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
7. Товарларни Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича тўғри таснифланишида биринчи даражали идентификацияланадиган товарлар рўйхати.

Асосий термин ва қисқартмалар

БҚБ - божхона қоидалари бузилиши.

ТИФ ТН - Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси.

Лаборатория - Марказий божхона лабораторияси, ҳудудий божхона бошқармаларининг божхона лабораториялари.

Материаллар - ҳужжатлар, экспертиза учун зарур бўлган барча маълумотлар, намуна ва синамалар.

Ҳудудий божхона бошқармаларидан товарлар ва ашёвий далилларни экспертизадан ўтказиш учун намуна (синама)лар олиш, уларни Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг Марказий божхона лабораторияси, ҳудудий божхона бошқармалари лабораториялари (бундан кейин матн давомида - Лаборатория)га юбориш ва божхона постларининг божхона лабораторияси ходимига тақдим этишда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 29 августда 1269-рақам билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтилаётган товарларнинг намуна ва синамаларини божхона органлари тизимида тасарруф қилиш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома асосида амалга оширилади.

Божхона экспертизаси қуйидаги мақсадларда ўтказилади:

товарнинг ТИФ ТН бўйича код рақамини тўғри таснифланганлигини назорат қилиш;

товарнинг нави, тури, маркаси ва асосий сифат кўрсаткичларини тегишли органлар томонидан берилган расмий ҳужжатлар асосида назорат қилиш;

Юқорида қўйилган масалаларни ҳал қилишда Лабораторияда божхона экспертизасининг қуйидаги турлари ўтказилади:

товарларнинг ТИФ ТН бўйича таснифланиши;

кимёвий ва бошқалар.

Божхона экспертизалари: Товарларнинг божхона назоратини амалга ошириш жараёнида Лабораторияда; БҚБ ҳолатлари юзасидан

расмийлаштирилган ишларни юритиш бўйича юзага келган баҳс-мунозарали ҳолларни ечишда, Ўзбекистон Республикасининг божхона ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг қарорларига асосан, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг божхона ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларида ҳудудий божхона лабораторияси эксперти берган хулосага шубҳа туғилганда, мураккаб ҳамда қайта экспертизалар Марказий божхона лабораториясида ўтказилади.

Экспертиза жараёнида экспертлар билан бир қаторда, соҳа мутахассислари ҳам қатнашишлари мумкин.

Экспертиза Лаборатория жойлашган манзилда ўтказилади. Зарурият туғилганда экспертиза-тадқиқот ишлари бошқа жой (илмий-тадқиқот муассасалари, корхоналар ва бошқа ташкилот)ларда ҳам ўтказилиши мумкин.

Ҳудудий божхона бошқармаларининг божхона лабораториялари ва божхона постлари божхона лабораториялари экспертлари махсус жадвал (3-илова) асосида Марказий божхона лабораториясида малака ошириш, тажриба алмашиш ва иш давомида вужудга келган мунозарали ҳолатларни ҳамкорликда ўрганиш ва муҳокама қилиш учун йиғилиш-машғулотларда иштирок этадилар.

Ўтказилган йиғилиш-машғулотлар бўйича, Марказий божхона лабораторияси томонидан ҳудудий божхона бошқармаси божхона пости божхона лабораториялари ходимларидан синовлар қабул қилиш.

Божхона экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш тартибининг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси божхона органларида божхона экспертизасини янада такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан 2008 йил 14 майдаги 170-сонли «Божхона экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома»ни тасдиқлаш ҳақида буйруқ ишлаб чиқилган.

Мазкур буйруқ 2 та иловадан иборат бўлиб, унинг 1-илосида «Божхона экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома», 2-илосида «Товарларни Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича тўғри классификацияланишида биринчи даражали идентификацияланадиган товарлар рўйхати» ўз аксини топган.

«Божхона экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома»га Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 10 августдаги Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-1595-сонли қарори билан ўзгартиришлар киритилди.

Мазкур йўриқнома божхона органлари томонидан божхона назорати объектларини божхона назоратидан ўтказиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, шунингдек божхона қонунчилиги бузилиши ҳолатлари юзасидан расмийлаштирилган ишларни юритиш ёки юритилиши ваколати божхона органлари фаолияти доирасида бўлган жинойий ишлар ва божхонага

оид бошқа қонунбузарликлар бўйича суриштирув ишларини ўтказиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан божхона лабораторияларида экспертиза тайинлаш, ўтказиш, хулоса бериш қоидаларини белгилаб беради.

Божхона экспертизасини тайинлаш

Божхона экспертизаси:

- товарнинг божхона назоратини амалга ошириш жараёнида божхона органи бошлиғининг мурожаат хати билан (товарлар рўйхати ДБКнинг 2008 йил 14 майдаги «Божхона экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома»ни тасдиқлаш ҳақида 170-сонли буйруқ иловасида берилган);

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган асослар мавжуд бўлганда, БҚБ ҳолатлари юзасидан расмийлаштирилган ишларни юритиш ва жиноий иш бўйича ўтказилаётган дастлабки суриштирув жараёнида мансабдор шахс томонидан қабул қилинган қарори асосида тайинланади.

БҚБ ҳолатлари юзасидан расмийлаштирилган ишларни юритаётган мансабдор шахснинг экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарори Давлат божхона кўмитаси раиси ўринбосари ёки ҳудудий божхона бошқарма бошлиқлари томонидан тасдиқланади.

Қўшимча ва қайта экспертизалар янги экспертиза сифатида умумий қоидалар асосида тайинланади.

Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги мурожаат хатида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

экспертиза тайинлаган божхона органининг номи;

экспертиза тайинланган сана;

экспертиза амалга ошириладиган Лаборатория номи;

экспертлар олдида кўйилган саволлар;

экспертизага тақдим қилинган хужжатлар (рақами, берилган санаси, варақлар сони), намуна (синама)лар миқдори, сони ва рўйхати.

Ҳудудий божхона бошқармаси божхона пости лаборатория ходимлари ДБК нинг 2008 йил 14 майдаги 170-сонли буйруқ иловасида келтирилмаган товарларни ҳам ИМ-40 божхона режимига ҳамда 7-графаси тўлдирилган БЮДларда расмийлаштирилаётган товарларни ўрганиб чиқишлари ва ушбу ўрганиш натижаси бўйича БЮДларда ўз белгиларини қўйишлари лозим.

Экспертиза ўтказиш тўғрисидаги қарорда қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

экспертиза тайинлаган божхона органининг номи, манзили, қарор қабул қилинган сана, экспертизаси ўтказилиши лозим бўлган товарга тегишли БҚБ ҳолатлари юзасидан расмийлаштирилган ишларни юритиш тўғрисидаги ёки жиноий ишнинг тартиб рақами;

экспертиза тайинлаган шахснинг мансаби, исми-шарифи;

экспертиза амалга ошириладиган Лабораториянинг номи;

экспертиза тури;
экспертиза ўтказилишига сабаб бўлган асослар;
экспертлар олдида қўйилган саволлар;

экспертизага тақдим қилинган ҳужжатлар ва ашёлар рўйхати (материаллар, намуна (синама)лар, намуна (синама) олинганлик тўғрисидаги далолатнома, божхона юк декларацияси, инвойс, товар-транспорт ҳужжатлари, коносамент, сертификатлар, давлат стандартлари, техник шартлар, сифат сертификатлари (маҳсулот паспорти), технологик регламент, чизмалар, фотосуратлар, қиёсий таҳлил учун намуна (синама)лар ва уларга тегишли ҳужжатлар, экспертиза объектига тегишли бошқа маълумотлар ва экспертиза ўтказишга алоқадор бошқа ҳужжатлар ҳамда ашёлар);

қўшимча ва қайта экспертизалар тайинланганда дастлабки эксперт хулосаси ва ушбу хулоса берилишига асос бўлган барча, шунингдек дастлабки хулоса берилгандан сўнг келиб тушган қўшимча материаллар.

Божхона экспертизасини ўтказиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг қарори ёки мурожаат хатига асосан экспертиза республика ҳудудида жойлашган эксперт муассасалари, Лаборатория, шаҳодатланган лавозимдаги Давлат божхона кўмитаси, ҳудудий божхона бошқармалари ва “Тошкент-Аэро” ИБКнинг лаборатория ходимлари томонидан ҳамда фан-техника, санъат ва бошқа соҳалардаги мутахассисларни жалб қилган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Ҳудудий божхона бошқармаси божхона постлари лаборатория ходимлари томонидан БЮДларда расмийлаштирилаётган товарлар бўйича шубҳа бўлган тақдирда соҳа мутахассисларини жалб этади.

Божхона пости лаборатория ходимлари томонидан товар коди бўйича мунозарали вазият вужудга келган тақдирда ҳудудий бошқарма лабораторияси ёки Марказий божхона лабораториясига мурожаат этади. Муҳокама жараёнида муҳокамага материал юборган лаборатория ходими қатнашиши шарт.

Лаборатория БҚБ ҳолатлари юзасидан расмийлаштирилган ишларни юритиш бўйича, божхона назоратини амалга ошириш жараёнида ўтказиладиган экспертизаларда мулкчилик шакли, идоравий бўйсунуши ва тегишлилигидан қатъи назар, ҳар қандай давлат ва нодавлат ташкилот, корхона мутахассислари, шу жумладан, эксперт муассасаларининг экспертларини жалб қилиш ҳуқуқига эга. Мутахассисни жалб қилиш тартиби ушбу мутахассис ишлаётган муассаса томонидан белгиланади.

Экспертиза бошқа эксперт муассасаларида ўтказилганида, экспертнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари ушбу эксперт муассасасининг бошлиғи томонидан тушунтирилади.

Экспертиза эксперт муассасаларидан ташқарида ўтказилганида, экспертнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари ушбу экспертизани тайинлаган мансабдор шахс томонидан тушунтирилади.

Лаборатория бошлиғи ёки ҳудудий божхона бошқармалари, Тошкент шаҳри ва “Тошкент-Аэро” ИБК тасарруфидаги божхона постлари бошлиқлари экспертизани ўз вақтида ва ушбу йўриқнома талабларига аниқ риоя қилган ҳолда ўтказилишини назорат қилади.

Лаборатория бошлиғи ёки ҳудудий божхона бошқармалари, Тошкент шаҳри ва “Тошкент-Аэро” ИБК тасарруфидаги божхона постлари бошлиқлари экспертиза ўтказиш жараёнида:

Лабораторияга йўлланган материалларни ёзма равишда бир ёки бир нечта экспертларга экспертиза ўтказиш тўғрисида топшириқ беради. Уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради;

экспертиза ўтказиш муддатини белгилайди. Ҳудудий божхона бошқармаси божхона постлари лаборатория ходимлари ИМ-40 божхона режимига ҳамда 7-графаси тўлдирилган БЮДлар бўйича БЮДларда махсус белги қўядилар.

Агар 4 иш кунида экспертизани тўлиқ ўтказиш имконияти бўлмаса, бу ҳақида Ҳудудий божхона бошқармаси божхона постлари лаборатория ходимлари пост бошлиғига хабар беради. Пост бошлиғининг билдиргиси орқали бошқарма бошлиғига мурожаат этади ва унинг розилиги билан 6 иш кунигача муддат белгилайди.

Экспертиза тайинлаган органга экспертиза учун зарур бўлган қўшимча материаллар талаб қилиб сўровнома юборган вақтдан бошлаб, ушбу материаллар экспертизага тақдим қилинган ёки сўровномани рад қилиш тўғрисида хабарнома олинган кунгача бўлган вақт экспертиза ўтказиш муддатига кирмайди;

экспертларга илмий-услубий ёрдам беради.

Лаборатория бошлиғининг ёки ҳудудий божхона бошқармалари, Тошкент шаҳри ва “Тошкент-Аэро” ИБК тасарруфидаги божхона постлари бошлиқларининг ёзма кўрсатмаси ёки ИМ-40 божхона режимига БЮДнинг 7-графаси тўлдирилган экспертизага тақдим қилинган материалларни олганидан сўнг эксперт экспертиза ўтказишга киришади.

Экспертиза ўтказиш учун тақдим этилган маълумотлар етарли бўлмаса, эксперт материалларни қабул қилган вақтдан бошлаб бир иш куни давомида бу ҳақида Лаборатория, божхона постлари бошлиқларига оғзаки ёки ёзма равишда мурожаат қилади.

Экспертизага қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган материаллар тақдим этилганлиги аниқланганда Лаборатория бошлиғи ёки ҳудудий божхона бошқармалари, Тошкент шаҳри ва “Тошкент-Аэро” ИБК тасарруфидаги божхона постлари бошлиқлари бу тўғрида экспертизани тайинлаган орган ёки мансабдор шахсга хабар беради.

Экспертиза тайинлаган орган ёки мансабдор шахс камчиликларни бартараф қилиш учун ҳеч қандай чора-тадбирлар кўлламаса, у ҳолда Лаборатория бошлиғи ёки ҳудудий божхона бошқармалари, Тошкент шаҳри ва

“Тошкент-Аэро” ИБК тасарруфидаги божхона пости бошлиқлари пости лаборатория ходими экспертнинг экспертиза ўтказиш имконияти йўқлиги ҳақидаги хабарномасини илова қилган ҳолда, материалларни қайтариб юбориш ҳуқуқига эга.

Лаборатория бошлиғи ёки ҳудудий божхона бошқармалари, Тошкент шаҳри ва “Тошкент-Аэро” ИБК тасарруфидаги божхона постлари бошлиқлари экспертиза тайинлаган органга:

тақдим қилинган материаллар экспертиза ўтказиш ёки объектив хулоса бериш имконини бермаса;

лаборатория ходимларининг ваколати ва билим доирасида бўлмаган савол ва масалалар қўйилса, хулоса бериш имкони йўқлиги ҳақида ўзларининг тўғридан-тўғри бошлиқларига маълум қилади.

Ишни ҳар томонлама чуқур ўрганиш учун турли соҳада ихтисослашган экспертларни жалб қилиш зарурияти туғилса, ўтказилган тадқиқотлар натижаларини умумлаштириш ва умумий хулосага келиш мақсадида комиссиявий экспертиза ўтказиш ташкил қилинади. Бунда ҳудудий божхона бошқармалари божхона пости лаборатория ходимлари иштирок этади.

Комиссиявий экспертиза ўтказилганда экспертлар умумий хулосага келсалар улар битта хулосага имзо қўядилар. Экспертларнинг фикрлари ҳар хил бўлса ҳар бир эксперт алоҳида хулоса беради.

Ҳудудий божхона лабораториялари ва Тошкент шаҳри бўйича бошқарма ва “Тошкент-Аэро” ИБК лабораториялари белгиланган тартибда Марказий божхона лабораториясига ҳар ой якуни бўйича ҳисобот беради.

Ҳудудий божхона бошқармалари божхона пости лабораторияси ходимлари ҳудудий божхона лабораторияларига давлат тилида мажбурий маркалаш жорий этилган товарларни, мувофиқлик сертификати билан таъминланиши лозим бўлган товарларни, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг рухсатномаси ҳамда махсус назорат идентификацион белгилар билан таъминланиши лозим бўлган товарлар назоратини олиб бориш ва булар бўйича Марказий божхона лабораторияси, ҳудудий божхона бошқарма лабораторияларига ой якуни бўйича ҳисоботларни тақдим этади.

Эксперт хулосаси

Эксперт хулосаси уч қисм - кириш, тадқиқот ва якуний қисмдан иборат (намунавий шакл иловада келтирилган). Хулосанинг кириш қисмида хулоса қайд этилган тартиб рақами, хулоса берилган сана, экспортёр ва импортёр ҳақида маълумот, товар ёки намуна (синама) номи, материаллар экспертизага қабул қилинган сана ва рўйхати келтирилади.

Комиссиявий экспертиза ўтказилаётганда хулосанинг кириш қисмида экспертларнинг ва комиссиявий экспертизага жалб қилинган ходимларнинг лавозими ва исм-шарифи кўрсатилади. Экспертлар олдига қўйилган саволлар акс эттирилади.

Хулосанинг тадқиқот қисмида аниқ ифодаланган ва ўтказилган тадқиқот услублари тўғрисидаги маълумот, эксперт олдига қўйилган саволларни ечишда амал қилинган давлат стандартлари, техник шартлар, буйруқлар, кўрсатмалар, товар намуналари ва дастлабки маълумотларни кўздан кечириш, текшириш, тажриба ўтказиш натижалари кўрсатилиши мумкин:

Эксперт хулосасининг якуний қисми аниқ ва равшан ифодаланиши лозим. Экспертиза олдига қўйилган баъзи саволларга жавоб беришнинг имкони бўлмаган ҳолларда хулосада унинг сабаблари кўрсатилади.

БҚБнинг олдини олиш учун бериладиган таклифлар хулосанинг якуний қисмида кўрсатилади. Хулоса экспертизани бевосита ўтказган эксперт томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

Хулосага жадваллар, графиклар, фотосурат ва бошқа маълумотлар илова қилинса ушбу маълумотлар ҳам эксперт томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади. Ушбу иловаларда тегишли хулосанинг тартиб рақами ва берилган санаси ёзиб қўйилади.

Хулоса ва унинг иловалари икки нусхада тузилиб, унинг биринчи нусхаси экспертиза тайинлаган органга юборилади, иккинчи нусхаси Лабораторияда қолади.

Комиссиявий экспертиза ўтказилганда хулоса нусхалари сони экспертиза тайинлаган орган ва экспертизада қатнашган ҳар бир эксперт муассасасига юбориш учун етарли миқдорда тузилади.

Эксперт хулосасининг сақланиш муддати 3 йил.

Давлат божхона қўмитаси раиси ўринбосари (ёки ҳудудий божхона бошқармаси бошлиғи) товарга нисбатан ваколатга эга бўлган шахснинг мурожаатига ва Лаборатория бошлиғининг тавсияномасига биноан, айнан бир қорхона томонидан ишлаб чиқарилган товарни кўп сонли партияларда бир шартнома асосида олиб кириш мўлжалланган бўлса, ушбу товарнинг аввалги партияларига берилган ижобий эксперт хулосаси асосида бутун шартнома ҳажмидаги товарнинг божхона расмийлаштирувини Лаборатория экспертизасисиз амалга оширишга рухсат бериш ҳуқуқига эга.

Хулоса беришнинг имконияти йўқлиги тўғрисидаги хабарнома уч қисмдан: кириш, асословчи ва якуний қисмдан иборат бўлади. Кириш қисмида “Божхона экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш тартиби” тўғрисидаги йўриқноманинг 23-бандида акс эттирилган маълумотлар кўрсатилади.

Ҳудудий божхона бошқармаси божхона пости лаборатория ходимлари томонидан товарларга нисбатан ўрганиш имконияти бўлмаса божхона пости бошлиғига оғзаки ёки билдирги орқали (уч қисмдан: кириш, асословчи ва якуний қисмдан иборат бўлади) мурожаат этади.

Хабарноманинг асословчи қисмида хулоса беришга имкон бермаган сабаблар аниқ келтирилади.


Яқунловчи қисмида эксперт олдига қўйилган саволларга жавоб бериш имконияти йўқлиги кўрсатилади.

Хулоса бериш имконияти йўқлиги тўғрисида хабарнома эксперт томонидан имзоланади, муҳр билан тасдиқланади ва бир нусхаси экспертиза тайинлаган органга юборилади, иккинчи нусхаси Лабораторияда қолади.

Худудий божхона бошқармаси божхона пости лаборатория ходимлари БЮДнинг 7-графаси тўлдирилган ИМ-40 божхона режимига расмийлаштирилаётган товарларни ўрганиб чиқишлари ва ушбу ўрганиш натижаси бўйича БЮДларда махсус белгиларини қўйишлари лозим. БЮДнинг 33-графасида товарнинг ТИФ ТНга хос код рақами нотўғри белгиланганлиги аниқланган ҳолатларда божхона пости лабораторияси ходими томонидан ёзма хулоса тайёрланади.

1- чизма

**БОЖХОНА ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ЎТКАЗИШ ҚЎЙИДАГИ ЧИЗМА АСОСИДА
АМАЛГА ОШИРИЛАДИ:**



*Божхона экспертизасини тайинлаш
ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги
Йуриқномага 1-илова*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
МАРКАЗИЙ БОЖХОНА ЛАБОРАТОРИЯСИ
ХУЛОСАСИ:**

№: 1/16-00000л

20__ й. “ ”

Юк жўнатувчи: _____

Юк қабул қилувчи: _____

Намуна _____

Намуна (ёки хужжатлар) лабораторияга қабул қилиб олинган сана: 20__ и. “ ”

Тақдим этилган намунага тегишли хужжатлар:

1. _____ сонли божхона юк декларацияси _____ варақ

2. Юкхати (накладная) № _____ варақ

3. Инвойс № 20 й. “ ” _____ варақ

4. Контракт № ..20__ й. ва унга қўшимчалар _____ варақ

5. Мувофиқлик сертификати № 20 и. “ ” _____ варақ

6....

7....

Хужжатларни ва намунани ўрганиш натижасида: Товарнинг ТИФ ТНга хос классификацияланиши ўрганилди. Бунинг учун _____

(холислар ва юк эгаси, фамилияси, исми)

ва божхона хизмати инспектори _____

(намуна олган пост инспекторининг фамилияси, исми)

имзолари билан муҳрланиб упаковкаланган ҳолда уч нусхада тақдим қилинган намунанинг бир нусхаси ўрганилди. Ўрганиш натижасида _____

(тадқиқот натижаси

_____ маълум бўлди.

батафсил ёзилади)

Марказий божхона лабораториясига тақдим этилган намуналарнинг барчаси хужжатларнинг асл нусхалари билан бирга божхона постига қайтарилди.

МУТАХАССИС ЁКИ ЭКСПЕРТ ХУЛОСАСИ:

1. Марказий божхона лабораториясига тақдим этилган _____ сонли БЮДа “ _____ ” товарига ТИФ ТНга хос код рақами тўғри белгиланган.

Хулосани тайёрлаган эксперт: _____

(лавозими, фамилияси, имзо)

Давлат божхона қўмитасининг Марказий божхона лабораториясида малака ошириш, иш давомида вужудга келган муаммоли вазиятларни ўрганиш ва муҳокама қилиш бўйича божхона лабораториялари ходимларини йиғилиши жадвали

№	Божхона лабораторияси номи	МБЛда йиғиладиган кун
1	Тошкент шаҳри божхона бошқармаси ва божхона постларининг божхона лабораториялари	Календарь ойининг 1-шанбаси
2	Тошкент вилояти божхона бошқармаси ва божхона постларининг божхона лабораториялари	Календарь ойининг 2-шанбаси
3	“Тошкент-Аэро” ИБК ва божхона постларининг божхона лабораториялари	Календарь ойининг 3-шанбаси
4	Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти божхона бошқармалари ҳамда “Тошкент-Аэро” ИБК божхона постларининг божхона лабораториялари	Календарь ойининг 4-шанбаси
5	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар бўйича божхона бошқармалари божхона лабораториялари ходимлари	Ҳар чоракда бир мартаба жадвал асосида

Божхона экспертларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Божхона экспертларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари МБЛ тўғрисидаги Низомда ва МБЛ ходимларининг лавозим йўриқномаларида батафсил келтирилган.

Эксперт олдида қўйилган саволлар ва унинг берган хулосаси экспертнинг махсус билимлари доирасидан ташқарига чиқиши мумкин эмас.

Экспертнинг мажбуриятлари:

- экспертиза, натижаларини объектив баҳолашдан келиб чиқиб, ўз олдида қўйилган саволлар бўйича асосланган ҳолда, хулоса беради; божхона пости лаборатория ходими БЮДга махсус белгини қўйиб тасдиқлайди.

- агар тақдим этилган маълумотлар эксперт олдида қўйилган вазифанинг фақат бир қисминигина ҳал этиш имконини берса, экспертизага тақдим этилган материаллар устида тадқиқотлар ўтказди;

- экспертга Лабораториянинг имконият доирасида бўлмаган вазифаларни ҳал этиш топширилган бўлса, у ҳолда бунинг сабабларини асослаб ёзма жавоб беради;

- БҚБ ҳолатлари юзасидан расмийлаштирилган ишларни юритаётган мансабдор шахс (суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья)нинг чақирувига асосан ўзи берган хулоса юзасидан тушунтиришлар ва ўзи билган қўшимча маълумотларни беради;

- экспертизани тайинлаган суриштирув ўтказётган органнинг рухсатсиз БҚБ ҳолатлари юзасидан расмийлаштирилган ишларни юритиш бўйича ўтказилган экспертиза натижаларини ёки суриштирув натижаларини ошкор қилмайди;

- экспертиза ўтказиш жараёнида хавфсизлик техникасига риоя қилади;

- Лаборатория бошлиғи ёки ҳудудий божхона бошқармалари, Тошкент шаҳри ва “Тошкент-Аэро” ИБК тасарруфидаги божхона постлари бошлиқларининг ёзма равишдаги топшириғисиз материалларнинг экспертизасини ўтказмайди;

- ИМ-40 (ЭК-10) божхона режимига расмийлаштирилмаган БЮДларни экспертизасини ўтказмайди.

- ўзига топширилган экспертизани амалга ошириш жараёнида Лаборатория бошлиғи ёки ҳудудий божхона бошқармалари, Тошкент шаҳри ва “Тошкент-Аэро” ИБК тасарруфидаги божхона постлари бошлиқларининг рухсатсиз бошқа мутахассисларни жалб этмайди;

- эксперт ваколат доирасида бўлмаган масалаларни ҳал қилмайди.

Эксперт қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- экспертиза объекти бўлган материаллар (ҳужжатлар, намуна ва синамалар) билан танишиш, тегишли жойлардан экспертиза учун зарур материалларни сўраб олиш; товар сақланаётган омборга бориб товарни жойида кўздан кечириш.

- объектив хулоса бериш учун зарур бўлган қўшимча материалларни экспертиза тайинлаган орган ёки мансабдор шахсдан тақдим этилишини талаб қилиш;

- тақдим этилган материаллар экспертиза ўтказиш учун етарли бўлмаса, шунингдек эксперт олдида қўйилган саволларни унинг махсус билимлари асосида ҳал қилиш мумкин бўлмаса, хулоса бериш имконияти йўқлиги тўғрисида маълум қилиш;


- товарларга тегишли ҳужжатларда акс этирилган маълумотлардан, бошқа мутахассислар хулосаларидан, БҚБ ҳолатлари юзасидан расмийлаштирилган ишларни юритиш бўйича жавобгарликка тортилаётган шахсларнинг, шунингдек ушбу ишлар бўйича гувоҳларнинг берган тушунтириш ва кўрсатмаларидан, жиноий ишлар бўйича гумон қилинаётган шахсларнинг кўрсатмаларидан ва бошқа материаллардан фойдаланиш;

- қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда эътироз билдириш;

- берган хулосасидаги камчиликларни тўлдириш ёки қўшимча экспертизани амалга оширишда иштирок этиш.

- комплекс экспертизалар хулосалари натижаларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг оммага ёритиш.

Марказий божхона лабораторияси иш фаолиятининг схемаси



Марказий божхона лабораторияси структураси



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Божхона экспертизасининг хусусиятларини шарҳлаб беринг.
2. Божхона экспертизасини тайинлаш шарт-шароитларини изоҳлаб беринг.
3. Божхона экспертизасининг ўзига хос хусусиятларини шарҳлаб беринг.
4. Божхона экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш тартиби тўғрисида, йўриқномани қабул қилишга қайси қонун ҳужжатлар ҳукуқий асоси ҳисобланади.
5. Божхона экспертизаси қай тартибда ўтказилади.
6. Божхона экспертизасини тайинлаш тартиби тўғрисида маълумот беринг.
7. Эксперт хулосаси қандай тайёрланади.
8. Божхона экспертларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб беринг.
9. Товарларнинг Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича тўғри таснифланишида биринчи даражали идентификацияланадиган товарлар рўйхатига қайси товарлар кириди.

7- БОБ. БОЖХОНА ЧЕГАРАСИДАН ОЛИБ ЎТИЛАЁТГАН ТОВАРЛАРДАН НАМУНА ВА СИНАМАЛАР ОЛИШ ТАРТИБИ

Режа:

1. Асосий терминлар ва тушунчалар.
2. Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан олиб ўтилаётган товарлардан намуна ва синамаларни олиш тартиби тўғрисида йўриқнома.
3. Намуна ва синамаларни олиш тартиби.
4. Намуна ва синамаларни божхона лабораторияларида рўйхатга олиш ва қайтариш тартиби.
5. Намуна ва синамаларни божхона лабораторияларида.
6. Намуна ва синамаларни божхона лабораторияларида сақлаш ва йўқ қилиш тартиби.
7. Намуна ва синамаларни ўраш усуллари бўйича тавсиялар.
8. Божхона экспертнинг хулосаси.

Асосий терминлар ва тушунчалар

Синама (проба) - божхона расмийлаштирувидан ўтаётган товар туркумини бир қисми бўлиб, у товарни таркиби ва ҳоссасини тўлиқ тавсифлайди; (1- расм.)



1- расм. Синамаларга мисоллар.

Намуна (образец) - божхона расмийлаштирувидан ўтаётган товар бирлиги бўлиб, у товарни таркиби ва ҳоссасини тўлиқ тавсифлайди; (2- расм.)



2- расм. Намуналарга мисоллар.

- **синамаларни** (намуналарни) йўқ қилиш - синама ёки намунани товар сифатида ишлатишга яроқсиз ҳолга келтириш (ёкиб юбориш, кўмиб ташлаш ва бошқалар);

- **синамаларни** (намуналарни) бирхиллаштириш - товарни стандартлар ёки таққосланадиган намуналарга, шунингдек улардан фойдаланадиган хужжатлаштирилган ахборотларга мувофиқлигини белгилаш бўйича амалга ошириладиган ҳаракатлар;

- **тадқиқот** (экспертиза) - божхона лабораторияси мутахассислари томонидан илм-техника ва бошқа соҳалардаги махсус билимларни талаб қилувчи синамаларни (намуналарни) ўрганиш.

Товар-моддий бойликлардан олинган синама ва намуналарни олинишидан мақсад, экспертиза тадқиқотини ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Товар номенклатурасига биноан товар кодини аниқлаш.

Товарнинг турига боғлиқ ҳолда синама ва намуналарни олиш усули (услуги) халқаро стандартлар, Ўзбекистон Республикасини стандартлари ва улар асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси (ДБК) томонидан ишлаб чиқилган қўлланмалар ёрдамида аниқланади (белгиланади).

Тадқиқот (экспертиза) товарни божхона назорати ва божхона расмийлаштируви ўтказилаётган, шунингдек божхона органида товарни ТИФ ТН бўйича тўғри таснифланганлиги тўғрисида шубҳа туғилганда божхона органининг бошлиғи томонидан тайинланади.

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан олиб ўтилаётган товарнинг намуна ва синамаларни олиш тўғрисида йўриқнома

Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодексининг 79, 181, 182-моддаларида божхона органлари божхона расмийлаштирувини амалга ошириш учун ва божхона қонун хужжатларининг бузилганлиги тўғрисидаги ишни юритиш вақтида, божхона органлари мансабдор шахслари томонидан намуна ва нусхалар олишга ҳақли эканликлари, шунингдек экспертиза ўтказиш ҳуқуқлари белгилаб берилган.

“Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги” тўғрисидаги Қонуннинг 15-моддасида ҳам Республикамизга олиб келинаётган озиқ-овқат маҳсулоти ушбу Қонунда кўрсатилган нормалар ва қоидаларнинг талабларига мувофиқ бўлиши кўрсатиб ўтилган ҳамда четдан келтирилаётган озиқ-овқат маҳсулотини етказиб берувчи, уни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ишлаб чиқарувчининг ва экспорт қилувчи мамлакат махсус вакил қилган органнинг ушбу маҳсулот хавфсиз эканлигини тасдиқловчи хужжатларни, тегишли экспертиза ўтказиш зарур бўлганда эса озиқ-овқат маҳсулотининг намуналарини тақдим этиши лозим эканлиги таъкидланган.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида божхона органлари томонидан божхона

назоратини ўтказиш мақсадида товарлар ҳамда бошқа буюмлардан намуна ва нусха олиш ҳуқуқлари кўрсатиб ўтилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 29 августда 1269-рақам билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтилаётган товарларнинг намуна ва синамаларини божхона органлари тизимида тасарруф қилиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномага асосан товар-моддий бойликлардан экспертиза учун намуналарни олиш ва божхона экспертизасига ҳужжатлар тайёрлаш вазифаларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтилаётган товарлар намуна ва синамаларини танлаб олиш, уларни Давлат божхона қўмитасининг божхона лабораторияларида рўйхатга олиш, қайтариш, сақлаш ва йўқ қилиш тартибини белгилайди ва ҳозирги кунда ушбу йўриқнома асосида божхона нозирлари фаолият кўрсатмоқдалар.

Барча ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланадиган божхона постларида божхона экспертизасини амалга ошириш учун масъул нозирлар бириктирилган. Божхона экспертизаси бўйича масъул ходимлар Марказий божхона лабораторияси мутахассислари томонидан махсус курсларда билим ва кўникмаларини оширадилар ҳамда вилоят божхона бошқармаси бошлиқларининг буйруғи билан масъул этиб тайинланади.

Намуна ва синамаларини олиш тартиби

Тадқиқот (экспертиза) мақсадларида синамаларни (намуналар) олиш божхона органининг мансабдор шахси томонидан товарга нисбатан ваколатга эга бўлган шахс ва иккита холис гувоҳ - зарурат юзасидан эса - мутахассис иштирокида амалга оширилади.

Товарга нисбатан (ваколатга эга бўлган шахс синамаларни (намуналарни) олаётганда божхона органига қўмаклашиши шарт.

Синамалар (намуналар) 3 нусхада олинади. Бунда, йўриқноманинг 1-иловасига биноан 3 нусхада тузиладиган "Синамаларни (намуналарни) олиш далолатномаси" расмийлаштирилади.

Далолатноманинг биринчи нусхаси материаллар билан, яъни синамалар (намуналар) ва мавжуд ҳужжатлар билан (БЮД) контракт, товарнинг келиб чиқиш сертификати, мувофиқлик сертификати) божхона лабораториясига юборилади.

Иккинчи нусха товарга нисбатан ваколатга эга бўлган шахсга берилади.

Далолатноманинг учинчи нусхаси назорат учун тадқиқотни (экспертиза) тайинлаган божхона органида қолдирилади.

Синамаларнинг (намуналарнинг) ҳар бир нусхаси йўриқноманинг 2-иловасига мувофиқ ўралади ва 3-иловага биноан "Ўрамнинг сақланишини таъминлаш ёрлиғи" билан таъминланади ва инспекторнинг рақамланган шахсий муҳри ёки божхона органининг "Пакетлар учун" муҳри билан муҳрланади. Бунда, муҳрнинг бир қисми ёрлиқнинг, бир қисми эса ўрамнинг устига кўйилган бўлиши керак.

Тадқиқотни (экспертизани) тайинлаган божхона органи олинган синамаларни (намуналарни) 4-иловага мувофиқ "Синамалар ва намуналарни рўйхатга олиш журнали"да рўйхатга олади.

Синамалар ва намуналарни олишда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши бўйича жавобгарлик тадқиқотни (экспертизани) тайинлаган (бошлаган) божхона органи бошлиғи зиммасига юклатилади.

Намуна ва синамаларни божхона лабораторияларида рўйхатга олиш

Тадқиқот (экспертиза) учун юборилаётган материаллар кузатув хати билан тадқиқотни (экспертиза) тайинлаган (белгиланган) божхона органи ходими томонидан етказилади, экспертизага товар моддий бойликларидан олинган синама ва намунадан ташқари ушбу товарга тегишли қуйидаги ҳужжатлар:

1. Божхона юк декларацияси (БЮД, грузовая таможенная декларация - ГТД);
2. Шартнома (экспертизага тақдим этилаётган товарга тузилган шартнома);
3. Инвойс ёки счет-фактура;
4. Транспорт йўл варақаси (Товарно транспортная накладная-ТТН), Темир йўл варақаси, авиа накладной (СМР, ТИР), Коносамент (сув транспортда келтирилган товарнинг варақаси);
5. Сертификатлар (Товарнинг келиб чиқиш, Мувофиқлик, Санитар-гигиеник, Ветеринар, Экологик, Сифат ва бошқа сертификатлари);
6. Товарнинг техник паспорти, Давлат стандарти ёки техникавий шарти (ТШ)
7. Товардан 3 нусхада олинган намуна ёки синама ҳамда товарга илова қилиб жўнатилган бошқа ҳужжатлар.

Кузатув хатида қуйидаги маълумотлар божхона лабораторияси томонидан ечиб берилиши керак бўлган масалалар мажбурий тарзда акс эттирилиши керак:

- сони кўрсатилган ҳолда синамаларнинг (намуналарнинг) рўйхати;
- ҳар бир ҳужжатнинг рақами, санаси ва варақларининг сони кўрсатилган ҳолда ҳужжатларнинг рўйхати. Кузатув хати тадқиқотни (экспертизани) тайинлаган (белгиланган) божхона органининг бошлиғи томонидан имзоланади.

Синамалар (намуналар) келиб тушганда божхона лабораториясининг ходими тақдим қилинган материалларни текширади.

Мазкур Йўриқнома талаблари бузилган ҳолда расмийлаштирилган материаллар тадқиқотни (экспертиза) тайинлаган (белгиланган) божхона органи ходимига камчиликларни бартараф этиш учун қайтарилади.

Тақдим этилган материаллар мазкур Йўриқнома талабларига мос келган ҳолатларда уларнинг қабул қилиб олинганлиги тўғрисида кузатув хатининг 2-чи

нусхасига белги қўйилади ва у тадқиқотни (экспертизани) тайинлаган (белгилаган) божхона органи ходимига қайтарилади.

Синамаларни (намуналарни) қабул қилиб олиш 4а-шаклдаги иловага "Синама ва намуналарни рўйхатга олиш Журнали"да рўйхатга олинади.

Синамалар (намуналар) қабул қилиб олинган вақтдан бошлаб уларни лабораторияда ўрганиб чиқиш (тадқиқот қилиш) 5 иш кунидан ошиб кетмаслиги керак. Агар тадқиқот (экспертиза) белгиланган муддатда бажарилмаса, у ҳолда ДБК раҳбарияти билан келишган ҳолда ўн кунгача қўшимча муддат белгиланиши мумкин.

Агар синама ва намуналар декларацияланадиган товарга тегишлилиги бўйича шубҳа уйғонса, у ҳолда божхона лабораториясининг бошлиғи божхона лабораторияси ходимлари мутахассислар сифатида иштирок этадиган, мазкур Йўриқномада белгиланган тартибда амалга ошириладиган қайта синама (намуна) олишни тайинлаш (белгилаш) ҳуқуқига эга бўлади.

Намуна ва синамаларини божхона лабораторияларида қайтариш тартиби

Тадқиқот (экспертиза) натижасида божхона лабораторияси БЮДсида кўрсатилган, божхона лабораториясида белгиланган ТИФ ТН бўйича товар кодига мувофиқ бўлса - ижобий эксперт хулосасини ёхуд БЮДсида кўрсатилган, божхона лабораториясида белгиланган ТИФ ТН бўйича товар кодига мос келмаса - салбий эксперт хулосасини қабул қилиши мумкин.

Синамаларни (намуналарни), шунингдек физик-кимёвий тадқиқотларни ўтказиш натижасида вужудга келган қолдиқларни тасарруф этиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- агар салбий эксперт хулосаси қабул қилинса ва бунда унинг натижалари товарга нисбатан қўлланиладиган тариф ёки нотариф бошқариш чораларига таъсир кўрсатса, у ҳолда тадқиқот (экспертиза) учун тақдим қилинган синамаларнинг (намуналарнинг) барча нусхалари ва уларнинг қолдиқлари божхона лабораториясида қолдирилади;

- агар салбий эксперт хулосаси қабул қилинса ва бунда унинг натижалари товарга нисбатан қўлланиладиган тариф ёки нотариф бошқариш чораларига таъсир кўрсатмаса, у ҳолда божхона лабораториясида синамаларнинг (намуналарнинг) 3-чи нусхаси қолдирилади, қолган нусхалари ва (ёки) уларнинг қолдиқлари товарга нисбатан ваколатларга эга бўлган шахсга қайтарилади;

- агар ижобий эксперт хулосаси қабул қилинса, у ҳолда синамаларнинг (намуналарнинг) барча нусхалари ва уларнинг қолдиқлари товарга нисбатан ваколатларга эга бўлган шахсга қайтарилади.

Қайтарилиши керак бўлган синамалар (намуналар) ва (ёки) уларнинг қолдиқлари божхона лабораторияси томонидан тадқиқотни (экспертизани) тайинлаган (белгилаган) божхона органининг ходимига берилиб, ушбу

тўғрисида божхона лабораториясининг "Синама ва намуналарни рўйхатга олиш Журнали" нинг 15-устунида белги қўйилади.

Тадқиқотни (экспертизани) тайинлаган (белгилаган) божхона органиниг ходими томонидан божхона лабораториясидан олинган синамалар (намуналар) ва (ёки) уларнинг қолдиқлари товарга нисбатан ваколатларга эга бўлган шахсга қайтарилади ва ушбу тўғрисида "Синама ва намуналарни рўйхатга олиш Журнали" нинг 15-устунида белги қўйилади.

Божхона лабораториясида қолдирилган (қолган) синамалар (намуналар) божхона органи томонидан қайтадан тадқиқот қилиш (экспертиза) тайинланганда (белгиланганда) ёки экспертлик хулосаси суд тартибида кўриб чиқилишида ашёвий далил сифатида ишлатилиши мумкин.

Намуна ва синамаларини божхона лабораторияларида сақлаш ва йўқ қилиш тартиби

Божхона лабораториясида қолдирилган синамалар (намуналар) товарнинг истемол идишида кўрсатилган сақлаш (яроқлилиқ) муддатига мувофиқ сақланади. Ушбу маълумотлар йўқ бўлган ҳолатларда уларнинг сақлаш муддати аниқ товар бўйича халқаро ёки республика стандартларига мувофиқ белгиланади. Синамаларни (намуналарни) божхона лабораториясида сақлаш муддати қуйидагилардан ортиқ бўлмаслиги керак:

- божхона лабораториясининг хулосаси товарга нисбатан тариф ёки нотариф бошқариш чораларини қўллашга таъсир этмаган ҳолатларда - 3 йил;
- божхона лабораториясининг хулосаси товарга нисбатан тариф ёки нотариф бошқариш чораларини қўллашга таъсир этган ҳолатларда - 5 йил.

Тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг синамалари (намуналари)ни сақлаш муддати - улар божхона лабораториясига тақдим қилинган вақтдан эътиборан - 1 ой.

Агар синамаларнинг белгиланган сақлаш муддати (яроқлилиги) улар божхона лабораториясига келиб тушгандан сўнг 1 йилгача муддатда тугаса ва божхона экспертизаси ўтказилганда уларнинг ўрамларидаги, этикеткаларидаги маълумотлардан фойдаланилган бўлса, у ҳолда ушбу ўрамлар ва этикеткалар 3 йил мобайнида сақланади.

Синамалар (намуналар)ни божхона лабораториясида сақлаш моддий жавобгар шахсининг жавобгарлиги остида амалга оширилади.

Синамалар (намуналар) уларнинг ТИФ ТН бўйича таснифига таъсир қилувчи кўрсаткичларни ўзгармаслигини, ёнғин хавфсизлигини, намликдан ҳимояни ва ташқи муҳитни бошқа ноқулай омиллар таъсиридан ҳимояни таъминловчи шароитларда сақланиши керак.

Синамаларни (намуналарни) сақлаш муддати тугагач улар йўқ қилинади.

Божхона лабораториясининг моддий жавобгар шахси ҳар чоракда, ҳисобот чорагидан кейин келувчи ойнинг 15 санасидан кечикмасдан, сақлаш муддати ўтиб кетган (агар шундайлар бўлса) синамаларни (намуналарни) йўқ

қилиш тўғрисида лаборатория бошлиғи номига билдирги беради (тақдим қилади).

Билдиришномага товарнинг номи, унинг сони, божхона лабораториясининг тегишли хулосасини рўйхатга олинган рақами кўрсатилган ҳолда сақлаш муддати ўтиб кетган синамаларнинг (намуналарни) рўйхати илова қилинади.

Синамалар ва намуналарни йўқ қилиш учун божхона лабораторияси бошлиғининг ёзма кўрсатмаларига кўра таркибида камида 3-та аттестациядан ўтган ходимлар, жумладан ДБҚ сининг бошқа бошқармалари ходимларидан иборат бўлган комиссия тузилади. Комиссия таркиби ДБҚ раиси ўринбосари ёки божхона хизматининг тегишли ҳудудий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари (бошқа божхона лабораториялари учун) томонидан тасдиқланади. Синамаларни (намуналарни) йўқ қилиш усули объектлар ва маҳсулотлар йўқ қилинаётганда вужудга келувчи моддаларнинг атроф-муҳитга таъсирини, шунингдек иқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда тегишли комиссия аъзолари томонидан танланади.

Комиссия иккита холис гувоҳ иштирокида синамалар ва намуналарни йўқ қилади ва бу тўғрида 5-иловага мувофиқ шаклда "Синамалар ва намуналарни йўқ қилиш тўғрисида Далолатнома" тузади. Далолатномада ҳар бир синама ва намунани йўқ қилиш усули акс эттирилиши керак.

Сақлаш муддати ўтиб кетган алоҳида синамалар (намуналар), божхона лабораторияси бошлиғининг кўрсатмасига биноан кўргазмали (ўқув) қуроллар ёки лаборатория музейининг экспонати сифатида қолдирилиши мумкин.

Синамалар ва намуналарни ўраш усуллари буйича тавсиялар

Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтилаётган товарларнинг намуна ва синамаларини божхона органлари тизимида тасарруф қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 2-илласига асосан синамалар ва намуналарни ўраш, шунингдек уларга “Ўрамнинг сақланишини таъминловчи ёрлик”ни ёпиштириш, олинган синамаларни (намуналар) алмаштириб қўйишга йўл қўймайдиган, ёрлик ёки ўрам бутунлигини таъминлайдиган усулда амалга оширилиши керак (3- расм).



3- расм. Ўралган синама (намуна)ларнинг кўриниши.

Синамалар ва намуналарнинг турлари ва шаклларида келиб чиққан ҳолда қуйидаги ўраш усуллари мавжуддир:

1) синамаларнинг сочиладиган турлари (порошоклар (кукунлар) гранулалар, қаламчалар, ва бошқалар) аввал полимер (полиэтилен,

полипропилен) пакетга солинади, пакетнинг юқори қисми (очик) мустаҳкам ип (шнур) билан боғланади. Ушбу пакет қоғоз пакетга жойлаштирилади (конверт), унинг юқори (очик) қисми елимланади (ПВА елими, силикат, суперелим ва бошқалар ёрдамида). Сўнгра, қоғоз пакетнинг юқори қисмига (боғланган, елимланган) ўрамнинг сақланишни таъминловчи ёрлик ёпиштирилади синамаларнинг суюқ турлари (эритмалар, суюқликлар, эмульсиялар, суспензиялар ва бошқалар) тоза ва қуруқ идишга (этикетка ёпиштирилмаган шиша, пластик бутилкаларга, флакончаларга) солинади ва қопқоқ билан беркитилади (пробка, қопқоқ). Агар олинган синама учиб кетувчи моддалардан иборат бўлса, олинган синаманинг парланиб (букланиб) кетишининг олдини олиш мақсадида идишнинг юқори қисми полимер пленка билан ўралади ва мустаҳкам ип билан (шнур) боғланади. Сўнгра, ушбу идиш қоғоз пакетга жойлаштирилиб, унинг юқори (очик) қисми елимланади (ПВА елими, силикат, суперелим ва бошқалар). Ундан сўнг қоғоз пакетнинг елимланган, (боғланган) тикилган қисми устига ўрамнинг сақланишини таъминловчи ёрлик ёпиштирилади;

3) синамаларнинг қаттиқ шакллари (газламаларнинг бўлаклари, брусочлар, листлар, плиталар ва бошқалар) ва намуналари бевосита қоғоз пакетга (конверт) жойлаштирилади, унинг юқори (очик) қисми елимланади (ПВА елими, силикат, суперелим ва бошқалар ёрдамида). Сўнгра қоғоз пакетнинг елимланган, боғланган (тикилган) қисмига ўрамнинг сақланишни таъминловчи ёрлик ёпиштирилади.

Синамаларнинг (намуналар) хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мазкур илованинг биринчи хатбошиси талабларига жавоб берувчи ўрашни ва ўрамни сақлашни таъминловчи ёрликни ёпиштиришнинг бошқа усуллари ҳам қўлланилиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ

**Синама (намуналар) олиш
Далолатномаси**

_____ Шаҳар "___" _____ 200__ йил
(далолатнома тузилган жой)
_____ (божхона постини коди ва номи, божхона пости мансабдор шахсининг Ф.И.О.)
_____ Иштирокида
_____ (товарга нисбатан ваколатга эга бўлган шахсининг Ф.И.О., мансаби, манзили)
_____ Иштирокида
_____ (мутахассиснинг Ф.И.О., иш жойи, мансаби)

Холис гувоҳлар иштирокида:

1. _____
(Ф.И.О., уй манзили)

2. _____
(Ф.И.О., уй манзили)

_____ иштирокида
(синама ва намуналарни олишга муносабати бўлган бошқа шахслар)
Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 79-моддасига мувофиқ тадқиқот (экспертиза) ўтказиш учун синамани (намуналарни) танлаб олди

_____ (товарнинг номи)

_____ (товарга нисбатан ваколатга эга бўлган хўжалик субъектининг номи ёки тегишли товар
тадбиркорнинг Ф.И.О., фуқаролиги, паспортининг рақами ва серияси)
Товар келиб тушди _____
(транспортнинг қайси турида (т/й, авто, авиа) ва транспорт воситасининг рақами ёки қўл юки рақами)
_____ Ўралган

_____ (қопларга, тойларга, қутиларга ёки бошқа идишларга олинган)
_____ дан келган товар

_____ (хўжалик субъектининг номи, манзили, экспорт қилувчи мамлакат)
_____ манзилга жўнатилган

_____ (юкни олувчи хўжалик субъектининг номи, манзили, экспорт қилувчи мамлакат)

ва божхона расмийлаштирувига "___" _____ 200__ йилда тақдим этилган.

Синама (намуналар) олинишидан олдин юқорида кўрсатилган шахсларга божхона постининг мансабдор шахси томонидан намуналар олинаётганда амалга ошириладиган барча ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқи, далолатнома киритиладиган аризаларни, тушунтиришларни бериши мумкинлиги тушунтирилди. Бундан ташқари, холис гувоҳларга синама (намуналар) олинганлигини тасдиқлаш мажбурияти тушунтирилади.

(танлов иштирокчиларининг Ф.И.О. ва имзоси)

Синамани (намуналарни) олиш қуйидаги шароитларда амалга оширилади

(очиқ, қўйиш, булутли ҳавода ва бошқалар)

Ва _____

(табиий ва сунъий ёритишларда)

манзил бўйича.

Синамани (намуналарни) олишда қуйидаги илмий-техника воситалари ва техник назорат воситалари қўлланилади _____

Ушбу далолатномалар бўйича синама (намуналар) сифатида қуйидаги синама (намуналар) олинди:

Т/Р	Синаманинг(намуналарнинг) шахсий белгилари	Ўлчов бирлиги (кг, л, гр, м2, дона ва бошқалар)	Синамадаги (намуналардаги) товар сони
1	2	3	4
(Тўлдириш бўйича мисол:)			
1.	Оч жигар рангли "Shell" мотор мойи, 0,5 л пластик идишларда	Литр	3 бут. x 0,5 = 1,5
2.	Кўк рангли, сидирға пахтадан ишланган газлама, узунлиги 0,2 м, эни 1,0 м бўлакларда	м2	3x (0,2 x 1,0) = 0,6

3-та нусхада олинди, синама (намуналар) _____

ўралган,

(ўраш тури. ёрлиқдаги муҳр рақами)

Иштирок этувчи шахсларнинг аризалари, фикр-мулоҳазалари _____

Маълумотнома ўқиб чиқилди. Маълумотлар тўғри ёзилган.

Иштирокчилар:

(имзо) _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.) _____

(имзо) _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.) _____

Далолатноманинг нусхасини олди (а)

(имзо) _____ (Ф.И.О.) _____

Далолатномани тузган божхона постининг мансабдор шахсининг _____

(муҳр ўрни)

(имзо.) _____

(Ф.И.О.) _____

----- **Илова:** Синама ва намуналарни олиш далолатномаси божхона органи йўриқчисининг шахсий рақам муҳри билан тасдиқланади.

СИНАМА ВА НАМУНАЛАР
ЎРАМИНИНГ САҚЛАШИНИ
ТАЪМИНЛОВЧИ ЁРЛИҚ

_____ -сонли пробанинг (намунанинг) нусхаси

_____ *(божхона постининг коди ва унинг номи)*

_____ *(товарнинг, намунанинг номи, тури)*

Товарга нисбатан ваколатга эга бўлган шахс _____

_____ *(Ф.И.О., имзо)*

Холис гувоҳлар:

1. _____

_____ *(Ф.И.О., имзо)*

2. _____

_____ *(Ф.И.О., имзо)*

Мутахассис _____

_____ *(ташкилот, мансаб, Ф.И.О., имзо)*

Йўриқчи _____

_____ *(Ф.И.О., имзо)*

“ _____ ” _____ 200__ йил

Илова: "Синама ва намуналар ўрамининг сақланишини таъминловчи ёрлиқ"нинг ҳажми- 10x11

см. **ЯРЛЫК ОБЕСПЕЧЕНИЯ СОХРАННОСТИ
УПАКОВКИ ПРОБ И ОБРАЗЦОВ**

Экз. пробы (образца) № 55

_____ **ЧИРЧИК ВЭД** _____

(код таможенного поста и его название)

Чай зеленый нефасованный _____

(наименование, вид образца, товара)

Лицо, обладающее полномочиями в отношении товара:

Салимсокова А.

(Ф.И.О.)

Поняты: 1. **Аноркулова М**

(Ф.И.О.)

2. **Нурматова Б.**

(Ф.И.О.)

Специалист: **Алланазарова А.**

(организация, должность, Ф.И.О., подпись)

ООО «Plazma Brok»

Инспектор _____

(Ф.И.О., подпись)

« 25 » _____ 01 _____ 2012_год

Синама ва намуналарни рўйхатга олиш
ЖУРНАЛИ

шп	БЮД		Синамани олиш далолатномаси					
	Бланка рақами	ТИФ ТН бўйича товар коди	Экспорт қилувчи (импорт қилувчи)	Расмий лаш тириш санаси	Синама нинг (намуналарнинг) шахсий белгилари, номи	Ўлчов бирлиги	Синама даги (намуналардаги) товарни сони	Далолатнома тузган йўриқчининг Ф.И.О., имзо
1	2	3	4	5	6	7	8	9
Божхона лабораторияси (БЛ) кузатув хати			БЛ хулосаси		БЛ хулосаси бўйича кўрилган чоралар			
N	Рўйхатга олиш санаси	N	Бериш санаси	ТИФ ТН бўйича товарнинг коди	Синамани (намуналарни) олганлик тўғрисида товарга нисбатан ваколатларга эга бўлган шахсни белгиси		Қўлланилган тариф (нотариф) чораларини тартибга солиш	
10	11	12	13	14	15		16	

Илова:

1. 4-устунда экспорт қилувчи (товар экспорт қилинганда) ёки импорт қилувчининг (товар импорт қилинганда) номи кўрсатилади.

2. 15-устунда товарга нисбатан ваколатларга эга бўлган шахс олинган синаманинг (намуналарнинг) сонини ва (ёки) уларнинг қолдиқларини, олинган санаси, Ф.И.О., имзони кўрсатади, шунингдек юридик шахслар учун - ташилотнинг номи, имзо; жисмоний шахслар учун - паспорт рақами ва серияси, имзо.

3. 16-устун қачон ТИФ ТН бўйича БЮДдаги (3-устун) товар коди ва БЛ хулосаси (14-устун) бўйича товар коди ҳар хил бўлганда ва ушбу ҳолат товарга нисбатан қўлланиладиган тариф (нотариф) бошқарувга таъсир этганда тўлдирилади. Бунда, тариф бошқаруви чоралари қўлланилганда устунда аввал ҳисобланган божхона тўловларининг суммаси (минг сўмда) кўрсатилади. Нотариф бошқариши чоралари қўлланилганда устунда аниқ чоралар, масалан: "товарни экспорт қилиш ман этилади", "импорт қилувчиларга қўшимча равишда АВЭС лицензияси берилган (200 __ йил _____ сон " ва бошқалар.

Синама ва намуналарнинг келиб
тушишини рўйхатга олиш
ЖУРНАЛИ

пп	БЮД		Божхона лабораторияси (БЛ) кузатув хати		БЛ рўйхатга олиш			
	Бланка рақами	ТИФ ТН бўйича товар коди	N	Рўйхатга олиш санаси	Экспорт қилувчи (импорт қилувчи)	Синама нинг (намуналарнинг) шахсий белгилари, номи	Ўлчов бирлиги	Синама даги (намуналардаги) товар сони
1	2	3	4	5	6	7	8	9

БЛ рўйхатга олиш		БЛ хулосаси			БЛ хулосаси бўйича кўрилган чоралар	
N	Рўйхатга олиш санаси	Бериш санаси	ТИФ ТН бўйича товарнинг коди	Экспортчи Ф.И.О.	Синамани (намуналарни) олганлик тўғрисида товарга нисбатан ваколатларга эга бўлган шахс белгиси	Қўлланилган тариф (нотариф) тартибга солиш чоралари
10	11	12	13	14	15	16

Илова:

1. 6-устунда экспорт қилувчининг (товар экспорт қилинганда) ёки импорт қилувчининг (товар импорт қилинганда) номи кўрсатилади.

2. 15-устунда боғхона постининг йўриқчиси олинган синамани (намуналарни) ва (ёки) уларнинг қолдиқларини, олинган санани, Ф.И.О., имзони кўрсатади. 16-устун фақат БЮДда (3-устун) ТИФ ТН бўйича кўрсатилган товар коди ва БЛ хулосасидаги (13-устун) кодлар турлича бўлганда ва ушбу ҳолат товарга нисбатан қўлланиладиган тариф (нотариф) чораларга таъсир этгандагина қўлланилади. Устун боғхона пости "Синама ва намуналарни рўйхатга олиш журналининг 16-устунидаги маълумотлар асосида тўлдирилади.

"Тасдиқлайман"

(ДБҚБ раҳбари мансаби)

(имзо, Ф.И.О.)

"__" _____ 200__ йил

**Синамани (намуналарни) йўқ қилиш
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

_____ шаҳри

"__" _____ 200__ йил

Бизлар, синамани (намуналарни) йўқ қилиш бўйича қуйидаги таркибда тасдиқланган комиссия аъзолари: _____

(Ф.И.О., ДБҚБ раҳбари мансаби)
"__" _____ 200__ йил

(мансаб, ДБҚБ бўлими, Ф.И.О.)

(мансаб, ДБҚБ бўлими, Ф.И.О.)

(мансаб, ДБҚБ бўлими, Ф.И.О.)

холис гувоҳлар иштирокида:

1. _____
(Ф.И.О., уй манзили)

2. _____
(Ф.И.О., уй манзили)

(божхона лабораториясининг номи)

сақланган қуйидаги синама (намуналар) йўқ қилинди.

Синама (намуналар) олинанишидан олдин юқорида кўрсатилган шахсларга божхона постини мансабдор шахси томонидан намуналар олинаётганда амалга ошириладиган барча ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқи, далолатнома киритиладиган аризаларни, тушунтиришларни бериши мумкинлиги тушунтирилди. Бундан ташқари, холис гувоҳларга синама (намуналар) олинганлигини тасдиқлаш мажбурияти тушунтирилади.

(Ф.И.О., ва имзо)

(Ф.И.О., ва имзо)

Синамани (намуналарни) йўқ қилиш қуйидаги манзил бўйича амалга оширилади:

Ушбу акт бўйича қуйидаги синама (намуналар) йўқ қилинди:

Т/р	БЛ хулосаси рақами ва санаси	Синамани (намуна)ларнинг шахсий белгилари номи)	Ўлчов бирлиги (кг, л, гр, м2, дона ва бошқалар)	Синамадаги (намуналардаги) товар сони	Йўқ қилиш услуги

Иштирок этувчиларнинг аризалари, фикр-мулоҳазалари

Далолатнома ўқиб чиқилди. Маълумотлар тўғри ёзилган.

Иштирокчилар:

(имзо, Ф.И.О.)

(имзо, Ф.И.О.)

(имзо, Ф.И.О.)

Божхона лабораториясининг бошлиғи

(имзо.)

(Ф.И.О.)

"__" _____ 200_йил

Мухр жойи

НАЗОРAT САВОЛЛАРИ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан олиб ўтилаётган товарнинг намуна ва синамаларини божхона органлари тизимида тасарруф қилиш тартиби тўғрисида маълумот беринг.
2. Намуна ва синамаларни олиш тартибини гапириб беринг.
3. Намуна ва синамаларни божхона лабораторияларида рўйхатга олинишини шарҳлаб беринг.
4. Намуна ва синамаларни божхона лабораторияларида қайтариш тартибини гапириб беринг.
5. Намуна ва синамаларни божхона лабораторияларида сақлаш ва йўқ қилиш тартибини шарҳлаб беринг.
6. Намуна ва синамаларни ўраш усулларини гапириб беринг.

8- БОБ. «ТОВАРЛАРНИНГ БОЖХОНА ЭКСПЕРТИЗАСИ» АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН АХБОРОТ ДАСТУРИ

Режа:

1. Асосий тушунча ва атамалар.
2. Товарларнинг божхона экспертизаси автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланишда божхона ходимларининг вазифаларини белгиловчи Вақтинчалик йўриқномани қабул қилишнинг ҳуқуқий асослари.
3. Товарларнинг божхона экспертизаси автоматлаштирилган ахборот тизимини яратишдан мақсад.
4. Товарларнинг божхона экспертизаси автоматлаштирилган ахборот тизимининг вазифаси.
5. Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги мурожаат хатини тайёрлаш тартиби.
6. Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги мурожаат хати электрон нусхасининг мақомлари.
7. Лабораторияда амалга ошириладиган вазифалар.
8. Лаборатория хулосаси берилгандан кейин божхона постида амалга ошириладиган вазифалар.
9. Божхона экспертизасини ўтказишни ташкил этишда, ташқи фойдаланувчиларнинг АИЎ билан ишлаш, ахборотларни алмашиш.

Асосий тушунча ва атамалар

- **ЎЗР ДБҚ ТБЭ ААТ** - Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона Қўмитаси Товарларнинг божхона экспертизаси автоматлаштирилган ахборот тизими.

- **МИАТ** - Маълумотларга ишлов берувчи автоматлаштирилган тизим.

- **ЎЗР ДБҚ** - Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона Қўмитаси.

- **ДБҚБ** - ДБҚ бошқармаси.

- **МББТ** - Маълумотлар базаси бошқарув тизими.

- **МБ** - Маълумотлар базаси.

- **ДТ** - Дастурий таъминот.

- **АИЎ** - Автоматлаштирилган ишчи ўрни.

- **БЮД** – божхона юк декларацияси.

- **БЮДнинг электрон нусхаси** – божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис томонидан тўлдирилган божхона юк декларациясининг Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланган форматдаги электрон нусхаси.

- **ДБҚ ЯААТ** – Давлат божхона қўмитасининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими.

- **USB-калит** – ДБҚ ЯААТдан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи электрон рақамли имзога асосланган калит.

- **БҚБ** – божхона қоидалари бузилиши.

- **Божхона расмийлаштируви** – товарлар ва транспорт воситалари устидан божхона назоратини таъминлаш мақсадида божхона органларининг мансабдор шахслари амалга оширадиган операциялар мажмуи.

- **Лаборатория** - Марказий божхона лабораторияси, Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш лабораторияси, ҳудудий божхона лабораториялари.

- **Материаллар** - ҳужжатлар, экспертиза учун зарур бўлган барча маълумотлар, намуна ва синамалар.

- **Декларант** – товарларни олиб ўтувчи, товарлар ва транспорт воситаларини ўз номидан декларацияловчи, кўрсатувчи ва тақдим этувчи шахс ёки товар олиб ўтувчи шахс номидан иш олиб бораётган божхона брокери.

- **Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис** – божхона органи томонидан берилган божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестати бўлган, Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси - декларант билан меҳнат шартномаси тузган ва шу декларант номидан божхона расмийлаштируви бўйича ҳаракатларни амалга оширадиган Ўзбекистон Республикасининг жисмоний шахси.

- **АСОД** - Божхона юк декларациялари автоматлаштирилган ахборот тизими.

- **Дастур** – “Товарларнинг божхона экспертизаси” автоматлаштирилган ахборот тизими.

Товарларнинг божхона экспертизаси автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланишда божхона ходимларининг вазифаларини белгиловчи Вақтинчалик йўриқнома қабул қилишнинг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 79, 181 ва 182 - моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 4 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтилаётганда кўздан кечириш мажбурий бўлган товарлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 75-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги “Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 318-сонли қарори ҳамда ДБҚнинг 2008 йил 14 майдаги “Божхона экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 170-сонли буйруғи, Божхона органлари фаолиятини ривожлантиришнинг 2007-2010 йилларга мўлжалланган Концепцияси бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар режасининг 52-банди, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ҳайъатининг 2006 йил 27 июлдаги 4/6 – сонли қарори билан тасдиқланган «ЎзР ДБҚ ахборот – техник сиёсати Концепцияси», 2009 йил 29 январдаги 1/3-сонли Ҳайъат қарорининг 5-бандига мувофиқ, Давлат божхона қўмитасининг 2010 йил 21 июлдаги “Товарларнинг божхона экспертизаси” автоматлаштирилган ахборот тизимини амалиётга киритиш тўғрисида 180- сонли буйруғи ишлаб чиқилган. Ушбу буйруқнинг 1-иловасига кўра “Товарларнинг божхона экспертизаси” автоматлаштирилган

ахборот тизимидан (ААТ) фойдаланишда божхона ходимларининг вазифаларини белгиловчи Вақтинчалик йўриқнома тасдиқланди.

Товарларни божхона экспертизаси автоматлаштирилган ахборот тизимини яратишдан мақсад

Мазкур тизимни яратишдан асосий мақсад, юқорида таъкидланганидек, Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ божхона постлари ва лабораторияларида божхона экспертизасини тайинлаш ва ўтказишнинг ҳисобини юритиш жараёнларини автоматлаштириш, товарларнинг божхона экспертизаси ҳисобини, ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича кодининг тўғри белгиланганлигини ва мажбурий равишда божхона экспертизасидан ўтказишнинг реал вақт режимида назорати юритилишини ҳамда божхона расмийлаштирувига ахборот технологияларини тадбиқ этиш, реал вақт миқёсида маълумотларнинг ягона базага тезкорлик билан киритилишини, расмийлаштирув жараёнининг “шаффофлигини” таъминлашдан иборат.

Тизимда қуйидаги функционал жараёнлар автоматлаштирилади:

Божхона экспертизасидан ўтиши лозим бўлган товарлар рўйхатини юритиш;

Мувофиқлик сертификати талаб қилувчи товарлар ҳисобини юритиш;

Товарларни экспорт қилишда фитосанитар сертификатини талаб қилувчи товарлар ҳисобини юритиш;

Импорт – карантин рухсатномаси талаб қилувчи товарлар ҳисобини юритиш;

Озонни бузувчи моддаларни ва уларни ўзида сақловчи товарлар ҳисобини юритиш;

Ветеринар сертификатни талаб қилувчи товарлар ҳисобини юритиш;

Божхона экспертизасини тайинлашда божхона постларида божхона лабораторияларига юбориладиган мурожаат хатларини тайёрлаш, тасдиқлаш ва чоп этиш;

Экологик сертификат талаб қилувчи товарлар ҳисобини юритиш;

Божхона лабораторияларида божхона экспертизасини тайинлашга доир хатлар ҳисобини юритиш;

Божхона лабораторияларида экспертиза тайинлашга оид ҳужжатларни киритиш ва уларнинг ҳисобини юритиш;

Божхона экспертизаси хулосалари ҳақидаги маълумотларни киритиш;

Божхона лабораторияларида божхона экспертизаси хулосаси тўғрисида божхона постларига тайёрланадиган жавоб хатлари ҳисобини юритиш;

Божхона экспертизаси хулосалари ҳақидаги маълумотларни БЮД га кайд этиш;

Товарларни эркин муомалага чиқаришда божхона экспертизаси хулосасидан фойдаланишни ташкил этиш;

Бошқа вазирликларга қарашли инспекциялар ва сертификатлаш идоралари томонидан товарларга бериладиган сертификат ва рухсатномалар ҳисобини юритиш;

Маълумотларни тезкор излаш;

Товарларнинг божхона экспертизаси автоматлаштирилган ахборот тизимининг вазифаси

Ушбу Вақтинчалик йўриқнома божхона экспертизасини тайинлаш ва ўтказишда божхона органлари ходимларининг вазифаларини белгилашдан ҳамда “Товарларни божхона экспертизаси” автоматлаштирилган ахборот тизими дастурига божхона экспертизасига оид маълумотларни киритиш ва улар билан ишлаш тартибини белгилайди.

Марказий божхона лабораторияси, ҳудудий божхона лабораториялари ва божхона постларида экспертиза ўтказишни тайинлаш ва амалга оширишга оид бошқарув – назорат жараёнлари автоматлаштирилади.

Улар куйидагилардан иборатдир:

Божхона экспертизасини тайинлашни ташкил этиш.

Божхона постларида товарларни экспертизадан ўтказиш бўйича мурожаат хатлари лойиҳасини тайёрлаш ва тасдиқлаш.

Лабораторияларда божхона кўмитаси ёки ҳудудий божхона бошқармасининг божхона экспертизасини ўтказиш тўғрисидаги қарорини ижрога қабул қилиш.

Божхона экспертизаси ўтказишни ташкил этиш.

Лабораторияларда товарларни экспертизадан ўтказиш бўйича келган хатларни қайд этиш.

Лабораторияга келувчи хатлар қайд журналинини юритиш.

Лаборатория бошлиғи томонидан экспертизани тайинлаш.

Лаборатория экспертизаси хулосаларини тайёрлаш.

Лаборатория экспертизаси хулосаси ҳақидаги маълумотларни киритиш.

Лаборатория экспертизаси хулосасини чоп этиш.

Лаборатория экспертизаси хулосалари тўғрисида божхона постларига хат тайёрлаш.

Лаборатория экспертизаси хулосалари тўғрисидаги хатлар қайд журналинини юритиш.

Экспертиза хулосалари бўйича тегишли маълумотларни БЮД га қайд этиш.

Бошқа ташкилотлар ва назорат инспекциялари томонидан сертификатлар ва рухсатномалар киритилишини ташкил этиш.

«БЮД маълумотлари билан ишлаш автоматлаштирилган ахборот тизими» билан ахборот алмашишни ташкил этиш.

Товарларнинг экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш жараёнларини назорат қилиш.

Ахборотларни тезкор излаш;

ЎзР ДБҚ ТБЭ ААТ МБ дан фойдаланувчилар маълумотлар билан ишлаш даражасига кўра уч гуруҳга бўлинади:

Юқори звено – ЎзР ДБҚ Марказий божхона лабораторияси.

Ўрта звено - Марказий божхона лабораторияси, 12 та вилоят бошқармаси божхона лабораториялари, божхона постлари.

Ташқи звено – Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, ЎзБошДавКарантин инспекцияси, “Ўзстандарт” агентлигидан аккредитациядан ўтган сертификатлаш идоралари

Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги мурожаат хатини тайёрлаш тартиби

Божхона пости ходими:

а) Божхона пости ходимига божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис томонидан БЮДнинг қоғоз нусхаси билан биргаликда электрон нусхаси ҳам тақдим этилади.

б) “Ўзстандарт” агентлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан товарга берилган сертификат ва рухсатномаларнинг электрон нусхалари билан қоғоз нусхалари бир-бирига мос келишини дастурга кириб текширади.

с) Божхона пости ходими БЮД электрон нусхасини АСОД дастурига киритиб, қоғоз нусхаси билан электрон нусхаси бир-биридан фарк қилмаслигига эътибор қаратади ва БЮДни рўйхатдан ўтказиши.

д) БЮДни АСОД дастурига киритиб рўйхатдан ўтказиш жараёнида:

- агар товарнинг ТИФ ТН коди “ТИФ ТН бўйича тўғри классификацияланишида биринчи даражали идентификацияланадиган товарлар рўйхати”га мос келса, АСОД дастури ушбу БЮДдаги лабораториядан товар мажбурий равишда экспертизадан ўтказилиши керак эканлиги тўғрисида огоҳлантиради ва АСОД дастури ушбу БЮД тўғрисидаги маълумотларни “Товарларнинг божхона экспертизаси” ААТ дастурига автоматик тарзда юборади.

- агар божхона ходимида товарнинг ТИФ ТН бўйича коди тўғри таснифланганлигига шубҳа уйғонса, АСОД дастуридан керакли бандларини танлаб ушбу БЮД тўғрисидаги маълумотларни “Товарларнинг божхона экспертизаси” ААТ дастурига юборади.

е) Юқорида келтирилган ҳар икки ҳолда ҳам божхона пости ходими ўзига бириктирилган USB калит билан “Товарларнинг божхона экспертизаси” ААТ дастурига кириб Лабораторияга мурожаат хати тайёрлайди.

Бунда ходим товар ҳужжатларини ҳамда товардан олинган намуна ва синамаларни Лабораторияга юборишдан олдин божхона постидаги “Лабораторияга юборилган ҳужжатлар” китобига БЮДни қайд қилади ва дастурдаги электрон мурожаат хатига китобдаги тартиб рақамини бериб,

мурожаат хатини “Таҳрир” ҳолатига келтиради. Мурожаат хатини тайёрлашда ходим дастур орқали хатга БЮДдаги товарни бириктириши ва қуйидаги маълумотларни киритиши лозим:

мурожаат хати тайёрланган сана;

экспертиза амалга ошириладиган Лаборатория номи;

экспертизага юбориладиган товарлар;

экспертлар олдида кўйилган саволлар;

экспертизага тақдим қилинган ҳужжатлар (рақами, берилган санаси, варақлар сони), намуна (синама)лар миқдори, сони ва рўйхати.

Божхона пости бошлиғи: экспертиза тайинлаш тўғрисидаги мурожаат хатининг қоғоз нусхасини имзолайди ва ўзига бириктирилган USB калит билан дастурга кириб, электрон мурожаат хатини тасдиқлайди ва хатни “Лабораторияга юборилган” мақомига ўтказди.

Божхона пости ходими: экспертиза тайинлаш тўғрисидаги мурожаат хатининг қоғоз нусхаси божхона органи мансабдор шахси томонидан тасдиқлангандан кейин товар ҳужжатлари ҳамда товарлардан олинган намуна ва синамалар билан бирга Лабораторияга юборади. Лаборатория хулосаси чиқишини кутади.

Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги мурожаат хати электрон нусхасининг мақомлари

Дастурда экспертиза тайинлаш тўғрисидаги мурожаат хатига қуйидаги мақомлар берилиши мумкин:

1) **“Таҳрир”** (дастурдаги шартли коди – “1”) – ушбу мақомда мурожаат хати дастурда божхона ходими томонидан янги яратилган ва Лабораторияга юборилмаган ҳолатда бўлади.

2) **“Лабораторияга юборилган”** (дастурдаги шартли коди – “2”) – ушбу мақомда мурожаат хати божхона ходими томонидан тайёрланган ва божхона органи мансабдор шахси томонидан тасдиқланиб, Лабораторияга юборилган ҳолатда бўлади.

3) **“Лабораторияга қабул қилинган”** (дастурдаги шартли коди – “3”) – ушбу мақомда мурожаат хатлари Лаборатория бошлиғи томонидан қабул қилинган, лекин экспертиза тайинланмаган ҳолатда бўлади.

4) **“Экспертизага топширилган”** (дастурдаги шартли коди – “4”) – ушбу мақомда мурожаат хати Лаборатория бошлиғи томонидан кўриб чиқилган ва экспертиза ўтказиш учун материаллар экспертларга юборилган ҳолатда бўлади.

5) **“Экспертиза хулосаси тайёрланган”** (дастурдаги шартли коди – “5”) – ушбу мақомда Лаборатория эксперти томонидан экспертиза хулосаси берилган, лекин Лаборатория бошлиғи томонидан якуний хулоса берилмаган ҳолатда бўлади.

6) **“Жавоб қайтарилган”** (дастурдаги шартли коди – “6”) – ушбу мақомда экспертиза тайинлаш тўғрисидаги мурожаат хатига Лаборатория

ходимлари томонидан жавоб қайтарилган, яъни Лаборатория бошлиғи томонидан якуний хулоса тасдиқланган ҳолатда бўлади.

7) **“Бекор қилинган”** (дастурдаги шартли коди – “-1”) – ушбу мақомда экспертиза хулосаси Лаборатория бошлиғи томонидан бекор қилинган (аннулирование) ҳолатда бўлади.

Лабораторияда амалга ошириладиган вазифалар

Лаборатория ходими: Лабораторияга келган хат-хужжатларнинг қоғоз нусхаларини, товарлардан олинган намуна ва синамаларни меъёрий хужжатларда белгиланган талабларга мос келишини текшириб олади ҳамда лабораториядаги “Лабораторияга тақдим этилган хужжатларни қайд этиш” китобига қайд қилади.

Лаборатория бошлиғи: Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги электрон мурожаат хатлари ва материаллар билан танишиб, “Товарларнинг божхона экспертизаси” ААТ дастурида мурожаат хатини қабул қилганлигини тасдиқлаб, электрон мурожаат хатларини **“Лабораторияга қабул қилинган”** мақомига ўтказди ҳамда бир кун муддатда дастур орқали бир ёки бир нечта экспертларга экспертиза ўтказиш тўғрисида топшириқ бериб, электрон мурожаат хатларини **“Экспертизага топширилган”** мақомига ўтказди ҳамда экспертиза ўтказиш муддатини белгилайди.

Экспертлар:

а) ДБКнинг 2008 йил 14 майдаги **“Божхона экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”**ги 170-сонли буйруғи асосида лаборатория бошлиғининг ёзма ва электрон кўрсатмасини ҳамда экспертизага тақдим қилинган материалларни олганидан сўнг экспертиза ўтказишга киришади.

б) Экспертиза ўтказиш учун тақдим этилган маълумотлар етарли бўлмаса, эксперт материалларни қабул қилган вақтдан бошлаб бир иш куни давомида бу ҳақда Лаборатория бошлиғига ёзма равишда мурожаат қилади.

с) Эксперт ўзига бириктирилган USB калит ёрдамида “Товарларнинг божхона экспертизаси” ААТ дастурига кириб, ўзига Лаборатория бошлиғи томонидан юборилган электрон топшириқларни кўради.

д) Товарга берилган сертификатларнинг қоғоздаги нусхаси билан электрон нусхаси бир-бирига мос келишини текширади.

е) Эксперт товарни экспертизадан ўтказгандан сўнг экспертиза хулосасини “Товарларнинг божхона экспертизаси” ААТ дастурига киритиб, хулосани тасдиқлаш орқали электрон мурожаат хатига **“Экспертиза хулосаси тайёрланган”** мақомини беради. Комиссиявий экспертиза ўтказилган ва экспертлар бир хил фикрда бўлганларида умумий хулоса берилади, фикрлар ҳар хил бўлганда эса ҳар бири алоҳида хулоса берадилар.

Экспертлар хулоса тайёрлаб, уни тасдиқлагандан кейин хулосани ўзгартиришлари мумкин эмас. Марказий божхона лабораториясида экспертлар

хулосаларини ўзгартириш фақат Лаборатория бошлиғи, ҳудудий божхона бошқармаларда бошлиқнинг лаборатория гуруҳига кураторлик қилувчи ўринбосарлари рухсати билан амалга оширилади.

Лаборатория бошлиғи: Эксперт томонидан берилган хулосанинг қоғоздаги нусхасини имзолайди ва “Товарларнинг божхона экспертизаси” ААТ дастурида якуний хулосани тасдиқлаб, электрон мурожаат хатини **“Жавоб қайтарилган”** мақомига ўтказди. Лаборатория бошлиғи айрим ҳолатларда экспертиза хулосаларини **“Бекор қилинган”** мақомига ўтказиши мумкин.

Лаборатория хулосаси берилгандан кейин божхона постида амалга ошириладиган вазифалар

Божхона пости ходими: Лабораториядан олинган хулоса натижасига қараб пост ходими БЮДни расмийлаштиради ёки БҚБ ҳолати бўйича баённома тузади. Лабораториядан ижобий хулоса олинганда божхона пости ходими АСОД дастурида ушбу БЮД электрон нусхасининг 44-графасида Лаборатория хулосаси қўйилганлигига эътибор қаратиши лозим.

Божхона экспертизасини ўтказишни ташкил этишда, ташқи фойдаланувчиларнинг АИЎ билан ишлаш ахборотларни алмашиш

Ўзбекистон Республикаси ДБҚ ТБЭ ААТ билан “Ўзбошдавқарантин” инспекцияси ва бошқа карантин инспекциялари, Ўзстандарт агентлиги ва у томонидан аккредитациядан ўтган ташкилотлар, «Давлат ветеринар назорати» инспекциялари ва «Давлат табиатни муҳофаза қилиш бошқармаси» бўлимлари ходимлари ишлаши учун АИЎ ташкил этилган (4- *расм*).

1 **Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси масъул ходими** – Озон қатламини бузувчи моддаларни олиб кириш ва олиб чиқиш бўйича берилган рухсатномалар ва экологик сертификатлар бўйича ҳисоботларни олади;

2 **Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси инспектори** – Озон қатламини бузувчи моддаларни олиб кириш ва олиб чиқиш бўйича берилган рухсатномалар ва экологик сертификатлар бўйича маълумотларни киритади;

3 **Ўзбошдавқарантин инспекцияси масъул ходими** – Фитосанитар сертификатлари ва импорт – карантин рухсатномалари бўйича ҳисоботларни олади;

4 **Ўзбошдавқарантин инспекцияси инспектори** - Фитосанитар сертификатлари ва импорт – карантин рухсатномаларини киритади ;

5 **Ветеринария назорати инспекцияси масъул ходими** - берилган ветеринар гувоҳномалар ҳақидаги ҳисоботларни олади;

6 **Ветеринария назорати инспекцияси инспектори** - ветеринар гувоҳномалар ҳақидаги маълумотларни киритади;

7 **«Ўзстандарт» агентлиги масъул ходими** – Берилган мувофиқлик сертификатлари ҳақидаги ҳисоботларни олади;

8 «Ўзстандарт» агентлигида аккредитациядан ўтган сертификатлаш идораси ходими - Мувофиқлик сертификатлари ҳақидаги маълумотларни киритади;



**Ўзстандарт
агентлиги
сертификатлаш
органлари**



**Мувофиқлик
сертификати
электрон
шакли**



**Ташкилотларга керакли
экспорт ва импорт
қилинган товарлар ҳақида
маълумотлар**



**Табиатни
муҳофаза қилиш
давлат қўмитаси**



**ОБМ учун
рухсатнома ва
Экологик
сертификатлар
электрон шакли**



ЎЗР ДБҚ



**Фитосанитар
сертификатлар ва
импорт–карантин
рухсатномалари
электрон шакли**



**«Ветеринар
назорати»
инспекцияси**



**Ветеринар
сертификатлар
электрон шакли**



**«Ўзбошдавқарантин»
инспекцияси**

4- расм. Ташқи фойдаланувчиларнинг АИЎ билан ишлаш ахборотларни алмашиш.

Масалан, Фитосанитар сертификатлар билан ишлаш тартиби.

Ўзбекистон Республикасидан экспортга жунатиладиган фитосанитар сертификатларни талаб қилувчи товарларга Ўзбошдавқарантин инспекцияси ташкилотлари томонидан фитосанитар сертификати берилади. Фитосанитар сертификати берилиши билан жорий сертификат берилганлиги ҳақида ТБЭ ААТга фитосанитар сертификатлари ва импорт карантин рухсатномаларини “Ўзбошдавқарантин” инспекцияси ва бошқа карантин

инспекциялари инспекторлари томонидан қўйидаги маълумотлар киритиш амалга оширилади:

1. Сертификат берилган ташкилот номи;
2. Сертификат берилган ташкилот манзили;
3. Сертификат берилган ташкилот СТИР (ИНН) (СТИР - солиқ тўловчининг идентификацион рақами);
4. Фитосанитар сертификат номери;
5. Етиштирилган ўсимлик маҳсулотлари номи;
6. Ўсимлик маҳсулотларининг жўнатилаётган манзили, тури ва миқдори;
7. Зарарсизлантириш тури;
8. Зарарсизлантирилган вақти, экспозицияси ва ҳаво ҳарорати;
9. Химикат ва унинг концентрацияси;
10. Қўшимча маълумотлар;
11. Берилган вақти;
12. Амал қилиш муддати;
13. Сертификат берувчи инспекция номи;
14. Сертификат берган инспектор ФИШ си;

Бу маълумотлар асосида Давлат божхона қўмитасида экспортга жўнатиладиган товарлар бўйича мантиқий назорат амалга оширилади.

Давлат божхона қўмитасининг «Товарларнинг божхона экспертизаси» автоматлаштирилган ахборот тизимига «Ўзстандарт» агентлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасини улаш тўғрисидаги 2010 йил 316-сонли буйруғи эълон қилинган. Мазкур буйруққа биноан ТБЭ ААТ тизими идоралараро «ягона ойна» ишлаб чиқилди ва амалиётга киритилди.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Товарларнинг божхона экспертизаси автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланишда божхона ходимларининг вазифаларини белгиловчи Вақтинчалик йўриқноманинг қабул қилинишига қайси қонун ҳужжатлар асос бўлди?
2. Товарларнинг божхона экспертизаси автоматлаштирилган ахборот тизимини яратишнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат.
3. Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги мурожаат хатини тайёрлаш тартиби қандай амалга оширилади.
4. Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги мурожаат хати электрон нусхасининг мақомларини тушунтириб беринг.
5. Лабораторияда қандай ишлар амалга оширилади.
6. Божхона экспертизасини ўтказишни ташкил этишда, ташқи фойдаланувчиларнинг АИЎ билан ишлаш, ахборотларни алмашиш тўғрисида маълумот беринг.

9- БОБ. ТОВАРЛАРНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ ТЎҒРИСИДА БОЖХОНА ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ДАСТЛАБКИ ҚАРОРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Режа:

1. Асосий тушунчалар.
2. Дастлабки қарорни қабул қилиш тартиби тўғрисида Низомнинг қабул қилинишига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.
3. Дастлабки қарорларни қабул қилиш бўйича талабномани тақдим этиш.
4. Дастлабки қарорни қабул қилиш.
5. Дастлабки қарорни қабул қилганлик учун тўлов.
6. Дастлабки қарорни бекор қилиш, ўзгартириш ёки чақириб олиш.
7. Сўнгги хулосалар

Асосий тушунчалар:

дастлабки қарор – божхона назорати ва божхона расмийлаштируви мақсадларида товарнинг божхона органига тақдим этилгунгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси (кейинчалик – ЎЗР ТИФ ТН) нинг белгиланган ўнта рақамли подсубпозицияси бўйича таснифлашнинг ЎЗР ТИФ ТН га мувофиқ дастлабки қарорини чиқариш;

талабгор, манфаатдор шахс – Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига кўзда тутилган товар билан боғлиқ ҳаракатларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ олиб борувчи товар эгаси, унинг харидори ёки бошқа ҳолда чиқувчи шахс ёхуд божхона брокери;

божхона органи – дастлабки қарор тўғрисидаги талабномани кўриб чиқиш мақсадида қабул қилган божхона органи;

Божхона органлари муайян товарни эркин муомалага чиқаришдан аввал унга нисбатан Ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатураси, божхона қиймати ва товар келиб чиқиш мамлакати, божхона тўловларининг миқдорига мувофиқ ҳолда товарларнинг таснифига нисбатан дастлабки ҳал қилув қарорини қабул қилиши мумкин. Дастлабки қарор Давлат божхона кўмитаси ва ҳудудий божхона бошқармалари (кейинчалик – божхона органлари) томонидан қабул қилинади.

Дастлабки қарор божхона органлари учун мажбурий ҳисобланади ва ушбу қарорни олган манфаатдор шахс томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтиладиган товарларга нисбатан уни бериш кунидан бошлаб бир йил давомида амал қилади. Белгиланган муддат тугагандан сўнг дастлабки қарор ўз кучини йўқотади ва бу манфаатдор шахснинг янги дастлабки қарорни бериш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилишига тўсқинлик қилмайди.

Дастлабки қарорни қабул қилиш тартиби тўғрисида Низомнинг қабул қилинишига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонуннинг 3–6 моддалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Божхона

кодексининг 114, 115 ва 116 – моддалари, Давлат божхона қўмитасининг 01-02/20-41-сонли 2002 йил 9 октябрдаги қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 20 ноябрда 1190-рақам билан рўйхатга олинган (2002 йил 30 ноябрда кучга кирган) Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасига мувофиқ товарларнинг таснифланишида божхона органлари томонидан дастлабки қарорни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низоми ишлаб чиқилди. Мазкур Низомга Давлат божхона қўмитасининг 01-02/16-11 сонли 2011 йил 30 июндаги қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 12 июлда 1190-1 рақам билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасига мувофиқ товарларни таснифланишида божхона органлари томонидан дастлабки қарорни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низомига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги қарори (2011 йил 22 июлда кучга кирган) билан ўзгартириш киритилган.

Божхона кодексининг 114-моддасида дастлабки қарорни қабул қилиш ҳақида алоҳида кўрсатиб ўтилган бўлиб, унда божхона органлари товарларнинг таснифи, уларнинг божхона қиймати ва қайси мамлакатда тайёрлангани, божхона тўловлари миқдори ва божхона ишининг бошқа масалалари юзасидан дастлабки тарзда қарор қабул қилиши мумкин. Дастлабки қарорни қабул қилганлик учун уни сўраётган шахсдан қонун ҳужжатларда белгиланган миқдорларда ҳақ ундирилади. Дастлабки қарорни қабул қилиш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Дастлабки қарор божхона органлари учун мажбурий бўлиб, қабул қилинган пайтдан бошлаб бир йил мабойнида амал қилади деб кўрсатилган.

Божхона кодексининг 115-моддаси дастлабки қарорни қабул қилиш тўғрисида сўровни амалга ошириш ҳақида берилган бўлиб, дастлабки қарорни қабул қилинишидан манфаатдор бўлган шахс божхона органларига ёзма сўров юборади. Сўровда дастлабки қарорни қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотлар бўлиши керак. Сўровга товарларнинг намуналари ва нусхалари, уларнинг тавсифи, фотосуратлари, расмлари, чизмалари, тижорат ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар, сўралаётган дастлабки қарор хусусиятига қараб бошқа ҳар қандай маълумотлар илова қилиниши лозим. Агар дастлабки қарорни қабул қилишнинг иложи бўлмаса, сўров рад этилади дейилган.

Божхона кодексининг 116-моддаси дастлабки қарорни бекор қилиш, ўзгартириш ёки чақириб олиш тўғрисида қуйидагилар берилган: Божхона органлари ўзлари қабул қилган дастлабки қарорни бекор қилиши, ўзгартириши ёки чақириб олиши мумкин.

Агар дастлабки қарор аризачи томонидан тақдим этилган чала ёки нотўғри ахборот асосида қабул қилинган бўлса, шунингдек дастлабки қарорга дахлдор бўлган қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган тақдирда, дастлабки қарор бекор қилинади ёки ўзгартирилади.

Дастлабки қарорнинг шартларига риоя этилмаган тақдирда у чақириб олиниши мумкин. Дастлабки қарорни бекор қилиш, чақириб олиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Дастлабки қарор бекор қилинган, чақириб олинган ёки ўзгартирилган тақдирда уни қабул қилганлик учун олинган ҳақ қайтарилмайди.

Дастлабки қарорни қабул қилиш бўйича талабномани тақдим этиш.

Дастлабки қарорни олиш мақсадида манфаатдор шахс товарни таснифлаш бўйича ёзма талабнома (кейинчалик – талабнома)ни қуйидаги шаклга мувофиқ Давлат божхона кўмитасига ёки ҳудудий божхона бошқармаларига юборади.

Дастлабки қарорни қабул қилиш тўғрисидаги ТАЛАБНОМАНИНГ НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий божхона лабораторияси
ёки ҳудудий божхона бошқармаси
бошлиғига (бошлиқ ўринбосарига)**

Тўлиқ почта манзили (жисмоний шахслар учун)

Манфаатдор шахснинг фамилияси, исми, шарифи (жисмоний шахслар учун)

Ташкилот номи, раҳбарнинг фамилияси, исми, шарифи (юримдик шахслар учун)

Ташкилотнинг жойлашган жойи (юримдик шахслар учун)

Қуйида келтирилган товарга ЎзР ТИФ ТН га мувофиқ таснифлаши тўғрисидаги дастлабки қарор беришингизни сўрайман.

Товарнинг тўлиқ тавсифи

Тўлиқ тижорат номи, фирма номи; асосий техник ва тижорат тавсифлари, масалан, белгиланиши, стандарти, нави, маркаси, модели, артикули, келиб чиқиши, қадоғи (унинг тавсифи, оғирлиги ва ўлчами), синов баёнлари, экспертиза актлари, мувофиқлик, сифат, келиб чиқиш сертификатлари, лабораториялар товар синамалари (намуналари) нинг маълумотномалари ёки гувоҳномалари, шу товарнинг ЎзР ТИФ ТН нинг ўнта рақамли подсубпозициясида таснифлаш имконини берувчи бошқа тавсифлари.

Дастлабки қарорни қабул қилиш учун тўловни тўлашга кафолат берамиз.

Сана _____

_____ (талабгор имзоси)

Талабнома дастлабки қарорни қабул қилиш учун зарур бўлган барча маълумотлар, ҳужжатлар ва материаллардан иборат бўлиши керак. Талабномага товарларнинг синама ва намуналари, уларнинг тавсифлари, суръатлари, расмлари, чизмалари, товар ҳақидаги барча зарурий маълумотларни сақлаган тижорат ва бошқа ҳужжатлар илова қилинади.

Талабномада манфаатдор шахс дастлабки қарорни қабул қилганлик учун тўловни тўлаш кафолатини кўрсатиши лозим.

Юридик шахс томонидан тақдим этиладиган талабнома ташкилотнинг раҳбари томонидан унинг фамилияси, исми, шарифи ва лавозимини кўрсатган ҳолда имзоланиши ва ташкилотнинг қаерда жойлашганлиги тўғрисидаги маълумотларни сақлаши лозим.

Жисмоний шахс томонидан тақдим этиладиган талабнома масъул шахс томонидан имзоланиши ва унинг яшаш манзили тўғрисидаги маълумотларни сақлаши лозим.

Дастлабки қарорни қабул қилишда манфаатдор шахс томонидан етарлича маълумот, ҳужжатлар ва материаллар тақдим этилмаганда, божхона органи манфаатдор шахсдан дастлабки қарорни қабул қилиш учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни талаб қилиши мумкин. Бунда албатта қандай қўшимча маълумотлар тақдим этилиши лозимлиги кўрсатилади.

Дастлабки қарорни қабул қилиш имкони бўлмаганда ёки манфаатдор шахс томонидан қўшимча маълумотларни тақдим этиш рад этилганда, божхона органи талабномани ёзма равишда қайтариб юборади.

Талабномани қайтариб юбориш қарорлари юзасидан юқори божхона органларига ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

Талабномадаги манфаатдор шахсдан олинган тижорат ёки бошқа қонун билан муҳофазаланадиган сирли маълумотлар, шунингдек яширин маълумотлар овоза этилишига, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолатлардан истисно ҳолларда манфаатдор шахснинг розилигисиз учинчи шахсга ва давлат органига берилишига йўл қўйилмайди. Талабномада манфаатдор шахс тақдим этиладиган маълумотнинг юқорида айтиб ўтилган жиҳатлари ҳақида божхона органини хабардор қилади. Божхона расмийлаштируви ва божхона назорати мақсадлари учун дастлабки қарорнинг асидан фойдаланилади. Божхона расмийлаштируви тугатилгандан сўнг дастлабки қарорнинг асли манфаатдор шахсда қолдирилади.

Дастлабки қарорни қабул қилиш

Талабнома - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 12 июлда рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасига мувофиқ товарларни таснифланишида божхона органи томонидан дастлабки қарорни қабул қилиш тартиби Низомига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги 1190-1 сонли қарорига мувофиқ 20 кун ичида кўриб чиқилади.

ЎЗР ТИФ ТН га мувофиқ товар кодини аниқлаш бўйича зиддиятли ҳолатлар ҳамда уларни ҳал этишда қийинчиликлар пайдо бўлганда, божхона органи товар намуналари (синамалар)ни ва керакли ҳужжатларни Халқаро божхона ташкилотига текширув ёки синовларни ўтказиш учун юбориши мумкин. Бунда дастлабки қарор божхона органи томонидан талабнома келиб тушган кундан бошлаб 90 кун ичида қабул қилинади.

Божхона органи дастлабки қарорнинг қабул қилинганлиги тўғрисида талабгорни ушбу қарор қабул қилинганидан кейин 3 кун ичида хабардор қилишга мажбур. Дастлабки қарор қабул қилинганлиги тўғрисидаги хабарнома талабгорга ёзма шаклда банк ҳисоб рақами ва дастлабки қарорни қабул қилганлик учун тўловни тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда юборилади (топширилади).

Дастлабки қарор божхона органи бошлиғининг ёки унинг ўринбосарининг имзоси билан расмийлаштирилади.

Давлат божхона кўмитасининг дастлабки қарори икки нусхада расмийлаштирилади. Биринчи нусха талабгорга топширилади (юборилади), иккинчи нусха эса, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг Марказий божхона лабораториясида қолдирилади.

Худудий божхона бошқармасининг дастлабки қарори учта нусхада расмийлаштирилади. Биринчи нусха талабгорга топширилади (юборилади), иккинчи нусха уни юборган худудий божхона бошқармасида қолади, учинчи нусха Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг Марказий божхона лабораториясига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг Марказий божхона лабораторияси худудий божхона бошқармаларининг дастлабки қарорларини тўғри чиқарилганлигини кўриб чиқади, шунингдек барча худудий божхона бошқармаларини чиқарилган дастлабки қарорлар билан таништиради.

Талабгор томонидан илгари олинган дастлабки қарор йўқотилган бўлса, унинг дубликатини бериш йули билан дастлабки қарорни тиклаш мумкин. Шундай мақсадларда манфаатдор шахс дастлабки қарор йўқотилганлиги кўрсатиб ўтилган ёзма ариза билан дастлабки қарорни чиқарган божхона органига мурожаат қилади. Дастлабки қарор бланкининг 8-графаси – «Хизмат белгилари учун» да божхона органи «Дубликат» белгисини кўяди.

Илгари олинган дастлабки қарорнинг дубликатини беришда тўлов ундирилмайди.

Дастлабки қарорни қабул қилганлик учун тўлов

Манфаатдор шахс дастлабки қарорни қабул қилганлик учун божхона органининг ҳисоб рақамига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 30.04.1999 йилда 204-сонли “Божхона йиғимлари ставкалари тўғрисида” ги қароридан белгиланган тўлов миқдорини тўлайди.

Тўлов тўланишини кўрсатувчи тўлов хужжати талабгор томонидан дастлабки қарор қабул қилинганлиги тўғрисидаги хабарнома олингандан кейин божхона органига тақдим этилади ва дастлабки қарорни олиш учун асос ҳисобланади.

Божхона лабораторияларида товарлар намуна (синама) ларини текширув ёки синовлардан ўтказиш имкони бўлмаганда, божхона органлари шартнома асосида ушбу текширув ёки синовларни ўтказиш мақсадида бошқа махсуслаштирилган лаборатория ва идораларга мурожаат этишлари мумкин.

Бунда текширув ёки синовлар ўтказишнинг барча ҳаражатлари божхона органи ҳисобидан қопланади.

Дастлабки қарорни бекор қилиш, ўзгартириш ёки чақириб олиш

Дастлабки қарор уни қабул қилган божхона органи томонидан бекор қилиниши, ўзгартирилиши ва чақириб олинishi мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ўзи томонидан ва худудий божхона бошқармалари томонидан қабул қилинган дастлабки қарорларни бекор қилиши, ўзгартириши ва чақириб олиши мумкин.

Агар дастлабки қарор талабгор томонидан тақдим этилган тўлиқ бўлмаган ёки ишончсиз маълумотлар асосида қабул қилинган бўлса, шунингдек дастлабки қарорга боғлиқ бўлган қонунчиликнинг ўзгаришида, шу жумладан:

- Ўзбекистон Республикасида мажбурий қўллаш учун Халқаро божхона ташкилоти томонидан илгари дастлабки қарор қабул қилинган товарни таснифлашга боғлиқ бўлган қарорларнинг қабул қилинишида;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ТИФ ТН нинг янги таҳририни тасдиқлашга ёки амалдаги ТИФ ТН таҳририга изоҳ ва қўшимчалар киритишга боғлиқ бўлган қарорларнинг қабул қилинишида дастлабки қарор бекор қилинади ёки ўзгартирилади.

Дастлабки қарор шартларига риоя этилмаганда чақириб олинishi мумкин. Дастлабки қарорни бекор қилиш, ўзгартириш ёки қайтариб олиш тўғрисидаги қарор ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Дастлабки қарорни бекор қилиш, ўзгартириш ёки чақириб олишда уни қабул қилганлик учун олинган тўлов қайтарилмайди. Илгари қабул қилинган дастлабки қарорни ўзгартиришда божхона органи тўлов ундирмаган ҳолда янги дастлабки қарорни қабул қилади ва манфаатдор шахсга топширади.

Божхона органининг дастлабки қарорини бекор қилиш, ўзгартириш ёки қайтариб олиш тўғрисидаги қарор манфаатдор шахслар ва бошқа божхона органлари диққатига ёзма шаклда 3 кун ичида етказилади.

Дастлабки қарорни бекор қилиш, ўзгартириш ёки қайтариб олиш юқори божхона ташкилотларига ёки судга мурожаат қилиш йули билан шикоят қилиниши мумкин.

Дастлабки қарорни бекор қилиш, ўзгартириш ёки чақириб олиш ушбу дастлабки қарорга мувофиқ илгари олиб кирилган товарларга боғлиқ муносабатларда манфаатдор шахсларга ҳеч қандай мажбуриятларни юкламайди.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Дастлабки қарорни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низом қайси қонун-ҳужжатлар асосида қабул қилинган.
2. Дастлабки қарорларни қабул қилиш бўйича талабномани тақдим этиш қандай амалга оширилади.
3. Дастлабки қарорни қабул қилиш тўғрисида нималарни биласиз.
4. Дастлабки қарорни қабул қилганлик учун тўлов ким томонидан белгиланади.
5. Дастлабки қарор қандай ҳолларда бекор қилинади ёки чақириб олинади.

10- БОБ. БОЖХОНА ЮК ДЕКЛАРАЦИЯСИНING 31-ГРАФАСИДА ТОВАРЛАРНИ ТАВСИФЛАШ

Режа:

1. Божхона юк декларациясининг 31-графасини тўлдириш тартиби ва унинг назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари.
2. Божхона юк декларациясининг 31-графасини тўлдириш тартиби.
3. Божхона юк декларациясининг 31-графасини тўлдиришда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш чоралари.
4. Товарларни экспорт ва импорт қилишда БЮДнинг 31-графасини тўлдириш бўйича тавсиялар.

Божхона юк декларациясини расмийлаштиришда унинг 31-графасини нотўғри ва тўлиқ тўлдирмаслик ҳамда мазкур графадаги маълумотларни АСОД дастурига тўлиқ киритмаслик билан боғлиқ ҳолатлар жиддий муоммоларни келтириб чиқаради, шунингдек товарларнинг ТИФ ТН кодларини ва божхона қийматини нотўғри белгиланишига, бу эса ўз навбатида божхона тўловлари миқдорининг нотўғри ҳисобланишига сабаб бўлади.

Божхона юк декларациясининг 31-графасини тўлдириш тартибини ва унинг назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари

Қуйидаги қонун ҳужжатлар БЮДнинг 31-графасини тўлдириш ва назоратини амалга оширишга ҳуқуқий асос бўлиб ҳисобланади:

1. Ўзбекистон Республикаси “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддаси (29.08.1997 й. 472-І).

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 1999 йил 3 ноябрда 834-рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 29 августда 1269-рақам билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтилаётган товарларнинг намуна ва синамаларини божхона органлари тизимида тасарруф қилиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазиригидан 2001 йил 25 июлда 1055-сон билан рўйхатдан ўтган “Божхона юк декларациясининг электрон нусхасини жорий қилиш тўғрисида”ги қарори,

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2012 йил 25 январда 834-21-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг 2008 йил 14 майдаги “Божхона экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома”ни тасдиқлаш ҳақидаги 170-сон буйруғи.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 12 июндаги “Божхонада юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома талаблари ижроси устидан назоратни кучайтириш ҳақидаги 31-сонли кўрсатмаси.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2010 йил 22 январдаги “Божхона юк декларациялари автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланиш бўйича вақтинчалик Йўриқнома”ни тасдиқлаш ҳақидаги 16хфу-сонли буйруғи

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2010 йил 24 мартдаги “Божхона юк декларацияларининг 31-графасида маълумотларни тўлиқ киритилиши устидан назоратни кучайтириш тўғрисида”ги 73хфу-сонли буйруғи.қарори

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2010 йил 21 майдаги “Божхона юк декларацияларининг 31-графасида маълумотларни тўлиқ киритилиши устидан назоратни кучайтириш тўғрисида” кўрсатмаси талаблари асосида божхона юк декларациясининг 31-графасини тўлдириш тартиби ва унинг назорати амалга оширилади.

Божхона юк декларациясининг 31-графасини тўлдириш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 1999 йил 3 ноябрда 834-рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби” тўғрисидаги Йўриқномаси ва “Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш тўғрисида” Адлия вазирлигидан 2012 йил 25 январда 834-21-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарорига мувофиқ БЮД графалари, хусусан унинг 31-графасида товар тўғрисидаги маълумотлар (*товар номи, техник тавсифи, модел рақамлари, тури, ўлчамлари, ГОСТи, параметрлари, серия рақами ва бошқалар*) тўлиқ ва тўғри кўрсатилиши кўрсатиб ўтилган.

БЮДнинг 31-графаси “Товар номлари ва юк жойлари. Контейнер номери, маркировкаси, сони” деб номланади ва уни тўлдиришда қуйидаги маълумотлар киритилиш кўрсатилган.

Товарнинг номи, асосий кўрсаткичлари Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси қодалари бўйича **10 рақамли** подсубпозиция остигача аниқлаш имконига эга бўлиши учун, уларнинг техник характеристикаси, модел номери, тури, ўлчамлари, ГОСТлари, серия рақамлари ва бошқа параметрлари кўрсатилади. Декларацияланаётган товар номини ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси умумий товар позицияси бўйича кўрсатилишига йўл қўйилмайди. Кейинроқ эса юк эгаллаган жойлар сони, тури ва уларнинг маркировкаси ҳақида маълумот берилади.

Контейнерларда олиб ўтиладиган товарлар учун уларнинг умумий сони ва бўш жойдан кейин контейнер номери кўрсатилади. Агар декларация қилинаётган товарлар юк жойларининг ва контейнерларни бутунлай эгаллаб

турмаган бўлса, графада “яшиқнинг бир қисми”, “контейнернинг бир қисми” деб кўрсатилади. Графанинг пастки ўнг қисмида ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича товарнинг қўшимча ўлчов бирликлардаги миқдори кўрсатилади (қўшимча ўлчов бирлигининг коди 41-графада кўрсатилади). Агарда, ўлчов бирлиги сифатида фақат “кг” эътироф этилса, графанинг бу қисми тўлдирилмайди. Қўшимча варақдаги ишлатилмай қолган 31-графа чизиб қўйилади. Графанинг пастки чап қисмига декларацияланаётган товарни ишлаб чиқарган ташкилотнинг 8-рақамли КТУТ рақами ёзилади. Агарда, товарни ишлаб чиқарган ташкилот тўғрисида маълумот бўлмаса, товарни экспорт қилаётган ташкилотнинг КТУТ коди қўйилади, шунингдек “Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш тўғрисида” Адлия вазирлигидан 2012 йил 25 январда 834-21-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарорига мувофиқ махсус назорат идентификацион белгилари билан маркировкаланадиган истеъмол товарларини Божхона юк декларациясини расмийлаштиришда унинг 31-графасини тўлдираётганда товарнинг ишлаб чиқарувчи завод томонидан қўйиладиган серия рақами ҳам кўрсатилиши лозим.

Божхона юк декларациясининг 31-графасини тўлдиришда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш чоралари

Олиб борилган таҳлилларга эътибор берилса, БЮДларни тўлдиришда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 3 ноябрда 834-рақам билан рўйхатга олинган “Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома ҳамда ДБҚнинг 2008 йил 12 июндаги “Божхонада юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома талаблари ижроси устидан назоратни кучайтириш ҳақидаги 31-сонли кўрсатмаси талабларига зид равишда БЮДларни расмийлаштиришда уларнинг 31-графасида товарлар ҳақида маълумотларни, яъни товар номи, техник тавсифи, модель рақамлари, тури, ўлчамлари, ГОСТи, параметрлари ҳамда декларацияланаётган товарнинг 10 та рақамли подсубпозициясидаги ТИФ ТН кодини аниқлаш имконини берадиган зарур маълумотларни акс эттирилмаслиги баъзида учраб туради.

Масалан:

- БЮДга “холодильники бытовые двухкамерные” товари;
- БЮДга «машины стиральные, бытовые или для прачечных, включая машины, оснащенные отжимным устройством: стиральная машина» товари расмийлаштирилган.

Юқоридаги БЮДларни расмийлаштиришда Адлия вазирлигида 1999 йил 3 ноябрда 834-рақам билан рўйхатга олинган Йўриқномада белгиланган БЮДнинг 31-графасини тўлдириш тартибига амал қилинмасдан, БЮДнинг 31-графасида фақатгина товар позициясининг умумий номи кўрсатилган бўлиб, товар тўғрисидаги бошқа маълумотлар кўрсатилмаган.

Ваҳоланки, Адлия вазирлигида 1999 йил 3 ноябрда 834-рақам билан рўйхатга олинган Йўриқномада БЮДнинг 31-графасини тўлдириш тартибида

декларацияланаётган товарларни ТИФ ТНда кўрсатилган товар позициясининг умумий номи билан кўрсатилишига йўл қўймаслиги аниқ белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга жойларда БЮДнинг қоғоз нусхасидаги маълумотларни АСОД дастурига тўлиқ киритмаслик билан боғлиқ камчиликларга ҳам йўл қўйилмасликка эътибор беришлик лозим.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2001 йил 25 июлда 1055-сон билан рўйхатдан ўтган “Божхона юк декларациясининг электрон нусхасини жорий қилиш тўғрисида” ги қарорнинг 1-бандида божхона брокерлари ва декларантлар божхона расмийлаштируви вақтида божхона юк декларациясининг қоғоз нусхаси билан биргаликда унинг электрон нусхасини ҳам тақдим этиши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, ДБКнинг 2010 йил 22 январдаги 16хфу-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Божхона юк декларациялари автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланиш бўйича вақтинчалик йўриқнома”нинг 11-банди “в” остбанди талабларига кўра, агар БЮДнинг қоғоз ва электрон нусхалари ўртасида тафовут аниқланса, божхона ходими ушбу БЮДнинг қоғоз нусхасини рўйхатга олиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда божхона қоидаларининг бузилиши ҳолати юзасидан ҳужжатларни расмийлаштириши белгилаб қўйилган.

Ушбу талабдан келиб чиққан ҳолда БЮДнинг қоғоз ва электрон нусхалари орасида тафовутлар бўлиши мумкин эмас.

БЮДларнинг электрон нусхасидаги маълумотлар, шу жумладан БЮДнинг 31-графасида товар тўғрисида кўрсатилган маълумотларнинг БЮД қоғоз нусхасидаги маълумотларга мослиги етарлича текширилмаса, натижада БЮДдаги маълумотларнинг АСОД дастурига тўлиқ киритмаслик ҳолатларига йўл қўйилиши мумкин.

Масалан, БЮДда “соус – майонез в ассортименте” товари расмийлаштирилган бўлиб, БЮД электрон нусхасининг 31-графаси ҳамда “детализация” қисмида товарнинг маркаси ва таркибини кўрсатиш ўрнига “перечень см. на обороте” деб ёзиш билан чекланган. Ушбу БЮД қоғоз нусхасининг орқа томонида жами 6 хил “майонез” маҳсулотлари тўғрисида маълумотлар қайд этилган.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, АСОД дастурида БЮДнинг 31-графасидаги маълумотларни киритиш учун ажратилган майдончага маълумотларни сиғдириш имкони бўлмаганда ушбу графа учун ажратилган “детализация” бандида чекланмаган миқдорда маълумотларни киритиш имконияти мавжуд.

Бундан ташқари, юқоридаги каби ҳолатлар, қонунга хилоф равишда республика ҳудудига олиб кирилган товарлар юзасидан ДБКнинг ташкилий тузилмалари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан берилаётган сўровномаларни сифатли ижро этиш ва уларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш, республикада ҳудудда жойлашган бозорларда сотилаётган

импорт товарларини мунтазам мониторинг ва таҳлил қилиб боришда бирқанча муаммоларни юзага келтиради.

Бу каби ҳолатларга барҳам бериш ва мунтазам такрорланмаслиги учун божхона ходимлари амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларини билишлари, ўз хизмат вазифаларига маъсулият билан ёндашишлари ва эътиборли бўлишлари шарт. БЮДларда маълумотлар тўлиқ акс эттирилса, натижада товарларнинг божхона қиймати тўғри белгиланади ва божхона тўловлари тўлиқ ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, БЮДларда ҳамда АСОД дастурида товарларнинг номлари ва улар тўғрисидаги бошқа маълумотларнинг тўғри ва тўлиқ акс эттирилиши мақсадида, ДБҚнинг 2010 йил 24 мартдаги “Божхона юк декларацияларининг 31-графасида маълумотларни тўлиқ киритилиши устидан назоратни кучайтириш тўғрисида”ги 73хфу-сонли буйруғида куйидаги:

1. БЮДларни расмийлаштириш ва текширишда, БЮД графалари, хусусан унинг 31-графаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 3-ноябрда 834-рақам билан рўйхатга олинган Йўриқнома талаблари асосида тўғри тўлдирилганлиги, товар тўғрисидаги маълумотлар (товар номи, техник тавсифи, модель рақамлари, тури, ўлчамлари, ГОСТи, параметрлари ва бошқалар) тўлиқ кўрсатилмаслигини каттиқ назоратга олиш. Бунда БЮДнинг 31-графасидаги маълумотлар товарга оид ҳужжатлар, шу жумладан сертификатлардаги маълумотларга мос келишига алоҳида аҳамият қаратиш;

2. Товарларни божхона кўригидан ўтказиш ва расмийлаштиришда товар тўғрисидаги маълумотлар Божхона кўриги далолатномаси ҳамда БЮДнинг 31-графасида тўғри ва тўлиқ кўрсатилишини доимий назорат қилиб борилиши;

3. БЮДларнинг электрон нусхасидаги маълумотлар, шу жумладан БЮДнинг 31-графасида товар тўғрисида кўрсатилган маълумотларнинг БЮД қоғоз нусхасидаги маълумотларга мослигини доимий назоратга олиниши;

4. БЮДларнинг 31-графасини тўлдиришда товарларнинг фақатгина умумий номини кўрсатиш, АСОД дастурининг 31-графасига “см. на обороте” сўзларини ёзиб қўйиш ҳолатларига барҳам бериш. Товарлар тўғрисидаги маълумотлар АСОД дастурининг 31-графасидаги “детализация” қисмида батафсил қайд этилишини таъминланиши;

5. Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар билан Адлия вазирлигида 1999 йил 3 ноябрда 834-рақам билан рўйхатга олинган “Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномани ўрганиш, бунда БЮДнинг 31-графасини тўлдириш тартибига алоҳида аҳамият берилиши;

6. БЮДнинг 31-графасида товарлар ҳақида маълумотлар тўғри ва тўлиқ киритилмаганда ҳамда БЮД қоғоз ва электрон нусхалар орасида тафовутлар аниқланган ҳолатларда божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисларга нисбатан тегишли чоралар кўрилиши;

7. БЮДнинг 31-графасида маълумотларнинг тўлиқ акс эттирилмаслиги

каби ҳолатларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида АСОД дастурига киритилган БЮДлар доимий тафтишдан ўтказиб борилиши, бунда асосан товарлар ҳақида маълумотлар (*товар номи, техник тавсифи, модель рақамлари, тури ўлчамлари, ГОСТи, параметрлари ва бошқалар*) тўлиқ киритилганлигига эътибор қаратиш. Мазкур йўналишда аниқланган камчиликлар юзасидан мунтазам равишда жойларга кўрсатмалар юборилиши каби топшириқлар берилган.

Товарларни экспорт ва импорт қилишда БЮДнинг 31-графасини тўлдириш бўйича тавсиялар

БЮДнинг 31-графасини тўлдириш тартибини қуйидаги мисоллар билан кўриб чиқамиз. (*мисоллар рус тилида берилган*)

1. Для живых животных, в том числе и домашней птицы; классифицируемых в 1 разделе ТН ВЭД, при указание в 33 графе ГТД кода товаров, начинающего с цифр 0101- 0106:

- конкретный род или вид живых животных, их предназначение (чистопородные, племенные, домашние виды, предназначенные для убоя или прочие);

- масса (вес) каждого отдельного животного или птицы (за исключением животных, классифицируемых в позиции 0106);

- общий вес;

- количество в дополнительных единицах измерения;

- производитель;

- общее количество грузовых мест;

- количество и номера контейнеров.

Например (код ТНВЭД 010290 510 0):

Бычки, породы: красная степная, помесь красной степной и красно-пёстрой гольштинской, год рождения 2008 г., завод «Племенной скот», Украина, без упаковки, вес 1 бычка - 350 кг, всего-1750 кг, кол.- 5, кол-во мест - 5.

2. Для мяса, классифицируемого в товарных позициях 0201, 0202 (говядина), 0203 (свинина), 0204 (баранина):

- наименование мяса в зависимости от вида убойного животного; термическое состояние (остывшее, охлажденное, замороженное);

- вид разруба туш (туши, полутуши) и наименование отрубов (четвертины неразделенные или разделенные, окорок, лопатка, грудинка, хребтовый край спинной части и пр.);

- степень обработки (не обваленное или обваленное, т.е. с костями или без костей);

- стоимость в условиях франко-границы страны ввоза (для товаров, классифицируемых в субпозиции 020130, 020230);

- производитель;

- масса одного грузового места и общий вес;

- общее количество грузовых мест;
- количество и номера контейнеров;
- ГОСТ.

Например (код ТН ВЭД 020230 100 9):

Мясо говядины замороженное, обваленное, Украина, блок по 20 кг. в карт. кор., всего - 2800 карт. кор., вес - 56000 кг, всего 2800 мест.

3. Для товаров позиции 2208 – спирт этиловый неденатурированный и прочие спиртные напитки:

- полное торговое наименование продукта;
- наименование производителя;
- количество в виде упаковки;
- объем содержания спирта;
- количество в дополнительных единицах измерения;
- общее количество товара (в литрах)
- общее количество грузовых мест;
- количество и номера контейнеров.
- ГОСТ.

Например (код ТН ВЭД 2208 60 110 0):

Водка «Столичная», произ-во завода ООО"Первый Купажный Завод", Россия, с концентрацией спирта 40 об.% (код марки IM-09025) маркированные на госуд. языке, в бутылках по 0,5 л., всего 20000 бут., в 2000 кор.. 10000 литр., общий вес - 17443 кг (с бутыл.). ГОСТ.

4. Для продукции химической и связанных с ней отраслей промышленности, классифицируемой в разделе VI ТН ВЭД:

- торговое название, марка товара, его назначение;
- наименование производителя;
- химический состав продукта с указанием процентного соотношения или массовых долей основных компонентов;
- вид товара (порошок, гранула, раствор и пр.)
- вид упаковки и расфасовки товара;
- общее количество упаковок;
- общее количество товара и общий вес;
- общее количество грузовых мест;
- количество и номера контейнеров;
- ГОСТ (кроме 28, 32, 37 - группы товаров).

Например (код ТН ВЭД 2833 19 000 0):

Натрия сульфат (Хромотель XGS-дубитель хромовый сухой модифицированный, порошок зеленого цвета, применяется в меховой и кожвенной промышленности), пр-во ООО "Новохром", Россия, в мешках по 50 кг, всего - 400 мешков, общий вес 20 тн, 400 мест ТУ2214-001-23932568-04

5. Для полимерных материалов, пластмассы и изделий из него, а также каучука, резины и изделий из них, классифицируемых в VII разделе ТН ВЭД (код товара начинается с цифр 39 или 40):

- торговое название, марка товара, его назначение;
- наименование производителя;
- тип и состав полимера или каучука, из которого он изготовлен;
- тип растворителя и его процентное содержание (если товар представляет собой раствор);
- вид товара (порошок, гранула, брикет и т.д.);
- количество в виде упаковки;
- общее количество упаковок;
- общее количество товара и общий вес;
- общее количество товара в дополнительных единицах измерения;
- общее количество грузовых мест;
- количество и номера контейнеров;
- ГОСТ.

Для товарной позиции 3916, 3918, 3919, 3920, 3921, 4008, 4010:

- толщина;
- поперечное сечение;
- иные характерные габаритные размеры товаров.

Для шин (покрышек) товарных позиций 4011, 4012 - маркировка товара, нанесенная непосредственно на изделие.

Например (код ТН ВЭД 3916 20 100 0):

Профили из ПВХ для изготовления окон и дверей, Китай, ширина от 6 см. до 10 см длиной 6 м, 31 упак по 4 шт., всего - 126 шт, всего- 15624 м, 31 пол.меш, общий вес - 737 кг, всего 31 мест.

6. Для товарной позиции 8418 10 (холодильники, морозильники):

- торговое название, марка товара;
- назначение (бытовой, промышленный, для торговли);
- наименование производителя;
- серийные номер товара, проставляемые заводом-изготовителем;
- объем, л (емкость);
- вид и мощность моторного устройства, кВт;
- количество камер, наличие отдельных наружных дверей;
- вид упаковки;
- общее количество упаковок;
- общее количество товара и общий вес;
- общее количество товара в дополнительных единицах измерения;
- общее количество грузовых мест;
- количество и номера контейнеров.
- ГОСТ.

Например (код ТН ВЭД 8418 10 200 1):

Холодильники бытовые, марки "LG", модель GR-P227ZCMW объем 551литр, производитель - LG Electronics Inc, серийные номер 08926, двухкамерный, ГОСТ 16317-87, 9 карт. кор., общий вес - 1323 кг, кол.- 9 шт, всего 9 мест № конт.:GLDU 0926760

7. Для товарной позиции 8528 (телевизионная аппаратура):

- торговое название, марка товара и его назначение;
- наименование производителя;
- серийные номер товара, предоставляемые заводом-изготовителем;
- тип изображения (цветное, черно-белое или другое монохромное);
- вид экрана (ЛСД, ЖК и пр.) и сведения о наличии трубки (если имеется);
- наличие величины соотношения длин сторон экрана;
- размер диагонали экрана, в см;
- наличие записывающего устройства, модема;
- вид упаковки;
- общее количество упаковок;
- общее количество товара и общий вес;
- общее количество товара в дополнительных единицах измерения;
- общее количество грузовых мест;
- количество и номера контейнеров;
- ГОСТ.

Например (код ТН ВЭД – 8528 72 200 1):

Телевизор цветного изображения марки "SAMSUNG" LCD TV, S/N:ZUGB93GZ0055L, мод 32" LA32A550 с размером экрана 32 дюйм, 8 карт.кор., общий вес-136 кг, кол. 8 шт, № конт.:BAXU 5007715. ГОСТ

8. Для товарной позиции 8701-8704:

- название транспортного средства;
- марка транспортного средства и его модели, назначение;
- наименование производителя;
- год выпуска;
- тип и объем двигателя в см. куб;
- мощность двигателя в кВт. (дополнительно для товарной позиции 8701 ТН ВЭД)
- число посадочных мест и количество перевозимых пассажиров (в случае необходимости указать грузоподъемность);
- номер кузова, шасси и двигателя;
- цвет;
- вес товара;
- общее количество товара в дополнительных единицах измерения;
- количество и номера контейнеров (если товар перевозится в контейнере).

- ГОСТ.

Для описания “частей” и “принадлежностей” проверяется:

- наличие полного наименования “части” и “принадлежности”;
- торговая марка, модель, модификация и т.п.;
- о назначении в области применения

Например (код ТН ВЭД – 8703 23 191 0):

Автомобиль легковой, ВАЗ 2106, 2006 г., объем двигателя 1600 см³, тип двигателя - бензиновый, количество сидячих мест 5 (вместе с шофером), кузов №11111111, шасси №22222222, двиг. № 33333333, цвет – белый, Россия, 1500 кг, 1 шт; 1 место; ГОСТ

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Божхона юк декларациясининг 31-графасини тўлдириш тартиби ва унинг назоратини амалга оширишда қайси қонун ҳужжатлар ҳуқуқий асос ҳисобланади.
2. Божхона юк декларациясининг 31-графасини тўлдириш тартибини изоҳлаб беринг.
3. Божхона юк декларациясининг 31-графасини тўлдиришда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этишда қандай чоралар амалга оширилган.
4. Товарларни экспорт ва импорт қилишда БЮДнинг 31-графасини тўлдириш бўйича мисоллар билан шарҳлаб беринг.

III БЎЛИМ. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТДА НОТАРИФ УСУЛИ БИЛАН БОШҚАРИЛАДИГАН ТОВАРЛАРНИНГ БОЖХОНА НАЗОРАТИ

11- БОБ. ДАВЛАТ ТИЛИДА МАРКИРОВКА ҚИЛИНИШИ ШАРТ БЎЛГАН ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИНИ МАРКАЛАШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШ

Режа:

1. Асосий термин ва тушунчалар.
2. Ўзбекистон Республикасида истеъмолчилар, товарлар тўғрисида ишончли ахборот билан таъминланиши учун белгиланган чора-тадбирлар.
3. Товарларни маркалаш.
4. Импорт қилинадиган истеъмол товарларини маркалаш тартиби.
5. Истеъмол товарларини маркалашга қўйиладиган умумий талаблар.
6. Истеъмолчи учун маркалаш маълумотлари тақдим этилиши усуллари ва унинг бажарилиши сифатига қўйиладиган талаблар.
7. Импорт қилинадиган, давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган истеъмол товарлари рўйхати.
8. Давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган истеъмол товарларини маркалаш ва божхонада расмийлаштириш қоидалари.

Асосий термин ва тушунчалар.

Маркалаш (маркировка)- бу товарга, буюмга маҳсулотга белги қўйиш ёки тамға босишдир.

Этикетка- товар ва унинг ишлаб чиқарувчиси ҳақидаги маълумотларнинг андоза, қолип, ўйма (трафарет) кўринишидаги, товар ўрамига ҳар бир донасига ёпиштирилган тариф.

Кольереткалар- этикеткаларнинг турли кўринишларидир. Улар алоҳида формага эга бўлиб, шиша идишларнинг юқори қисмига ёпиштирилади.

Ёрлик (ярлык) **ва биркалар-** бу ҳар бир дона товарга илова қилинадиган ёки бириктирилган ҳолдаги исталган рангдаги бўёқли, маҳсулот ва уни ишлаб чиқарувчисининг тасвирий тавсифидир. Товар ёрликларидаги айрим огоҳлантирувчи маълумотлар товардан фойдаланишда унга белгиланган тартибда муносабатда бўлиш кераклигини кўрсатади. Биркалар, ёрликлардан кам ахборотлилиги билан фарқ қилади.

Сукма-варақа (лист-вкладыш)– бу товар ўрами ёки қадоғига, ҳар бир донасига илова қилинадиган ёхуд бириктирилган ҳолдаги бўёқли, маҳсулот ва унинг ишлаб чиқарувчисининг ёзувдаги тасвирий тавсифи ҳисобланади.

Товар белгиси (товарный знак)– бирон-бир юридик жисмоний шахснинг, бир хилдаги ишлаб чиқараётган озиқ-овқат маҳсулотларини, бошқа бир юридик ёки жисмоний шахс томонидан ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларидан фарқлаш имконини берувчи белги.

Ўзбекистон Республикасида истеъмолчилар товарлар тўғрисида ишончли ахборот билан таъминланиши учун белгиланган чора тадбирлар

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан қабул қилинган иқтисодни юксалтириш ва юқори даражада ривожланган давлат қуриш мақсадида қабул қилинган чора-тадбирлар туфайли бизнесни тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очилмоқда.

Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга, шу билан бирга, ўзи танлаган соҳада фаолият кўрсатиши мумкин ва уларга имкон қадар ёрдам берилмоқда.

Масалан, ёш тадбиркорлар ҳар хил ишлаб чиқаришни ўзлаштириб, ўз ишларининг устасига айланмоқдалар. Улар ҳам ички истеъмолга, ҳам экспортга маҳсулот чиқармоқдалар, бу жуда муҳим аҳамиятга эга, лекин, шунга қарамай тадбиркорлар орасида умумий қабул қилинган тартибларни бузаётган, истаган йўл билан, текин даромад олишга ҳаракат қилиб, айти пайтда маҳсулот сифати ва товар кўринишини эсдан чиқараётганлари ҳам учраб туради. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда юртимизда маҳсулотларни маркалашга катта эътибор қаратила бошланди.

Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” 26.04.1996 йилдаги 221-И Қонуни, “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 30.08.1997 йилдаги 483-И Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 30.08.2001 йилдаги 267-П “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 10 августдаги “Давлат божхона хизмати органларининг фоолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1595-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2002 йил 20 августдаги 295-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб келишни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида” 427-сон қарори, шунингдек 2003 йил 5 январда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 1202-рақам билан рўйхатга олинган “Давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган истеъмол товарларини маркалаш ва божхонада расмийлаштириш қоидалари тўғрисида”ги қарорини бажариш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига эркин муомалага чиқариладиган импорт қилинадиган истеъмол товарларини айрим турларини мажбурий маркалаш жорий этилган.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва “Ўзстандарт” Агентлигининг 8 ноябр 2004 йилдаги 362-сонли буйруғи, шу каби бошқа меъёрий стандарт

хужжатларидаги қоидаларга мувофиқ, маҳсулотларни маркалашда қуйидаги талаблар қўйилади.

Товарларни маркалаш

- маркаланган жойи (маҳсулотнинг тўғридан- тўғри ўзига, ёрлиғига, этикеткасига, истеъмол ва (ёки) транспорт яшигига шунга ўхшаш);

- маркаланганлигини босиш (типографик босма, гравировка (ўйиб ёзиш) ва бошқа) усули;

- маркалашнинг мундарижаси.

Маҳсулотни маркалашда амалдаги қонунлар меъёрларига амал қилиш керак.

Маркаланган маҳсулотларда қуйидаги маълумотлар бўлиши шарт:

- маҳсулот номи;

- ишлаб чиқарувчининг номи ва унинг жойлашган манзили;

- маҳсулотнинг нимага мўлжалланганлиги (вазифаси) ёки уни қўлланиш соҳаси (заруриятга кўра);

- асосий истеъмол хусусияти ва (ёки) маҳсулот тавсифи;

- хавфсиз сақлаш ва маҳсулотни транспортда жўнатиш, хавфсиз самарали фойдаланиш, таъмирлаш, тиклаш, чиқитга чиқариш (утилизация), кўмиб ташлаш (захронения), йўқотиш (уничтожения) (заруриятга кўра) қоида ва шартлари;

- сертификатланганлиги ҳақида маълумот;

- идишсиз, қопсиз, ўровсиз (соф) оғирлиги, асосий ўлчами, ҳажми ёки маҳсулотнинг сон бирлиги;

- таркиби (состав), бутлиги (комплектность);

- ишлаб чиқарувчи корхонанинг товар белгиси (товар маркаси);

- ишлаб чиқарилган санаси;

- яроқлилик муддати (сотиш ёки хизмат кўрсатиш);

- маҳсулотнинг тайёрланадиган ва идентификацияланадиган стандарт белгиси ва (ёки) техник шартлар;

- маҳсулотнинг штрихли коди.

Этикеткадаги маълумотлар

Ўрамдаги матнда, этикеткада, этикетка орқасида, ёрликда ёки сукма варақда келтирилган маълумотлар бир маъноли, тушунарли ва тўлиқ ишончли бўлиши керак, чунки истеъмолчи алданиб қолмаслиги ёки таркиби, хусусияти, озиқа қуввати, хислати, яратилиши, тайёрлаш усули ва уни истеъмолда адашмаслиги шунингдек, бошқа тўғридан-тўғри ва билвосита (қўшимча) сифатини ҳамда озиқ-овқат маҳсулотини сифати ва хавфсизлигини тавсифловчи хабарларни олишда, ушбу маҳсулотни бошқасига, ташқи кўринишидан шунга яқин, ўхшаш бўлган ёки органолептик кўрсаткичларга кўра, билмасдан алмаштириб юбориб, ҳарид қилмаслиги керак.

Маҳсулотнинг номи аниқ ва ишончли тавсифланиши, бошқа маҳсулотдан ажратиш имконини бериши керак. Қоидага мувофиқ, ном, қайси

маҳсулот ҳақида маълумот берилаётган бўлинса, у исталган кетма-кетликда келса ҳам, бир неча сўздан тузилиши ва гуруҳ остидаги, маҳсулот турларининг номларини ҳам қўша олиши, ўзбек ва бошқа тилларнинг меъёрларига мос келиши лозим.

Импорт қилинадиган истеъмол товарларини маркалаш тартиби

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 декабрдаги 427-сон қарорининг 2-иловасида импорт қилинадиган истеъмол товарларини маркалаш тартиби тўғрисидаги Низомга асосан амалга оширилади.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Рўйхат бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиладиган товарлар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирувчи истеъмол товарларини маркалашга қўйиладиган талабларни белгилайди.

Ушбу Низомда аҳолига сотиш учун мўлжалланмаган ва четдан келтириладиган куйидаги:

юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжлари учун келтириладиган ҳамда ишлаб чиқариш ёки бошқа тижорат фаолияти учун мўлжалланмаган истеъмол товарларини;

хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ва консуллик ваколатхоналари, халқаро ва ҳукуматлараро ташкилотлар, ушбу ташкилотлар ҳузуридаги хорижий давлатларнинг ваколатхоналари ҳамда бошқа халқаро ташкилотларнинг расмий (хизмат юзасидан) фойдаланиши, шунингдек уларнинг ходимлари учун мўлжалланган истеъмол товарларини;

кўرғазмалар намуналари, синовлар, тадқиқотлар ва маркетинг учун намуналар сифатидаги истеъмол товарларини маркалашга татбиқ этилмайди.

Транспорт идишида қадокланган, кейинчалик истеъмол идишига қайта қадокланган товарларни келтиришда транспорт идишида уларнинг тайёрланган ва қадокланган муддати кўрсатилади. Товарни истеъмол идишига қайта қадоклашда маркалаш товарнинг норматив ҳужжатида кўрсатилган ҳажмига мувофиқ, у мавжуд бўлмаган тақдирда эса, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ чекланган фойдаланиш муддатига эга бўлган товарлар учун тайёрланган санаси ҳамда яроқлилик муддати мажбурий кўрсатилган ҳолда давлат тилида амалга оширилади.

Яроқлилик муддати белгиланиши шарт бўлган товарларда тайёрловчи томонидан белгиланган яроқлилик муддати кўрсатилади.

Бунда тайёрловчи томонидан (сақлаш ва ташиш шартларига тўлиқ риоя қилган ҳолда) муайян товарнинг истеъмолчилар ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги ва экологик жиҳатдан хавфсизлиги кафолатланади.

Яроқлилик муддати ўтгач товарлар улардан бевосита асосий (ёки функционал) мақсадда фойдаланиш учун яроқсиз ҳисобланади. Яроқлилик муддати узайтирилиши мумкин эмас.

Истеъмол товарларини маркалашга кўйиладиган умумий талаблар

Маркалашдаги ва кўшиб жўнатиладиган ҳужжатлардаги маълумотлар истеъмолчилар учун тушунарли, тўлиқ ва ишончли бўлиши керак.

"Товарни маркалашдаги (этикетка, бирка, лейбл) ва кўшиб жўнатиладиган фойдаланиш ҳужжатларидаги истеъмолчи учун мўлжалланган маълумотлар товарнинг тури ҳамда техникавий мураккаблигига қараб муайян товарга бевосита илова қилинадиган матнли ҳужжат (паспорт, формуляр, кўлланиш бўйича кўрсатмалар ва бошқалар) тарзида бўлиши керак.

Товар билан бирга бевосита истеъмолчига тақдим этиладиган маълумотлар давлат тилида расмийлаштирилади. Маълумотлар бошқа тилларга тўлиқ ёки қисман таржима қилиб берилган бўлиши мумкин.

Маркалаш маълумотларининг давлат тилига тўғри таржима қилинганлигини назорат қилиш маҳсулотни сертификациялашни ёки хорижий мувофиқлик сертификатини эътироф этишни амалга оширувчи, бир турдаги маҳсулотни сертификациялаш бўйича аккредитация қилинган орган томонидан амалга оширилади.

Товар истеъмолчиси учун маълумотлар "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига, "Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига, шунингдек маҳсулот унга биноан ишлаб чиқариладиган норматив ҳужжатга мувофиқ бўлиши керак.

Генетик модификация қилинган маҳсулотлардан олинган товарнинг маркаланишида бу тўғридаги тегишли маълумотлар мавжуд бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси учун анъанавий бўлмаган импорт товарлари халқаро, минтақавий, миллий стандартларга мувофиқ номланиши, бундай номлар бўлмаган тақдирда эса тайёрловчи мамлакатда қабул қилинган номлар кўрсатилиши керак.

Товарга истеъмолчига мўлжалланган ўзига хос бўлган маълумотлар илова қилиниши мумкин.

Товарнинг номида "Экология жиҳатидан тоза", "Радиация жиҳатидан хавфсиз", "Зарарли моддалар қўлланмасдан тайёрланган" ва бошқа реклама тусига эга бўлган тавсифномалардан фойдаланишга фақат уларга кўйиладиган талабларни ҳамда текшириш (назорат қилиш) методларини белгиловчи ва товарнинг ушбу тавсифномаларини идентификация қилиш имконини берувчи тайёрловчининг норматив ёки техник ҳужжатлари кўрсатилганда, шунингдек улар "Ўзстандарт" агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси томонидан тасдиқланган тақдирда йўл кўйилади.

Товарни тайёрлаган мамлакатнинг номи мамлакатнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотида қабул қилинган номи бўйича кўрсатилади.

Агар бир мамлакатда тайёрланган товар кейинчалик бошқа мамлакатда унинг хоссасини ўзгартирадиган ва (ёки) уни пировард тайёр буюмга айлантирадиган тарзда технологик ишловдан ўтказилган тақдирда,

маълумотларни ёзишда технологик ишлов беришни амалга оширувчи импорт қилувчи мамлакат мазкур товарни тайёрловчи мамлакат сифатида қаралиши керак.

Товар келиб чиққан мамлакат амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган мезонларга мувофиқ белгиланади.

Товар истеъмолчиси учун мўлжалланган маълумотда тайёрловчининг расмий номидан ва унинг жойлашган жойидан (почта манзилидан) фойдаланиш лозим. Товарнинг асосий истеъмол хоссалари ва тавсифлари тайёрловчининг норматив ёки техник ҳужжати талабларига тўлиқ мувофиқ ҳолда истеъмолчига маълум қилиниши керак. Товарнинг сертификатланганлиги тўғрисидаги маълумотларни ёзиш жойи ва шакли мувофиқлик сертификатида белгиланади.

Товарнинг нетто массаси, асосий ўлчамлари, ҳажми ва сони истеъмолчи ёки харидор учун ўлчовларнинг метрик тизимида (бирликларнинг халқаро тизимида) кўрсатилиши керак.

Товарнинг таркиби (бутлиги) "Таркиби" ёки "Бутлиги" номи билан рўйхат тарзида тақдим этилиши керак.

Товарнинг соғломлаштириш-даволашга мўлжалланганлиги тўғрисидаги маълумотлар, одамлар ҳаёти ва саломатлигига, ҳайвонот дунёсига зарарли таъсирининг йўқлиги ёки унинг бошқа алоҳида тавсифлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда "Ўзстандарт" агентлигининг рухсати билан тақдим этилади.

Товарни тайёрловчининг товар белгиси (товар маркаси) бевосита товарларга, идишга, шунингдек ёрликлар ёки этикеткаларга қўйилади.

Яроқлилик муддати товарнинг тайёрланган санасидан бошлаб ҳисобланади ва бевосита товарда, ташиш идишида, ўраб-жойланган нарсада (истеъмол идишида) қуйидаги намунавий шакллардан биридан фойдаланган ҳолда кўрсатилади:

"...(йил-кун-ой) мобайнида яроқли"; "...(йил-кун-ой)гача яроқсиз"; "...(йил-кун-ой)гача фойдаланилсин".

Муайян товарларнинг ўзига хос хоссаларини ҳисобга олган ҳолда улар тўғрисидаги маълумотларда истеъмолчи учун товарнинг яроқлилик муддати (ёки хизмат муддати) кўрсатилади.

Хизмат кўрсатиши техник жиҳатдан амалда ноаниқ узоқ муддатли (қўп йиллик) бўлиши мумкин бўлган товарлар учун уларнинг яроқлилик муддатлари ёки сақлаш муддатлари истеъмолчи учун маълумотларда кўрсатилмайди, улар (зарур бўлганда) етказиб бериш шартномасида (контрактда) ёки олди-сотди шартномасида (контрактда) белгиланади.

Товарни идентификациялашни тасдиқловчи штрихли код (тайёрловчининг ихтиёрий ташаббуси ва мустақил равишдаги қарори ёки истеъмолчининг ва/ёки сотувчининг талабига кўра) товарда, унинг идишида ва/ёки ўраб-жойланган нарсада Европа товар рақамланиши уюшмаси (ЕАН) томонидан белгиланган қоидалар бўйича кўрсатилади.

Маълумотларни жойлаштириш

Маркалаш маълумотларини ўқиш учун қулай бўлган бир ёки бир нечта жойда маҳсулотга норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ жойлаштиришга йўл қўйилади.

Товарнинг истеъмолчиси учун зарур бўлган маълумот матнини тўлиқ бериш учун идишнинг ўлчами техник жиҳатдан йўл қўймайдиган ҳолларда, шунингдек эсдалик ва совға қилинадиган буюмларда товарни ёки унинг бир қисмини тавсифловчи маълумотларни ҳар бир идишда ёки идиш гуруҳларига илова қилинадиган қўшимча варақда ёки етказиб берилаётган товарнинг қўшимча ҳужжатларида кўрсатишга йўл қўйилади.

Истеъмолчи учун маркалаш маълумотлари тақдим этилиши усуллари ва унинг бажарилиши сифатига қўйиладиган талаблар

Истеъмолчи учун маркалаш маълумотлари исталган усулда, лекин барча ҳолларда аниқ ва осон ўқиладиган тарзда жойлаштирилиши керак.

Сақлаш, ташиш, фойдаланиш ва фойдали тарзда ишлатиш пайтидаги хавфсизлик талаблари бошқа маълумотлардан шрифти, ранги ёки бошқа бажариш усуллари билан фарқланиб туриши керак.

Агар товар жойлаштирилган идиш қўшимча ўров материали билан қопланган бўлса, у ҳолда маълумотлар қоплов материалнинг ички томонида сиртдан осон ўқиладиган бўлиши ёхуд сиртки ўров материалида ана шундай маълумот бўлиши керак.

Товарга тегиб турадиган маркалаш маълумотларини ёзиш воситалари товарнинг сифатига таъсир кўрсатмаслиги, товарни сақлаш, ташиш, сотиш ва ундан фойдаланиш чоғида маркалашнинг мустаҳкамлигини таъминлаши керак.

Атроф-муҳит кучли таъсир кўрсатадиган шароитларда ёки махсус шароитларда (юқори ёки паст ҳарорат, агрессив муҳит ва шу кабиларда) қўлланиладиган товарларни маркалашда маълумотларнинг сақланиши қуйидаги усуллардан биттаси ёки уларнинг уйғунлашган турлари билан таъминланиши керак: таъсирга (намга, ҳароратга ва бошқаларга) бардошли материални қўллаш; ёзишнинг тегишли усулини қўллаш (ботиқ, ўйиб ёзиш ва бошқалар); атмосферага чидамли қобикларни (шаффоф плёнка, пакет, кути ва шу кабиларни) қўллаш.

Истеъмолчи учун маркалаш маълумотлари импорт қилинаётган товарларга: товар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келингунгача; товар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келингандан кейин эркин муомалага чиқариш режимида божхонада расмийлаштирилгунгача ёзилади.

Олиб келинган товарларда истеъмолчи учун маркалаш маълумотлари уларни божхона омборида сақлаш чоғида ёзилади. Сақлаш муддати ва божхона режимини танлаш (вақтинчалик сақлаш ёки божхона омбори) импорт қилувчи томонидан, ушбу тартиботни амалга ошириш учун зарур бўладиган вақтдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

**Импорт қилинадиган, давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган истеъмол товарлари
РЎЙХАТИ**

(Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 декабрдаги 427-сон қарорига 1-илова).

Т/р	Маҳсулотлар номи	ТИФ ТН коди
1.	Истеъмол ўрамига эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг барча турлари	0401 - 0410 00 000 0, 0901 - 0910, 1101 00 - 1109 00 000 0, 1201-1212, 1501-1517, 160100 - 1605, 1701, 1702, 1704, 1806, 1901 - 1905, 2001 - 2009, 2101 - 2106, 2201 - 2209 00, 2402-2403, 2501 00 100 0, 2501 00 91
2.	Дори-дармонлар ва дори-дармон воситалари	2936, 3003-3006
3.	Упаковкалардаги минерал ёки кимёвий ўғитлар	3105
4.	Бўяш моддалари, бўёқ ва локлар	3204, 3206, 3207, 3208-3214
5.	Атир ва пардоз суви, косметика воситалари, соч ва гигиена учун воситалар	3303-3307
6.	Маиший кимё маҳсулотлари	3401, 3402, 3506
7.	Пиротехника буюмлари	3604
8.	Фото ва кино товарлари	3701-3707
9.	Инсектицидлар, дезинфекциялаш воситалари, тормоз суюқликлари, антифризлар	3808, 3819, 3820
10.	Маиший электр приборлари, теле, видео, аудиоаппаратуралар, кўчма телефонлар	8415 (841581100, 841581901, 841582100, 841583100, 841590100 дан ташқари) 841810 (841810100 дан ташқари), 841821-841829000, 841840 (841840100 дан ташқари), 842211000, 842310100, 8450 (845090000 дан ташқари), 845210. 846721-846722, 8471 (фуқаро авиациясидан ташқари), 8471499900, 8509, 8510, 8516, 8517-8521, 8525 20910-852540, 8527, 8528
11.	Ўйинчоқлар	9503, 9504

Давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган истеъмол товарларини маркалаш ва божхонада расмийлаштириш қоидалари

“Давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган истеъмол товарларини маркалаш ва божхонада расмийлаштириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори “Ўзстандарт” агентлигининг 10/2-сон, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 3-сон, Давлат божхона кўмитасининг 2003 йил 14 январдаги 01-02/16-4-сон билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2003 йил 15 январда 1202-сон билан рўйхатга олинган ва 2003 йил 25 январдан кучга кирган.

Мазкур қоидалар Ўзбекистон Республикасининг “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”, “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб келишни такомиллаштириш чоратадбирларини амалга ошириш тўғрисида” 427-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган истеъмол товарларини маркалаш ва божхонада расмийлаштириш тартибини белгилайди.

Товарни маркировка қилиш импортчи ҳисобига ёки унинг топшириғига кўра: товар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинишигача;

товар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келингач, улар эркин муомала учун чиқариш режимида божхонада расмийлаштиришгача амалга оширилади.

Маркировкадаги товарнинг истеъмол хоссалари тўғрисида Давлат тилидаги ахборотни тасдиқлайдиган ваколатли органлар бўлиб Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси дори воситалари учун, шунингдек Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (“Ўзстандарт” агентлиги) истеъмол товарлари учун ёки аккредитация қилинган соҳага мувофиқ бир турдаги маҳсулотни сертификатлаштириш бўйича аккредитацияланган органлар ҳисобланади.

Товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинишигача маркировка қилинганида импортчи импорт шартномасини тузиш чоғида мажбурий тартибда шартнома шартларида товарларни давлат тилида маркировка қилишга доир талаблар кўзда тутилиши, аккредитацияланган орган билан келишилган маркировка қилиш матни намунаси илова қилиниши керак.

Товар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганидан кейин уларни эркин муомала учун чиқариш режимида божхонада расмийлаштиришгача маркалаш чоғида импортчи маркировка қилиш матни намунасини тайёрлайди ва уни аккредитацияланган орган билан келишади. Аккредитацияланган орган беш иш куни давомида маркировка қилиш матнини келишиб олади.

Тайёрланган ва аккредитацияланган орган билан келишилган маркировка қилиш матни намунаси асосида импортчи уни зарур миқдорларда кўпайтиради ва товарни маркировка қилади.

“Импорт қилинадиган дори воситаларини қўллаш бўйича йўриқномалар (қўшимча варақлар)ни тегишли birlikда туркум ўрамларда ёки етказиб бериладиган товарга илова ҳужжатларда жойлаштириш йўли билан маркировка қилинишига рухсат берилади.

Тижорат мақсадларига ва аҳолига сотиш учун мўлжалланмаган импорт қилинадиган дори воситалари давлат тилида маркировка қилинмайди”.

Товарларни маркировка қилиш уларни божхона омборида сақлаш вақтида амалга оширилади. Сақлаш муддати ва божхона режимини (вақтинча сақлаш ёки божхона омбори) танлаш импортчи томонидан ушбу таомилни амалга ошириш учун зарур бўлган вақтдан келиб чиқиб аниқланади.

Мажбурий равишда маркировка қилиниши керак бўлган товарлар божхона органи белгилайдиган ва олувчи ёки унинг таркибий бўлинмаси жойлашган божхона органининг фаолият зонасида сақлаш ва маркировка қилиш бўйича операцияларни амалга ошириш учун етарли шароитларга эга бўлган божхона омборларида жойлаштирилади.

Маркировка қилинган товарларни божхонада расмийлаштириш белгиланган тартибда, импортчи томонидан аккредитацияланган орган муҳри билан тасдиқланган маркировка қилиш намунаси ва олиб кирилган товар маркировка қилингани тўғрисида кафолат хати тақдим этилганидан кейин амалга оширилади.

“Ўзстандарт” агентлиги Давлат божхона кўмитасига ўзлари аккредитация қилган органларнинг имзолар намуналари ва муҳр изларини мунтазам равишда тақдим этади.

Товарларни эркин муомалага чиқариш уни товардаги маркировка ёки кўшимча варақ (товар миқдори кам бўлса ва (ёки) товарни маркировка қилиш имконияти бўлмаса) билан танлаб солиштиришдан сўнг амалга оширилади.

Маркировка қилиш учун импортчи жавобгар бўлади. Товарни маркировка қилиш матнининг тўлиқ ва тўғри бўлишини назорат қилиш “Ўзстандарт” агентлигига ёки амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ у аккредитациялаган органларга юкланади.

Мазкур Қоидалар томонидан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 декабрдаги 427-сон қарори билан тасдиқланган Импорт қилинадиган истеъмол товарларини маркалаш тартиби тўғрисида низомга биноан тартиблаштирилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Товарларни маркалаш деганда нимани тушуниш мумкин?
2. Ўзбекистон Республикасида истеъмолчилар товарлар тўғрисида ишончли ахборот билан таъминланиши учун қандай чоралар белгиланган?
3. Этикеткадаги маълумотлар қай тартибда бўлиши керак?
4. Импорт қилинадиган истеъмол товарларини маркалаш тартиби тўғрисидаги низом ҳақида маълумот беринг?
5. Истеъмол товарларини маркалашга қандай умумий талаблар қўйилади?
6. Истеъмолчи учун маркалаш маълумотлари тақдим этилиши усуллари ва унинг бажарилиши сифатига қандай талаблар қўйилган?
7. Импорт қилинадиган, давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган истеъмол товарларига қайси товарлар қиради?
8. Давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган истеъмол товарларини маркалаш ва божхонада расмийлаштириш қоидалари тўғрисида маълумот беринг?

12- БОБ. ТОВАРЛАРНИ МАХСУС ИДЕНТИФИКАЦИОН РАҚАМ БИЛАН МАРКАЛАШ

Режа:

1. Асосий термин ва тушунчалар.
2. Товарларни махсус идентификация рақам билан маркаланинг ҳуқуқий асослари.
3. Олиб кирилатган истеъмол товарларини махсус назорат идентификация белгилари билан маркировка қилиш тартиби.
4. Идентификация белгиларига буюртма бериш тартиби.
5. Идентификация белгиларини тайёрлаш ва бериш тартиби.
6. Импорт қилинаётган алоҳида гуруҳ истеъмол товарларни махсус назорат идентификацион белгилар билан маркалашда божхона ходимларининг хизмат вазифалари.
7. Худудий божхона бошқармалари аппарати ходимларининг вазифалари.
8. Ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимларининг вазифалари.
9. Маркалаш бўйича намунавий мисоллар.
10. Махсус назорат идентификацион белгиларни жорий қилишда ишлатиладиган технологик қурилмалар.
11. “Маркировка қилиш ва аудит” идоралараро ахборот тизимидан фойдаланиш ҳамда давлат божхона ва солиқ хизмати органлари ўртасида ахборот айирбошлаш тартиби.

Асосий термин ва тушунчалар

Идентификацион белги – импорт қилинаётган мажбурий тарзда маркаланадиган алоҳида гуруҳ истеъмол товарларни назорат қилиш ва идентификациялаш мақсадида товарнинг упаковкасига (ёки товарга) ёпиштириладиган махсус назорат идентификацион белгили маркалар.

ЯААТ – Давлат божхона кўмитаси тизимида жорий этилган ягона автоматлаштирилган ахборот тизими.

БЮД – божхона юк декларацияси.

БКД – божхона кўриги далолатномаси.

ДИЧБ – давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Товарларни махсус идентификация рақам билан маркаланинг ҳуқуқий асослари

Тадбиркорлик субъектларининг кенг кўламда фаолият кўрсатиши ва улар ўртасидаги соғлом рақобат муҳитини шакллантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, пировардида контрабанда товарларини четдан келтириш ва сотишнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 10 августдаги “Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1595-сонли қарорининг 7-бандида берилган вазифаларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 12 декабрда “Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарларининг алоҳида гуруҳларини олиб киришни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга

ошириш тўғрисида”ги 324-сонли қарори ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш ҳамда республика ҳудудига ноқонуний равишда товарлар кириб келишини олдини олиш мақсадида, Давлат божхона қўмитаси 2011 йил 14 декабрда 307-сонли буйруғи ва “Маркировка қилиш ва аудит” идоралараро ахборот тизими дастуридан фойдаланиш ҳамда давлат божхона ва солиқ хизмати органлари ўртасида ахборот алмашинувини амалга ошириш тартиби тўғрисида давлат божхона қўмитасининг 19.01.2012 йилдаги 22-сонли, 21.01.2012 йил давлат солиқ қўмитасининг 33-сонли қўшма буйруғи билан маълумот ва ижро учун қабул қилди, шунингдек амалиётга жорий этилди.

Олиб кириладиган истеъмол товарларини махсус назорат идентификация белгилари билан маркировка қилиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 12 декабрда “Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарларининг алоҳида гуруҳларини олиб киришни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида”ги 324-сонли қарорига мувофиқ, 2012 йил 1 январдан бошлаб четдан келтириладиган истеъмол товарларининг айрим гуруҳларини божхонада расмийлаштирилгунга қадар эркин муомалага (импорт) чиқариш режимида махсус назорат идентификация белгилари билан маркировка қилиш мажбурий тарзда жорий этилди. Эндиликда республикада махсус назорат идентификация белгилари билан мажбурий маркировка қилиниши керак бўлган импорт қилинувчи истеъмол товарларини маркаланмаган шаклда сотиш ва сақлаш таъқиқланади. Бу каби ҳолатлар учраган тақдирда савдо қоидаларини бузиш деб қаралади ва қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик чораларини қўллашга асос бўлади. Таъкидлаш жоизки, мазкур талаб Ўзбекистон Республикасига 2012 йил 1 январга қадар импорт қилинган мажбурий маркаланиши лозим бўлган истеъмол товарларига нисбатан уларни 2012 йилнинг 1 июлига қадар сотиш шarti билан қўлланилмайди.

Қарорнинг 2-иловасида мажбурий маркировка қилиниши лозим бўлган ва четдан келтириладиган 11 турдаги истеъмол товарлари рўйхати келтирилган бўлиб, улар таркибига духовка, кондиционер, музлаткич, уй-рўзғор идишлари ва кир ювувчи машиналар, принтер, чанг ютгич, электр плиталар, DVD ва муסיкий марказлар, монитор ва телевизор каби маиший техникалар киритилган. Модомики рўйхатга янги истеъмол товарлари киритилса, у ҳолда ўзгартириш кучга кирган кундан бошлаб шу турдаги товарларни 180 кун муддатда маркировка қилмаган ҳолда сотишга рухсат берилади.

Эслатиб ўтамиз мазкур тартиб:

- хорижий дипломатик ваколатхоналар ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг, шунингдек ушбу ваколатхоналарнинг дипломатик ва маъмурий техник ходимлари расмий фойдаланиши, шу жумладан уларнинг улар билан бирга яшайдиган оила аъзоларининг шахсий фойдаланилиши учун мўлжалланган;

- кўргазма намуналари, синаш, тадқиқ этиш учун намуналар сифатида чет элдан олиб келинадиган;

- халқаро транзит мақсадлари учун мўлжалланмаган;

- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган божсиз олиб келиш нормалари доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жисмоний шахслар томонидан импорт бўйича олиб келинадиган, тижорат мақсадлари учун мўлжалланмаган;

- божсиз савдо дўконларида сотиладиган истеъмол товарларига нисбатан жорий этилмайди.

Қарорнинг 3-илоvasида келтирилган “Четдан келтириладиган истеъмол товарларини махсус назорат идентификация белгилари билан маркировка қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомда мазкур жараёнларнинг қай тартибда амалга оширилиши батафсил келтириб ўтилган.

Идентификация белгиларига буюртма бериш тартиби

Унга кўра дастлаб истеъмол товарларини юртимизга импорт қилаётган шахс 15 кун мобайнида уларни маркировка қилиш юзасидан товарлар келиб тушган божхона постига буюртма беради. Божхона пости ходими 1 иш куни мобайнида идентификация белгиларининг зарурий миқдори юзасидан ҳудудий божхона бошқармасига мурожаат қилади. Ҳудудий бошқарманинг идентификация белгиларини тайёрлаш учун масъул ходими 2 иш куни мобайнида махсус термотранс босма усулида (штрих код тарзида) идентификация белгиларини тайёрлайди ва божхона постига юборади.

Товарларни маркировка қилиш божхона пости ходими томонидан товарлар импорт режимида расмийлаштирилгунга қадар амалга оширилади. Яъни идентификация белгиси товарнинг ўрамига ёки бевосита ўзига туширилади ва товар сотилгунга қадар ундан ажратилмайди. Мазкур тартибни самарали тарзда жорий этиш, ахборотлар алмашинувини йўлга қўйиш мақсадида махсус дастурий таъминот асосида 01.07.2012 йилдан “Маркировка қилиш ва аудит” идоралараро ахборот тизими фаолияти ҳам йўлга қўйилди.

Идентификация белгиларини тайёрлаш ва бериш тартиби

Таъкидлаш жоизки, идентификация белгилари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги “Давлат белгиси” давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ҳимоя элементлари мавжуд бўлган ва елимланадиган махсус қоғозлардан тайёрланади. Бирлашма мазкур белгиларнинг дизайни ва ҳимоя даражасини Молия вазирлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. Идентификация белгилари сотилмайди ва бошқа шахсларга берилмайди. Идентификация белгилари шикастланган ҳолатларда эса улар йўқ қилиш мақсадида ҳудудий божхона бошқармаси орқали Давлат божхона кўмитасида жамланади. Ҳисобот давридан кейинги йилнинг биринчи ойи давомида ДБК, “Давлат белгиси” бирлашмаси ва Савдо-саноат палатаси вакилларидан тузилган (камида 3 кишилик) комиссия томонидан шикастланган белгилар ёқиш йўли билан йўқ қилинади.

Идентификация белгилари билан мажбурий маркировка қилиниши керак бўлган истеъмол товарлари четдан келтирилишини назорат қилиш Давлат божхона қўмитаси ходимлари томонидан, уларни сотиш ва сақлашни назорат қилиш эса Давлат солиқ қўмитаси ходимлари томонидан амалга оширилади. Бунда солиқчилар идентификаторлар (махсус сканерлар)дан фойдаланишади.

Эътироф этиш жоизки, истеъмол товарларини идентификация белгилари билан маркировка қилиш тўлалигича божхона органлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади ва бу учун истеъмол товарларини импорт қилаётган ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларидан ҳеч қандай тўловлар қабул қилинмайди. Шу сабабли товарларни маркаланиши товар таннархининг ошишига олиб келмайди.

Импорт қилинаётган алоҳида гуруҳ истеъмол товарларни махсус назорат идентификацион белгилар билан маркалашда божхона ходимларининг хизмат вазифалари

Давлат божхона қўмитаси 2011 йил 14 декабрда 307-сонли буйруғи талаблари асосида Импорт қилинаётган алоҳида гуруҳ истеъмол товарларни махсус назорат идентификацион белгили маркалар билан маркалашда божхона ходимларининг хизмат вазифаларини белгиловчи йўриқнома, буйруқнинг 1-иловасига, Махсус назорат идентификацион белгили маркаларни чоп этиш, ҳисобини олиб бориш ва ҳисоботлар тайёрлаш бўйича масъул ходимлар рўйхати 2-иловасига, Товарларни махсус назорат идентификацион белгили маркалар билан маркалаш бўйича технологик схема 3-иловасига, Маркалаш бўйича намунавий мисоллар 4-иловасига мувофиқ тасдиқланди ва 2012 йилнинг 1 январидан амалиётга жорий этилди.

Давлат божхона қўмитаси марказий аппарати ходимларининг вазифалари.

Марказий божхона лабораторияси масъул ходимининг вазифалари:

а) махсус ёпишқоқ қоғозларни ҳарид қилиш учун “Давлат белгиси” ДИЧБ билан шартнома тузилишини ташкиллаштиради;

б) махсус ёпишқоқ қоғозларни тайёрлаш учун икки нусхадаги тўловларни тўлаш кафолати акс эттирилган аризани “Давлат белгиси” ДИЧБга топширади;

в) “Давлат белгиси” ДИЧБнинг махсус ёпишқоқ қоғозлар тайёрланганлиги тўғрисидаги ёзма хабаридан сўнг, барча тўловлар тўланади ва тўлов топшириқномаси асосида махсус ёпишқоқ қоғозларни олиш юзасидан “Давлат белгиси” ДИЧБга мурожаат қилади;

г) “Давлат белгиси” ДИЧБ ходимидан аризада кўрсатилган миқдордаги, рақами ўсиш тартибида бўлган махсус ёпишқоқ қоғозларни ва ушбу қоғозларни олганлиги тўғрисидаги чекни қабул қилиб олади;

д) агар махсус ёпишқоқ қоғозлар миқдори ўрамининг тўғрилигига шубҳа бўлса, “Давлат белгиси” ДИЧБ ходимининг мажбурий иштирокида уларга аниқлик киритади;

е) харид қилинган махсус ёпишқоқ қоғозларни молия-иқтисодиёт бошқармасининг ходимига “Бланкнинг қатъий ҳисоботи”га 006-сон кирим қилиш учун топширади;

ж) махсус ёпишқоқ қоғозлар молия-иқтисодиёт бошқармаси томонидан кирим қилингандан сўнг, ҳудудий бошқармаларнинг эҳтиёжи асосида жойларга тарқатади;

з) идентификацион белгили махсус ёпишқоқ қоғозларнинг “Давлат белгиси” ДИЧБдан қабул қилиб олиниши ва уларни жойларга тарқатилиши бўйича жавобгар ҳисобланади;

и) яроқсиз идентификацион белгиларни ҳудудий бошқармалардан ҳар ярим йилда йиғиб чиқади;

к) яроқсиз идентификацион белгиларни йўқ қилиниши учун комиссия ташкиллаштиради;

л) яроқсиз идентификацион белгиларнинг ҳақиқийлигини ўрганади ва йўқ қилиш жараёнларини видео тасвирга туширади;

м) яроқсиз идентификацион белгиларни комиссия аъзолари иштирокида йўқ қилинишида иштирок этади.

Молия-иқтисодиёт бошқармаси масъул ходимининг вазифалари:

а) махсус ёпишқоқ қоғозларни тайёрлаш учун тўловларни тўлаш кафолати акс эттирилган аризани ва тайёр бўлган махсус ёпишқоқ қоғозлар учун тўловлар тўлананишини таъминлайди;

б) харид қилинган махсус ёпишқоқ қоғозларни “Бланкнинг қатъий ҳисоботи”га 006- кирим қилади. Махсус ёпишқоқ қоғозларнинг кирим ва чиқим ҳисоби шу каби бланкларнинг қатъий ҳисоботи тартибида юритади;

в) идентификацион белгиларнинг ҳисобини бухгалтерия қоидаларига мувофиқ амалга оширади ва уларнинг миқдори бўйича ҳисоботини олиб боради;

г) яроқсиз идентификацион белгиларни йўқ қилиш жараёнида Комиссия аъзоси сифатида иштирок этади.

Ахборот коммуникация технологияларини татбиқ этиш бошқармаси ходимининг вазифалари:

идентификацион белгилар билан маркаланиши зарур бўлган товарларни “эркин муомалага чиқариш” божхона режимига расмийлаштириш вақтида, товар тўғрисидаги маълумотларни идоралараро “Маркировка ва аудит” тизимини ишлаб чиқади.

Яроқсиз ҳолга келган идентификацион белгиларни йўқ қилиш бўйича комиссия аъзоларининг вазифалари:

а) “Давлат белгиси” ДИЧБ, Савдо-саноат палатаси ҳамда ДБҚнинг Марказий божхона лабораторияси ва Молия-иқтисодиёт бошқармаси масъул ходимлари комиссия аъзолари ҳисобланади. Идентификацион белгини йўқ қилинишини Марказий божхона лабораторияси ходими ташкиллаштиради ва комиссия аъзолари иштирокида амалга оширади;

б) бузилган идентификацион белгиларни йўқ қилиш ёқиш йўли билан амалга оширилади. Комиссия аъзолари томонидан бузилган идентификацион белгиларни йўқ қилганлик тўғрисида тўрт нусхада далолатнома тузилади ва иштирокчилар томонидан имзоланади;

в) бузилган идентификацион белгиларнинг ҳақиқийлигини ўрганиш ва йўқ қилиш жараёнлари Марказий божхона лабораториясининг масъул ходими томонидан видео тасвирга тушириб борилади;

г) ностандарт, шунингдек буюртмадан ортиқ миқдордаги идентификацион белгиларни йўқ қилиш мазкур банднинг “б” ва “в” хатбошига мувофиқ амалга оширилади.

Худудий божхона бошқармалари аппарати ходимларининг вазифалари.

Ташкилий инспекторлик бўлими масъул ходимнинг вазифалари:

а) божхона пости томонидан идентификацион белгиларни тайёрлаш учун тақдим этилган билдиргини қабул қилади;

б) идентификацион белгиларни тайёрлаш бўйича билдиргини қайд этиш китобидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши;

в) бошқармада идентификацион белгиларни чоп этиш, сақлаш ва ҳисобини юритиш бўйича масъул ходим томонидан тайёрланган идентификацион белгиларни божхона постига юбориш учун тайёрланган хатни рўйхатдан ўтказиб, божхона расмийлаштируви ходимига қабул қилиб олинганлик тўғрисида имзо қўйиш орқали топширади.

Бошқармаларда идентификацион белгиларни чоп этиш, сақлаш ва ҳисобини юритиш бўйича масъул ходимнинг вазифалари:

а) идентификацион белгини тайёрлаш учун мўлжалланган махсус принтер ва бошқа қурилмаларни белгиланган тартибда қабул қилиб олади ва уларнинг ишчи ҳолати учун масъул ҳисобланади;

б) божхона расмийлаштируви ходими томонидан идентификацион белги тайёрлаш учун тақдим этилган билдиргини Ташкилий инспекторлик бўлиmidан қабул қилиб олади;

в) идентификацион белгиларни махсус принтер ёрдамида, ҳимоя элементларига эга бўлган ёпишқоқ қоғозлардан икки иш куни давомида тайёрлайди. Тайёр бўлган идентификацион белгиларни божхона постига юбориш учун тайёрланган хатни Ташкилий инспекторлик бўлимида юритилаётган китобда қайд этиш учун топширади.

г) штрих кодда товар номи, миқдори, товар олиб келаётган шахс (юримдик ёки жисмоний) номи, экспортёрнинг номи ва БЮД қайд рақами акс эттирилади;

д) божхона постларидан тақдим этилган идентификацион белгиларнинг ишлатилиши бўйича ҳисоботни умумлаштиради ва ҳар чорак якуни бўйича, кейинги чорак биринчи ойининг 10-санасига қадар жорий чоракнинг биринчи санаси ҳолатига ҳисоботни белгиланган тартибда ДБҚга топширади.

е) идентификацион белгиларни тайёрланиши, сақланиши, йўқолишининг олдини олиш ва божхона пости расмийлаштируви ходимига топшириш бўйича жавобгар ҳисобланади.

Ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимларининг вазифалари

Пост бошлиғининг вазифалари:

а) постга кириб келадиган товарлар тўғрисидаги маълумотларни ЯААТ дастури орқали таҳлил қилган ҳолда божхона ходимлари томонидан божхона назорати ва расмийлаштируви доирасида амалга оширилиши зарур бўлган хатти-ҳаракатларни режалаштиради;

б) кўриқдан ўтказиш гуруҳи, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш ва божхона лабораторияси ходимларига мажбурий тартибда идентификацион белги билан маркалашни амалга ошириш бўйича аниқ топшириқлар беради;

в) идентификацион белгини сарф этилишини қайд этиш китобини ташкил этади ва уни юритилиши бўйича масъул ходим тайинлайди;

г) “вақтинча сақлаш” (ИМ-70) ва “божхона омбори” (ИМ-74) божхона режимларида бўлган товарлар учун идентификацион белгини бошқармадан олиш бўйича билдиргилар юборилишини ташкиллаштиради.

д) идентификацион белги билан маркалаш учун импортер тақдим этган буюртмани божхона расмийлаштируви гуруҳи ходимига топширади;

е) идентификацион белгиларнинг сақланиши ва уларнинг мақсадли ишлатилиши бўйича жавобгар ҳисобланади.

Божхона расмийлаштируви гуруҳи ходимларининг вазифалари:

а) маркаланадиган товарлар учун БЮДнинг қоғоз ва электрон кўринишдаги нусхаларини қабул қилиб олади;

б) идентификацион белги тайёрлаш учун тақдим этилган буюртмани, божхона постида юритилаётган китобга қайд этади;

в) буюртма рўйхатга олингандан сўнг 3 соат ичида идентификацион белгиларни тайёрлаш бўйича билдирги билан бошқармага товарнинг бирламчи ҳужжатларини юборади;

г) тайёр бўлган идентификацион белгиларни қабул қилиб олади ва уларни постда юритилаётган китобнинг тегишли бандига қўйилган имзоси асосида божхона кўригидан ўтказиш гуруҳи ходимига топширади;

д) товарлар маркаланганлиги тўғрисида маълумот қайд этилган БКДни кўриқдан ўтказиш гуруҳи ходимидан қабул қилиб олади;

е) товарга тегишли бирламчи ҳужжатларни ва товарларни идентификацион белгилар билан маркаланганлигини ўрганиб чиқади ҳамда “эркин муомалага чиқариш” (ИМ-40) божхона режимида расмийлаштиради;

ж) идентификацион белгиларнинг бошқарма масъул ходимидан қабул қилиб олиш, сақлаш, йўқолишини олдини олиш ва кўриқдан ўтказиш гуруҳи ходимига топшириш бўйича жавобгар ҳисобланади.

Кўриқдан ўтказиш гуруҳи ходимларининг вазифалари:

а) тайёр бўлган идентификацион белгиларни божхона постида юритилаётган китобнинг тегишли бандига қўйилган имзо асосида божхона расмийлаштируви ходимидан қабул қилади.

б) идентификацион белгини тегишли равишда товарнинг ажралмас упаковкасига, яъни товарнинг истеъмолчига етиб боришигача бўлган упаковкасининг товар тўғрисида маълумотлар акс эттирилган қисмига ёки товарнинг ўзига ёпиштиради (5- расм).

в) маркалаш жараёнида бирорта идентификацион белги яроқсиз холга келса, мазкур белгини постнинг лаборатория ходимига (постда лаборатория ходими лавозими бўлмаган ҳолатларда, бошқарманинг белгиларни чоп этиш, сақлаш ва ҳисобини юритиш бўйича масъул ходимига) далолатнома асосида топширади.

г) идентификацион белгиларни товарларга ёпиштириш жараёни тугагандан сўнг, БҚДнинг тегишли бандларини тўлдиради. Бунда, товарлар тўлиқ идентификацион белгилар билан таъминланганлиги ёки идентификацион белгилар билан қисман таъминланганлиги тақдирда, қанча товарга идентификацион белгилар ёпиштирилмаганлиги тўғрисида божхона расмийлаштируви ходимига маълумот беради.

д) тўлдирилган БҚД ва товарларга тегишли бирламчи ҳужжатларни божхона расмийлаштируви ходимига тақдим этади;

е) идентификацион белгиларни товарларга ёпиштириш жараёнида яроқсиз холга келган маркалар ўрнига янги маркаларни мазкур Иўриқноманинг 1.2 банди “в”, “г” хатбошида қайд этилган тартибда олади;

ж) идентификацион белгиларни божхона расмийлаштируви ходимидан қабул қилиб олиш, сақлаш, товарга ёпиштириш ва яроқсиз ҳолга келган маркаларни постнинг лаборатория ходими (постда лаборатория ходими лавозими бўлмаган ҳолатларда, бошқарманинг белгиларни чоп этиш, сақлаш ва ҳисобини юритиш бўйича масъул ходими) далолатнома асосида топшириш бўйича жавобгар ҳисобланади.



5- расм. Кўриқдан ўтказиш гуруҳи ходими томонидан идентификацион белгини товар қадоғига ёпиштириш жараёни.

Пост божхона ла

а) яроқсиз ҳолга келган идентификацион белгиларни кўриқдан ўтказиш гуруҳи ходимидан далолатнома асосида қабул қилиб олади;

б) яроқсиз ҳолга келган идентификацион белгиларнинг сақланиши ва ҳисобини тўғри юритилишини таъминлайди ҳамда белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилгунига қадар уларнинг йўқолишига йўл қўймайди;

в) яроқсиз ҳолга келган идентификацион белгиларни билдирги асосида бошқарманинг масъул ходими топширади;

г) идентификацион белгилар қуйидаги тартибда:

алоҳида А4 форматдаги оқ қоғоз варағининг олд ва орқа томонига 10 дона ёпиштирилиши;

идентификацион белги ёпиштирилганда улар йиғилмаган, букилмаган ҳолда бўлиши;

белги шундай ёпиштирилиши керакки, белгининг марказий қисми ва матни аниқ кўриниши;

йиртилган белгиларнинг алоҳида қисмлари бир жойга, ёнма-ён ёпиштирилиши;

ҳар бир алоҳида варақларга ёпиштирилган бузилган идентификацион белгилар инспекторнинг шахсий муҳри билан тасдиқланган бўлиши зарур.

д) яроқсиз идентификацион белгининг ишлатилиши юзасидан ҳар чорак якуни бўйича, кейинги чорак ойининг 5 санасига қадар

бошқарманинг масъул ходимиغا Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 12 декабрдаги 324-сонли қарорининг 9-иловасида келтирилган шаклда электрон кўринишда ҳисобот тақдим этади;

е) яроқсиз ҳолга келган идентификацион белгиларни божхона кўриги ходимидан қабул қилиб олиш, сақлаш, йўқолишини олдини олиш ва ҳудудий бошқарма аппаратининг божхона лабораторияси ходимиغا топшириш бўйича жавобгар ҳисобланади.


Идентификацион белгиларнинг сотилиши ва бегона шахсларга берилиши тақиқланади.

Махсус назорат идентификацион белгиларни йўқолишига ва сабабсиз яроқсиз ҳолга келишига йўл қўйган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарларининг алоҳида гуруҳларини олиб киришни такомиллаштириш чоратадбирларини амалга ошириш тўғрисида”ги 324-сонли қарори 2-иловаси рўйхатида (иловага Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 14 сентябрдаги 271-сон қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган) кўрсатилган товарларни идентификацион белгилар билан маркалашда мазкур Йўриқнома талабларини бузган божхона органларининг мансабдор шахслари амалдаги қонунчилик талаблари асосида жавобгарликка тортилади.

**"Махсус назорат идентификация белгилари билан
мажбурий маркировка қилиниши керак бўлган
четдан келтириладиган истеъмол товарлари
РЎЙХАТИ**

Товарнинг номи	ТИФ ТН коди
Овқатни тайёрлаш ва иситиш учун қурилма	7321 11 100 0
Ҳарорат ва ҳаво намлигини ўзгартириш учун двигатели ва приборлари бўлган, вентилятор билан ускуналанган ҳавони кондициялаш учун қурилма, шу жумладан, ҳавони алоҳида тартибга солиш мумкин бўлмаган кондиционерлар	8415 10 100 0, 8415 10 900 0, 8415 20 000 9, 8415 81 009 0, 8415 82 000 9, 8415 83 000 9
Электр ёки бошқа турдаги музлатгичлар, совутгичлар ва бошқа совутгич ёки музлатгичлар	8418 10 200 1, 8418 10 200 9, 8418 10 800 1, 8418 10 800 9, 8418 21 100 0, 8418 21 510 0, 8418 21 590 0, 8418 21 910 0, 8418 21 990 0, 8418 29 000 0, 8418 40 200 1, 8418 40 200 9, 8418 40 800 1, 8418 40 800 9


Уй-рўзгор идишларини ювиш машиналари	8422 11 000 0
Пластина, цилиндрлар ва 8442 товар позицияси бошқа босма шакллари билан босишда фойдаланиладиган босма машиналар; бошқа принтерлар, нусха кўчириш аппаратлари ва факсимиль аппаратлари, бирлаштирилган ёки бирлаштирилмаганлари	8443 31 100 0, 8443 31 910 0, 8443 31 990 1, 8443 31 990 9, 8443 32 100 1, 8443 32 100 9, 8443 32 300 0, 8443 32 910 0, 8443 32 930 1, 8443 32 930 9, 8443 32 990 0, 8443 39 100 0, 8443 39 310 1, 8443 39 310 9, 8443 39 390 0, 8443 39 900 1, 8443 39 900 2, 8443 39 900 9
Маиший ёки кирхоналар учун кир ювиш машиналари, шу жумладан, ювилган буюм сувини сиқиш қурилмаси билан жиҳозланган машиналар	8450 11 110 0, 8450 11 190 0, 8450 11 900 0, 8450 12 000 0, 8450 19 000 0
Чангютгичлар	8508 11 000 0, 8508 19 000 1, 8508 19 000 9, 8508 60 000 0
Маиший турғун электр плиталари	8516 60 101 0
DVD-проигривателлари	8521 90 000 1
Товарнинг номи	ТИФ ТН коди
Овоз ёзгичи ёки овоз кучайтириш аппаратлари ёки соатлари бўлган қўшма ёки битта корпусга бирлаштирилмаган радиоэшиттириш учун қабул қилувчи аппаратуралар	8527 91 190 0, 8527 91 350 0, 8527 91 910 0, 8527 91 990 0, 8527 92 100 0, 8527 92 900 0, 8527 99 000 0
Таркибига қабул қилувчи телевизион аппарат кирмайдиган мониторлар ва проекторлар; таркибига кенг қамровли радиоприёмник ёки аппаратура, ёзиб олувчи ёки овозни акс эттирувчи ёки тасвирловчилар кирадиган ёки кирмайдиган телевизион алоқа учун қабул қилувчи аппаратлар	8528 41 000 0, 8528 49 100 0, 8528 49 800 1, 8528 49 800 9, 8528 51 000 0, 8528 59 100 0, 8528 59 400 1, 8528 59 400 9, 8528 59 800 1, 8528 59 800 9, 8528 61 000 0, 8528 69 100 0, 8528 69 910 0, 8528 69 990 1, 8528 69 990 9, 8528 71 110 0, 8528 71 130 0, 8528 71 190 0, 8528 71 900 0, 8528 72 100 0, 8528 72 200 1, 8528 72 200 9, 8528 72 300 1, 8528 72 300 2, 8528 72 300 3, 8528 72 300 9, 8528 72 400 0, 8528 72 600 0, 8528 72 800 0, 8528 73 000 0

Идентификация штрих-коди	Матн мазмуни
	<p style="text-align: center;">XXXXXXXX</p>

Штрихли коддаги маълумот

1. Товар номланиши
2. Товар миқдори
3. Олиб кираётган шахс номи
4. Экспортёр номи
5. Юк божхона декларациясининг рўйхатга олиниши рақами
6. Товарнинг ишлаб чиқарувчи завод томонидан қўйиладиган серия рақами

**Товарларни махсус назорат идентификацион белгили маркалар билан
маркалаш бўйича
ТЕХНОЛОГИК СХЕМА**



3-босқич	ДБҚ худудий бошқармасининг ташкилий-назорат бўлими ходими	Худудий бошқармада идентификация белгиларини тайёрлашга аризаларни ҳисобга олиш журналини тўлдиради. Аризани ДБҚ худудий бошқармасининг идентификация белгиларини тайёрлашга масъул бўлган ходимига юборади.	Шу куннинг ўзида
4-босқич	ДБҚ худудий бошқармасининг идентификация белгиларини тайёрлашга масъул бўлган ходими	Идентификация белгиларини тайёрлайди, аризаларни ҳисобга олиш журналида қайд этади. Ташкилий-назорат бўлими орқали божхона постига жўнатади	Икки иш куни давомида
5-босқич	Божхона пости ходими	Ариза асосида истеъмол товарларини идентификация белгилари билан маркировка қилади	Шу куннинг ўзида
6-босқич	Божхона пости ходими	Олиб кириладиган товарларнинг божхона расмийлаштирилишини амалга оширади	Ўрнатилган тартибда



Принтер



Телевизор



Махсус назорат идентификацион белгиларни жорий қилишда ишлатиладиган технологик қурилмалар.

Термотрансфер принтер (ТТ-принтер) – махсус принтер, узоқ муддатга мўлжалланган, механик таъсирларга чидамли маркалар босиб чиқарилади. Термотрансфер усулда маркаларни тайёрлашда термотрансфер бўяш лентасидан (ribbons) фойдаланилади. Бундай усулда ишлаб чиқилган марка узоқ муддат ўз кўринишини ўзгартирмайди, сувдан ва ҳароратдан кўркмайди ҳамда ўчиб кетмайди. Шу боис, бундай маркалар узоқ муддат сақланадиган, шу жумладан ноқулай об-ҳаво шароитида сақланадиган товарларни маркалашда қўлланилади.



Сканерлар- махсус назорат идентификацион белгиларни ўқиш учун ишлатилади. Унинг ёрдамида божхона юк декларациясидаги барча маълумотларни реал вақт бирлиги ичида ўқиш имконияти туғилади.

Аппликаторлар- маркаларни товарга бир текисда ёпиштирувчи мослама.



7- расм. Махсус назорат идентификацион белгиларни жорий қилишда ишлатиладиган технологик қурилмалар.

“Маркировка қилиш ва аудит” идоралараро ахборот тизимидан фойдаланиш ҳамда давлат божхона ва солиқ хизмати органлари ўртасида ахборот айирбошлаш тартиби

“Маркировка қилиш ва аудит” идоралараро ахборот тизимидан фойдаланиш ҳамда давлат божхона ва солиқ хизмати органлари ўртасида ахборот алмашинувини амалга ошириш тартиби (кейинги ўринларда тартиб деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 10 августдаги “Давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1595-сонли ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасига

истеъмол товарларининг алоҳида гуруҳларини олиб киришни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида”ги 324-сонли қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мазкур Тартиб “Маркировка қилиш ва аудит” идоралараро ахборот тизими дастуридан (кейинги ўринларда дастур деб юритилади) фойдаланиш ҳамда ушбу тизим доирасида давлат божхона ва давлат солиқ хизматлари органлари ўртасида ахборот айирбошлаш тартибини белгилайди.

Тизимнинг маълумотлар базаси, республика ҳудудига олиб кирилаётган мажбурий равишда махсус назорат идентификацион белгилар билан маркаланадиган алоҳида гуруҳ истеъмол товарларини (кейинги ўринларда алоҳида гуруҳ истеъмол товарлари деб юритилади) махсус назорат идентификацион белгилар билан маркаланганлиги тўғрисида тегишли маълумотлар билан ишлаш имконини берувчи ахборотлардан иборат бўлади.

Тизимнинг маълумотлар базаси республикага импорт қилинган алоҳида гуруҳ истеъмол товарлари бўйича маълумотлар асосида Давлат божхона хизмати органлари томонидан шакллантирилади.

Алоҳида гуруҳ истеъмол товарларини республикага қонуний олиб кирилиши, сотилиши ва сақланиши бўйича мониторинг ишлари Давлат божхона ва солиқ хизмати органлари (кейинги ўринларда назорат қилувчи органлар деб юритилади) томонидан дастурдан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Тизимнинг вазифалари.

Тизимнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

назорат қилувчи органлар томонидан тегишли маълумотларни реал вақт оралиғида дастурга киритиш ва маълумотлар базасини шакллантирилиши ҳамда сақланиши орқали ушбу маълумотлардан фойдаланишни таъминлаш;

алоҳида гуруҳ истеъмол товарларини республикага қонуний олиб кирилиши, сотилиши ва сақланиши бўйича мониторинг ишларини ташкиллаштириш;

маълумотларни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик тизимини қўллаган ҳолда Web-технологиялар асосида тизимдан фойдаланиш ваколатига эга бўлган назорат қилувчи органлар учун маълумотлар базасида ишлаш имкониятини таъминлаш;

текширувлар давомида аниқланган камчиликлар ва тафовутлар, шунингдек мазкур ҳолатлар юзасидан кўрилган чоралар бўйича тегишли маълумотларни киритиш ва ҳуқуқбузарликларни таҳлил қилиш;

мавжуд маълумот манбаалари ва тегишли ҳисобот шаклларида фойдаланишларида назорат қилувчи органлари учун қулайликлар яратиш.

Тизимдаги маълумотлар базаси таркиби ва уни шакллантириш.

Шахслар томонидан импорт қилинган алоҳида гуруҳ истеъмол товарларини маркаланишини назорат қилишда давлат божхона хизмати органлари томонидан дастурга қуйидаги маълумотлар киритилади:

импортёр (юридик, якка тартибдаги тадбиркор ёки жисмоний шахс) номи;
алоҳида гуруҳ истеъмол товарларининг турлари бўйича тўлиқ номи
(маркаси, серия рақами);

алоҳида гуруҳ истеъмол товарларининг турлари бўйича миқдори;
экспортёрнинг номи;

алоҳида гуруҳ истеъмол товарларини “вақтинча сақлаш” ёки “божхона
омбори” божхона режимларига жойлаштирилган божхона юк декларациясининг
(БЮД) рўйхат рақами

Шахслар томонидан импорт қилинган алоҳида гуруҳ истеъмол
товарларини сотилиши ва сақланишини назорат қилишда дастурга Давлат солиқ
хизмати органлари томонидан дастурга қўйидаги маълумотлар киритилади:

алоҳида гуруҳ истеъмол товарлари бўйича ўтказилган текширувлар
давонида аниқланган тафовутлар;

тафовутли ҳолатлар юзасидан кўрилган чоралар

**Давлат солиқ хизмати органларининг алоҳида гуруҳ истеъмол
товарлари тўғрисидаги ахборотларни тизимдан олиш тартиби**

Тизимнинг маълумотлар базаси on-line режимида шакллантириб борилиб,
давлат солиқ хизмати органлари томонидан персонал ёки мобиль компьютерлар
орқали штрих код сканери ва йиғилган маълумотларни узатиш учун 3G-
модемлари билан таъминланган ҳолда фойдаланади.

Тизим маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқи давлат солиқ хизмати
органларининг тегишли таркибий тузилмалари ва уларнинг қўйи бўлимлари
ходимларига пароллар орқали берилади. Пароллар берилган ходимлар тизимдан
фойдаланиш учун маъсул ҳисобланади ҳамда текширувчиларнинг ёзма ёки
оғзаки сўровлари ва мурожаатларига асосан текшириляётган субъект тўғрисида
маълумотларни тизимдан олиб, тақдим қилади.

Текширувчи, штрих код сканери ёрдамида товар ёки унинг упаковкисида
бўлган идентификацион белгили маркани ўқийди ва тизимдан фойдаланувчига
тегишли маълумотларни олиш учун мурожаат қилади.

Тизимдан фойдаланувчи текширувчи томонидан қилинган мурожаатга
мувофиқ компьютер орқали дастурга уланади ҳамда товарнинг серия рақами ва
штрих кодини киритиб сўров юбориди.

Кўрсатилган штрих код билан товарнинг серия рақами тизимга сўров
сифатда тушади.

Тизим штрих-кодни ўзининг БЮД маълумотлар базасидан қидириб
топади.

Агар киритилган товарнинг серия рақами тизимда мавжуд серия рақамига
мос келса, тизим текширувчига товарнинг БЮД рақамини ва ТИФ ТН коди
тўғрисидаги маълумотларни юборади.

Агар киритилган товарнинг серия рақами тизимда мавжуд серия рақамларига мос келмаса, тизим текширувчига бундай серия рақам маълумотлар базасида йўқлиги тўғрисида хабар юборади.

Тизимдан фойдаланувчи товарнинг серия рақамларини ниқоблаб юбориш имкониятига эга бўлади. Агар серия рақамида харфлар мавжуд бўлса, S/N – ABDK54678990, сўров юборишнинг ниқобли усулидан фойдаланилади (масалан: ABDK54678990 рақами учун *54678990). Тизим текширувчига ниқобли қидирувни қониқтирувчи тегишли БЮДлар бўйича товарнинг серия рақамлар рўйхатини чиқариб беради. Агар тизимдан ниқобли қидирув орқали рақам ва серия рақамлари топилмаса, бундай товарлар қайд этилмаганлиги тўғрисида хабар беради.

Текшириш якуни бўйича маълумотлар дастурига текширишни ўтказган ходимлар томонидан такдим қилинган маълумотлар асосида тегишли пароллар берилган маъсул ходимлар томонидан текшириш якунланган кундан бошлаб бир сутка ичида киритилди.

Текширишда аниқланган ҳолатлар юзасидан кўрилган чоралар бўйича маълумотлар ваколатли органлар (суд, прокуратура ва бошқа) томонидан қабул қилинган қарорлар асосида тегишли пароллар берилган маъсул ходимлар томонидан киритилади.

Тизимдаги барча маълумотларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи “Маркировка қилиш ва аудит” идоралараро маълумотлар базаси бошқарувчисига берилади.

Мазкур Тартиб талабларининг бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Товарларни махсус идентификация рақам билан маркалашга қайси қонун ҳужжатлар ҳуқуқий асос бўлиб ҳисобланади.
2. Олиб кирилатган истеъмол товарларини махсус назорат идентификация белгилари билан маркировка қилиш тартибини шарҳлаб беринг.
3. Идентификация белгиларига буюртма бериш, тайёрлаш ва бериш тартиблари қандай амалга оширилади.
4. Импорт қилинаётган алоҳида гуруҳ истеъмол товарларни махсус назорат идентификацион белгилар билан маркалашда божхона ходимларининг хизмат вазифаларини шарҳлаб беринг.
5. Худудий божхона бошқармалари аппарати Ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимларининг вазифаларини тушинтириб беринг.
6. Махсус назорат идентификацион белгиларни жорий қилишда қандай технологик қурилмалар ишлатилади.

13- БОБ. ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Режа:

1. Асосий тушунчалар.
2. Аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлашнинг ҳуқуқий асослари.
3. Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви.
4. Озиқ-овқат маҳсулотини ҳамда уни тайёрлашга мўлжалланган ва фойдаланганда озиқ-овқатга тегиб турадиган ускуналарни давлат рўйхатидан ўтказиш.
5. Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш ва текшириш.
6. Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳақидаги маълумотлар.
7. Озиқ-овқатларни қадоқлаш, ўраш ва тамғалаш.
8. Озиқ-овқат маҳсулотини реализация қилиш.
9. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига озиқ-овқат маҳсулотини олиб кириш.

Асосий тушунчалар

озиқ-овқатлар - озиқ-овқат хом ашёсидан тайёрланган ҳамда натурал ёки қайта ишланган ҳолида истеъмол қилинадиган маҳсулотлар;

озиқ-овқат маҳсулоти - Бу инсон истеъмол қилиши учун мўлжалланган, янги, уринмаган, бузилмаган, айнамаган, эндигина узилган, барра яхши сақланган ёки қайта ишланган ҳолдаги асл ва ҳайвон, минерал ёки биосинтез маҳсулотларидир. Озиқ-овқат хом ашёси (шу жумладан этил спирти), озиқ-овқатлар (шу жумладан алкоғолли ичимликлар) ва уларнинг таркибий қисмлари, резина сақичлар ва барча озиқ-овқатларни тайёрлашда ва қайта тайёрлашда қўлланилиб тайёрланадиган моддалар озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқатларга тегиб турадиган моддалар, материаллар ёрдамчи ва қадоқлаш материаллари ҳамда улардан тайёрланган буюмлар ҳам қиради, бироқ, косметик маҳсулотлар, тамакидан қилинган ва фақат даволаш воситаси сифатида фойдаланиладиган моддалар бунга кирмайди.

болаларбоп озиқ-овқат маҳсулотлари - болалар организмнинг (уч ёшгача) физиологик хусусиятларига жавоб берадиган махсус озиқ-овқат маҳсулотлари;

токсикология-гигиена экспертизаси - озиқ-овқат маҳсулоти устида амалга ошириладиган бир туркум лаборатория тадқиқотлари бўлиб, улар мавжуд нормалар ва қоидалар билан қиёслашга мўлжалланган бўлади;

гигиена сертификати - озиқ-овқат маҳсулоти, технология, ускуна ва бошқа жараёнлар амалдаги санитария нормалари ва қоидаларига мос эканлигини тасдиқлайдиган ҳужжат;

озиқ-овқат қўшимчалари - озиқ-овқат маҳсулотлари тавфсифларига тўғридан-тўғри ёки қўшимча таъсир этувчи бўлиб, қўшимча таркибий қисм (компонент) сифатида, белгиланган хоссаларни бахш этиш ва (ёки) уларни сақлаб қолиш мақсадида атайлаб, озиқ-овқат маҳсулотини қайта ишлашда,

ишлаб чиқаришда, сақлашда ёки транспортда жўнатилишида (унинг озиқа куввати, баҳосидан қатъи назар) улар кўшилади.

Улар ингредиент (мураккаб бирикма ва қоришманинг таркибий қисми) деб аталиб,- аслида ҳайвон, ўсимлик, микробиологик ёки минерал моддали озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш ёки тайёрлашда ва бошланғич тайёр ёки ўзгартирилган кўринишдаги маҳсулотларда қатнашади. Шунингдек, табиат ёки синтезланган озиқ-овқатга кўшимча маҳсулот сифатида фойдаланилади.

овқатга кўшиладиган биологик фаол кўшимчалар - озиқ-овқат хом ашёсини қайта ишлаш йўли билан ёки сунъий усулда ҳосил қилинган ҳамда бевосита овқат билан бирга истеъмол қилишга ёки озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига кўшишга мўлжалланган табиий ёхуд табиийга айнан ўхшайдиган биологик фаол моддаларнинг концентратлари;

озиқ-овқат маҳсулоти муомаласи - озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, харид қилиш, қайта ишлаш, етказиб бериш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш билан боғлиқ фаолият;

озиқ-овқат маҳсулотини реализация қилиш - озиқ-овқат маҳсулотини маълум шартлар билан сотиш, етказиб бериш ва топширишнинг бошқа шакллари;

озиқ-овқат маҳсулотининг сифати - озиқ-овқат маҳсулотининг истеъмол хоссаларини белгилаб берадиган ва унинг одамлар ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсизлигини таъминлайдиган мезонлар мажмуи;

озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги - озиқ-овқат маҳсулотининг санитария, ветеринария, фитосанитария нормалари ва қоидаларига мослиги;

озиқ-овқат хом ашёси - озиқ-овқатлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган ўсимлик, ҳайвонот, микробиология, шунингдек минераллар объектлари, сув;

озиқ-овқатларни ҳамда озиқ-овқат хом ашёсини таққослаш - озиқ-овқатлар ҳамда озиқ-овқат хом ашёси аниқ турдаги ва номдаги маҳсулотга доир норматив ва (ёки) техникавий ҳужжатда белгилаб кўйилган муҳим мезонларга мос келишини аниқлаш;

озиқ-овқат маҳсулотининг яроқлилик муддати (фойдаланиш муддати) - бу муддат давомида озиқ-овқат маҳсулотини сақлаш, ташиш, реализация қилиш чоғида хавфсизлик нормалари ва қоидалари талабларига риоя этилган тақдирда у фойдаланишга яроқли бўлиб туради, бу муддат тамом бўлганидан кейин эса маҳсулот одамлар ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли бўлиб қолиши мумкин;

озиқ-овқат маҳсулотини қалбакилаштириш - озиқ-овқат хом ашёсининг ҳамда озиқ-овқатларнинг хоссалари ва мезонларини атайлаб ўзгартириш ёки уларни алмаштириб кўйиш;

қадоклаш материаллари, ёрдамчи материаллар ва улардан тайёрланган буюмлар - озиқ-овқат маҳсулотини муомала жараёнида ташқи таъсирлардан ҳимоялаш мақсадида ишлатиладиган воситалар.

Аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлашнинг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикасининг 26. 04. 1996 йилдаги 221-И-сон “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 30. 08. 1997 йилдаги 483-И-сон “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 30. 08. 2001 йилдаги 267-И-сон “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2002 йил 20 августдаги 295-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб келишни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида” 427-сон қарори, шунингдек 2003 йил 15 январда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 1202-рақам билан рўйхатга олинган “Давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган истеъмол товарларини маркалаш ва божхонада расмийлаштириш қоидалари тўғрисида” ги (2003 йил 25 январдан кучга кирган) қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги “Сертификатлаштириш тартиботларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги 122-сонли қарори (ДБКнинг 04.05.2011й., 93-сонли буйруғи), Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 9 сентябрда 1853-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган истеъмол товарларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлари (2008 йил 19 сентябрдан кучга кирган) аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Бош давлат ветеринария бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳамда қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган бошқа органлар (бундан кейин матнда давлат назорати органлари деб юритилади) томонидан амалга оширилади. Шу билан бирга, мазкур давлат назорати органлари Республикамизга келтириладиган турли хил товарларнинг божхона назоратини

ва расмийлаштирувини амалга оширишда божхона органлари билан бевосита биргаликда иш олиб борадилар.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви қуйидагиларни ўз ичига олади:

- давлат томонидан нормалаш;
- озиқ-овқат маҳсулотини ҳамда уни тайёрлашга мўлжалланган ва фойдаланганда озиқ-овқатга тегиб турадиган ускуналарни давлат рўйхатидан ўтказиш;
- озиқ-овқат маҳсулотини сертификатлаш;
- давлат назорати ва текшируви;
- озиқ-овқат маҳсулотининг сифатини ва хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини режалаштириш.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат томонидан нормалаш озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигига, уни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, харид қилиш, қайта ишлаш, етказиб бериш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш шарт-шароитларига қўйиладиган талабларни ўз ичига оладиган санитария, ветеринария, фитосанитария нормаларини, қоидаларини ва гигиена нормативларини, давлат стандартларини, техникавий шартларни (бундан кейин матнда нормалар ва қоидалар деб юритилади) белгилаш йўли билан амалга оширилади.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигига доир нормалар ва қоидалар давлат органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади ва улар озиқ-овқат маҳсулоти муомаласи соҳасида иш олиб бораётган юридик ҳамда жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

Озиқ-овқат маҳсулотини ҳамда уни тайёрлашга мўлжалланган ва фойдаланганда озиқ-овқатга тегиб турадиган ускуналарни давлат рўйхатидан ўтказиш

Озиқ-овқат маҳсулоти ҳамда уни тайёрлашга мўлжалланган ва фойдаланганда озиқ-овқатга тегиб турадиган ускуналар озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигига доир нормалар ва қоидалар талабларига мослиги баҳоланганидан ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин ишлаб чиқарилиши, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилиши, реализация қилиниши ва ишлатилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган ва унинг ҳудудига олиб кирилаётган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага рухсат берилган озиқ-овқат маҳсулотини ва ускуналарни давлат рўйхатидан ўтказиш гигиена сертификати берилаётганда давлат санитария назорати органлари томонидан амалга оширилади.

Қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

озиқ-овқат маҳсулотининг ҳар хил турларини бир хил номда давлат рўйхатидан ўтказиш;

айни бир турдаги озиқ-овқат маҳсулотини бир хил ёки ҳар хил номлар билан қайта-қайта рўйхатдан ўтказиш;

таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган озиқ-овқатларни, овқатга қўшиладиган озиқ-овқат қўшимчалари, ембоп қўшимчалар ва биологик фаол қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш.

Озиқ-овқат маҳсулотини, уни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва у билан савдо қилишга мўлжалланган технологиялар, ускуналар, буюмлар ва воситаларни сертификатлаш.

Озиқ-овқат маҳсулоти, уни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва у билан савдо қилишга мўлжалланган технологиялар, ускуналар, буюмлар ва воситалар уларнинг нормалар ва қоидаларга мослигини тасдиқлаш мақсадида сертификатланиши лозим.

Мажбурий сертификатланадиган маҳсулотлар рўйхати ҳамда сертификатлашдан ўтказиш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади. (483-1 Қонунининг 7-моддаси)

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш ва текшириш

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги, “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида кўрсатилган давлат назорати органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида назорат қилинади ва текширилади.

Озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, харид қилиш, қайта ишлаш, етказиб бериш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар белгиланган нормалар ва қоидаларга риоя этилиши устидан ишлаб чиқариш назоратини таъминлайдилар. Ишлаб чиқариш назоратини амалга ошириш тартиби озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигига доир нормалар ва қоидаларга, норматив ҳамда технология ҳужжатлари талабларига мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар бажарадиган ишлар ва хизматларнинг хусусиятларини ва шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади ҳамда тегишли давлат назорати органлари билан келишилади. Ишлаб чиқариш назоратини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар нормалар ва қоидаларнинг талаблари бузилганлиги аниқланган тақдирда ишларни амалга оширишни ва хизматлар кўрсатишни аниқланган камчиликлар бартараф этилгунга қадар тўхтатиб қўйишлари шарт.

Жамоат бирлашмалари қонун ҳужжатларига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлашга доир нормалар ва қоидалар бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга ҳақли. (483-1 Қонунининг 8-моддаси)

Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳақидаги маълумотлар

“Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонун ва озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмолчилар учун маълумотлар стандарти

талабларига кўра, маълумотлар бевосита озиқ-овқат маҳсулотлари билан матнда ёки ўрамда (истеъмол яшиги) тамғаланган (маркаланган), этикеткада, этикетка орқасида (контрэтикетка), сукма варақа (лист-вкладыш) ёки ёрлиқ (ярлык) усулида, айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига мос қабул қилинган тартибда бўлиши керак.

Товар ҳақидаги матн ёки ўрам, этикетга, этикетга орқаси, сукма варақалар, маркаланган ёзувлар, тайёрловчи ва сотувчи ҳақидаги маълумотлар истеъмолчилар эътиборига давлат тилида етказилиши, шунингдек, бошқа тилларда такрорланиши лозим.

Ўрамдаги матн (истеъмолч яшиги), этикетка, этикетка орқаси, сукма-варақа ёки ёрлиқ ва маркаланган ёзувлар ўзбек тилида, лотин ёзувида берилиши даркор. Матн ва ёзувлар чет тилларида такрорланиши мумкин.

Шунингдек маҳсулот номларида “экологик тоза”, “янги”, “уйда тайёрланган”, “фақат органик ўғитларда етиштирилган”, “пестицидлар қўлланилмай етиштирилган”, “минерал ўғитлар қўлланилмай етиштирилган”, “витаминлаштирилган”, консерваланган озиқ овқатни бузилишидан сақловчи моддасиз (консервантларсиз)”, “соғ-саломатлик”, “даволовчи”, “парҳезли”, ва бошқа реклама ҳарактерига эга бўлган бундай терминлар, фақат меъёрий ҳужжатлар кўрсатилганда, маҳсулотнинг кўрсатилган хусусиятларини идентификациясини амалга ошириш учун ёки терминга аниқлик киритиш учун ва маъсул органлар тасдиқлагач, рухсат этилади.

Болалар учун мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотларига қўйилган талаблар

Маҳсулот номи, уни болалар учун мўлжалланган озиқ-овқат эканлигини ифодалаш керак. У асосий ингредиентга мос бўлиши ва маҳсулотнинг қуюқ-суюқлик даражасини ифодалаш зарур. Бир ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган сут маҳсулотларини номлашда, “аёллар сутига яқин, ўхшаш”, “мослаштирилган” каби терминларни ишлатишга рухсат этилмайди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган умумий озиқ-овқат маҳсулотларига бериладиган маълумотлардан ташқари, витамин ва минерал моддалар таркиби, истеъмол ўрамини очгунга қадар ва очгач сақлаш шартлари, тайёрлаш усули, фойдаланиш бўйича тавсиялар каби маълумотлар берилиши зарур.

Бир ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган сут маҳсулотлари ўрамида, кўкрак сути билан болани эмизишнинг устуворлиги ҳақидаги маълумот берилиши ва врач белгилаган шартлар асосида, ёшига қараб овқатлантириш тавсия этилади.

Болалар учун консерваланган озиқ-овқат идишларининг қопқоғи усти ёки тагига консерванинг тайёрланган санаси (куни, ойи, йили) кўрсатилиши шарт.

Е- таркибий белгили озиқ-овқат қўшимчалари.

Озиқ-овқат қўшимчалари ёки бошқа таркибларнинг хусусиятлари қўлланилганлиги ҳақида ахборотларини ҳавола этишда таркибий қисм белгилари (компонентные знаки) қўлланилади. Бунга импорт товарларида

ахборот сифатида кўп учрайдиган, Халқаро санок тизими (INS) ёки Европа санок тизими белгилари таркибий белгилар “Е” ҳарфи билан белгиланадиган ва уч ёки тўрт белгили рақамлар коди киради.

Е- таркибий белгили озиқ-овқат қўшимчаси кимёвий номларга қарама-қарши (альтернатив) сифатида, чунки, у номларини ифодалаш жуда мураккаб бўлганликдан фойдаланилади. Масалан, “Е-464” озиқ-овқат қўшимчаси куйилтириш (загуститель), эмульсия ҳосил қилишга ёрдам берадиган модда (эмульгатор) ва бир хил ишлашини таъминловчи восита (стабилизатор) сифатида қўлланиладиган гидрооксипропилметилцеллюлоза деб аталади. Бундай мураккаб номларни ёзиш-чизиш, етказиш учун анча катта майдон талаб этилади. Ундан ташқари, маркалашда бошқа ахборотларни ёзиш-чизиш, етказишга қийинчилик ҳосил қилади, энг муҳими, кўп истеъмолчиларга бу номлар тушунарли эмас, ҳатто уларни маҳсулот таркибида кимёвий модда бордек - кўрқитиб юбориши мумкин.

Кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш учун озиқ-овқат қўшимчаларида фойдаланиладиган рақам билан кўрсатилган (литерли) “Е” кодлаш тизими ишлаб чиқилган. Бу Европа Иттифоқи мамлакатларида синовдан (апробация) ўтказилиб, кейинчалик, озиқ-овқат маҳсулотлари учун, ВОЗ-ФАО Кодексининг Халқаро рақамли кодлаш тизимидаги озиқ-овқат қўшимчаси – INS (International Numbering System)га анча ўзгартиришлар киритилган ҳолда, фойдаланиш учун тавсия этилган.

Озиқ-овқат қўшимчаларининг (Компонент белгилар) технологик вазифаларига кўра кўриниши

Барча озиқ-овқат қўшимчалари технологик вазифаларига кўра, функционал синфларга бўланади:

Е100-Е182- ранг берувчилар (айрим озиқ-маҳсулотларига ранг бериш учун ишлатилади);

Е200 ва бошқалар- консерваланган озиқ-овқатни бузилишидан сақловчи (консервант)лар (озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш муддатини узайтиришда қўлланилади);

Е300 ва бошқалар- оксидланишга қарши (антиокислители) (антиоксидантлар) (оксидланишни олдини олиб, озиқ-овқат маҳсулотларини бузилишдан сақлайди);

Е400 ва бошқалар стабилизаторлар (озиқ-овқат маҳсулотларини маълум куюқ-сууюқлигини, зичлигини (консистенция) сақлайди);

Е500 ва бошқалар – эмульсия ҳосил қилишга ёрдам берадиган модда (эмульгатор)лар (озиқ-овқат маҳсулотларини маълум тизимини сақлашга ёрдам беради, кўллаб туради);

Е600 ва бошқалар- таъми ва хушбўйлик хусусиятларини кучайтиради;

Е700 ва бошқалар- захирадаги индекслар;

Е800 ва бошқалар- антифламинги (озиқ-овқат маҳсулотларининг кўпиришини камайтиради);

E1000...- формаловчи гуруҳ: ялтиратиш омил (глазирующие агенты)лари, ширин қилувчи (подластители)лар, қотишга қарши (античувствители);
E1100-1105- ферментлар, биологик катализаторлар ва бошқалар.

Озиқ-овқат сифатида истеъмол қилиш тавсия этилмайдиган қўшимчалар рўйхати:

<p>E103, E105, E121, E123, E125, E126, E130, E131, E 142, E152, E210, E211, E213, E217, E240, E330, E477 танада турли шишлар пайдо бўлишига олиб келади;</p> <p>E221, E226, E320, E322, E338, E341, E407, E450, E461, E466 ошқозонда оғриқ пайдо қилади;</p> <p>E230, E232, E239, E311, E 312, E313 танада тошма тошишига сабаб бўлади;</p> <p>E171, E173, E320, E322 жигар, буйракка таъсир этади;</p> <p>E230, E232, E239, E241 териға таъсир қилади;</p> <p>E250, E251 қон босимини оширади;</p> <p>E320, E321 таркибида холестерин бор;</p>

Е- таркибий белгиларидан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотларини идентификациялашга имкон берувчи, шу билан бирга қатор ноозиқ-овқат маҳсулотлар маркаланишида уни таркибини билдирувчи таркибий белгиларга бўлинади. Унга жумладан, лаккраска бўёқлари, ювувчи воситалар киради. Масалан, М- 11, бу (1) мойли бўёқ белгиси, ташқари ишлар учун, (1) табиий (натурал) алифлигини билдиради, М-15 ҳам мойли бўёқ, ташқари ишлар учун, лекин таркибида олифа (комбинированный) аралаш (5). “Био” сўзи ёки “F” ёхуд “Pc” ҳарфлари текстил маҳсулотлари ўрамлари ва ёрлиқларида акс эттириладиган халқаро рамзлардир.

Энг юқори ҳарорати 60°C бўлганда эҳтиёткорлик билан ювиш кераклиги, хлорланмаслиги, юқори ҳароратда дазмол қилиш (110°C) тавсия қилинмаслигини билдиради. Ювиш воситаси номи остида перхлорэтилен асосидаги кимёвий тозалаш шуни кўрсатдики, унинг таркибига барча турдаги оксил доғларни осон кетказиш хусусиятига эга бўлган энзимлар кўшилганлигини кўрсатади.

Озиқ-овқатларни қадоқлаш, ўраш ва тамғалаш

Биринчи навбатда, қонунчиликка мурожаат қиламиз. Ўзбекистон Республикаси “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддасида шундай дейилади: Озиқ-овқатлар ишлаб чиқарувчи юридик ва жисмоний шахслар уларни қадоқланган, ўралган (барча муомала

босқичларида сифати ва озиқлик қиммати сақланиб қолишини таъминлайдиган) ва қонун ҳужжатларига мувофиқ тамғаланган ҳолда чиқаришлари шарт.

Қадоқланган ва ўралган озиқ-овқатлар, овқатга қўшилаётган биологик фаол қўшимчалар, озиқ-овқат қўшимчалари ёрликларга (сукма варақаларга) эга бўлиши, уларда куйидагилар кўрсатилиши керак:

Озиқ-овқатнинг номи;

Озиқ-овқатнинг нимага мўлжалланганлиги (болаларга махсус мўлжалланган маҳсулотлар ва парҳез таомлар учун);

Тайёрловчининг номи;

Товар белгиси (белгига эга ташкилотлар учун);

Озиқ-овқат таркибига кирган нарсалар, шу жумладан, озиқ-овқат қўшимчаларининг номи;

Озиқлик қиммати, нави;

Сақлаш шарт-шароитлари;

Тайёрланган санаси, яроқлилиқ муддати;

Тайёрлаш усули (масаллиқлар ҳамда махсус болаларбоп ва парҳез озиқ-овқат маҳсулотлари учун);

Оғирлиги;

Фойдаланиш усули (биологик фаол қўшимчалар, озиқ-овқат қўшимчалари, махсус болаларбоп ва парҳез озиқ-овқат маҳсулотлари учун);

Мувофиқлик белгиси (маҳсулотини мувофиқлик белгиси билан тамғалаш ҳуқуқини берадиган лицензияси бор корхоналар учун);

Норматив ёки техникавий ҳужжатларнинг номерлари.

“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг “Товар (иш, хизмат) ҳақида нотўғри -маълумот берилган тақдирда истеъмолчининг ҳуқуқлари” тўғрисидаги 7-моддасида, “зарур истеъмол хоссаларига эга бўлмаган товар (иш, хизмат) сотиб олинишига сабаб бўлса, истеъмолчи шартномани бекор қилишга ва ўзига етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир” деб белгилаб қўйилган.

Маҳсулотнинг соф (нетто) оғирлиги, сони ёки ҳажми тўғрисидаги маълумотлар.

Суюқлик ичида бўлган (шарбат, қиём, намақобда (ош тузи эритмасида), зироворли сирка-мой, тузли сув, мева ёки сабзавот шираси суви, қайнатма ва бошқаларда) асосий таркибидаги маҳсулотлар учун, умумий оғирлиги билан бирга, соф (идишсиз, қопсиз, ўровсиз) оғирлиги асосий маҳсулот оғирлигида кўрсатилган бўлиши шарт.

Соф оғирлиги ва маҳсулот ҳажми, Францияда ишлаб чиқилган ва бошқа давлатлар томонидан 1875 йилда имзоланган Метрик конвенциясидан сўнг, кенг оммалашган метрик тизими Халқаро бирлик тизимида кўрстирилиши керак. Фақат айрим мамлакатларда (Буюк Британия, АҚШ, Канада ва бошқаларда) шу вақтгача инглиз ўлчови деб номланган ўлчовда юритилади.

Озука қиймати - бу маҳсулотнинг хусусиятига қараб (алкоголли ичимликлар, кофе, чой, хуштаъм, хушбўйли ва озиқ-овқатга қўшимчалардан ташқари), овқат бўладиган моддалар, углеводлар, оқсиллар, ёғлар ва бошқа таркибий қўшимчаларнинг 100 г ёки 100 мл истеъмолга яроқли, ейишли, маҳсулот қисмидан таркиб топади.

Қувватлилик қиймати- 100 г 100 мл ҳисобида аниқланиб, килокалорияда кўрсатилади.

Товарнинг сақлаш ва яроқлилик муддати.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг меъёрий ва техник ҳужжатларда ёки олди-сотди шартномасида кўрсатилган сақлаш шартларига амал қилинганида, ўзининг хусусиятларини сақлаши мумкинлиги белгиланган даврни ўз ичига олади.

Сақлаш муддати тугагунга қадар озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол учун яроқли, лекин, унинг истеъмол тавсифи (истеъмол нархи) пасайиши мумкин.

Сақлаш шартлари яроқлилик муддати чегараланган (сақлаш, сотиш) маҳсулотлар ёки махсус сақлаш шартлари (паст ҳарорат, ҳавода маълум намлик ва ёруғлик тартиби ва бошқалар) талаб этувчи маҳсулотлар учун кўрсатилади. Маҳсулотни бузилиб қолишидан сақловчи, герметик ўрамнинг очилиши билан сифати ўзгара бошлайдиган маҳсулотларга (масалан, болалар учун мўлжалланган маҳсулотлар), ўрам очилгандан сўнг, сақлаш шартларини кўрсатилиши тавсия этилади.

Товарнинг яроқлилик муддати- бу маълум давр ўтиши билан, озиқ-овқат маҳсулотлари мақсадли фойдаланишга яроқсиз ҳисобланади. Уларни озиқа мақсадида фойдаланиб бўлмайди ва йўқ (утилизация) қилинади.

Узоқ вақт сақланиши лозим бўлган, шунингдек, махсуслаштирилганида, яроқлилик муддати, сақлаш шарти етказиб бериш шартномасида белгиланади.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг яроқлилик муддати тайёрланган кунидан бошлаб ҳисобланади. Яроқлилик муддати қуйидагича: “Яроқлилик муддати...(соат, кун, ой ёки йил)” , Яроқлилиги...(санагача), Ишлатиш мумкин...(санагача), Яроқлилик муддатини тугашини қуйидагича, яъни: “тез бузиладиган маҳсулотларга-соат, кун, ой”: “агар яроқлилик муддати уч ойдан ошмаса-кун ва ой”, агар сақлаш муддати уч ойдан ошса “ой ва йил” кўрсатилади.

Гўшт консервалари банкаси қопқоғидаги ёки этикеткасида қайд этилган яроқлилик муддатига эътибор бериш лозим. Одатда темир банкадаги маҳсулот уч йилдан ортиқ сақланмайди. Шиша банкаларидаги яроқлилик муддати 6 йилгача.

Тушёнкаларнинг этикеткасида уни ишлаб чиқаришга асос бўлган техник ҳужжатлар кўрсатилиши шарт. Бу ё Давлат стандарти ёхуд Техник шартлар (ТУ) бўлиши мумкин. Агар, у техник шартларга (ТУ) мувофиқ тайёрланган бўлса, яроқлилик муддати -2 йилгача давом этади.

Ўзбекистон Республикаси “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддаси, **“Одамлар ҳаёти ва соғлиги учун хавфли бўлган озиқ-овқат маҳсулоти тегишли давлат назорати органларининг қарорига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб қўйилиши керак”**.

Юқоридаги Қонуннинг 17-моддасида, яъни, **“Нормалар ва қоидаларга мос келмайдиган озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланиш ва уни йўқ қилиб ташлаш”**, деб номланган бандида, яроқлилик муддати ўтган, сифатсизлиги белги бериб турган, таққослаш ва ишлаб чиқарувчисини аниқлаш мумкин бўлмаган, шунингдек давлат санитария ва (ёки) ветеринария назорати органлари томонидан гигиена ва (ёки) ветеринария экспертизаси ва сертификатлаш синовлари натижалари бўйича овқатга ишлатиш учун яроқсиз деб топилган озиқ-овқат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва реализация қилишдан олиб ташланади, у белгиланган мақсадда ишлатилмаслиги ҳамда қайта ишланиши ёки йўқ қилиб ташланиши керак.

Озиқ-овқат маҳсулотини қайта ишлаш ёки йўқ қилиб ташлаш усуллари ва шартлари унинг эгаси томонидан тегишли давлат назорати органлари билан келишиб қилинади.

Озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланиш (уни қайта ишлаш) ёки йўқ қилиб ташлаш унинг эгаси томонидан ёки маҳсулот эгаси шу ишларни бажаришни шартнома бўйича топширадиган ташкилотлар томонидан комиссия иштирокида амалга оширилади. Комиссия таркибига давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг, давлат назорати органларининг, солиқ органларининг ва жамоатчиликнинг вакиллари киради.

Озиқ-овқат маҳсулотини реализация қилиш

Сотилиш муддати - озиқ-овқат маҳсулотларини айрим мантиқий давр ичида, уй шароитида сақланишини ҳисобга олган ҳолда белгиланадиган давр.

Сотиш муддати ишлаб чиқарилган санадан бошлаб ҳисобланади ва ўрамда ёки истеъмол яшигида “...(сана)гача сотилиши керак”, “...давр ичида сотилиши керак (соат, кун ёки йил)”.

Агар ўрамда яроқлилик муддати сўз билан “...(соат, кун, ой ёки йил) бўлган давр ичида, яроқли”, сақлаш муддати сўз билан-“...(соат, кун, ой, ёки йил) бўлган давр ичида сақлаш муддати, сотиш муддати сўз билан-“...(соат, кун, ой ёки йил) бўлган давр ичида сотилиши керак” дейилган бўлса, бу озиқ-овқат маҳсулотларининг ўрами ёки қадоғига ишлаб чиқарилган санаси албатта қўйилиши лозим.

Шуни айтиш керакки, “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддаси, “Озиқ-овқат маҳсулотини реализация қилиш” бандига биноан, мажбурий сертификатланадиган озиқ-овқат маҳсулоти юридик ва жисмоний шахслар томонидан **озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини тасдиқлайдиган мувофиқлик сертификати ёки мувофиқлик белгиси бўлган тақдирда реализация қилинади.**

Озиқ-овқат маҳсулотини чакана сотиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

Озиқ-овқат маҳсулоти билан савдо қилишга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шу мақсадлар учун ажратилган жойларда йўл қўйилади.

Қуйидаги ҳолларда озиқ-овқат маҳсулотини реализация қилишга йўл қўйилмайди:

маҳсулот сифати белгиланган нормалар ва қоидалар талабларига мувофиқ бўлмаса, мажбурий сертификатланадиган маҳсулотлар учун эса мувофиқлик сертификати бўлмаса;

сақлаш ва реализация қилиш учун тегишли шароит бўлмаса;

яроқлилиқ муддати тугаган бўлса;

маҳсулот қалбакилаштирилган бўлса;

маҳсулотларни таққослаш мумкин бўлмаса.

Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарилган жой номидан фойдаланиш.

Маҳсулотлар ишлаб чиқарилган жойининг номи, бу мамлакатнинг номи, аҳоли пункти, жой ёки бошқа географик объект, ушбу географик объект учун, маҳсулотларни белгилаш учун қўлланилиши, ўзгача хусусиятларини, уни тубдан ёки асосан шу географик объектнинг табиий шароити ёки инсон факторлари билан барварига тавсифлаб белгиланиши мумкин.

Товар ишлаб чиқарилган жойининг номи, географик объектининг тарихий номи бўлиши мумкин.

Агар маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётган жойининг номи, географик объект номини сақласа ёки ифодаласа-да, лекин, Ўзбекистон Республикасида умумистеъмолга кирган, худди маълум тур товар белгиси каби, уни ишлаб чиқарилаётган жойи билан боғлиқ бўлмаса, бундан озиқ-овқат маҳсулотларининг ишлаб чиқарилган жойи билан номланган белгилар тан олинмайди.

Юридик ёки истеъмолчилари жисмоний шахслар томонидан рўйхатдан ўтган, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган жой (манзилни) номидан, ундан фойдаланиш ҳуқуқига гувоҳномаси бўлмаган, ҳаттоки худди шу жойда ишлаб чиқилганлиги ҳақиқий номини қўйса, таржима қўллаб кўрсатса ҳам рухсат этилмайди. Бундай бир хилдаги маҳсулотларга ўхшатиб берилган белгилар, истеъмолчиларни ишлаб чиқарилган жойи ва озиқ-овқат маҳсулотларининг хусусиятида адаштириб юборишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига озиқ-овқат маҳсулотини олиб кириш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган озиқ-овқат маҳсулоти ушбу Қонунда кўрсатилган нормалар ва қоидаларнинг талабларига мувофиқ бўлиши шарт.

Четдан олиб кирилаётган озиқ-овқат маҳсулотини етказиб берувчи уни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ишлаб чиқарувчининг ва экспорт қилувчи мамлакат махсус вакил қилган органнинг ушбу маҳсулот хавфсиз эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларини, тегишли экспертиза ўтказиш зарур бўлганида эса - озиқ-овқат маҳсулотининг намуналарини тақдим этади.

Четдан олиб кирилаётган озиқ-овқат маҳсулоти, технологиялар ва ускуналар қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий сертификатланиши лозим.

Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган озиқ-овқат маҳсулоти сифати ва хавфсизлигининг нормалар ва қоидаларга мослиги давлат назорати органлари томонидан божхона органлари билан биргаликда белгиланган тартибда аниқланади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлашнинг ҳуқуқий асослари қайси қонун-ҳужжатларга асосланган.
2. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августдаги № 483-І сонли Қонуни тўғрисида гапириб беринг.
3. Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқарувини гапириб беринг.
4. Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳақида маълумотлар беринг.
5. Озиқ-овқат маҳсулоти ҳамда уни тайёрлашга мўлжалланган ва фойдаланганда озиқ-овқатга тегиб турадиган ускуналарни давлат рўйхатидан ўтказиш қандай амалга оширилади.
6. Е- таркибий белгили озиқ-овқат қўшимчалари тўғрисида маълумот беринг.
7. Озиқ-овқат маҳсулотини, уни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва у билан савдо қилишга мўлжалланган технологиялар, ускуналар, буюмлар ва воситаларни сертификатлаш тўғрисида гапириб беринг.
8. Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги назорат қилишни ва текширишни шарҳлаб беринг.
9. Озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, қадоқлаш, ўраш, тамғалаш, сақлаш, ташиш, реализация қилиш, олиб кириш, олиб қўйиш ва йўқ қилиб ташлаш тўғрисида гапириб беринг.

14- БОБ. ТОВАРЛАРНИ ШТРИХЛИ КОДЛАШ

Режа:

1. Штрихли код тушунчаси.
2. EAN товарларни рақамлаш уюшмасининг пайдо бўлиши.
3. Товар ва технологик штрихли кодларнинг фарқи.
4. Штрихли коднинг вазифалари ва афзалликлари.
5. Штрихли кодларга киритилган ахборотларнинг ўқилиши.
6. Штрихли коднинг ҳақиқийлигини қалбакисидан фарқлаш.


Ўзбекистонда Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган беш тамойил асосида босқичма босқич бозор иқтисодиёти муносабатлари шакиллантирилди.

XXI аср ахборот технологияси, талаб этилаётган ахборотларни автоматик излаш, уни қайта ишлаш ва мақсадли фойдаланиш жараёнлари билан боғлиқ. Ахборот технологиясининг техник базаси бўлиб, ахборот киритиш ва беришни таъминловчи, шунингдек биринчи навбатда штрих кодлаш технологиясини қўллашга асосланган, компьютер тармоқлари ва оптик электрон тизимлар ҳисобланади.

Дарсликнинг ушбу бобини ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини қизиқтирган яна бир мавзу, яъни товарларни штрихли кодлашга доир саволларга жавоб бериш билан давом эттирамиз. (Мазкур материалларни тайёрлашда и.ф.н., К.Шодиметовнинг “Товар ёрликлари ва штрихли кодлаш” рисоласидан фойдаланилди).

Штрихли код тушунчаси

Биз ҳаммамиз товарларда, қадоғида ёки ўрамларида зебрани эслатувчи ҳамда қора рангли кетма-кетликлар, ҳар хил кенгликдаги йўл-йўл чизикларни штрих (чизик, ингичка чизик) ва очик жойлар, оралик (пробел)лар, алфавит-рақамли кўринишдаги (8-расм) белгиларни кўрганмиз. Бу штрихли код бўлиб, унда бир неча сонли рақамлар ёки ҳарфли-сонли белгилар кодланиши мумкин.



8- расм. Штрихли коднинг ўриниши.

Штрихли код- ахборотни компьютерга тез ва аниқ киритиш мақсадида сонлар, ҳарфлар, белгиларни турли кенгликдаги штрихлар ва ораликлар кетма кетлиги кўринишида кодлаш усули бўлиб, унда белгилар турли қалинликда, паралел штрихлар тўплами ёрдамида ифодаланади.

Штрихли кодлаш бу маҳсулотларнинг асосий параметрларини махсус ишлаб чиқарилган халқаро ахборот тизими услубида белгилашдир. Штрихли кодда штрихлар ва улар орасидаги ҳар хил кенгликдаги ораликлар қўллаш ҳисобига ахборотлар кодланади. Яна ҳам аниқроқ айтилса, ҳар хил штрихлар ва

оралиқларнинг ўзаро нисбати ҳисобига амалга оширилади. Ҳар қандай маълумот кодланган бўлиши ва штрихли код кўринишида босилиши мумкин.

Ўзбекистонда чакана савдога мўлжалланган халқ истеъмол товарлари одатда EAN-13 рақамдан иборат бўлиб, у маълумотлар базасида сақланаётган маълумотларга калит бўлиб хизмат қилади ва зарур бўлганда у ердан товар ва товар ишлаб чиқарувчи ҳақида тўлиқ ахборот олиш мумкин.

Штрихли кодлар товар ишлаб чиқарувчини ва у томонидан ишлаб чиқарилаётган товарларни идентификатлаштириш учун ишлатилади. Бундай идентификатлаштириш товар ишлаб чиқарилишдан бошлаб унинг харидорга сотилишигача, ундан кейин товарни чиқитга (утилга) чиқарилгунча ўтган йўлини кузатишга имкон беради.

Штрихли код маълумотларни компьютерга қўл билан киритиладиган ҳар қандай жойда қўлланиши мумкин. Ишлаб чиқарувчилар, дистрибьютерлар, чакана ва улгуржи сотувчилар, молия хизматлари, коммунал хизмат корхоналари, агентликлар, соғлиқни сақлаш ташкилотлари, транспорт компаниялари ва кўплаб бошқа соҳаларда маълумотларни қўлда киритиш ўрнига штрихли кодлаш қўлланилади.

EAN товарларни рақамлаш уюшмасининг пайдо бўлиши

Европа тизимида штрихли кодлаш 1977 йиллар бошларида юзага келган. Жумладан, 12 та Европа мамлакатлари билан Европа товарларни рақамлаш уюшмаси (EAN ассоциацияси) пайдо бўлди. 1981 йилда бунга бошқа континент мамлакатлари кириши билан у, Халқаро рақамлаш уюшмаси деб атала бошланди, унга ҳозирда 100 дан ортиқ давлатлар кирган. Ўзбекистон Республикаси ҳам бу ташкилотга 1999 йил аъзо бўлди. EAN уюшмаси ҳар бир мамлакатга кодлар чегараси (диапазони)ни беради. Кодлар одатда иккита белгидан (Франция -30-37, АҚШ ва Канада-06,05, Япония-45-49) айрим ҳолларда ишлаб чиқарувчи корхона кодини биттага камайтириш йўли билан уч хонали белгидан (Ўзбекистон- 478, Россия-460) иборат бўлиши мумкин. (Айрим давлатларнинг штрихли код рақамлари (префикси) мазкур боб сўнгида 1-иловада ифодаланмоқда). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 сентябрдаги 438-сонли “Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган товарларга штрихли кодлашни жорий қилиш ҳақида”ги қарори билан, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси (собиқ Республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси) қошида тадбиркор шахсларни рўйхатдан ўтказишни амалга ошириш учун, “EAN UZBEKISTAN” товар ва хизматни идентификациялаш Ўзбекистон автоматик маркази ташкил этилган, товарларни EAN штрихли кодлари билан маркалаши учун “Ўзстандарт” агентлиги қошидаги Штрихли Кодлаш Маркази тузилган. Мамлакатнинг миллий органи томонидан марказлашган ҳолда, аниқ ишлаб чиқарувчи ташкилотчига ишлаб чиқарувчи кодини (кейинги 6 рақамлар) беради. Ишлаб чиқарувчи кодининг чегарасини Ўзбекистон EAN (EAN UZBEKISTAN) уюшмаси аниқлайди, у ўз аъзолари манфаатларини EANда ҳимоялайди.

Товар ва технологик штрихли кодларнинг фарқи

Маҳсулотларни штрихли кодлашда турли хил нусха (тип)даги стандартдаги штрихли кодлар қўлланилади, уларни “**рамзий ифода**” (“**символика**”) деб аталади.

Уларни икки гуруҳга бўлиш мумкин: **товар ва технологик штрихли кодлар**.

Товар штрихли кодлари- товар ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқарган товарларини идентификациялаш ва рақамлаш учун фойдаланилади. Бундай идентификациялаш товар йўлини, уни тайёрланишидан тортиб, сотиб олувчига ва ҳаттоки чиқитга чиқарилгунигача (утилизация) бўлган жараёни кузатиш имкониятларини беради. Ушбу штрихли кодлар Халқаро товар маҳсулотларни рақамлаш уюшмаси EAN томонидан ишлаб чиқилган. Ўзбекистонда ушбу стандартни қўллаб-қуватлаш “EAN UZBEKISTAN” уюшмаси фаолият кўрсатмоқда.

Технологик штрихли кодлаш исталган объектлар, ушбу объектларни ҳаракати ҳақида ва кейинчалик ундан компьютер тизмида фойдаланиш учун, автоматик ахборотларни тўплашда, ахборотларни штрихли код кўринишида белгилашда фойдаланилади. Ушбу кодларни EAN товар коди билан бирга ёки алоҳида, қўшимча ахборотларни кодлаш учун фойдаланилиши мумкин. Масалан, дўконда сотилаётган телевизорга унинг EAN-13 стандартидаги товар кодидан ташқари, унинг нусхаси, серия рақами, кафолат талон рақами ва бошқа мазмундаги белгилар киритилиши мумкин, лекин, кўпинча бу кодлар ҳар хил объектлар (деталлар, узеллар, материаллар, сақлаш жойи, товар, буюм жойланадиган ёки ўраладиган қоғоз, қоп, яшик ва шу кабилар) корхона ёки ахборот тизимининг автоматик бошқариш тизимини яратишда қўлланилади.

Штрихли коднинг вазифалари ва афзалликлари

Штрихли коднинг **иккита асосий вазифаси** бор.

Биринчидан, буюм (товар) тавсифи, таърифи ва идентификациялаш номерини штрихли код ёрдамида осонигина кодлаш ҳамда исталган буюм ҳақидаги ахборотни киритиш мумкин. Ушбу маълумот, ахборот ва бошқариладиган автоматик тизим учун, бошланғич ахборот учун ҳисобланиб, ишлаб чиқариш жараёнларини нормал ҳаракатларини, ресурсларни энг қулай даражада тақсимлайди ва бошқарув қарорларини қабул қилишни таъминлайди. Штрихли код технологияси самарали база ҳисобланиб, корхоналар, соҳалар ва мамлакатни тўлалигича балансга келтириб, бошқаришни мустаҳкамлайди.

Иккинчи вазифаси шундан иборатки, улар ёрдамида ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига товар етказилишида ҳосил бўладиган муаммолар кўпроқ самарали ҳал бўлади. Энг аввало, штрихли код аниқ маълумотларни қўлда киритишдаги хатолардан холи қилади. Маълумотларни қўлда киритиш ва штрихли коддаги маълумотлар таққосланиб, тест ўтказилганида, қўлда киритилган маълумотларнинг ҳар 10 та белгисида 1 та хатога йўл қўйилган

бўлса, штрихли код орқали қиёс ўқилганда – 10.000.000 белгида 1 та хатога йўл қўйилганлиги аниқланган.

Штрихли код – бу юқори тезликда маълумотларни киритиш ва етказиш демакдир. Штрихли код билан қиёс ўқилганида, қўлдагига нисбатан, 100 мартадан кўпроқ тез амалга оширилиши асосланган, бу эса исталган операцияни самарадорлигини кўп марта оширади. Қўлда киритилган маълумотлар янгиланганида айланиш секинлашишига олиб келади, етказиб бориш саналарида хатоликка йўл қўйилади, сотилиши секинлашади, меҳнат унумдорлиги пасаяди ва бошқалар.

Корхоналарда штрихли код технологиясини қўллашнинг асосий афзалликлари:

- Миллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини, дунёдаги барча мамлакатлар иқтисодий ҳаётининг ягона иқтисодий сиёсати асосида ўзаро боғланган ҳолда, ривожланиш шакли (интеграция)ни осонлаштиради;
- меҳнат унумдорлигини оширади;
- корхона омбор хўжалигини бошқаришда, истеъмолчига маҳсулот етказиб беришни ҳисобга олиш ва унинг назоратида, бухгалтерия ва молиявий фаолиятларда самарали тизим жорий этилади;
- маҳсулот ишлаб чиқариш ва бутлашни бошқариш самарадорлигини оширади;
- товарларга ўз вақтида буюртма бера олиш ва сотилишини тезкор назоратини ташкил этади;
- иш юритиш (делопроизводство) вақтини қисқартиради

Штрихли кодларга киритилган ахборотларнинг ўқиши

Штрихли коднинг баландлиги ҳеч қандай ахборот етказмайди, фақат ўқишга енгиллик нуқтаи назаридан танланади. Ахборотларни махсус оптик қурилмалар – **сканерлар** ёрдамида қиёсан ўқилади (9-расм). Ўқийдиган қурилманинг нури, ундаги кодланган ахборотларни ўқиш учун, барча штрихли коднинг баландлиги етарлича қулай бўлиши керак.



9- расм. Штрихли коднинг ўқиши.

Кўпчилик истеъмолчилар, товар сотилиши пайтидаги EAN кодини қиёс ўқишидан, товарнинг нархи касса аппаратида штрихли код туфайли пайдо бўлади деб ўйлайди, аксинча, товар ҳақида барча ахборотлар шунингдек, унинг нархи, компьютернинг касса терминалида ёки дўкон компьютер тармоғи хотирасида сақланади. Ҳар бир дўкон ўз нархини касса терминалига ёзиб қўяди. Товар ҳақидаги код ўқилганда, ушбу ахборот компьютер хотирасидан чиқариб олинади ва истеъмолчига бериладиган чипта (чек)га босилган бўлади.

EAN-13 товар коди тўрт гуруҳ рақамларга бўлинади.

Биринчиси- икки ёки уч рақамдан иборат бўлиб, уни код олди кўшимча “префикс” ёки “миллий код” дейилади. Масалан, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган товарларга учта рақамли, EAN “Республика префикси” 478-рақами берилади (2- чизма). Иловада бошқа давлатларнинг префикслари ҳам берилган.

Иккинчиси- беш ёки олтита рақамдан иборат бўлади. Республикамиз учун, олтита рақамдан иборат бўлиб, бу товар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг рўйхат рақами ҳисобланади. Уни Республика префикси билан кўшиб ўқилса корхонанинг “халқаро рақами” ҳам дейиш мумкин (2- чизма).


Учинчиси- беш ёки мамлакатимиздаги каби уч рақамли бўлиб, шу товарнинг код рақами ҳисобланади. Бу бешта ёки учта рақамни танлаш учун ҳеч қандай махсус қоидалар мавжуд эмас. У ишлаб чиқарувчининг ихтиёри билан, ўз товарини рақам сонини, кейинги сонидан ошириб бориш ҳисобига рақамлаш мумкин. Ушбу бешта рақамлар икки ёки уч гуруҳ остида бўлиниши ва шу билан бирга маҳсулотларни ўз фирмаси ичида синфланишини киритиши мумкин. Аммо, бу ҳақда фақат корхона ходимларининг ўзларигина билишлари, корхонада ишламайдиганлар эса, товарнинг ягона идентификациялаш рақами деб ўйлашлари мумкин. Шуни таъкидлаш жоиз, агар корхонадаги ишлаб чиқарилаётган ҳар бир товар, бошқасидан нимаси биландир фарқ қилса, у ўзини ягона код рақамига эга бўлиши керак. Масалан, агар корхонада 50 ва 100 грамм оғирликдаги шоколад ўралаётган бўлса, ушбу шоколад плиткалари ҳар хил рақамдаги EAN кодига эга бўлиши керак! Ҳар хил товарларга бир рақамни ишлатиш мумкин эмас.

Тўртинчиси- битта рақамдан иборат бўлиб, **назорат сони** ҳисобланади. Бу назорат белгиси компьютерга киритилган маълумотни ҳақиқийлигини кафолатлайди. Бу рақамни ҳисоблаш махсус қоидага кўра, биринчи ўн икки рақам билан ҳисобланади. (2- чизмада илова қилинади).

Бу кодни ҳар бир қиёс ўқилишида компьютерга барча ўн учта рақамлари киритилади. Сўнгра, бринчи ўн икки рақам билан, назорат сони ҳисобланади ва ўқиётган ўн учинчи сон билан таққосланади, агар ушбу рақамлар мос тушса, код компьютердан ўтказилади, мабодо, мос келмаса ўтказилмайди.

Штрихли коднинг биринчи рақамлари билан, товарларни келиб чиққан ва ишлаб чиқарилган мамлакатини аниқлаш мумкин деган тушунчалар нотўғри. Штрихли код, товарнинг ишлаб чиқарилган мамлакатидан гувоҳлик сифатида хизмат қилмайди. Префикси билан фақат қайси миллий ташкилотда, ёки бошқа, ўзга корхонада рўйхатдан ўтганлигини аниқлаш мумкин. Шу билан, ўқиётган ахборотларнинг тўғрилигининг кафолати таъминланади. Жумладан, мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси “Озиқ-овқат” уюшмаси “Интер-роҳат” корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган “Қибрай” номли пиво ичимлигининг штрихли кодларининг назорат рақами тўғрилигини ҳисоблаш 3- чизмада берилган.

13 РАЗРЯДЛИ EAN КОДИ



13 разрядли EAN коднинг ўнг томонида баъзан 2 ёки 5 рақамли штрихли кодни кўриш мумкин- бундай штрихли код кўшимча дейилади ва ишлаб чиқарувчи ҳамда улгуржи сотиб олувчиларнинг махсус келишувларига кўра фойдаланилади.

EAN коднинг боши, ўртаси ва охиридаги узун чизиқлар- ҳимоя чизиқлари деб аталади. EAN штрихли коди икки бўлакдан иборат бўлиб, ҳар бири ўзининг кодланиш “устиворлик қоидаси” деб аталмиш қоидага эга. Ҳимоя чизиғи сканерга мос равишда бўлақларнинг бошланиши ва тугалланишини кўрсатиб беради.

Штрихли коднинг бурчакларидаги қора нишон (метка)- “бурчак нишони” ёки бурчак белгилари деб аталади ва штрихли коднинг ҳаётий “мастер-фильм”и асл-нусахаси (оргинал-макети)нинг зарур қисми ҳисобланади. Гап шундаки, штрихли код қиёс ўқилганда, ёруғлик нури барча штрихлар ва ораликларни кесиб ўтиши керак. Коднинг биринчи штрихи, бу ҳимоя чизигининг биринчи штрихи ҳисобланади ва компьютер ўқиётган EAN кодни фарқлай олиши учун, ҳимоя чизиғи кафолатланган ҳолда ўқилиши керак. Бунинг учун, доимо коднинг боши ва охирида унча катта бўлмаган тоза масофа қолдирилади.

Бурчак нишон айнан, штрихли коднинг боши ва охиридаги минимал рухсат этилган тоза чегарани кўрсатиб беради.


Ўнг пастки бурчакдаги стрелка- агар штрихли кодни ўрамга босиб чиқарилгандан кейин бу стрелка кўриниб қолган бўлса, бунда ўнг тоза зонада етарлича кенглик таъминланган бўлади. Худди шу вазифани, ҳимоя чизиғи олдида босилиб, жойлаштирилган, бошлаб берадиган биринчи рақам бажаради.

Штрихли коднинг ўлчами- уни тузишда фойдаланиладиган “модул”нинг энига, кенлигига боғлиқ. 0.33 мм ли модулнинг қиймати стандарт ҳисобланади. У 100% этиб, қабул қилинади. Унда штрихли кодни ўлчамлари 37.3x26.3 мм (эни x бўйи) ташкил этади. Модулнинг қиймати стандартдан 80% - 200% гача ўзгариши мумкин. Бунда коднинг ўлчами 29.8x21 мм дан 74.6x52.5 мм гача ўзгаради. Кўпинча бу масала тескарисига пайдо бўлиб, ўлчамлари маълум, штрихли кодни жойлаштириш керак. Бундай пайтда EAN товар коди учун ўлчамлар ва рухсатномалардан фойдаланишнинг ўзи етарли бўлиб ҳисобланади.

Модулнинг аҳамияти- штрихли кодни қуришга қулай бўлиши учун, унинг энг ингичка, энсиз штрихи база сифатида қабул қилинади ва бу модул деб аталади. Бошқа барча чизиқли кўндаланг ўлчамли штрихлар ва оралиқлар бу модулларнинг тўлиқ сонига карралидир. EAN-13 символикали код модули 0.264 мм дан, то 0.66 ммгача ўзгариши мумкин.

3- чизма

НАЗОРАТ РАҚАМИНИ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ:



1. Коднинг жуфт ўринлар (позиция)ида турган рақамларни қўшамиз:
 $7+0+1+1+0+3=12;$
 2. Натижани 3 га кўпайтирамиз:
 $12 \times 3=36;$
 3. Коднинг тоқ ўринларида турган рақамларни қўшамиз:
 $4+8+0+0+5+4=21;$
 4. 2-инчи ва 3-инчи амаллар натижасини қўшамиз:
 $36 + 21=57;$
 5. Ҳосил бўлган рақамдан, ўзига яқин бўлган кичик ўнлик сонни айирамиз: $57 - 50=7;$
 6. Чиққан натижани 10 рақамидан айирамиз:
 7. $10 - 7=3;$
- Охирги натижа назорат сонини ифодалайди.

Товарларда штрихли коднинг жойлашиши

Штрихли кодни ўрамнинг чеккасига 5 мм га яқинлатиб жойлашиб қолмаслигини кузатиб бориш керак. Штрихли код симболи ўрамнинг кескин бурилган ёки бирон бурчагидан иккинчисига “ўтиши” жойида бўлиб қолмаслиги керак. Агар штрихли кодни цилиндрли юзага жойлаштириш зарур бўлса, унда унинг диаметри ҳисобга олинади, диаметри 5 см дан кам бўлган EAN-13 (EAN-8 коди учун 3,5 см) код учун цилиндр ҳосил қилувчининг узунасига жойлаштирилади. Қиёслаб ўқишда кўпинча контакт сканерлар қўлланилади, шунинг учун, иложи борича ўрамнинг туртиб чиққан, баланд жойларига жойлаштирмаслик керак.

Штрих код турлари: EAN-8 ўралган ёки унча катта ўлчамга эга бўлмаган товарларни маркалашда фойдаланилади. Бу тур штрих код EAN-13 дан қисқартирилган ахбороти ва кичик ўлчами билан ажралиб туради, шунинг учун уни кичик ўлчамли (габаритли) яъни, унга тўлиқ рақамлар сиғмайдиган товарларга жойлаштиради.

EAN-13 исталган товарнинг қадоғига ёки товарларнинг ўзига чизилади, фақат унинг майдони йўл қўйса бас.

ITF-14 фақат товарларни жўнатишда ва транспорт (юк) ўрамларида қўлланилади. ITF кодида жуфт сонли рақамлар бўлиши керак, шунинг учун транспорт кодида доимо етакчи нолдан фойдаланилади ва ITF-14 номини олган. Агар товар ўрами билан бирга сотилса, унда фақат EAN-13 коди қўлланилади, чунки ITF-14 товар ҳақида ахборот бермайди ва дўконда ўрнатилган сканер қурилмаси ёрдамида ўқилмайди. ITF-14 коди учун, EAN-13 коди учун бўлган рақамлар тўпламидан етакчи нол билан фойдаланиш мумкин эмас. Ўрам коди энг охирида бир бирликка EAN кодидан ўралган товарда фарқланиши шарт, яъни ўрам учун ўз рақами бўлиши шарт.

Штрихли коднинг ҳақиқийлигини қалбакисидан фарқлаш

Штрихли коднинг ҳақиқийсини қалбакилаштирилганидан ажратиш олишга имкон берувчи белгилар:

- штрихли коднинг рўйхатга олинган давлат реестри рақамининг мавжудлиги;
- штрихли код ўлчамлари (минимал рухсат этилгани- 21,0x30,0 мм, максимал рухсат этилгани- 52,5x74,6 мм);
- штрихли код айрим элементларининг рангли бажарилиши;
- штрихларнинг ранги қора, кўк, тўқ-яшил бўлиши керак;
- оралиқлари ранги, рангининг фонига кўра, қоидага мувофиқ оқ, сариқ, қизғиш, оч-жигарранг бўлишига рухсат этилади.

Штрихли код учун исталган қизил ва сариқ ранглар жилоларини қўллашга рухсат этилмайди чунки, уларни сканер орқали қиёслаб ўқишнинг иложи бўлмайди.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган товарларга штрихли кодларни жорий этилишидан мақсад, бу ўзбек товарларини ички ва чет эл бозорларида

рақобатбардошлигини ошириш, халқаро тизим доирасида товар ишлаб чиқарувчини товарини рақамлашни идентификациялаш, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоялаш, товар ишлаб чиқаришни автоматик ҳисоб-китобини таъминлашдан иборат.

1-илова

Айрим давлатларнинг штрихли код рақамлари (префикси)

Давлат номи	Давлат коди	Давлат номи	Давлат коди	Давлат номи	Давлат коди
АҚШ ва Канада	00-09; 000-139	Арманистон	485	Коста-Рика	744
Франция	30-37; 300-379	Грузия	486	Панама	745
Япония	45-49; 450-459	Козоғистон	487	Доминика Республ.	746
Буюк Британия	50; 500-509	Гонконг	489	Мексика	750
Бельгия,		Греция	520	Венесуэла	759
Люксембург	54; 540-549	Ливан	528	Колумбия	770
Дания	57; 570-579	Кипр	529	Уругвай	773
Финляндия	64; 640-649	Македония	531	Перу	775
Янги Зеландия	94; 940-949	Мальта	535	Боливия	777
Норвегия	70; 700-709	Ирландия	539	Аргентина	779
Швеция	73; 730-739	Португалия	560	Чили	780
Швейцария	76; 760-769	Исландия	569	Парагвай	784
Италия	80-83; 800-839	Польша	590	Эквадор	786
Испания	84; 840-849	Румыния	594	Бразилия	789-790
Нидерландия	87; 870-879	Венгрия	599	Куба	850
Австрия	90-91; 900-919	Жанубий Африка	600-601	Словакия	858
Австралия	93; 930-939	Баҳрайн	608	Чехия	859
Болгария	380	Маврикия	609	Югославия	860
Словения	383	Марокко	611	Шимолий Корея	867
Хорватия	385	Жазоир	613	Туркия	869
Босния-		Кения	616	Жанубий Корея	880
Герцеговина	387	Тунис	619	Таиланд	885
Германия	400-440	Сирия	621	Сингапур	888
Россия	460-469	Миср	622	Ҳиндистон	890
Киргизистон	470	Ливия	624	Вьетнам	893
Тайвань	471	Иордания	625	Индонезия	899
Эстония	474	Эрон	626	Малайзия	955
Латвия	475	Қувайт	627	Макао	958
Озарбайжон	476	Саудия Арабистони	628	Доимий нашрлар	
Литва	477	Бирл.Араб		(ISSN)	977
Ўзбекистон	478	Амирлиги	629	Китоблар (ISBN)	978
Шри-Ланка	479	Хитой	690-695	Китоблар ва ноталар	
Филиппин		Исроил	729	(ISBN) &	979
ороллари	480	Гватемала	740	Қайтариш тўловлари	980
Белорусия	481	Сальвадор	741	Умум. валюта	
Украина	482	Гондурас	742	зонадаги купонлари	981-982
Молдова	484	Никарагуа	743	Купонлар	990-999

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Штрихли кодлаш ўзи нима?
2. EAN товарларни рақамлаш уюшмасининг пайдо бўлиши.
3. Товар ва технологик штрихли кодларнинг фарқини тушунтиринг.
4. Штрихли коднинг қандай вазифалари ва афзалликлари бор.
5. Штрихли кодларга киритилган ахборотларнинг ўқилиши ҳақида маълумот беринг.
6. Штрихли коднинг ҳақиқийлигини қалбакисидан билиш мумкин?

15- БОБ. РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСИНИ КОНТРАФАКТ ТОВАРЛАРДАН ҲИМОЯЛАШДА ВА БОЖХОНА ОРГАНЛАРИ ОЛДИДА ТУРГАН ДОЛЗАРЪ ВАЗИФАЛАР

Режа:

1. Контрафакт товарлар, контрафакция тушунчалари.
2. Мамлакатнинг иқтисодига контрафакт товарларнинг таъсири.
3. Контрафакт товарлар бўйича мисоллар.
4. Контрафакт товарларни мансублигини аниқлаш давлат органлари.
5. Республика аҳолисини контрафакт товарлардан ҳимоялашнинг ҳуқуқий асоси.

Дунёнинг барча ривожланган ва ривожланаётган давлатлар қатори Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётига ва аҳолининг саломатлигига жиддий хавф солаётган асосий омиллардан бири – бу мамлакатга ноқонуний йўллар билан сифатсиз товар-моддий бойликларини олиб кирилишидир.

Мана неча йилдирки, ҳукуматимиз томонидан мамлакатимизга товарларнинг ноқонуний оқимини чеклаш, ички истеъмол бозори, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар манфаатлари ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда, жаҳон стандартларига жавоб берадиган рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

“Контрафакт товарлар, контрафакция” тушунчалари

Юқорида айтилган тадбирларни жонлантириш учун бўлажак божхона ходимлари, шунингдек жойларда фаолият олиб бораётган ходим ва маъсуллар, авваламбор, **“контрафакт товарлар, контрафакция”** тушунчалари маъноси ва мазмун-моҳияти бўйича бирор-бир тушунчага эга бўлишимиз лозим.

Контрафакция (лотинча – **“contrafactio”** сўзидан олинган бўлиб, қалбаки деган маънони билдиради) – баъзи фирмалар томонидан ўз товар белгиларида бошқа фирмаларнинг машҳур, харидоргир товарларида акс эттирилган белгиларни ифода этиб фойдаланиш ва шу тариқа харидорни чалғитиб, нопок рақобатни авж олдириш мақсадини кўзлаш демакдир.

Товар имитатор- истеъмолчиларни чалғитиш мақсадида товарларнинг кўриниши ва фирма белгиларини ҳақиқий (оригинал) маҳсулотга алмаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлган белгилар билан таъминлаган ҳолда ишлаб чиқарилган ва савдога чиқарган маҳсулот тушунилади (12, 13- *расмлар*).


Фальцификация (қалбаки) қилинган маҳсулот – таркиби ҳужжатларда белгиланган меъёрларга ёки товарга нисбатан белгиланган талабларга (ГОСТлар давлат стандартлари, Санитария қоидалари ва меъёрлари) риоя этилмаган ҳолда ишлаб чиқарилган ва унинг ёрлиқларида маълумотлар нотўғри ёки тўлиқ бўлмаган маҳсулотлар тушунилади.

Контрафакт товарлар турига бу савдода юқори нуфузга ва катта мавқега эга бўлган харидоргир товарларнинг белгисидан ёки унга ўхшаш бўлган белгилардан, ёрлиқлари, шартли белгилари ёхуд қадокларидан ҳамда

бошқа қиёслаш воситаларидан ноқонуний равишда фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, илмий ишлар, ихтиролар, кашфиётлар, санъат асарлари, қўшиқлар, куйлар, кино маҳсулотлари, янги техника ва технологияларнинг моделларини қонунга хилоф равишда эгаллаш, тасарруф этиш ҳамда уларни кўпайтириш орқали ишлаб чиқилган маҳсулотлар тушунилади.

Контрафакт товар турлари

- CD ва DVD дисклар;
- Алкоголь маҳсулотлари;
- Парфюмерия ва косметика;
- Озиқ-овқат (сақич кофе, чой, консерва..);
- Тамаки маҳсулотлари;
- Кийим-кечак ва оёқ кийимлар;
- Дори-дармон маҳсулотлари;
- Уяли телефонлар;
- Маиший техника воситалари;
- Ювиш ва тозалаш воситалари;
- Авто эҳтиёт қисмлари;
- Гигиеник прокладкалар;
- Электр қуввати манбалари;
- Болалар ўйинчоғи;
- Канцелярия товарлари (10- расм).



10- расм. Контрафакт товар турлари.

Контрафакт товарларнинг мамлакат иқтисодиётига зарари:

Товар белгиси эгалари бозордаги улушини (фойдасини) йўқотади, машҳур брендлар обрўсизланади;

Истеъмолчилар сифати анча паст, соғлиққа зарар етказиши мумкин бўлган товарга эга бўладилар;

Давлат инвесторлар ишончини йўқотади;

Давлат ғазнасига солиқлар ва божлар тушуми камаяди.

Контрафакт товарлар бўйича мисоллар

Масалан, қўлбола спиртли ароқ ва спиртсиз мевали турли хил салқин ичимликлар, дори-дармонлар, болалар ўйинчоғи, кийим-кечаклар, турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларда кўпайиб кетмоқда. Нуфузли товар ишлаб чиқарувчилар мамлакатларнинг брендларини, товар белгиларини сохталаштириб фойдаланмоқдалар.

Хусусий “тадбиркор” Н., ўз уйида қонунга хилоф равишда ароқ ишлаб чиқаришга мўлжалланиб ташкил этилган яширин цехида Украина давлатидан республикамизга ноқонуний равишда олиб кирилган “ХОРТЦИЯ” ароқ ёрлиқлари, ишиша идишлари, савдо белгилари ва акциз маркаларидан фойдаланган ҳолда ушбу фирманинг тегишли рухсати-сиз давлат стандартларига, меъёрларига зид равишда ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Юқорида назарда тутилган фирманинг ароқ ёрлиқлари, ишиша

идишлари, савдо белгиларини ноқонуний ўзлаштириш - **контрафакция**, жараёни, ишлаб чиқарилган ароқ маҳсулоти **контрафакт** товар ҳисобланади.

Фуқаро Н., хориж кино ижодкорлари томонидан ишланган кинофильмни мўмай даромад топиш мақсадида ноқонуний равишда электрон (DVD) дискларда кўпайтириб сотувга чиқарди (11-расм) Бунда кинофильмни ноқонуний равишда кўпайтириш - **контрафакция** жараёни бўлса, кўпайтирилган DVD дисклар айнан **контрафакт товарлар** ҳисобланади.



11- расм. Контрафакт дисклар.

Барчамизга маълумки, бундай сифатсиз **контрафакт товарлар**нинг муомалага киритилиши оқибатида, республикамиз иқтисодиётига жиддий зарар етказган ҳолда, истеъмолчилар ҳуқуқларини кўпол равишда поймол бўлишига, мамлакатимизда носоғлом рақобатни вужудга келишига ва иқтисодий диверсия шаклланишига сабаб бўлмоқда.



12- расм. Ҳақиқий фирма белгиларини ўхшаш бўлган белгилар (товар имитатор) билан алмаштириш. А-ҳақиқий товар белгиси; Б,С-қалбаки товар белгилари.

Мавжуд маълумотларга кўра, мамлакатимизда фаолият юритаётган айрим “сохта тадбиркорлар” ривожланган мамлакатларга бориб, арзимаган миқдорларда намуна сифатида бирон-бир қимматбаҳо ва сифатли товар харид қилиб, Хитой давлатидаги контрафакт маҳсулотлар тайёрловчиларига худди шундай товардан катта партияди тайёрлаб беришлари учун буюртмалар бермоқдалар.

Мамлакатимизга расмий импорт қилинган товарларнинг Хитойда ишлаб чиқарилган товарлар ташкил этаётган бўлсада, ички ҳудудларда фаолият олиб бораётган бозор ва дўконларда сотилаётган товарлар, парфюмерия маҳсулотлари, кийим кечак, дори-дармон ва тиббиёт воситалари, болалар ўйинчоқлари, автоулов эҳтиёт қисмлари, канцелярия товарлари, асосан, CD ва DVD форматда ёзилган материаллар, уяли алоқа воситалари ва маиший техника буюмларининг ёрликларида уларнинг ишлаб чиқарилган мамлақати сифатида Италия, Франция, Германия ва бошқа етакчи давлатлар кўрсатилган.

Контрафакт товарлар билан савдо қилувчи сотувчиларга ва ушбу товарларни сотиб олувчиларга ҳам жавобгарлик моддаси киритилганлиги сабабли, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда сўнги 5 йил мабойнида контрафакт товарларни савдоси камайиб бориши кузатилмоқда.

Манбаларга кўра контрафакт товарлардан энг кўп тарқалганлари: Аудио, видео товарлари, парфюмерия 70-80%, алкоголь, кийим-кечак ва оёқ кийимлар 30-40%, дори-дармон воситалари 10-20%, авто - қисмлар 15-20%.

Кам тарқалганлари: чой, кофе, лезвия 1-2%, ҳатто 2% авиа - қисмлар ташкил этади.

Юқорида келтирилган маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг асосий қисмини мамлакатимизга импорт қилинадиган, бирламчи халқ истеъмоли товарлари ташкил этади. Товарларнинг импортида уларнинг сифати, миқдорий кўрсаткичлари устидан назоратни божхона органлари амалга оширадilar. Бу турдаги контрафакт товарлардан, истеъмолчиларни ҳимоялашда божхона органлари бир қатор муаммоларга дуч келмоқда.

Хусусан, паст нархларда импорт қилишга интилаётган айрим ТИФ қатнашчилари, божхона органларига қалбакилаштирилган келиб чиқиш мамлакатига оид ҳужжатларни тақдим этишлари ва божхона органлари томонидан товарлар, транспорт воситалари устидан божхона кўригини амалга ошириш жараёнида ташқи кўриниши, асл кўринишидан унчалик фарқ қилмайдиган контрафакт товарлар учрайди. Мазкур ҳолатлар эса қўшимча экспертиза ўтказилишини ва ортиқча вақт сарфини талаб этади, шунингдек контрафакт товарлар коррупциянинг кучайишига йўл очмоқда.

Шу боис ҳам, мазкур йўналишдаги ишларга жиддий эътибор қаратган ҳолда, бу борадаги тадбирларни кескин жонлантиришимиз талаб этилади.

Контрафакт товарларни мансублигини аниқлаш давлат органлари

Контрафакт товарларни мансублигини яъни уларнинг контрафактлигини аниқлаб бериш борасида қуйидаги давлат органлари фаолият олиб борадилар.

«Ўзстандарт» агентлиги ва унинг ҳудудуий аккредитациядан ўтган ваколатли синов лабораториялари;

Давлат патент идораси;

Марказий божхона лабораторияси ва унинг ҳудудий тузилмалари;

Республика Суд экспертиза маркази.

Бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари қатори божхона органларига мазкур йўналишда юклатилаётган вазифалар ва топшириқлар ижросини тўлақонли таъминлашда – бугунги кунда юзага келаётган тезкор вазият таҳлиллари асосида иш кўрган ҳолда, авваламбор, мамлакатимиз иқтисодиётига бўлаётган энг асосий таҳдидлардан бири ҳисобланмиш, хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган контрафакт товарларни республикага кириб келиши ва ички ҳудудларда хуфёна тайёрланишига қарши курашиш муҳим ўрин тутди.

Ҳар бир товар Давлат стандарти талаблари асосида ишлаб чиқарилади ва ҳар бири товар номига, товар белгисига, товар маркасига ёки товар ёрлиғига эга бўлади, шунингдек Давлат стандарти талаблари асосида упаковка ва маркировка қилинади.

Божхона органлари контрафакт, товар-имитатор ва қалбаки товарларни республика ҳудудига кириб келишини олдини олиш ва СУД қарорларига асосан йўқ қилишлари шарт.

Айнан божхона органларининг фаолиятида контрафакт товарларнинг ноқонуний муомаласини олдини олишнинг ҳуқуқий асосларини кўрадиган бўлсак, бу борада соҳамизга оид бир қатор қонун ва қонун ости ҳужжатларида ушбу масалага алоҳида урғу берилганлигини кўришимиз мумкин.

Республика аҳолисини контрафакт товарлардан ҳимоялашнинг ҳуқуқий асоси

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” 26. 04. 1996 йилдаги 221-І Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 30. 08. 2001 йилдаги 267-ІІ “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролик кодекси” нинг 1107 моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.08.2011 йилдаги “Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1595-сонли қарорларига мувофиқ Республикамиз аҳолисини контрафакт товарлардан ҳимоялаш ишлари амалга оширилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “Божхона кодекси”нинг янги таҳрирдаги лойиҳасига интеллектуал мулк объектларининг ҳимоясига бағишланган янги, алоҳида бўлим ва моддалар киритилган.

Ўзбекистон Республикасининг *“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”* 26.04.1996 йилдаги 221-І Қонунида истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва уларнинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши, товарларнинг хавфсиз бўлишини ва уларнинг сифатини назорат қилувчи давлат бошқаруви органларининг ваколатлари, товарлар тўғрисидаги маълумотларни бериш шартлари ҳар томонлама асослаб берилган.

Қонуннинг *“Истеъмолчиларнинг асосий ҳуқуқлари”* деб номланган 4-моддасига мувофиқ истеъмолчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

товар (иш, хизмат) ҳақида, шунингдек ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш;

товар (иш, хизмат)ни эркин танлаш ва унинг тегишли даражада сифатли бўлиши;

товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши;
ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфли нуқсонли бўлган товар (иш, хизмат), шунингдек ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ғайриқонуний ҳаракати

(ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган моддий зиён, маънавий зарарнинг тўлик ҳажмда қопланиши;

бузилган ҳуқуқлари ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб судга, бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат этиш;

истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш.

Истеъмолчиларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлар тоифасига киритилган айрим гуруҳлари учун қонун ҳужжатлари билан савдо, маиший хизмат ва хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари бўйича имтиёзлар ва афзалликлар белгиланиши мумкин.

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт.

Қонун (221-И)нинг 6-моддасида кўрсатилиши шарт бўлган *товар (иш, хизмат) ҳақидаги маълумотлар* санаб ўтилган.

Товар (иш, хизмат) мажбурий талабларига мувофиқ келиши шарт бўлган норматив ҳужжатнинг номи;

товар (иш, хизмат)нинг асосий истеъмол хусусиятлари, шу жумладан, ўзига хос хусусиятлари рўйхати;

баҳоси (тарифи) ва сотиб олиш шартлари;

айрим турдаги товарларнинг ишлаб чиқарилган санаси;

ишлаб чиқарувчи (ижрочи)нинг кафиллик мажбуриятлари;

товардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари ҳамда шартлари;

товарнинг хизмат (яроқлилик) муддати ва ушбу муддат тугаганидан кейин истеъмолчи нима ишлар қилиши зарурлиги, шунингдек бундай ишларни бажармаслик натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисидаги маълумотлар;

ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг номи ва мулкчилик шакли, рўйхатга олиш ва лицензия гувоҳномасининг номери;

ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ҳамда улар истеъмолчидан даъво қабул қилишга ваколат берган, шунингдек таъмирлаш ишларини бажарадиган ва техникавий хизмат кўрсатадиган корхоналарнинг манзиллари;

товарларни сақлаш, хавфсиз утилизация қилиш усуллари ҳамда қоидалари;

театр-концерт тадбирлари ўтказилаётганда фонограммадан фойдаланилиши тўғрисидаги ахборот.

Сертификатланиши шарт бўлган товар ҳақида истеъмолчига унинг сертификатланганлиги тўғрисида маълумот тақдим этилиши лозим.

Товар (иш, хизмат) ҳақидаги зарур ахборотнинг йўқлиги бундай товар (иш, хизмат)ни реализация қилиш маълумот берилгунга қадар тегишли давлат бошқаруви органининг кўрсатмаси бўйича тўхтатиб турилишига сабаб бўлади.

Истеъмолчилар ҳуқуқларининг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминланиши хусусида Қонун (221-І)нинг 23-моддасида фикр юритилади.

Давлат истеъмолчиларнинг товар (иш, хизмат) сотиб олиш ва ундан фойдаланиш чоғидаги ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимоя қилинишини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек судлар таъминлайдилар.

Қуйидагилар истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун махсус ваколат берилган давлат органларидир: Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси; Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (бундан буён матнда "Ўзстандарт" агентлиги деб юритилади); Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси; Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси; истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини ўз ваколатлари доирасида назорат қилувчи бошқа давлат бошқаруви органлари.

"Товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсиз бўлишини ва уларнинг сифатини назорат қилувчи давлат бошқаруви органларининг ваколатлари" Қонун (221-І)нинг 26-моддасида мустаҳкамлаб берилган.

Унда товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлишини ва уларнинг сифатини таъминлаш мақсадида "Ўзстандарт" агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи бошқа давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида:

товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлишига ва уларнинг сифатига доир мажбурий талабларни белгилайдилар ҳамда бу талабларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширадилар;

товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлишига ва уларнинг сифатига доир талаблар бузилишини бартараф этиш, паст сифатли товарларни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш, чиқариш ва реализация қилишни тўхтатиш (ишлар бажарилишини, хизматлар кўрсатилишини тўхтатиш), уларни истеъмолчилардан қайтариб олиш тўғрисида ишлаб чиқарувчиларга (ижрочиларга, сотувчиларга) кўрсатмалар йўллайдилар, шунингдек бу ҳақда истеъмолчиларни хабардор қиладилар;

ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)лар товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифатига доир талабларни бузганлари тақдирда уларнинг устидан судларда даъво қўзғатадилар.

Товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат бошқаруви органлари фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Хукумати мувофиқлаштириб боради.

Ўзбекистон Республикасининг 30.08.2001 йилдаги 267-II “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонунининг 3, 4, 7, 38- моддаларида товар белгилари, уларни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш ва бу соҳасидаги ваколатли давлат органлари, мазкур қонун ҳужжатларни бузганлик учун жавобгарлик масалалари кенг ёритиб берилган.

Мазкур Қонуннинг 3-моддасида “Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси” тушунчасига қуйидагича таъриф берилган.

Товар белгиси бу бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ва хизматларини (бундан буён матнда товарлар деб юритилади) бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгилардир. Товар белгилари якка тартибдаги ва жамоавий бўлиши мумкин.

Алоҳида юридик ёки жисмоний шахсга тегишли товар белгиси якка тартибдаги белги ҳисобланади.

Юридик ва (ёки) жисмоний шахслар бирлашмасининг улар томонидан ишлаб чиқариладиган ва (ёки) реализация қилинадиган, бир хил сифатга ёки бошқа умумий тавсифларга эга бўлган товарларини белгилаш учун мўлжалланган товар белгиси жамоавий белги ҳисобланади.

Тасвирлар, сўзлар, муайян шакл тарзидаги белгилар ва бошқа белгилар ёки уларнинг исталган бир рангдаги ёки турли рангдаги жамлама ифодаси товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Товар белгиси ҳуқуқий жиҳатдан уни ушбу Қонун (267-II)нинг 4-моддасида назарда тутилган тартибда рўйхатдан ўтказиш асосида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ равишда муҳофаза қилинади.

Товар белгиси тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс номига рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси товар белгиларини ва товар келиб чиққан жой номларини муҳофаза қилиш соҳасидаги *ваколатли давлат органи* ҳисобланади.

Қонун (267-II)нинг 7-моддасига асосан Патент идораси: товар белгиларини ва товар келиб чиққан жой номларини муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда қатнашади;

товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатга олишга доир талабномаларни кўриб чиқиш учун қабул қилади, улар юзасидан давлат экспертизасини ўтказиши;

товар белгиларини, товар келиб чиққан жой номларини ва товар келиб чиққан жой номларидан фойдаланиш ҳуқуқини, товар белгиларига доир ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказишни амалга оширади;

Товар белгилари давлат реестрини ва Товар келиб чиққан жой номлари давлат реестрини (бундан буён матнда реестр деб юритилади), шунингдек Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгилари рўйхатини (бундан буён матнда Ҳаммага маълум товар белгилари рўйхати деб юритилади) юритади; товар белгиси учун гувоҳнома ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома беради;

товар белгилари рўйхатга олинганлиги ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи берилганлиги шунингдек товар белгиси Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум деб эътироф этилганлиги тўғрисида расмий маълумотларни эълон қилади; (ЎЗР 19.09.2007 й. ЎРҚ-111-сон Қонуни таҳриридаги хатбоши) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Товар белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун айбдор шахслар Қонун (267-П)нинг 38-моддасида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролик кодекси”нинг *Товар белгисига бўлган ҳуқуқни бузганлик учун жавобгарлик* ҳақидаги 1107-моддасига биноан, Товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланаётган шахс қоидабузарликни тўхтатиши ва товар белгисининг эгасига етказилган зарарни тўлаши шарт.

Товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланаётган шахс тайёрлаб қўйилган товар белгиси тасвирларини йўқ қилиши, қонунга хилоф равишда фойдаланаётган товар белгисини ёки алмаштириб юбориш даражасида унга ўхшаш бўлган белгини товардан ёки унинг идиши ва ўрovidан йўқотиши шарт.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида белгилаб қўйилган талабларни бажаришнинг иложи бўлмаган тақдирда, тегишли товар йўқ қилиб ташланиши лозим.

Европанинг бир қатор мамлакатлари томонидан ҳам контрафакт товарлар муомаласини қисқартириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда, буни Россия ва Украина давлатларининг тажрибалари мисолида кўриб чиқамиз. Мазкур давлатлар ҳудудида жойлашган нуфузли брендлар, корхоналар ва божхона органлари, сертификатлаш ва стандардлаштириш органлари ўртасида шартномалар тузилган бўлиб, ҳар бир товар учун алоҳида турдаги идентификацион белгилар жорий этилган, маъмурий ва жинойий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга контрафакт товарлар муомаласига доир ҳаракатлар учун жазо санкциялари кўрсатилган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган бўлиб, 2011 йил натижаларига кўра контрафакт товарлар муомаласи 42% га камайган.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг ички бозорларига кўплаб хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган минглаб турдаги товарлар импорт қилинмоқда. Ички бозорлардаги барча товарларнинг сифати кафолатланганлиги тўғрисида сертификатга эга, деб хулоса қилиб ҳам бўлмайди. Товар ва хизматларнинг сифатини кафолатлаш – энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Статистик маълумотларга кўра импорт қилинаётган товарларнинг 8-10%и давлат синов лабораторияларининг натижаларига кўра давлат стандарти ва санитария талабларига мос келмаслиги аниқланган. Ўзбекистон бозорларида ҳам қалбаки спиртли ичимликлар, сарийёғ, колбаса ва қандолат маҳсулотлари, чой, кофе, пойабзал, косметика ва парфюмерия, маиший техника анжомлари каби кўплаб товарларни учратиш мумкин. Шампань виноси, Италия виноси, ёрлиғида 100% шарбат ичимлиги ўрнига мевали ичимликларни, «Марс» шоколади, «Клима» Франция духиси, «Липтон» чойи каби сохта товарларни мисол сифатида келтириш мумкин. Қалбаки товарларни аниқлаш усулларида бири, қалбаки кофенинг ёрлиғи асосан картон қоғоздан ёки полиэтилен пленкадан тайёрланади ва товар ёрлиғида иложи борича товар ҳақида кам маълумотлар берилади. Тўғри, барча кофе идишларида товарларнинг штрих коди берилган, бироқ, бу ерда ҳам қалбакилик ишлатилади, бизнинг истеъмолчилар штрих код ҳақида кам маълумотга эга эканлигини инобатга олиб, штрих код ҳақидаги маълумотлар жадвалида мавжуд бўлмаган ёки захирадаги 20-29 рақамларидан фойдаланади (14-боб Товарларни штрихли кодлаш).

Айрим ҳолатларда ишлаб чиқарувчилар истеъмолчиларни чалғитиш мақсадида нуфузли фирма номларини уларнинг номига ҳамоханг бўлган номларга ўзгартирган ҳолда маҳсулотларни бозорга чиқарадилар.

Масалан: “Nescafe”, “**Maxwell House**” ўрнига “Nesscoffe”, “**MAX&ELL HOUSE**” (13- *расм*), “Panasonic” ва “Levis” ўрнига “Povasonic” ва “Livi's”, “Snickers” ўрнига “Kickers”, “Dove” ўрнига “Dov” ва “Dark”.



13- расм. Номи ўзгартирилган “Maxwell House” кофеси.

Бундан ташқари товарларнинг сохта рекламаси ҳам ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларга жиддий зарар келтиради. Бизнинг қонунчилигимизда (ЖК, МЖТК) контрафакт товар, товар-имитатор терминларига аниқ таърифлар берилмаган шунингдек, контрафакт товарларни йўқ қилиш регламенти ва жазо чоралари, жарималар аниқ белгиланмаган.

Дарҳақиқат, қайд этиб ўтилган қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши, ТИФ иштирокчилари, тадбиркорлар товарларга қўйиладиган талаблар ҳақида маълум билим ва кўникмага эга бўлишлари учун мутахассислар мазкур турдаги контрафакт товарларни кенг оммавий ахборот

воситалврида тарғиб этиши ва харидорларга батафсил маълумотлар бериб боришлари мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, хорижда ишлаб чиқарилаётган ва импорт қилинаётган товарлар рўйхатини ва улар ҳақидаги батафсил маълумотларни, халқаро стандартлаштириш ташкилоти томонидан берилаётган сертификатларнинг мазмун ва моҳиятини ТИФ қатнашчиларига доимий равишда тушунтириб, таништириб бориш зарур.

Юқорида айтганимиздек, барча товарлар Давлат стандартлари талаблари асосида ишлаб чиқарилади. Товар ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқлари “Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида»ги Қонун билан ҳимояланган. Агар мазкур товарни бошқа жисмоний ёки юридик шахслар ишлаб чиқариб савдога киритмоқчи бўлсалар, товар муаллифларидан рухсат, лицензия олишлари лозим. Шу билан бирга, контрафакт товарларни божхона чегаралари орқали ноқонуний равишда мамлакатимизга кириб келиши ва ички ҳудудларда қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарилиши, тарқатилиши ҳамда сотилиши республикамиз иқтисодий манфаатларига жиддий зарар етказиб, айниқса, янги ташкил этилган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятида кескин салбий бурилиш юз бериши мумкинлиги, мазкур жараённи юзага келтирмасликни таъминлашда эса божхона идоралари ҳам маъсул ва жавобгар эканлигини унутмаслигимиз лозим.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Контрафакт товарлар, контрафакция тушунчалари маъносини тушунтиринг?
2. Контрафакт товарлар, контрафакция тушунчаларига мисоллар келтиринг?
3. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида нималарни биласиз?
4. Ўзбекистон Республикасининг 30. 08. 2001 йилдаги 267-П-сон “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуни тўғрисида гапиринг?
5. Мамлакатнинг иқтисодига контрафакт товарлар қандай зарар етказади?
6. Қайси давлат органлари контрафакт товарларни мансублигини аниқлашда назорат олиб боради?

16- БОБ. ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ВА ПСИХОТРОП МОДДАЛАРНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

Режа:

1. Гиёҳвандлик - умумий тушунчалари.
2. Табиий Гиёҳвандлик воситалари.
3. Синтетик Гиёҳвандлик воситалари.
4. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши халқаро курашиш.
5. Ўзбекистон Республикасининг бу йўналишдаги қонун ҳужжатлари шунинингдек гиёҳванд, психотроп моддаларни ва прекурсорларни божхона экспертизаси орқали назоратини ташкил қилиш.
6. Лабораторияда наркотик ва психотроп моддаларни аниқлаш усуллари.
7. Гиёҳвандлик воситаларини истъёмол қилиш фактларини аниқлаш.

Бугун XXI аср, учинчи минг йилликда ҳам инсоният бошига хавф солиб турган таҳдидлардан мутлақо қутулмаганлигини кўриб турибмиз. Мана шундай таҳдидлардан бири наркотик моддалар ва психотроп моддалар (воситалар).

Табиий гиёҳвандлик воситалари қадимдан халқ табобатида кенг қўлланилиб, бугунги кундаги замонавий тиббиётда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Уларнинг ухлатувчи, оғриқ қолдирувчи хусусиятларидан анестезиологияда наркоз чақирувчи хоссалардан ташқари, гиёҳвандлик воситалар одамни гангитиш, соғлом фикрлаш қобилиятини сусайтириши ва атроф муҳитга бефарқ ҳолдаги кайф ҳиссини уйғотиши ҳамда физиологик, психик тобеликларини келтириб чиқариши бугуннинг энг катта муоммоларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси бугунги кунда гиёҳвандлик воситалар, психотроп моддалар ва ноқонуний айланишига қарши тўлақонли кураш олиб бормоқда. Бу соҳадаги барча халқаро битимларга аъзо бўлган. Амалда ўнлаб тонна гиёҳвандлик воситалари, прекурсорларнинг транзит тарзида Россия, Европа давлатларига ҳаракатланишига чек қўйилган. Бу борада мамлакатимизда бажарилаётган тадбирлар дунё миқёсида эътироф этилган.

2002 йил 29-31 октябр кунлари пойтахтимизда Буюк Ипак йўлида жойлашган давлатларнинг божхона раҳбарлари иштирокида гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний айланишига қарши ҳамкорликдаги курашига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. ББТ шафелигида ўтган анжуманда АҚШ, Германия, Непал, Покистон каби 20 дан ортиқ давлат ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди. ББТнинг бош котиби Мишель Дане Ўзбекистон Республикаси божхона идораларининг фаолиятига юқори баҳо берди. Анжуман якунида қатнашган иштирокчилар томонидан Тошкент Декларацияси қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг анжуман иштирокчиларига йўллаган табригида қуйидаги сўзлар бор: «Наркобизнесга қарши курашда ғоят кескин чоралар тарафдори

бўлмиш Ўзбекистон бу борада зарур бўлган ҳамма ишни қилиб келди ва бундан буён ҳам бу йўлда қатъий туради. Ҳозирги замон учун ғоят долзарб мавзудаги конференцияни ўтказишда Ўзбекистонга ишонч билдирилгани мамлакатимизнинг бу олижаноб ишга қўшаётган салмоқли ҳиссасининг Жаҳон божхона ташкилоти томонидан эътироф этилишидир».

Гиёҳвандлик - умумий тушунчалари

Гиёҳвандлик (наркотик) воситаси - Юридик нуқтаи назардан: гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган препаратлар ва ўсимликлар.

Тиббиёт нуқтаи назаридан: Марказий нерв системаси оғриқ марказини тормозлаб, асосан жисмоний тобеликни келтириб чиқарадиган моддалар ҳисобланиб, уларни истеъмол қилиш натижасида киши эйфорияни ҳис қилади;

психотроп моддалар - Юридик нуқтаи назардан: психотроп моддалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар.

Тиббиёт нуқтаи назаридан: Киши истеъмол қилиши натижасида психик тобеликни келтириб чиқариб, марказий нерв системаси иш фаолиятида маълум ўзгаришларни келтириб чиқарадиган моддалар ҳисобланиб, уларни истеъмол қилиш натижасида киши галлюцинация, депрессияни ва экстазни ҳис қилади. Психотроп моддалар нейролептик моддалар (нейролептиклар–кишининг психик фаолиятига таъсир этадиган дорилар гуруҳи); улар эҳсушни бузмай, алаҳсиллаш ва психозга хос бошқа белгиларни йўқотади. Нерв касалликлари ва психик касалликларни даволашда қўлланади. Таъсир этишига кўра, нейролептиклар (аминазин, галоперидол), аксиолитиклар (седуксен ва б.), антидепрессантлар (амитриптилин) ва ҳ.к.га бўлинади;

прекурсор - Юридик нуқтаи назардан: прекурсор моддалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинган, гиёҳвандлик ва психотроп моддаларни тайёрлаш учун фойдаланиладиган моддалардир;

препарат - моддаларнинг ҳар қандай физик ҳолатдаги, таркибида битта ёки бир нечта гиёҳвандлик воситалари ёхуд психотроп моддалар бўлган аралашмаси;

галлюцинация – инсонни ташқи муҳитни ҳис қилишни бузилган формаси. Инсон истеъмол қилганда бу дунёда мавжуд бўлмаган рангларни, мавжуд бўлмаган ҳидларни ва гапларни ҳис қилиши ҳодисаси;

эйфория – (юнонча eu – яхши, rheo – қабул қиламан) объектив ҳолат билан боғлиқ бўлмаган димоғчоғлик, ўз–ўзидан кувониш. Атроф-муҳитга бефарқлик, беғамлик, тушунарсиз хурсандлик, ғамни унутувчи ва хуш кайфлик билан биргаликда пассивлик, камгаплик ва камҳаракатлилиқ (бир жойда жилмайиб ётиш) берувчи ҳодиса;

депрессантлар – инсонларнинг психикасидаги ўзгаришларга (тонуснинг тушиши, пассивлашиш, бежавотирликни пайдо бўлиши) олиб келувчи моддалар;

стимуляторлар (экстаз моддалар) – кўтаринкилик, кучли ҳаяжоннинг юқори даражасини ҳосил қилувчи моддалар. Инсонларнинг психикасидаги ўзгаришларга, яъни диққатнинг фақат бир нарсага қаратилганлиги, оч қолганлигини сезмаслик, чарчоқни, оғриқни ҳис қилмаслик ходисаларига олиб келувчи моддалар. Бунда киши миясида ҳис - ҳаяжон нуқтаси (ўчоғи) пайдо бўлиб, ҳамма импульслар шу нуқтага жамланган, интилган бўлади;

анаболик стероидлар (гормонлар) – Уларни истеъмол қилиш натижасида кишиларда ички резервларидан фойдаланиш чегараси йўқолади. Имкониятдан юқори ҳаракатга келтириб, охир-оқибат оғир бетобликка олиб боради.

кома – (юнонча – қаттиқ уйқу) оғир патологик ҳолат. Бунда ҳис йўқолиб организм ташқи таъсирни мутлақо сезмайди.

Экстракт – ўсимликлардан эритувчи ёрдамида ажратиб олинган ва қуюқлашган моддалар аралашмаси;

гиёҳвандлар тилида – Гиёҳванд воситаларнинг ноқонуний олди – сотдиси билан шуғулланувчилар томонидан гиёҳвандлик воситаларига кўйилган ном.

гиёҳвандлик (наркомания) - гиёҳвандлик воситаларига руҳий-жисмоний қарамлик билан боғлиқ касаллик;

заҳарвандлик (токсикомания) - психотроп моддаларга, шунингдек дорилик хусусиятига эга бўлмаган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий, гиёҳвандлик воситаларига ўхшаш руҳиятга фаол таъсир этувчи моддаларга руҳий - жисмоний қарамлик билан боғлиқ касаллик;

махсус ваколатли органлар - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган ваколатларга мувофиқ гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши соҳасидаги бошқарув ва назоратни амалга оширувчи органлар.

Гиёҳвандлик, наркомания, бангилик–наркотик моддаларга ўрганиб қолиш, ружу кўйиш, аниқроғи табиий ёки синтетик заҳарли моддалар (айрим дори моддалари)ни вақтинча ёки сурункасига истеъмол қилиш натижасида келиб чиқадиган касаллик ҳолати. Гиёҳвандлик организм соматик ва руҳий ҳолатининг чуқур ўзгаришига сабаб бўлади ва гиёҳвандни таназзулга олиб боради. Гиёҳвандликда ўзини тўхтатиб бўлмайдиган даражада гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш майли пайдо бўлади, гиёҳванд модданинг миқдорига нисбатан эҳтиёж, руҳий ва жисмоний боғлиқлик ортиб боради.

Гиёҳвандлик аста-секин бошланиб, сурункали давом этади. Гиёҳванд моддалар дастлаб хушнудлик, димоғчоғлик (эйфория), хотиржамлик ҳиссини уйғотиб, кайф қилдирадики, кейин бора-бора бу касалликка айланади. Гиёҳвандлик 2 зайлда авж олиши мумкин.

Биринчи ҳолда врач буюрган ва беморнинг руҳи ҳамда кайфиятини ошириш хусусиятига эга бўлган дориларни узоқ вақт ва нотўғри қабул қилиш; оғриқ, уйқусизлик ва бошқа дардлардан қутилиш мақсадида дори миқдорини (дозаси) ошириб бориш; дарддан тузалиб дорига унчалик эҳтиёж бўлмаса ҳам, уни қабул қилавериш натижасида дорининг наркотик таъсири ва миқдори орта бориб, пиравордида гиёҳванд моддага мойиллик кучайиб, у хумор қиладиган бўлиб қолади.

Иккинчи ҳол онгли равишда кайф қилиш мақсадида гиёҳванд моддаларга ўрганишдир.

Гиёҳвандликка, одатда иродаси кучсиз, ўзини тия олмайдиган, ўткир сезгиларни ўзида синаб кўришга қизиқувчан, руҳан заиф ва ўта худбин кишилар берилувчан бўлади. Гиёҳвандликка мубтало бўлганларда хасталик борган сари кучайиб бориб, одатда кутилмаган ёмон оқибатларга олиб келади. Гиёҳвандликка мубтало бўлган киши гиёҳванд моддаларни қайта-қайта ва кўпроқ миқдорда истеъмол қила бошлайди. Кейинчалик эса гиёҳванд моддаларсиз тура олмайдиган бўлиб қолади. Бундай аҳволдан қутулиш ва ўзини бироз енгил ҳис қилиш учун яна гиёҳванд моддага ружу қилади ва охир-оқибатда, гиёҳванд моддаларга ҳирс кўйиш келиб чиқади.

Гиёҳвандларда аввал руҳий ўзгаришлар, (тажанглик, кайфият бузуқлиги, хотира пасайиши) пайдо бўлган бўлса, кейинчалик жисмоний ўзгаришлар - жисмоний боғланиб қолиш синдроми (терлаш, юрак уриши, оғиз қуриши, озиб кетиш, қўл-оёқнинг титраши ва бошқалар) рўй беради. Гиёҳвандлик опиомания (афюн қабул қилиш), морфинизм, героинизм кўринишида бўлади. Гиёҳвандликнинг нашавандлик, кокаинизм, никотинизм (тамакига ружу қилиш), теизм (аччиқ чой ичиш) ва бошқа турлари ҳам учрайди.

Икки ёки ундан ортиқ хил гиёҳванд моддани сурункали қабул қилиш – полинаркомания дейилади.

Гиёҳвандликнинг героинизм тури кейинги вақтда жуда кенг ва фожиали тарзда тарқалиб бормоқда.

Гиёҳвандлик авж олишини олдини олиш учун айрим мамлакатларда тегишли тадбирлар амалга оширилган. Хусусан Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандликка қарши кураш кўмитаси ташкил қилиниб, давлат дастури ишлаб чиқилган. Республикада наркологиya маркази ташкил қилинган ва бу марказда наркологиya бўйича олим ва мутахассислар томонидан малакали кадрлар тайёрланиб, улар мамлакат минтақаларида гиёҳвандликка қарши кескин кураш олиб бормоқда. Гиёҳвандликка мубтало бўлган беморлар асосан шифохона (стационар) шароитида 2-4 ойгача даволаниб, 4-5 йилгача амбулатория кузатуви ва ҳисобида бўладилар. Ўзбекистонда гиёҳванд воситаларни ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланган кишилар жиноий жавобгарликка тортилади.

Табий Гиёҳвандлик воситалар:


- 1. Кўкнори ўсимлиги ва унинг моддалари;*
- 2. Наша ўсимлиги ва унинг моддалари;*

3. Кока бутаси ва унинг моддалари;
4. Псилосиб замбуруғи ва унинг моддалари;
5. Пейот кактуси ва унинг моддалари;

Кўкнори ўсимлиги ва унинг моддалари;

1. Кўкнори лотинча номи – Papaver somniferum L - Бир йиллик, бўйи 1-

1.5 м га етадиган ўт ўсимлик. Илдизи бир оз шохланган, 20 см узунликдаги ўк илдиз. Пояси тик ўсувчи, силлиқ, сербарг, одатда, юқори қисми шохланган бўлади. Илдизолди тўпбарглари қисқа бандли, эллипссимон ёки ланцетсимон, йирик аррасимон қиррали ёки бўлакли, узунлиги 20-30 см (поянинг юқори қисмидагилари 10-15 см). Барглари пояда бандсиз кетма-кет ўрнашган. Меваси - тухумсимон ёки шарсимон, кўп уруғли кўсак. Мева пишганда юқори томонидаги тешиклари очилади. Баъзиларида бундай тешикчалар бўлмайди. Уруғи майда чуқурчалари бўлиб, оқ, ҳаворанг, жиггаранг, кулранг ва бошқа рангларга бўялган. Опий олиш учун экиладиган кўкнори ёзи узоқ ҳамда иссиқ ва қуруқ иқлимли районларда ўстирилади. Чунки ёмғир кўкнори мевасининг сут ширасини ювиб кетади (14-расм).



14- расм. Кўкнори ўсимлиги.

Опий (жаргон тилида номланиши: қора дори, теряк, опиюха, химанка, қорахон) лотинча номи – **Opium**. Опий-кўкнорининг пишиб етилмаган мевасини қирққанда сут найлардан оқиб чиқиб, қотиб қолган сут шираси. Опий



15- расм. Опийнинг олиниши.

пишиб етилмаган (гуллаб бўлгандан, тахминан 10 кун кейин) кўкнори мевасидан олинади. Етилган мева икки-уч тиғли махсус пичоқ билан кўндалангига 2-3 ердан айланасининг 3/4 қисмигача чуқур қилмасдан тилинса (чуқур тилинса шира мева ичига оқиб кетади), сут найларидан мева ташқарисига оқ рангли сут - шира оқиб чиқа бошлайди. Одатда, мева куннинг иккинчи ярмида тилинади. Оқиб чиққан шира келаси кун эрталабгача шамолда қотиб, кўнғир рангга айлангач, эртаси кун эрталаб махсус куракча (пичоқ) билан кичкина идишчага қириб олинади. Бу усул ёз бўйи (мевадан шира оқиб чиқиши тўхтагунга қадар) бир неча марта такрорланади (15-расм). Йиғиб олинган маҳсулот кўнғир рангли, юмшоқ

консистенцияли, ёпишқоқ масса бўлиб, таркибида 40-50 % сув бўлади. Ана шу йиғиб олинган шира опий деб аталади. Опийдан 30 га яқин хил алкалоидлар ажратиб олинган. Опийнинг асосий алкалоидлари-морфин (4-21%), наркотин (10-18 %), кодеин (1-3 %), папаверин (0,5-1,5%) ва тебаин (0,4-1%).

Морфин - Papaver Somniferum (кўкнори ўсимлиги) нинг асосий алкалоиди ҳисобланади. Унинг ўсимликдаги миқдори одатда 4-21 % атрофида бўлади. У асосан опийдан - кўкнори ўсимлигининг хом мевасидан ажралиб чиқадиган сутсимон ширанинг ҳавода қуриши натижасида ҳосил бўлган массадан олинади. Тоза ҳолатда биринчи марта морфин Ф. Сертюрнер томонидан 1806 йилда олинган. У ҳидсиз, аччиқ тамли ва очиқ ҳолда турса қораядиган модда. Морфин оғриқ қолдирувчи наркотик аналгетиклар жумласига киради. У шунингдек ухлатувчи ва седатив таъсир қилувчи, силлик мускулатурани стимулловчи восита ҳам ҳисобланиб кўп миқдорда истеъмол қилинганда қусиш, гипотермия, нафас бўғилиши ҳолатларига олиб келиб нафас параличи натижасида ўлим билан тугаши мумкин. Морфин номи қадимги юнон уйқу ва туш худоси Морфий номидан келиб чиққан. Морфин моддасини доимий истеъмол қилиш натижасида унга ўрганиш - тобеликни ҳосил қилади ва оқибатда дорига тобелик, хоҳлаш қассалиги (морфинизм) наркоманиянинг бир тури келиб чиқади. Ундан тезда воз кечишга уриниш эса абстиненция касаллик ҳолатига олиб келиб, кўп ҳолатларда натижа ўлим билан тугайди.

Наша ўсимлиги ва унинг моддалари;

Каннабис - Наша лотинча номи **Cannabis sativa L.** Бўйи 1-2 м ва ундан баланд ўсадиган, пояси қиррали, бир йиллик ўсимлик. Барглари панжасимон, четлари арра тишли, майда туклар билан қопланган, май-июн ойларида гуллайди. Гуллари беш бўлакли, тўпгули сийрак, шингил. Икки уйли ўсимлик. Чангчи гулли ўсимлик уруғчи гулли ўсимликка нисбатан кам баргли. Уруғчи гулли ўсимлик гуллари майда, кўримсиз. Меваси июль, август ойларида пишади. У бир уруғли, икки паллали ёнғоқча, пўсти қаттиқ, тўқ яшил. Ичида уруғлари бор. Уруғидан кишилар нашавандлик мақсадида фойдаланадилар. Наша қадимий ўсимлик бўлиб, унинг асл ватани Осиё ҳисобланади. Шу сабабли бизда уни яширин экиш ҳолатлари тез-тез учраб туради (16-расм).



16- расм. Наша ўсимлигининг барги.

Марихуана (жаргон тилида номланиши: дурғ, план, клевер, божья травка, сено) - Наша ўсимлигининг юқори қисми, қуритилган барглари ва уруғларидан иборат бўлган йиғим. Унинг ранги барг рангига ўхшаш ёки хира яшил рангли бўлиши мумкин.

Гашиш (жаргон тилида номланиши: опилки, дурғ, чернушка)

Наша ўсимлигининг чангидан ва бошқа қисмидан сиқув йўли билан тайёрланади. Кўп ҳолатларда уни олиш мақсадида наша ўсимлиги экилган плантацияларда одамлар ялонғоч ҳолда юришади. Таналарига ёпишиб қолган чанглар ёхуд ширалардан иборат бўлган гашишни махсус пичоқлар ёрдамида қириб олишади. Бошқа яна бир йўли териб келинган наша ўсимлигини катта бир жойга ёйилади, яланг - оёқ ҳолатида ўсимлик устида юрилади. Оёқларга тўпланган гашишни махсус пичоқлар ёрдамида қириб олинади (17-расм). Гашиш ҳар хил шаклда бўлиб, ранги тўқ барг рангида ёки жигар рангда бўлиши мумкин.



17-расм. Гашиш.

Кока бутаси ва унинг моддалари; Кока бутаси- Эритроксилонодошларга мансуб бута. Бўйи 1 м дан 5 м гача етади. Барги кенг эллипссимон ёки тескари тухумсимон. Гуллари майда. Меваси қизил нўхатдек. Баргида 0,5 - 1,3 % атрофида кокаин ва бошқа алкалоидлар бор. Боливия, Перу давлатларида кока бутаси ўстирилади. Махаллий халқ организм қувватини ошириш учун баргини дамлаб ёки чайнаб истеъмол қилишади.

Кокаин - Кока бутаси баргидан олинган алкалоид. Рангсиз ёки оқ кристалл порошок, таоми аччиқ. Сув ва спиртда яхши эрийди. Оғриқсизлантирувчи моддалар синфига киради (18-расм). Нерв охирларининг қўзғалувчанлигини камайтиради ёки бутунлай йўқотади ва нерв толалардан қўзғалишлар ўтишини тормозлайди. Кучли заҳарловчи таъсири борлигидан фақат конъюнктив, мугуз парда, оғиз, бурун, хиқилдоқ шиллик пардалари ва тиш пульпасини оғриқсизлантиришда ишлатилади. Порошок ҳолида ва 2 % ли эритмаси 1 мл дан ампулаларда чиқарилади. Кокаинга ружу қилинганда унга ўрганиб қолинади.



18-расм. Кокаин.

Псилосиб замбуруғи ва унинг моддалари; Кўзиқорин лотинча номи **Psilocybe** – замбуруғлари қадимги ацеклар империяси маданий ва диний маросимларини ўтказишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ўсимлик ҳисобланган. Ушбу диний маросимларда замбуруғлар муқаддас ҳисобланиб “теонанакл” номи билан истеъмол қилинган. Унинг таркибидаги моддалар асосан галлюциногенлар ҳисобланади.

Мазкур замбуруғнинг 140 дан ортик турлари мавжуд бўлганлиги сабабли истеъмолчилар учун бошқа турдаги галлюциногенлар ичида олдинги ўринда туради (19-расм). Псилоцибин- Psilocybe замбуруғининг таъсир этувчи асосий моддаси ҳисобланади. Бу - оқ кристалл модда. Барча галлюциногенлар ичида псилоцибин ЛСД ва мескалин оралиғида жойлашган. У жуда тез яъни 15 минутдан кейин таъсир қила бошлайди ва 90 минутдан кейин таъсир чўққисига етиб, 5 - 6 соат атрофида ўз кучини йўқотади.



19- расм. Psilocybe кўзикорини.

Пейот кактуси ва унинг моддалари; Пейот кактуси (гиёҳвандлар тилида номланиши: Бутон, кактус) - Мексика давлатида ўсади. У қадимда маҳаллий аҳоли хиндуларнинг диний маросимларида истеъмол қилинган ўсимлик ҳисобланади. Одатда қуритилиб, майда кукун ҳолатига келтирилган пейот кактуси истеъмол қилинади.

Мескалин Савдодаги номланиши - Мескал, бутон, кактус. Пейот кактусининг асосий таъсир қилувчи моддаси мескалин ҳисобланади. У галлюциноген моддадир. Пейот кактусидан олинишидан ташқари сунъий йўл билан ҳам олиниши мумкин. Мескалиннинг 350 мг дан 500 мг гача бўлган дозаси иллюзияни ҳосил қилади ва бу ҳолат 5 – 12 соат давом этиши мумкин

Ярим синтетик Гиёҳвандлик воситалар;

1. Героин моддаси; 2. ЛСД (LSD) моддаси;

Героин (жаргон тилида номланиши: гера) - Героин биринчи марта 1874 йилда морфиндан олинган. 1898 йилда Байер компанияси биринчи бўлиб оғрикни колдирувчи восита сифатида ишлаб чиқара бошлаган. Тоза героин оқ кристалл, аччиқ тамли моддадир. Тозаси кўчада жуда кам сотилади, асосан 6 қисм героин + 4 қисм шакар, крахмал, куруқ сутни нисбатларда аралаштирилади. Бундан ташқари Мексика героини мавжуд. У одатда тўқ жигар ранг, қора рангларда бўлади.

Бугдой замбуруғи (жаргон тилида номланиши: қоракуя) лотинча номи- Claviceps purpurea - Шохкуя замбуруғи бугдой, арпа, сули ва айникса, жавдар ўсимликларида паразит ҳолида яшайдиган замбуруғнинг тинч ҳолатдаги қишлоғчи танаси - склероцийдир. Маҳсулот захарли бўлиб, кучсиз қўланса ҳиди ва ширинроқ ёқимсиз мазаси бор. Шохкуя таркибида



20- расм. Claviceps (қоракуя замбуруғи) purpurea.

0,05%, янги етиштирилган навларда эса 0,3-0,4% гача алкалоидлар бўлади (20-расм).

ЛСД (LSD) (Лизергин кислотасининг диэтиламини) - ЛСД моддаси галлюциноген моддалар ичида энг кучлиги ҳисобланади. Унинг таъсир қилиш дозаси жуда озлигини ҳисобга олсак, уни керакли дозалар ҳолатидаги шаклини ишлаб чиқариш бирмунча қийинлигини тушуниш қийин эмас. Шу сабабли уни кучсиз эритмасини махсус фильтр қоғозларга шимдирилиб, малум бир катталиқда осон қирқиладиган ҳолатга келтирилган. Ҳозирги пайтда махсус кичик таблетка шаклдаги ҳолатлари ҳам учраб туради. У асосан Шохкуя ўсимлигидан олинган лизергин кислотасидан олинади.

Синтетик Гиёҳвандлик воситалар;

1. **Амфетамин моддаси;**
2. **Фенорбитал моддаси;**

Амфетамин (Гиёҳвандлар тилида номланиши: тезлик-speed) - Амфетамин таблеткалари биринчи бор АҚШ ҳарбий кучлари томонидан Вьетнамдаги урушда истеъмол қилинган ва жангга чиқарилган. Бу восита жуда катта эффект берган бўлишига қарамасдан урушдан қайтган ҳарбий аскарларда психик ўзгаришлар кузатилган. Амфетаминни истеъмол қилган одам бир мақсад сари ҳаракат қилиб, бу йўлда ҳеч нарсдан қайтмайдиган, уйқуни унутадиган, қорни оч қолганлигини сезмайдиган, кўп гапирадиган бўлиб қолади. Шу сабабли ҳозирги кунда ҳар хил экстремистик группалар томонидан бу каби препаратларни қадри катта баҳоланади. Ёшлар томонидан амфетамин моддаси қўзғалган ҳолатга, уйқусизликка ва ўзига ишончли кучайтиришга асосланган восита сифатида истеъмол қилинган биринчи ва асосий наркотик восита ҳисобланади. У таблетка шаклида бўлиб, ранги турлича (таркибидаги қўшилган қўшимчаларга кўра) бўлиши мумкин (21-расм).



21- расм. Амфетамин

Фенорбитал моддаси;

Фенорбитал - Терапевт ва ветеренарлар уни тинчлантирувчи ва ухлатувчи восита сифатида ишлатишади. Барбитурат кислотанинг хосиласи ҳисобланади. Бугунги кунда барбитурат кислотасининг 2500 га яқин аналоглари синтез қилинган бўлиб, улардан 15 таси тиббиётда кенг қўлланилади.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши халқаро курашиш

Бирлашган миллатлар ташкилотининг наркотик воситалар устидан назорат қилиш халқаро кўмитаси ташаббуси билан 1961 йил 25 мартда Женева шаҳрида «Наркотик воситалар бўйича 1961 йилги ягона конвенция» қабул қилинди. Конвенция 51 моддадан иборат бўлиб, унда асосан назорат остига

олинаётган моддалар, аъзо давлатларнинг мажбуриятлари, Гиёҳвандлик моддалар олиб кирилишини чеклаш ва тақиқлаш, статистик малумотлар йиғиш, олди-сотди операциялари, ноқонуний муомалада бўлишига қарши курашиш ҳамда Гиёҳвандлик воситаларининг рўйхати ўз аксини топган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг наркотик воситалар устидан назорат қилиш халқаро кўмитаси ташаббуси билан 1971 йил 21 февралда Вена шаҳрида «Психотроп моддалар бўйича конвенция» қабул қилинди.

Конвенция 33 моддадан иборат бўлиб, унда асосан назорат остига олинаётган моддалар, тиббий ва илмий йўналишларда ишлатилишини қттик назоратга олиш, аъзо давлатларнинг мажбуриятлари, гиёҳвандлик моддалар олиб кирилишини чеклаш ва тақиқлаш, статистик малумотлар йиғиш, олди-сотди операциялари, ноқонуний муомалада бўлишига қарши курашиш ҳамда психотроп моддаларнинг тўрт рўйхати ўз аксини топган.

1- рақамли рўйхат галлюциногенлар гуруҳи (ЛСД, ДИТ, псилоцибин ва бошқалар), яъни жуда хавфли хусусиятларга эга, даволаш деярли мумкин бўлмаган психотроп воситалар. Бу воситаларга нисбатан жуда қаттиқ назорат тизими ўрнатилади, чунончи конвенциянинг 7-моддасига кўра улардан фойдаланиш бутунлай ман қилинган (фақат илмий ва тиббий йўналишлар, лицензиялаштирилган соҳалар бундан мустасно).

2- рақамли рўйхат жуда чекланган миқдорда терапевтик аҳамиятга эга бўлган воситалар ҳамда тиббиётда терапевтик мақсадларда умуман ишлатилмайдиган баъзи бир наркотик анальгетиклар. Бу воситалар биринчи рақамли рўйхатдаги воситалар сингари одамни қисқа муддатда ўзига кучли даражада ўргатиб қўйиши мумкин ва шу сабабли буларга ҳам қатъий назорат тизими ўрнатилган. Фақат баъзи истиснолар ва махсус чора- тадбирларсиз.

3- рақамли рўйхат барбитуратлар (хотиржам этувчи, наркотик таъсирга эга восита, масалан гексенлан, тиопентолнатрий) бўлиб, улар суистемол восита бўлиб, айна пайтда терапевтик жиҳатдан жуда фойдалидир. Бу ўринда ҳам назорат чоралари биринчи ва иккинчи рўйхатдагидек. Фақат бу восита импорти ва экспорти учун рухсатнома талаб қилинмайди, шунингдек, уларни ишлаб чиқариш, тарқатиш, фойдаланиш бўйича ҳам ҳисобот талаб этилмайди.

4- рақамли уйқу дорилари, наркоманлар ва терапевтлар томонидан кенг ишлатиладиган транквилизаторлик ва анальгетиклик хусусиятга эга воситалар жой олган. Бу воситаларга нисбатан назорат унчалик кучли эмас. Уларни олиш учун тиббий амалиётга мувофиқ равишда ёзилган рецептни кўрсатиш кифоя.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар устидан халқаро миқёсда назорат ўрнатилиши, уларни етиштириш, ишлаб чиқаришда кенг кўламда ишлатиладиган кимёвий моддалар устидан назорат олиб бориш кераклигини тақазо этди.

Бирлашган миллатлар ташкилотининг наркотик воситалар устидан назорат қилиш халқаро кўмитаси ташаббуси билан 1988 йил 19 декабрда Вена шаҳрида «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ноқонуний

айланишига қарши кураш конвенцияси» қабул қилинди. Конвенция 34 моддадан иборат бўлиб, унда асосан қонунбузарликлар, санкция бериш, давлатлар ўртасида ахборот алмашинуви ва прекурсорлар рўйхати ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикасининг бу йўналишдаги қонун ҳужжатлари шунингдек гиёҳванд, психотроп моддаларни ва прекурсорларни божхона экспертизаси орқали назоратини ташкил қилиш

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан экспертизалар ўтказиш мақсадида фойдаланиш учун рухсат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда берилади. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан уларни назорат остида етказиб бериш ва назорат остида олиш, бошқа тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун фойдаланиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 270-276 моддаларида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар, уларнинг таркибий қисмлари, содир этилган жиний ҳаркатлар моҳиятидан келиб чиққан ҳолда қўлланиладиган жазо чоралари кўрсатиб ўтилган.

Гиёҳванд моддаларга дахлдор қонунларнинг амал қилинишини қатъий назорат этиш учун божхона ходимлари миллий қонунчилик меъёрлари ва уларнинг ижро талабларини албатта билишлари керак, шунингдек ҳуқуқий ҳужжатлар асосида божхона органлари томонидан гиёҳванд воситалар назорати олиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексининг 127-моддасида Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва бошқа ашёларни назорат остида етказиб бериш тўғрисида қўйидагилар белгилаб берилган.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар халқаро ғайриқонуний муомалада бўлишининг олдини олиш ҳамда бундай муомалада иштирок этаётган шахсларни аниқлаш мақсадида божхона органлари ҳар бир алоҳида ҳолда чет давлатларнинг божхона органлари ва бошқа ваколатли органлари билан келишувига кўра ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида назорат остида товар етказиб бериш усулидан фойдаланади, яъни ноқонуний муомалага киритилган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ўз назоратлари остида божхона ҳудудига олиб кирилишига, божхона ҳудудидан олиб чиқилишига ёки божхона ҳудуди орқали транзит олиб ўтилишига йўл қўяди.

Назорат остида товар етказиб бериш усулини жиноят содир этиш қуроли ёки воситаси бўлган бошқа ашёларга ёхуд жиний йўл билан топилган ашёларга ёки контрабанда ҳисобланувчи қонунга хилоф хатти-ҳаракатларнинг воситаси бўлган ашёларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Назорат остида товар етказиб бериш усулидан фойдаланиш тўғрисидаги қарор қонун ҳужжатларида

белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси қабул қилинган қарордан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорини хабардор қилади.

Юртимзда гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний айланишига қарши мурасасиз кураш олиб бориш, Республика ҳудудига четдан келтирилаётган ва олиб ўтилаётган наркотик, психотроп моддалар устидан Давлат назоратини ўрнатиш мақсадида, бир қанча ишлар амалга оширилган бўлиб, бугунги кунда, гиёҳванд, психотроп моддаларни ва прекурсорларни олиб кириш ва олиб чиқишини назорат қилувчи махсус рухсатнома-сертификати мавжуд. Бу сертификат Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги дори воситалари, тиббий-техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармасининг, гиёҳванд моддаларни назорат қилиш қўмитаси томонидан бериладиган ҳужжат.

Гиёҳванд, психотроп моддаларни ва прекурсорларни олиб кириш ва олиб чиқишни назорат қилувчи сертификатни эса ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар асосида божхона органлари томонидан талаб этилади:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1999 йил 19 августдаги 813-И сонли қабул қилинган «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонуни (2000 йил 15 декабрдаги Олий Мажлиснинг 814-И-сон Қарори билан амалга киритилган). Божхона тизимида ушбу Қонун ижросини таъминлаш мақсадида Давлат божхона қўмитасининг 1999 йил 25 сентябрдаги 353 сонли буйруғи эълон қилинди, Қонун 6 та қисм, 46 моддадан ташкил топган бўлиб, бандларида тегишли равишда қуйидагилар келтирилади. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият, ушбу фаолиятнинг амалга ошириш шартлари, улардан фойдаланишнинг қонуний йўллари, улардан қонунга хилоф равишда муомалада бўлишга монелик қилиш, гиёҳвандлик ва заҳарвандлик билан касалланган беморларга наркологик ёрдам кўрсатиш тартиб қоидаларини ўз ичига мужассамлаштирган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 31 июлидаги 293–сонли «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тўғрисида» қарори, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2000 йил 18 сентябрдаги 357–сонли буйруғи билан эълон қилинган. Ушбу қарор 5 та иловадан иборат бўлиб, 1-илова «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тўғрисида»ги Низомини, 2 - илова «Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тақиқланган гиёҳвандлик воситалари рўйхати»ни, 3 – илова «Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган гиёҳвандлик воситалари рўйхати»ни, 4 – илова «Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган психотроп моддалари

рўйхати»ни ва 5 – илова «Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган прекурсорлар рўйхати»ни акс эттиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июлдаги “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тўғрисида” ги 315-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарор гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тартибини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Наркотик моддаларни назорат қилиш Давлат комиссиясининг 2010 йил 6 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси назоратдаги наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлар рўйхатини қайта тасдиқлаш ва уларни қонунга ҳилоф равишда муомаладан мусодара қилинган ҳолларда миқдорини тоифалаш тўғрисида”ги 10/10 сонли қарори ва Давлат божхона қўмитасининг 17. 04. 2010 йилдаги 102-сонли буйруқларига биноан Республикага олиб кириладиган ва олиб чиқилладиган гиёҳванд, психотроп ва прекурсор моддаларнинг назорати божхона органлари томонидан амалга оширилади. Бу қонун ҳужжатларни ўзи кифоя эмас. Божхоначи гиёҳванд моддалар ва гиёҳвандликка қарши кураш тўғрисидаги юқорида келтирилган халқаро битимларни, хусусан, БМТнинг конвенцияларини, гиёҳванд моддаларни назорат қилиш бўйича халқаро ҳуқуқий меъёрларни яхши билиб олиши лозим бўлади.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятларни текшириш ва назорат қилишни амалга оширувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятга оид тартиб бузилганлигидан далолат берувчи маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда прокуратура, ички ишлар, Миллий хавфсизлик хизмати ва божхона органларининг мансабдор шахслари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликлар етиштирилиши эҳтимоли бор ер участкаларини, гиёҳванд воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, бериш, реализация қилиш, тақсимлаш, олиш, фойдаланиш ва йўқ қилиш жойларини кўздан кечириш;

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ишлаб чиқариш ва тайёрлаш жараёнларининг белгиланган қоидаларга мувофиқлигини текшириш, зарурат бўлганда экспертлик тадқиқоти учун намуналар олиш;

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олишга монелик қилиш мақсадида хоналарни муҳрлаб қўйиш;

назорат вазифаларини бажариш учун зарур тушунтириш ва ҳужжатлар тақдим этишни талаб қилиш;

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият турлари учун лицензиялари бўлган юридик шахсларга аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

текширишнинг бошқа чораларини амалга ошириш.

Суриштирув, тергов ёки прокуратура органларининг мансабдор шахслари гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомаласи билан боғлиқ фаолият амалга оширилаётган ҳар қандай жойга кириши ва уни кўздан кечириши мумкин.

Лабораторияда наркотик ва психотроп моддаларни аниқлаш усуллари

Божхона ходими гиёҳванд моддалар ҳақидаги зарур билимларга эга бўлиши, гиёҳвандликка ва наркобизнесга қарши қатъий ва самарали кураш учун зарур шартдир. Энг муҳим оғоҳлантириш – Гиёҳванд моддаларни камдан кам ҳолларда уларнинг ҳиди ва мазасига қараб аниқлаш мумкин; божхона ходимиغا гиёҳванд моддаларни ҳидлаб кўриш ёки мазасига қараб аниқлашга ҳаракат қилиш тавсия этилмайди. Асосан бу ҳолатлар лаборатория йўли билан аниқланади.

Божхона экспертиза лабораторияларининг энг асосий вазифаларидан бири моддаларнинг кимёвий таркибини ўрганиш ҳисобланади. Моддаларнинг кимёвий таркиби кимёвий ва физик-кимёвий усуллар асосида аниқланади. Наркотик моддалар устида ўтказиладиган тадқиқотларнинг биринчи қисмида бу моддалар қайси синфга (опий, кокаин ва унинг хоссалари, каннабис, барбитуратлар) кириши барча божхона постларига тарқатилган кимёвий реактивлардан иборат тестлар ёрдамида ўрганилади.

Тадқиқотнинг кейинги қисмида юпқа қатлам хроматографияси (ЮҚХ) дан фойдаланиб, янада аниқроқ натижалар олинади. Ўрганиладиган объект ЮҚХ билан биргаликда УБ – спектрофотометрия усули ёрдамида ўрганилса, олинadиган натижа юқори аниқликда бўлади. Наркотик моддаларнинг аниқлашнинг замонавий усуллари ичида хроматографик асбоблар алоҳида ўрин эгаллайди. Газ суюқлик хроматографияси (ГСХ) аралашма компонентларини буғ ҳолатида ажратишга асосланган. Кўплаб маълумот берадиган ва универсаль усуллардан бири юқори самарадор суюқлик хроматографияси (ЮССХ) ҳисобланади. Бунда ўрганилаётган объект буғ ҳолатига ўтказилмасдан сорбент ва эритувчи оқими ўртасида компанентларга ажратилади.

Наркотик ва психотроп моддаларни аниқлашда ва идентификация қилишда қўлланиладиган воситалардан бири инфрақизил спектроскопия (ИҚ) бўлиб, инфрақизил нурлари молекуласидаги функционал группалар томонидан ютилишига асосланган.

Наркотик моддаларни тадқиқот қилишда ишлатиладиган энг замонавий ва қимматли усуллардан бири массспектрометрия усули бўлиб, кучли УБ нурлари

ёки кимёвий ионланиш ҳисобига электрон зарба билан молекулани парчалаб, характерли ион фрагментларига ажратишга асосланган.

Республика ҳудудига наркотик моддаларнинг кириб келишини олдини олиш ва аниқлаш борасида олиб борилаётган ишларни кучайтириш мақсадида лабораторияларда замонавий асбоб–усканалар ва тест тўпламларидан фойдаланиш учун методик қўлланма тавсияномалар ишлаб чиқиш зарур.

Гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш фактларини аниқлаш

Суд-ҳуқуқий мақсадлар учун наркотик воситаларни истеъмол қилиш фактларини фақат кимёвий анализ йўли билан аниқлаш мумкин. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлар мансабдор шахслари биладиган қатор бошқа белгилари ҳам бор.

Наркотик воситаларни вена қон томирига юборилишини, айниқса, героинни аниқлаш учун қуйидаги предметларни фош эта билиши керак. Томирларга героин юборадиган бангиларни уколдан кейин қоладиган, тананинг бошқа жойларида уколлардан қолган излар орқали билиш мумкин. Лекин уколлар излари аниқ далил ҳисобланмайди, чунки гоҳида қандли диабетга учраганлар ҳам ўзларига укол қилиб юрадилар.

Наркотик моддалар таъсирига берилган кишилар асосан лоқайдрок, камгап, атрофга бепарворок, ҳеч нарса билан иши йўқ ҳолатда юради. Кўпгина бангиларнинг кўзлари рангсиз бўлиб, қорачиғи қорайиб кетади.

Наркотик моддаларни ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиш оқибатида киши тез жаҳли чиқадиган, хавотирда юрадиган, асабий бўлиб қолади. Эртасига наркотик моддани қабул қилиш яқинлашганда, тиришиш аломатлари пайдо бўлади, кўзидан ёш оқади, тумов ҳолатига тушади, танаси титраб-қакшаб оғрийди, кўз қорачиғи кенгаяди. Ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиши натижасида уйқусизлик пайдо бўлиб, тез-тез терлайди, бўғинлари зирқираб оғриб, ичи кетадиган бўлиб қолади.

Марихуана қанча қабул қилганига қараб, уни қабул қилиш жараёни ҳар хил кечади. Жазава тутиши, туйғуларининг тормозланиши, хотира сусайиши сезилади. Кўп истеъмол қилинса, фикрлаш қобилиятини сусайтириб, кишини алаҳсирашга олиб боради.

Хулоса

Гиёҳванд моддалар билан ноқонуний равишда шуғулланиш барча мамлакатларда, ҳамма халқлар ўртасида энг қабиҳ иш, энг оғир жиноят деб ҳисобланади. Гиёҳвандликка қарши курашнинг самараси аввало ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига боғлиқдир. Божхона органлари ҳам гиёҳвандликка қарши курашнинг энг олдинги сафларида бўлиб, унга қарши қатъий чоралар кўриш учун барча ваколат, имконият ва воситаларга эгадирлар. Бу вазифанинг муваффақиятли бажарилишида божхона ходимларининг билим

савияси, касб маҳорати ҳамда ахлоқий-рухий сифатлари энг муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Давлат божхона кўмитаси бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда давлатнинг иқтисодий хавфсизлигига путур етказишга қаратилган криминал гуруҳларни аниқлаш ва уларни жиноий ҳаракатларини олдини олиш бўйича фаол иш олиб бормоқда. Божхона хизмати ходимлари томонидан кўп миқдорда наркотик моддалар, кучли таъсир қилувчи заҳарли моддалар, психотроп моддаларнинг таблеткалари ва ампулалари, ўқотар қуроллари ва ўқ-дорилар, диний экстремистик мазмундаги материаллар ушланиб, содир этилиши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олди олинмоқда.

Бу борада Президентимиз И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида” номли асарида “Наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва улар билан савдо қилиш жиноий бизнеси яратиб берадиган жуда катта бойлик орттириш имкониятлари унинг иштирокчиларини халқаро ҳуқуқ нормалари билан ҳам миллий қонунлар мажмуи билан ҳам, айниқса, “оқ ажал” нинг ҳалокатли оқибатлари билан ҳам ҳисоблашмай, ҳамма ишни қилишга мажбур этмоқда” дейилган. Ҳозирги кунда халқаро наркобизнес хавфининг ортиб бораётганлиги унга қарши кескин курашиш лозимлигини исботламоқда. Миллий қонунчилигимизда ҳам наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик белгиланганлиги юқоридаги фикрларнинг исботидир.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Гиёҳвандлик тўғрисида умумий тушунчаларни гапириб беринг.
2. Табiiй Гиёҳвандлик воситалари ҳақида маълумот беринг.
3. Синтетик Гиёҳвандлик воситалар ҳақида маълумот беринг.
4. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши халқаро курашиш ҳақида нималарни биласиз.
5. Ўзбекистон Республикасининг гиёҳванд, психотроп моддаларни ва прекурсорларни божхона экспертизаси орқали назоратини ташкил қилиш қайси қонун ҳужжатларга асосланган.
6. Лабораторияда наркотик ва психотроп моддаларни аниқлашнинг қайси усулларини биласиз.
7. Гиёҳвандлик воситаларининг истъеомол қилиш фактлари қандай аниқлаш мумкин.

17- БОБ. ОЗОН ҚАТЛАМИНИ ЕМИРУВЧИ МОДДАЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ОЛИБ КИРИШ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАН ОЛИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

Режа:

1. Озон қатламини емирувчи моддалар тушунчаси.
2. Дунё ҳамжамиятини Озон қатламини тиклашга қаратган ҳаракатлари.
3. Озон қатламини емирувчи моддаларни божхона экспертизаси орқали аниқлаш усуллари.
4. Озон қатламини емирувчи моддаларни божхона назоратини амалга оширишда божхона органи бошқа назорат органлари билан ҳамкорлиги.
5. Озон қатламини емирувчи моддалар ва таркибида улар мавжуд бўлган буюмларнинг ТИФ ТН бўйича таснифланиши.
6. Озон қатламини тиклашга Миллий даражадаги эътибор.
7. Озон қатламини емирувчи моддаларни ишлатишни босқичма-босқич тугатиш дастури.

Озон қатламини емирувчи моддалар тушунчаси; Одамзод доимо табиат кўйида фаолият кўрсатади, у узлуксиз муносабатда бўлади. Бу фаолият оқилона ташкил этилмаса, инсон ўзи ва табиат учун муаммолар келтириб чиқаради.

Атмосфера ва атроф–муҳитга тарқалаётган моддалар аввалига оддий бўлиб кўринсада, аслида улар бир-бирига кўшилиб, қуёш нури, босим, температура, сув ва шу каби бошқа факторлар таъсирида катта ўзгаришларга сабаб бўлаётгани маълум. Корхоналардан ажралиб, сувга ёки тупроққа кўшилиб атроф–муҳитни турли чиқиндилар билан «бойитаётган» маҳсулотлар эндиликда атмосферани ифлослантириб бормоқда.

Атмосфера мураккаб система бўлиб, денгиз сатҳида ҳавонинг 99% азот билан кислородга тўғри келади.

Атмосферанинг таркибий нисбий молекуляр массаси 90км баландликкача ўзгармай қолади, ундан юқорида эса тез ўзгаради. Масалан, денгиз сатҳида миқдори жуда кам бўлган гелий 500-1000 км баландликда атмосферанинг асосий компонентига айланади.


Бизнинг энг муҳим вазифаларимиздан бири, сайёрамиз озон қатламини емирувчи кимёвий моддалардан ҳимоя қилиш ҳисобланади, бу борада ҳар биримиз аниқ режа ва дастур асосида иш юритмасак, озон қатламини ҳимоя қилишда бевосита қатнашмасак, бунинг салбий таъсирини ҳар биримиз ўзимизда яққол сезамиз.

Ер шаригадаги барча жонзотлар қуёш нуридан баҳраманд бўладилар ва шу қуёш нури туфайли яшайди. Қуёш бизга ёруғлик, иссиқлик ва нур беради. Аммо қуёш ҳам ўзининг ультрабинафша (кейинги матнларда УБ) нурига эгаки, бу нур тўғридан–тўғри инсонларга ёки бирор жонзодга тушса унга салбий таъсир қилади. Ернинг стратосфера қатламида шундай қатлам, яъни озон қатлами,

соябони борки, у қуёшнинг УБнурини ва космик нурларни ўзидан қайтариб юборади.

Озон қатлами – Озон – озон (O_3) молекуласидан ташкил топган, заҳарли, оч кўк рангдаги, ўткир ҳидли газ. Суюқ ҳолда тўқ кўк рангда бўлади.

Озон (O_3) молекуласининг ўзи уч атом кислороддан ташкил топган. Биз нафас оладиган кислород (O_2) молекуласи эса икки атом кислороддан ташкил топган.




Озоннинг – биз яшаётган атмосферанинг трапосфера қисмида учраши катта муаммоларни келтириб чиқаради. Унинг трапосферада ҳосил бўлишига чакмоқлар, ишқорий ёмғирлар, автотранспорт воситаларининг чиқинди газлари сабаб бўлади.

Озон – лабораторияларда озонатор деб номланувчи ускуналарда кислороддан электр разряди ёрдамида олинади.

Озон – атмосферанинг стратосфера қисмида кислород (O_2) молекуласидан, қуёшдан келаётган маълум бир тўлқин узунликдаги ультрабинафша нурларнинг ютилиши натижасида ҳосил бўлади.

“Озон қатламининг қалинлиги” 40 км масофада сийрак тарзда жойлашган озонни ер атрофига белбоғ сифатида тўпланса, у атиги 3 мм қалинликка эга бўлади. Озоннинг стратосферадаги концентрацияси, унинг жойлашган баландлигига қараб ўзгарувчан бўлади (22- расм).

Озон концентрациясини ўлчаш учун махсус бирлик мавжуд. Бунга кўра бир куб сантиметрдаги озон молекулалари сонини кўрсатади. Бундай ўлчаш Добсон бирлиги (ДБ) ёки русча- да единица Добсона (ЕД) инглизчада кискартирил- ган (UD) деб юритилади. Бир Добсон бирлигидаги (ДБ) озон молекулалари миқдори–бу миллиметр- нинг юздан бир қалинлиги демакдир.



22- расм. Атмосферада озон қатламининг жойлашиши.


Шундай қилиб: 1 (ДБ) = 0,01мм

Бизнинг планетамизда озон қатлами ўртача 300 ДБни ташкил қилади. Бугунги кунда инсонлар томонидан ишлаб чиқарилаётган кимёвий моддаларнинг озон қатламини тез емириши натижасида, озон қобиғи ўзини-ўзи

тиклаш жараёни қийинлашиб бормоқда. Шунинг учун озон қатлами ушбу кимёвий моддалар таъсирида йилдан йилга юпқалашиб бормоқда.

Инсонлар кўп вақт қуёш нурида ўтирса ёки қуёш нурида турса уларда тери саратон касаллигига чалиниш хавфи кучли бўлади, вақт ўтиши билан агар кўзга нур тушса ҳатто соғлом кўзга ҳам таъсир қилиши мумкин.

Озон қатлами қандай емирилади. Стратосферада доимий тарзда кислороддан озон ва озондан кислород ҳосил бўлиб боради. Аммо бу реакция балансини бузилишига айрим сабаблар – температура ва босимнинг ўзгариши, энергетик шароит ва ушбу молекулалар концентрацияси сабаб бўлиши мумкин. Молекулалар концентрацияси балансини бузувчи ҳолат эса бу ОЕМлар ҳисобланади (23- расм). ОЕМлар кислород O_2 ва озон O_3 концентрацияси балансини бузишини тушуниш учун уларнинг структуралари ва реакциялар механизмини таҳлил қилиш керак бўлади.



23- расм. Озон қатламининг емирилиш жараёни.

Озон қатламининг емирилиши деганда озон молекулалари зичлигининг стратосферада сийраклашиши тушунилади.

Озон тешиги ёки туйнуги деганда озон молекулалари зичлигининг стратосферада 30% дан кўпроқ сийраклашиши тушунилади.

Озон қатламининг бузилиши илк бор 1985 йилда Антарктида осмонида юз берди, бу ҳол “Озон дарчаси” номи билан атала бошланди.

Антарктида устида озон қобиғини емирилиши жуда кучли бўлади, бунга сабаб стратосфера қобиғида, совуқ ҳаво таъсирида музлар устида хлор

молекуласи ҳосил бўлади, эрта баҳорда кунлар исиб, қуёш нури чиққанда хлор молекуласи озон қатламини емиради. Хлор атоми 100 минг озон молекуласини йўқ қилишга қодир. Ҳозирги вақтда атмосферага чиққан фреон атомлари 100 йилдан сўнг ҳам яшаш хусусиятига эга. Фарб атмосферасида ҳам худди шундай кимёвий озон қатламини емирувчи моддалар бор, лекин об-ҳавонинг иссиқлиги туфайли Антарктидага нисбатан бир оз ҳолат яхшироқ ҳисобланади.

Сайёрамиздаги озон қатламида йиғилган, озон қатламини емирувчи моддалар шунчалик кўпки, бунга халқаро миқёсда эътибор берилмаса натижаси ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Об-ҳавони олдиндан башорат қиладиган олимларнинг фикрига кўра, атмосферанинг юқори қисмида 50 йил давомида озон миқдори ошириб борилса, озон қобиғининг дарчаси йўқолади.

Озон қатламининг емирилишига бир қанча омиллар сабаб бўлиши мумкин.

Жумладан: Вулқонларнинг отилиши, антропоген таъсирлар, космик ракета­ларнинг, реактив самолетларнинг учирилиши.

Вулқонларнинг отилиши. Вулқонлар ҳаракатга келганда жуда кўп миқдорда олтин­гургут сақлаган газлар отилиб чиқади ва хаводаги бошқа газлар билан тўқнашиб, озонга таъсир қилувчи сульфатларни ҳосил қи­лади.

Космик ракета­ларнинг, реактив самолётларнинг учирилиши. Космик ракета­ларнинг, реактив самолётларнинг учирилиши натижасида атмосферада жуда кўп миқдорда кислород ёқилади.

Антропоген таъсирлар. Стратосфера озонининг емирилишга энг кўп таъсир кўрсатадиган ҳолат бу антропоген, яъни инсон фаолияти натижасидаги таъсир ҳисобланади. Бу ракета­ларнинг, реактив самолётларнинг учирилиши; Озон емирувчи моддалар (ОЕМ)– хладогентлар, ОЕ эритувчилар, ОЕ пестицидларнинг кенг ишлатилиши каби ҳолатлардир.

Пестицидлар. Қишлоқ хўжалигида ўсимлик зараркунандаларини ўлдириш мақсадида кимёвий моддалардан кенг фойдаланиб келинади. Шундай моддалар ичида ОЕ моддалар ҳам мавжуд.

Бунга мисол қилиб метил бромидни олиш мумкин. Метил бромид парчаланганда ҳосил бўлган бром атмосферанинг юқориги қисмларига чиқиб озон молекула­лари билан тўқнашади ва уни парчалайди. Метил бромидни бошқа ОЕлардан фарқли жиҳати унинг атмосферада узок муддат 6 ойдан 4 йилгача сақланиб қолишидадир.

Космос ва қуёшнинг УБ нурларининг инсонларга таъсири: Инсон ва ҳайвонлар ҳам худди шундай қуёшнинг УБ нури таъсирига тушиб қолиши мумкин, улар кўпинча очик далаларда, майдонларда юради ва боқилади, ахир уларни ёпиқ қуёш нури тушмайдиган майдонларда боқишнинг иложи йўқ.

Табиатга таъсири эса: Ўсимликларнинг ҳосилдорлигини камайтиради. Планктон бу денгизда ҳайвонларнинг асосий озиқ-овқати ҳисобланади. Агар у ҳам йилдан-йилга кичрайиб кетаверса денгизларда ҳайвонлар, балиқлар камайиб кетади.


Ер қатламидаги: Тоғ минерал моддаларни, уйларнинг томлари ва қурилиш материалларининг емирилишига, бўёқларнинг куйишига, музларнинг эришига, океан ва денгиз сувларининг кўпайишига ва қуруқликдаги ерларни сув босишига, атмосферада иқлимнинг ўзгаришига олиб келади.

Аммо, бизда ҳали ҳам атмосфера озон қатлами емирувчи кимёвий моддалардан ҳимоя қилишнинг иложи бор, бунинг учун биринчи навбатда, атмосферамизда содир бўлаётган ўзгаришларни билишимиз ва унга қарши тез зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва уни амалга ошириш зарур. 1970 йилларда олимлар томонидан ишлаб чиқилган кимёвий моддалар, хлорфторуглеродлар (ХФУ) сайёрамиз атмосфераси қатламига кириб, озон қатламини емириши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирган эдилар. Аммо бунга эътибор берилмади, натижада, сайёрамизда озон қатлами емирила бошлади.

Парник эффе́кти ёки об-ҳавонинг глобал иссиши.

ОЕМ иссиқликни яхши сақлаши сабабли ер юзида парник эффе́ктини ҳосил қилиши мумкин. Ерга тушган қуёш нурлари ер қуррасини иситади, шунингдек ердаги бошқа факторлар (24- расм). (автотранспорт воситаларидан, ишлаб чиқариш корхоналаридан уй рўзғордан ажралиб чиққан иссиқлик) эвазига ажралиб чиққан иссиқлик атмосферада ҳаракатланиб юрган ОЕМ таъсирида ердан кўтарилмай пастда қолади. Бу ҳолат худди парникдаги ҳолатга ўхшаганлиги сабабли парник эффе́кти деб ном олган. Натижада ернинг ҳарорати қисман кўтарилади. Оқибатда музликларни эриши, сув тошқинлари умуман ер об-ҳавосининг глобал ўзгаришига олиб келади.

Озон емирувчи моддалар (ОЕМ)– бу атмосферада озон молекулалари билан реакцияга киришиш хусусиятига эга бўлган моддалардир.



24- расм. Ер атмосферада Қуёш нурланишининг тақсимланиши.

Хлорфторуглеродлар	(ХФУ)
Гидрохлорфторуглеродлар	(ГХФУ)
Гидробромфторуглероды	(ГБФУ)
Бромхлорметан	
Метил хлороформ	
Углерод тетрахлорид	
Метил бромид	

Озон емирувчи моддаларнинг озон қаватини емириш кучи озон емириш потенциали (ОЕП) деб юритилади. ХФУ-11нинг ОЕПси 1 га тенг деб олиниб, ҳар бир модданинг ОЕПси шунга нисбатан ҳисобланади.

Номланиши	ОЕП
ХФУ - 11	1,0
ХФУ - 12	1,0
Галон - 1301	10,0
Тетрахлоруглерод	1,1
Метилхлороформ	0,1
ГХФУ - 22	0,055
ГБФУ – 22В 1	0,74
Бромхлорметан	0,12
Метил Бромид	0,6

Илмий текширишлар натижасида ва олимларнинг илмий хулосаларида, инсонлар томонидан кашф этилган таркибда хлор, бром ва фтор бўлган кимёвий моддалар, айниқса хлорфторуглерод, ёнғинни ўчиришда ишлатиладиган хладогентлар, озон қатламини емирувчи зарарли моддалар эканлигини таъкидладилар. Шу сабабли, бундай моддаларни 1994 йилнинг январ ойидаёқ кўп давлатлар ишлаб чиқаришни тўхтатишди.

Озон қатлами қачон тикланади?

Озон қатламининг қачон тикланиши аниқ маълум эмас, лекин, олимлар агар барча давлатлар Монреал протоколига аъзо давлатлар ОЕМ ишлаб чиқариш ва ишлатишни чеклаш ёки тақиқлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажарсалар шу асрнинг ўрталари ёки 70-йилларига бориб озон қатлами тикланиши мумкинлиги тўғрисида фикр юритишмоқда.

Бу даврнинг бунчалик узоқ давом этиши сабабаларидан бири ОЕМнинг узоқ вақт атмосферада турғун ҳолда бўлиши кўрсатилмоқда.

Дунё ҳамжамиятини Озон қатламини тиклашга қаратган ҳаракатлари

1974 йил июнь ойида “Табиат” журналида Америка олимлари Роуленд ва Молиналарнинг озон қатламини емирилиши тўғрисидаги назариялари чоп

этилган. Бу атмосферада бор бўлган ходисалар, жумладан, озон қатламининг сийраклашуви ва табиий туркумларнинг бир-бирига боғлиқ бўлиш тўғрисидаги биринчи мақола эди. Орадан кўп ўтмай олимлар томонидан кўтарилган озон муаммоси сиёсий мавзуга айланди, глобал хусусиятга эга бўлди. 1977 йил март ойида БМТнинг атроф-муҳит бўйича дастури (ЮНЕП) доирасида озон қатлами емирилиши масалалари бўйича биринчи халқаро учрашув ўтказилди.

Ўтган асрнинг 80 йилларига келиб Халқаро ташкилотлар томонидан Озон қатламининг емирилиши масаласига жиддий аҳамият берила бошланган.

Вена конвенцияси. БМТнинг ЮНЕП бўлими томонидан 1985 йил 22 мартда Вена шаҳрида 21 та давлат томонидан имзоланган. Унинг тўлиқ номи “Озон қатламини ҳимоя қилиш бўйича Вена конвенцияси” деб юритилади. Бу дунё ҳамжамияти томонидан озон қатламини ҳимоя қилиш бўйича биринчи расмий ҳаракат ҳисобланади. Бу конвенция бир неча тилларда жумладан инглиз, француз, рус, араб, испан тилларида чоп этилди. Конвенцияда асосий эътибор томонларнинг озон қатламини емирувчи моддалар бўйича изланишлар олиб боришлари, сўнгра протоколлар қабул қилишларига қаратилди. Ҳозирда 178 та давлат томонидан имзоланган.

Монреал протоколи. 1987 йил 16 сентябрда Монреал шаҳрида имзоланган. Унинг тўлиқ номи “Озон емирувчи моддалар бўйича Монреал протоколи” деб юритилади. Бу протокол билан А, В, С рўйхатлар берилди ҳамда аъзо давлатлар томонидан мазкур ОЕМ ишлаб чиқариш ва ишлатиш чекланиши кўрсатиб ўтилди. Бугунги кунда бу баённомага 177 та давлат кўшилди. Монреал протоколи қабул қилингандан кейин протоколни илмий-техник талқин қилиш аспектиларини тушуниш ҳамда янги кимёвий моддаларни киритиш зарурати туғилди. Шу сабабли Монреал протоколига ўтган давр мобайнида 4 та тўғрилаш ва 5 та қўшимчалар киритилди.

16 сентябрь – Халқаро озон қатламини ҳимоя қилиш куни сифатида кенг нишонланади. Ўзбекистонда ҳам ушбу кун 1999 йилдан буён нишонламоқда.

Қўшимчалар. Монреал протоколининг ўзи қабул қилинган ОЕМларни босқичма босқич ишлаб чиқариш ва ишлатишдан чиқаришни назарда тутди. Кимёвий моддаларнинг ОЕП потенциали қийматларини янги илмий маълумотлар асосида белгилаши мумкин бўлади. Қўшимчалар протокол матнига киритилиши мумкин. Шунингдек томонлар матнга ўзгартириш киритмасдан, уни ўзгача талқин қилишни ҳам келишишлари мумкин. Қўшимчалар барча аъзо давлатларга автоматик тарзда мажбурият юклайди.

Тўғрилашлар. Монреал протоколига янги киритилган ОЕМлар учун назорат белгиланиши мумкин. Тўғрилашлар орқали протоколда мавжуд рўйхатга янги ОЕМ киритилиб боради. Тўғрилашлар барча аъзо давлатларга

мажбурият юкламайди. Ушбу тўғрилашларни ҳар бир давлат ратификация қилгандан кейингина мажбуриятни олади.

Лондон тўғрилаш ва қўшимчалари. 1990 йил 29 июнда Лондон шаҳрида имзоланган. Унинг тўлиқ номи “Озон емирувчи моддалар бўйича Монреал протоколига Лондон тўғрилашларини киритиш” деб юритилади. Бу протокол билан Монреал протоколининг бир қанча моддаларига тўғрилашлар ҳамда рўйхатларга янги ОЕМ – тетрахлор углерод, метилхлороформ киритилиб, уларни назорат қилиш чоралари ҳам келтирилди. Мажлис ОЕМ ишлаб чиқариш ва ишлатишни тақиқлаш графигини тезлаштириш масаласини кўйди. Шунингдек мажлисда кўп томонлама фонд жорий этиш келишиб олинди.

Кўп томонлама фонд. 1992 йил ташкил қилинди. Ундан асосий мақсад Монреал протоколи талабларини бажаришни молиялаштириш масаласини ҳал қилиш эди. Кўп томонлама фонд маблағлари ОЕМни ишлаб чиқариш ва ишлатишдан чиқаришни молиялаштиради. Ушбу маблағлар шунингдек протокол 5 моддасида келтирилган давлатларга янги лойихаларни жорий этиш учун ҳам сарфланади.

Копенгаген тўғрилаш ва қўшимчалари. 1992 йил 25 ноябрда Копенгаген шаҳрида имзоланган. Унинг тўлиқ номи “Озон емирувчи моддалар бўйича Монреал протоколига Копенгаген тўғрилашларини киритиш” деб юритилади. Унга кўра ХФУ ларни ҳамма турини 1996 йилда метилхлороформ, тетрахлорметанни ишлатишни тугатиш, галонларни эса 1994 йилгача тугатиш, ГХФУ 2030 йилгача тугатиш ҳақида қарор қабул қилинди. 125 та давлат Копенгаген учрашуви қарорларини ёқлаб имзоладилар.

Бу протокол билан Монреал протоколининг бир қанча моддаларига тўғрилашлар ҳамда рўйхатларга ГБФУ ва ГХФУ назорат қилинувчи моддалар сифатида киритилди. Метил бромидни ишлаб чиқариш ва ишлатишни назорат қилиш чоралари белгилаб берилди. Бу мажлисда ҳам ОЕМни ишлаб чиқариш ва ишлатишни тақиқлаш графигини тезлаштириш масаласи кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Вена қўшимчалари. 1995 йилда Вена шаҳрида имзоланган. Еттинчи мажлисда томонлар метил бромидни ривожланаётган ва ривожланган давлатларда назорат қилинишини кўриб чиқдилар. Шунингдек мажлис протокол талабларини бажарилмаслик ҳолатлари ва сабабларини кўриб чиқди.

Монреал тўғрилаш ва қўшимчалари. 1997 йил Монреал шаҳрида имзоланган. Унинг тўлиқ номи “Озон емирувчи моддалар бўйича Монреал протоколига Монреал тўғрилашларини киритиш” деб юритилади. Бу протокол билан метил бромидни ривожланган давлатлар томонидан назоратини янада кучайтириш чоралари кўриб чиқилди. Шунингдек бу протоколда барча аъзо

давлатлар томонидан Импорт/экспортни лицензиялаш тизимини жорий қилиш белгилаб берилди.

Пекин тўғрилаш ва қўшимчалари. 1999 йилда Пекин шаҳрида имзоланган. Ўн биринчи мажлисда томонлар бромхлор метанни назорат қилиш чораларини белгилаб олишди. Шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини карантин даврида экспорт ва импорт қилишда фумигацияда ишлатиладиган метил бромидни ҳисобини олиб бориш ва ҳисобот беришни жорий қилишни белгиладилар.

Ўзбекистон Вена конвенциясини ва Монреал баённомасини 1993 йилнинг май ойида, Лондон ва Копенгаген қўшимчаларини эса 1998 йилда имзолаган.

«Озон қатламини муҳофаза қилиш Хельсинки Декларацияси» да 2000 йилга қадар фреон газларини ишлаб чиқарадиган маҳсулотларни босқичма-босқич камайтириб бориш тадбирлари белгилаб берилди. Бу тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб борилса, инсон саломатлиги ва сайёрамиздаги бутун тирик организмларнинг яшаш шароитлари тўла сақлаб қолинади.

Монреал баённомаси бўйича озон қатламини емирувчи моддалар, аралашмалар ва уларнинг буюмларини савдосини назорат қилиш.

Хладагентлар, кўпик (пено) ҳосил қилувчи моддалар, эритувчилар, ёнғинни ўчирувчи моддалар (огнетушитель), пестицидлар асосан озон қатламини емирувчи моддалар сифатида ишлатилади.

Монреал баённомаси бўйича назорат қилинадиган озон қатламини емирувчи моддалар, аралашмалар ва уларнинг буюмларини

А – Иловасида:

- асосий СFC-ХФУ моддалар, (1 гуруҳ),
- галон-1211, -1301 ва – 2402 (II гуруҳ).

В – Иловасида:

- бошқа СFC-ХФУ моддалар, (1 гуруҳ),
- 4-хлоруглерод,(СТC-ТХМ), тетрахлорметан. (II-гуруҳ)
- 1,1,1 - трихлорэтан ёки метилхлороформ, ёки МСF ёки ТСА ёки МХФ (III-гуруҳ).

С – Иловасида:

- HCFC-ГХФУ (I-гуруҳ).
- НBrFC-ГБФУ (II-гуруҳ)

Бромхлорметан (III-гуруҳ) 1999 йил Пекин қўшимчаси билан киритилган.

Е-Иловасида:

- метил бром ёки бромметан (I-гуруҳ)

Д – Иловасида озон қатламини емирувчи моддалар тутган буюмларининг рўйхати

Автомашина ва юк автомашиналарининг совутгич системалари.

Хўжаликда ва савдо дўконларида ишлатиладиган музлатгич ва совитгичлар, иссиқлик насослари.

Аэрозол маҳсулотлари, тиббиётда ишлатиладиганларидан ташқари, (дезодорант ва соч лаклари).

Кўпик (пено) ҳосил қиладиган моддаларнинг маҳсулотлари, ёнғинни ўчириш (огнетушитель).

Материаллар (изоляцияционные) панел ва иссиқлик изоляциялари.

Форполимерлар.

Озон қатламини емирувчи моддалар ва уларнинг буюмларини эркин савдосини таъқиқлаш

Давлатлараро савдосини, Монреал баённомасини имзолаган давлатлараро савдо қилишини назорат қилиш.

Озон қатламини емирувчи моддалар ва уларнинг буюмларини эркин савдосини назорат қилиш.

Озон қатламини емирувчи моддалар ва уларнинг буюмларини ишлаб чиқаришни ва уларни ишлатишни назорат қилиш.

Монреал баённомасининг кўшимча ўзгартиришларига биноан озон қатламини емирувчи моддалар ва уларнинг буюмларини экспорт ва импорт қилишда лицензия ва чеклаш системаларини жорий этиш.

Озон қатламини емирувчи моддалар ва уларни буюмларини эркин савдосини қонуний эканлигини назорат қилиш, бунда Монреал баённомаси талабларига биноан фақат маълум квота асосида, шартнома талабларига қатъий риоя қилинган ҳолатда амалга оширилишини назорат қилиш.

Монреал баённомаси талабларига биноан озон қатламини емирувчи моддаларни ишлаб чиқариш ва ишлатишни тўхтатиш жадвалига риоя қилинишини назорат қилиш.

Ривожланаётган давлатлар, ривожланган давлатлар истеъмолини босқичма-босқич тўхтатиш жадвалини назорат қилиш ва ушбу талабларни муддатларида бажарилишини назорат қилишдан иборат.

Монреал баённомаси бўйича назорат қилинадиган озон қатламини емирувчи моддалар ва уларнинг буюмларини аниқлаш.

Монреал баённомаси бўйича назорат қилинадиган озон қатламини емирувчи моддалар ва уларнинг аралашмалари қуйидаги усуллар билан аниқланади;

1. Товарларнинг ТИФ ТН га хос код рақамини аниқлаш.
2. Товарларни кимёвий номи.
3. Кимёвий формуласи.
4. Товарларни халқаро савдо белгиси ва халқаро номи бўйича.
5. Махсус рақамлари билан (ASHRAE, CAS, UN).
6. Товарларнинг код рақамларининг ранги.
7. Товарларнинг газ ёки суюқлик ҳолати бўйича, АТ RT.
8. Кимёвий анализ усулларини амалга ошириш орқали.
9. Босим ва температуранинг ўзгариши.

10. Озон қатламини ҳимоя қилувчи моддаларни идентификация қилиш йўллари билан.

Монреал баённомаси бўйича назорат қилинадиган озон қатламини емирувчи моддалар бўлган товарлар қуйидаги усуллар билан аниқланади;

1. Товарларнинг ТИФ ТН га хос код рақамини аниқлаш.
2. Товарларнинг тури,
3. Товарларнинг ёрлиғи,
4. Озон қатламини ҳимоя қилувчи моддалар бўлган товарларни идентификация қилиш йўли билан.

Монреал баённомаси бўйича назорат қилинадиган озон қатламини емирувчи моддаларни кимёвий номи бўйича аниқлаш.

Монреал баённомаси бўйича назорат қилинадиган озон қатламини емирувчи моддаларни кимёвий номи ва формуласи берилганда улар қуйидагича аниқланади:

ХФУ,ГХФУ - моддалари таркибида

⇒ХЛОР..... ФТОР.....элементлари тутганда,

МАСАЛАН:

- ДИХЛОРДИФТОРМЕТАН (ХФУ-12)
- 1,1-ДИХЛОР-1-ФТОРЭТАН(ГХФУ-1416)

ГАЛОНЛАР

⇒ ...БРОМ....ХЛОР..ФТОР элементлари тутганда,
ЁКИ

⇒ БРОМ..... ФТОР элементлари тутганда,

МАСАЛАН:

- БРОМХЛОРДИФТОРМЕТАН (ГАЛОН-1211)
- БРОМТРИФТОРМЕТАН (ГАЛОН-1301)

КАРБОН ТЕТРАХЛОРИД

(ТЕТРАХЛОРМЕТАН, СТС-ТХМ)

1,1,1-ТРИХЛОРЭТАН (МЕТИЛ ХЛОРОФОРМ,ТСА-ТХЭ,МСФ-МХФ)

НВФС-ГБФУ

.....БРОМ.....ФТОР элементлари тутганда,

МАСАЛАН:

БРОМФТОРМЕТАН (ГБФУ-22В1)

БРОМИСТИЙ МЕТИЛ

(БРОМОМЕТАН,МВ,МВr,ВМ)

Агар бирикмаларда фақат фтор элементи бўлган модда бўлса, бу озон қатламини емирувчи моддалар ҳисобланмайди.

Масалан: Трифторметан.

Озон қатламини емирувчи моддалар қуйидаги асосий кимёвий моддалардан ташкил топганда:

⇒ Хлор (CL)

- ⇒ Фтор (F)
- ⇒ Бром (Br) ва бошқа кимёвий элементлари тутганда,
- ⇒ Углерод (C)
- ⇒ Водород (H)

Мисол:

CF_2CL_2 ёки CF_2CL_2 қ ХФУ – 12

Товарларни халқаро савдо белгиси (маркаси) бўйича аниқлаш;
 ХФУ, ГХФУ ва уни аралашмалари кўпинча халқаро савдо белгисида улар куйидагича номланади:

Хладагентлар (кўпик) хосил қилувчи, эритмалар.

ARCTON	⇒	ICI (ХФУ,ГФХУ)
ASAHIFRON	⇒	ASAH GLASS(ХФУ)
ASAHIKLIN	⇒	ASAH GLASS(ГФХУ)
FORANE	⇒	ELFATOСHEM- АТОFINA(ХФУ,ГФХУ)
ФРЕОН	⇒	DU PONT(ХФУ,ГФХУ)
GENETRON	⇒	ALLIED SIGNAL(ХФУ,ГФХУ)
ISCEON	⇒	RHODIA(ХФУ,ГФХУ)
SOLKANE	⇒	SOLVAY(ХФУ,ГФХУ)
SUVA	⇒	DU PONT (ХФУ,ГФХУ)
FLORON	⇒	SRF ООО-ҲИНДИСТОН (ХФУ)
ХЛАДОН	⇒	РОССИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ.

Амалда ушбу номлар билан бошқа кимёвий моддалар ҳам номланиши мумкин, лекин улар озон қатламини емирувчи моддалар ҳисобланмайди, масалан, ГФУ-НFC ва уларнинг аралашмаларини топиш учун, товарнинг тўлиқ номи ва кимёвий формуласи аниқланади.

Махсус рақамлар орқали озон қатламини емирувчи моддаларни аниқлаш.

ASHRAE NUMBER «R» ҳарфи хладагентлар учун махсус рақам ҳисобланади.

ХФУ ва ГХФУ учун умумий халқаро савдо белгилари **ASHRAE NUMBER** юритилади.

Масалан:

R-12 (**ASHRAE NUMBER**)

ХФУ-12 (**ASHRAE NUMBER**)

ARCTON-12 (Савдо номлари ва савдо белгиларидан бири бўлиши мумкин).

ХФУ ёки ГХФУ тутган аралашмали озон қатламини емирувчи моддалар
ASHRAE NUMBER- бу рақам халқаро савдода ишлатилади

Масалан, R-409a (**ASHRAE NUMBER**)

SOLKANT – 409a (Савдо номларидан бири бўлиши мумкин)

CAS рақами

CAS NUMBER – Кимёвий моддаларнинг, кимёвий моддаларига хос махсус рақамлари.

Масалан, CAS 75-71-8 РАҚАМ CAS ХФУ –12

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг рақами - Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан кимёвий моддаларга берилган махсус рақамлардан иборат.

Масалан, 00Н 1028 - рақам ООН ХФУ -12

Ashrae Cas ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг рақами (ООН) - одатда озон қатламини емирувчи моддалар солинган идиш ёки контейнерларга ёзилган бўлади.

Озон қатламини емирувчи моддаларн газ ёки суюқлик эканлигини аниқлаш.

Агар моддалар цилиндр идишга газ босими орқали солинган бўлса, бундай моддалар газ бўлади.

Агар моддалар бочка ёки шиша идишларларга солинган бўлса, бундай моддалар суюқлик бўлади.

Кўп ишлатиладиган озон қатламини емирувчи газлар

ХФУ –12

ГХФУ – 22

Метил бром (заҳарли)

Галонлар

Оддий газсимон моддалар оддий цилиндр идишларда ташилади, масалан, пропан, бутан, ГФУ, бу газлар озон қатламини емирувчи моддалар турига кирмайди.

Газ солинган идишларнинг клапани кўк рангда бўлади.

Суюқлик солинган идишларнинг клапани қизил рангли бўлади.

Кўп ишлатиладиган озон қатламини емирувчи суюқ моддалар.

(улар енгил учувчан ҳисобланади)

ХФУ –11 (бу модда цилиндрда ҳам ташилиши мумкин)

ХФУ – 13

ГХФУ – 141 б

Карбон тетраҳлорид

Метил хлороформ

Суюқ моддалар оддий цилиндр идишларда ташилади, масалан, турли органик эритувчилар, ацетон, хлороформ, толуол моддалар озон қатламини емирувчи моддалар турига кирмайди.

Озон қатламини емирувчи моддаларни божхона экспертизаси орқали аниқлаш усуллари

Кимёвий анализ усули билан аниқлаш; Агар суюқ модда бўлса, уни аниқлаш учун махсус кимёвий лабораторияга уни таркибини махсус хроматография ёки кимёвий анализ усуллари орқали аниқлаш учун модданинг намунаси юборилади.

Агар модда газ ҳолатда бўлса, уни намунаси махсус цилиндр идишларга солиниб, махсус лабораторияга анализ учун юборилади. Агар цилиндр идишда бромистий метил бўлса уни ҳеч қачон идентификатор орқали текшириб кўрманг. Чунки бромистий метил ўта заҳарли ҳисобланади. Умуман нотаниш газ ёки суюқ кимёвий моддаларни фақат махсус билимга эга бўлган, божхона экспертлари, Ўздавстандарт, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси лабораторияларининг, кимёвий илмий-текшириш институтларининг мутахассислари намуна олиши ва анализ ўтказишлари лозим.

Озон қатламини емирувчи моддаларни температураси ва газ босимини ўрганиш орқали аниқлаш; Маълумки, барча озон қатламини емирувчи моддалар ва уларнинг аралашмалари маълум температурада газ босимини ошиши кузатилади. Ушбу моддаларнинг газ босими орқали улар аниқланади. Моддаларнинг газ босими ва температураси махсус жадвалларда, қўлланмаларда берилган. Моддаларни текширишда ушбу жадваллардан фақат мутахассислар фойдаланиши мумкин.

Озон қатламини емирувчи моддаларни идентификаторлар орқали аниқлаш; Идентификаторлар фақат босим остида сақланаётган идишлардаги озон қатламини емирувчи моддалар учун ишлатилади. Идентификатор орқали аниқлашнинг 2 та усули бор.

1- Инфрақизил спектрида аниқлаш усули.

2- Температура ва босимини ҳисоблаб чиқариш усули.

Асосан хладагентлар (R-12,R-22) тоза ҳолатда бу усуллар билан аниқланиши мумкин. Бу моддалар сақланган идишлар газ ва суюқлик бўлганда улар турли хилда бўлади, уларни бир-биридан ажратиш учун цилиндр ва унга киритилган шланг ва клапанларни туришига қараб бир-биридан ажратиш мумкин бўлади.

Озон қатламини емирувчи моддаларни аниқлаш “EUTRONICS INC Automotive refrigerant identifier model RI-2002PA” ускунаси орқали аниқлаш

Ушбу асбоб билан иш бошлаганда қуйидаги эҳтиёт чораларини кўриш лозим -ёғли ва суюқ моддаларга бу асбоб ишлатилмайди, CFC-ХФУ-12, HCFC-ГХФУ134а, HCFC-ГХФУ22, HC-Углеводородларни аниқлаш учунгина ишлатилади (25- расм).

Асбобни ишга тушириш тартиби:

- керакли резина шлангларни борлигини текшириш;
- асбоб, қайси моддаларни аниқлаш учун мослаштирганлигини текшириш;

- шланглар ва моддалар ўтадиган жойларни тоза эканлигини текшириш INLET PORT;
- AIR INTAKE PORT (агар чанг ёки бошқа нарсалардан тешиги бекилиб қолган бўлса, ҳаво ёрдамида тозалаш зарур).
- электр тармоғига улаш;
- асбобни экранда берилган йўриқномани ўқиб чиқиш зарур ва уни талабларини аниқ бажариш керак;
- REFRIGERANT IDENTIFIER- хладагентни аниқлайди.
- SYSTEM WARM UR- асбобни қиздириш керак.
- CHECK FILTER-фильтрни тозаллигини текшириш (агар қизил ранг пайдо бўлса, асбобни ўчириб ёқиш керак ёки филтрни бошқасига алмаштириш зарур):
- SET ELEVATION PRESS A and B – ерни баландлигини денгиз сатҳига нисбатан аниқлаш:
- (100 фут-30м) А ва В тугмачаларни босиш керак (асбоб жуда сезгир бўлганлиги сабабли ерни баландлиги бир марта ўлчанади ва барча ўлчашларда бир хил ишлатилади, PRESS A + 100 В -100, керакли кнопкалар ёрдамида баландликни аниқлаш керак (ўртача денгиз сатҳига нисбатан Тошкент 1000 м баландда) А тугмасини босиб 400 ф тенглаштирилади).
- SYSTEM CALIBRATION-калибрация системаси, асбоб ишлатилишдан олдин ўрнатилади, асбоб товуш чиқаради, калибрация тугаганда товуш тугайди.
- CON HOSE PRESS to start–шлангларни балонга (олдиндан ХФУ тайёрланган балон) уланади ва А тугмаси босилади.
- вентил очилиб, асбобга модданинг газни юборилади.
- SAMPLING IN PROGRESS - асбоб намуна олиш учун сигнал беради.
- олинган намуна асбобга ўрнатилган монометр орқали текшириб турилади (монометр 10 дан юқори шкалани кўрсатиши лозим):
- асбобнинг экранда анализ натижалари пайдо бўлади.
- вентил ёпилади.
- электр тармоғидан асбоб ўчирилади.
- вентил ёпилганига ишонч ҳосил қилгандан кейин, шланг баллондан ажратиб олинади.



25- расм. “EUTRONICS INC Automotvei refrigerant identifier model RI-2002PA” ускунаси.

- шлангни бир қисми асбобдан ечиб олинади.
- асбоб йиғиб қўйилади.

Озон қатламини емирувчи моддалар тутган буюмларни товар ёрлиғи орқали аниқлаш.

Рефрижераторлар, юк машиналардаги кондиционерлар ёрлиғига хладагентлар (R-12) ёзилади ва компрессорнинг босими кўрсатилган бўлади.

Ўт ўчиргичларнинг ёрлиғида кўпик ҳосил қилган модданинг номи, масалан (галон) деб ёзилса, аэрозол ёки дезодорантларнинг ёрлиғида эса ХФУ бор ёки йўқлиги кўрсатилган бўлади.

Асосан товарларнинг ёрлиқлари бўйича уларда озон қатламини емирувчи модда бор ёки йўқлигини билиб бўлмади, одатда преполимерлар, буёк, пестицидларда, буёкларнинг ёрлиқларида ва савдо белгиларида моддалар борлиги кўрсатилади.

Озон қатламини емирувчи моддаларни товар хужжатлари орқали аниқлаш;

Озон қатламини емирувчи моддаларни товар хужжатлари орқали аниқлашда товарга тегишли қуйидаги хужжатлар талаб қилинади ва диққат билан текшириб чиқилади:

- божхона юк баённомаси,
- товар транспорт юк қоғозлари (темир йўл, авиа, СМР ва бошқалар),
- шартнома,
- озон қатламини емирувчи моддаларни олиб келишга, табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси томонидан берилган рухсатномаси,
- инвойс, счёт – фактура,
- товарнинг келиб чиқиш сертификати,
- сифат сертификати,
- Упаковка қоғозлари,
- лицензия ва бошқа хужжатлар.

1. Рўйхат бўйича ушбу юк жўнатувчи ва юк қабул қилувчи ташкилотлар илгари товар олиб кириш ва олиб чиқишида божхона қоидаларини бузиш ҳолатини содир этган ёки этмаганлиги ўрганилади.

2. Божхона юк баённомасида кўрсатилган товарнинг номи, товар билан жўнатилган барча хужжатлардаги товарнинг номига мос келиши.

3. Алоҳида товар ўралган ёрлиғига, упаковка қоғозида ва товар жўнатган мамлакатга эътибор бериш.

4. Товарнинг номи ва хужжатлари бўйича ТИФ ТН код рақамига мос келиши.

5. Товар-транспорт юк қоғозларни товар юборган жойдан ва чегара худудлардан ўтганлигини тасдиқловчи божхона ва ташкилотларнинг муҳрларига эътибор бериш.

6. Юк жўнатган давлат Монреал-баённомаси ва унинг қўшимчаларини имзолаган ёки имзоламаганлигини аниқлаш,

7. Юк жўнатаётган мамлакат ҳақиқатдан ҳам шундай товар ишлаб чиқаришига ишонч ҳосил қилиш керак ва буни аниқлаш,

8. Товарни олиб киришга берилган рухсатномани ҳақиқатан ҳам ушбу ташкилотга қанча миқдорда ва муддатга берилганлигини аниқлаш мақсадида, рухсатнома берган ташкилот билан алоқа ўрнатиш.

9. Лицензиянинг асл нусхасига ҳар бир олиб келинган товар партиясини миқдорини белгилаб бориш, қайта ушбу лицензиядан фойдаланмаслигини олдини олиш ва ноқонуний олиб келинишининг олдини олиш.

10. Озон қатламини емирувчи моддаларнинг миқдори, юк юборган жойи ва озон қатламини емирувчи моддаларнинг ноқонуний олиб келинганлигини тасдиқловчи далил бўлиши мумкин.

11. Юк юборган вагон ва контейнерларнинг рақами тўғри эканлигини аниқлаш, акс ҳолда қалбаки вагон ва контейнер билан ноқонуний модда келиб қолиши мумкин.

12. Такдим этилган барча ҳужжатларни батафсил ўрганиб чиқиш ва юкни кўриқдан ўтказиш.

13. Товарнинг ўралган ёрлиғини ва миқдорини текшириш.

14. Товарни номи бўйича, такдим этилган ҳужжатларга мослигини, зарур ҳолатларда уларни кимёвий анализ усуллари орқали аниқлаш лозим.

15. Агар текшириш натижасида ноқонуний озон қатламини емирувчи моддалар олиб келинганлиги аниқланса, дарҳол бу ҳақда бошқармага ахборот юбориш ва тегишли қонуний чора кўриш лозим.

Озон қатламини емирувчи моддаларни божхона назоратини амалга оширишда божхона органи ва бошқа давлатнинг назорат органлари билан ҳамкорлиги

Озон қатламини емирувчи моддалар божхона назоратини амалга оширишда божхона органи куйидаги Ўзбекистон Республикаси давлатининг назорат органлари билан ҳамкорлик қилади:

- Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси,
- озон қобиғини муҳофаза қилишнинг миллий марказий уйи,
- Ташки иқтисодий алоқалар вазирлиги,
- Ўзстандарт агентлиги,
- Соғликни сақлаш вазирлиги,
- Чегара қўшинлари давлат қўмитаси,
- Ички ишлар вазирлиги,
- Миллий хавфсизлик хизмати,
- Давлат лабораториялари,
- товар ишлаб чиқарувчи ташкилотлар,
- экспортёр ва импортёр,
- истеъмолчилар,
- оммавий-ахборот воситалари.

Божхона ходимлари озон қатламини емирувчи моддаларни аниқлаш ва божхона расмийлаштирувини амалга оширишда куйидаги вазифаларни амалга оширади.

1. Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси томонидан берилган лицензия ва рухсатнома асосида озон қатламини емирувчи моддаларнинг экспорт ва импорт қилинишини назорат қилади ва божхона расмийлаштирувини амалга оширади.

2. Божхона ходимларига озон қатламини емирувчи моддаларни аниқлаш усулларини ўргатади.

3. Ноқонуний олиб кирилган товарларни аниқлайди.

4. Озон қатламини емирувчи моддаларни кимёвий анализ усуллари асосида аниқлаш учун товарларнинг намуналарини кимёвий лабораторияларга юборади.

5. Ноқонуний олиб кирилган моддалар ҳақида ҳисобот тайёрлайди.

Лицензия берган ташкилотнинг вазифалари

Ўзбекистон Республикасида озон қатламини емирувчи моддалар импортига Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси рухсатнома беради, уларнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

2. Лицензия бериш тартибини ишлаб чиқади ва такомиллаштиради.

3. Лицензия асосида амалга оширилган ишларни назорат қилади.

4. Давлат органлари ва товар қабул қилувчилар ўртасида ахборот ва алоқа ўрнатади.

5. Товар ишлаб чиқарувчилар ва қабул қилувчилар, экспортёр ва импортёрлар билан алоқа ўрнатади.

Озон қатламини емирувчи моддалар ва таркибида улар мавжуд бўлган буюмларни ТИФ ТН бўйича таснифланиши

Озон қатламини емирувчи тоза кимёвий моддалар 29 гуруҳда, органик моддалар эса 2903 товар позициясида синфланади, аралашмалари эса 30-38 гуруҳларда ТИФ ТН бўйича синфланади. 38 гуруҳда эса бошқа кимёвий моддалар синфланади.

2903- товар позициясида галоген углеводородларнинг ҳосилалари,

- тўйинган ёпиқ халқали углеводородлар, хлорли ҳосилалари.

2903.14 - Тетрахлорметан (СТС-ТХМ)

2903.19 – 1,1,1-трихлорэтан (метил хлороформ, МС-МХФ) ва бошқа ҳосилалари.

2903.30- ёпиқ халқали углеводородларнинг фтор, бром, йод – ҳосилалари, (метилбромид ёки бромметан-МВ ҳам киради).

2903.40 – Ёпиқ халқали галогенли углеводородларнинг 2 та ва ундан ортиқ галогенли ҳосилалари, (хамма ХФУ-CFC, галонлар, ГХФУ-НСFC, ГБФУ-НВFC).

2903.41-290345 субпозицияда ХФУ- CFC.

2903.41 – Трихлорметан (ХФУ-11)

2903.42 – Дихлордифторметан (ХФУ-12)
2903.43-Трихлортрифторэтан (ХФУ-113)
2903.44-Дихлортетрафторэтан (ХФУ-114 ва хлорпентафторэтан ХФУ-115).

2903.45-Галогенларнинг фақат фтор ва хлорли галоген ҳосилалари, Трихлорфторметан ХФУ-13,тетрахлордифторэтан ХФУ-122 ва бошқа ХФУ.

2903.46-Бромхлордифторметан,бромтрифторметан ва дибромтетрафторэтан (Галонлар 1211 ва 1311 ва 2402)

2903.49-Метан, этан ва пропан углеводородларининг фақат фтор ва хлорли галогенли хосилалари, (ГХФУ-НСFC)

Метан, этан ва пропан углеводородларининг фақат фтор ва бромли галогенли хосилалари, (ГБФУ-НВFC ва бромхлорметан).

38 гуруҳда бошқа кимёвий моддалар синфланади, буларга:

3824 –ёпиқ халқали углеводородларнинг галогенли 2 та ва ундоқ ортик галоген атомли хосилалари.

3824.71-ёпиқ халқали углеводородларнинг фақат хлор ва фторли хосилалари.(2903.41, 2903.45 позициядаги моддалар, хлорогентлар).

3824.79- галон аралашмали углеводородлар, (2903.46 –позициясида синфланган бошқа барча товарлар).

3824.90- ГХФУ, ГБФУ, метилхлоро-форм, тетрахлорметан ва метилбромли аралашмалар бошқа юқоридаги позицияларда синфланмаса.

Озон қатламини емирувчи моддаларнинг аралашмалари қуйидаги товар позициясида синфланиши мумкин:

38 08 – инсектицидлар ва уларга ўхшаш моддалар.

38.10- Заҳарли моддалар.

3813 – Ёнғинни ўчирувчи, кўпик ҳосил қилувчи моддалар.

3814 - Мураккаб органик эритувчилар.

3815 - Инициаторлар, катализаторлар ва ўстирувчи моддалар.

3822 – Мураккаб реагентлар.

Таркибида Озон қатламини емирувчи моддаларни тутган буюмларнинг ТИФ ТН бўйича синфланиши;

Кондиционерлар – 8415.10, 8415.20, 8415.81-83, ва уларнинг қисмлари 841590.

Холодильниклар, музлатгичлар, иссиқлик насослари- 8418, 8419.

Насослар – 8418, 8419.

Автомашиналар- 87 группа

Ўт ўчиргичлар - 842410

Изоляцияланган доска ва трубалар- 3917, 3920, 3921, 3925, 3926.

Пенопласт буюмлар- 3901-3911.

Аэрозоллар – 32, 33, 34 гуруҳларда синфланади.

Холодильниклар, музлатгичлар ва бошқа буюмлар

8418-холодильниклар, музлатгичлар ва бошқа буюмлар

8418.10 – алоҳида эшиги бор музлатгичлар
8418.21 – уй- хўжалик музлатгичлари, компрессорлар.
841822, 841829 – электрли ва бошқа музлатгичлар.
8418.30 – 800 литрдан кам бўлмаган ҳажмли музлатгичлар.
8418.40 - 900 литрдан кам бўлмаган ҳажмли музлатгичлар.
8418.50 – саноат музлатгичлари, мебелли, дўконларда ишлатиладиган музлатгичлар.
8418.61, 8418.69 – бошқа компресси ва совутгичли музлатгичлар.
8419.60- Сув музлатгичлар.

Ўт ўчиргичлар ва уларнинг зарядлари, (кўпик)

8424 – ўт ўчиргичлар;
8424.10 – ўт ўчиргичлар;
3813.00 - ўт ўчиргичларнинг таркиби ва заряди;
8451 Тозалаш машиналари;
8451.10 – куруқ тозалаш машиналари.

Транспорт воситалари

8701 – тракторлар;
8702-8703 – енгил автомашиналар;
8704 – юк автомашиналари;
8705 – махсус автомашиналар;
8708- автомашиналарнинг эҳтиёт қисмлари.

Кондиционерлар

8415.10- кондиционерлар, ойна ва иморатларнинг корпусига қўйиладиган;
8415.20- транспорт воситаларига қўйиладиган кондиционерлар;
8415.81, 8415.82, 8415.83 - агрегатлар, иссиқ-совуқ системалар ўрнатилганлари.
8415.90 – бошқа кондиционерлар.

Компрессорлар

8414.30 – ҳаво билан ишлайдиган насослар ва компрессорлар;
8418.61, 8418.69-конденсат ўрнатилган компрессорлар ва бошқалар...

Аэрозоллар

3207- Бўёқ ва лаклар;
3208- сувда эрийдиган бўёқ ва лаклар;
3209-бошқа бўёқ ва лаклар;
3212- пигментлар ва бошқа бўёқ моддалари;
3303- атир ва хушбўй парфюм (духи и туалетная вода);
3304- тери учун ишлатиладиган косметика ва парфюмериялар;
3305- соч учун ишлатиладиган воситалар ва буюмлар;
3306- тиш ювиш воситалари;
3307- дезодорант, парфюмерия, хушбўй ҳид таратадиган воситалар, соч ва соқол оладиган воситалар;
3402- ювиш воситалари;

3403- мойлаш воситалари;
3405,3406 – оёқ кийимларини мойлаш ва ювиш воситалари;
3808- инсектицидлар, фунгицидлар, гербицидлар;
3910- силиконлар;
9403- турли кўзни ачитиш газлари билан ишлайдиган куруллар.

Озон қатламини тиклашга Миллий даражадаги эътибор

Озон қатламини ҳимоя қилишнинг марказий уйи - «**Озон офиси**» – Ўзбекистонда 2001 йилда ташкил этилди – бу ташкилот Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси таркибида жойлашган бўлиб, озон қатламини емирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикасида ишлатилишини назорат қиладиган ва бошқарадиган ташкилот ҳисобланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озон қобиғини муҳофаза қилиш қўмитасининг дастури асосида, сайёрамиз озон қатламини ҳимоя қилишни амалга оширади. Бугунги кунда ушбу қўмита 72 та мамлакатни бирлаштирган.

Ўзбекистон Республикаси 1993 йил 18 май куни собиқ Совет Иттифоқи томонидан имзоланган 1985 йилдаги Озон қатламини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Вена конвенцияси ҳамда 1987 йилдаги Озон қатламини емирувчи моддалар бўйича Монреаль Протоколига нисбатан ўз иштироки ўтишини тасдиқлади ва мазкур ҳужжатларга қўшилишдан келиб чиқадиган мажбуриятларни ўз зиммасига олди. 1998 йил 1 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Монреаль Протоколига Лондон ва Копенгаген тузатмаларини ратификация қилди. Ушбу тузатмалар 1998 йил 8 сентябрдан бошлаб кучга кирди ва озон қатламини ҳимоя қилиш борасида фаол ишлар олиб бормилмоқда.

Озон қобиғини ҳимоя қилувчи Миллий марказ уйининг вазифалари

1. Озон қатламини емирувчи моддалардан фойдаланишни камайтириш ва тўхтатишни бошқаради.
2. Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар билан, давлат ташкилотлари билан ахборот тизимини ўрнатади.
3. Озон қатламини емирувчи моддаларни назорат қилиш бўйича миллий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади ва такомиллаштиради.
4. БМТ нинг ЮНЕП дастури бўйича ҳисобот беради.
5. Божхона органлари ва назорат органлари ходимларини ўқитишни ва малакаларини оширишни ташкил этади.

Озон қатламининг емирилишини олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини таништириб боради.

Озон қатламини емирувчи моддаларни ишлатишни тугатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Миллий дастури

Ўзбекистон Республикаси Монреаль баённомаси билан назорат қилинадиган озон қатламини емирувчи кимёвий моддаларни ишлаб

чиқармайди, аммо тоза кимёвий модда сифатида ва уларнинг тайёр буюмларини четдан олиб келади.

Республикада яшовчи ҳар бир аҳолига нисбатан барча гуруҳлардаги моддалар – 0.011 кг тўғри келади. 1986 йилга нисбатан 1996 йилда назорат қилинадиган озон қатламини емирувчи моддаларни ишлатиш 85,6% га, яъни 7 марта камайган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг маълумотларига кўра, озон қатламини емирувчи моддалар, аралашмалар ва уларнинг буюмларининг асосий қисми Ўзбекистонга амалда Россиядан олиб келинади, қолган энг кам миқдори Украина, Қирғизистон, Латвия, Европа Иттифоқи, Яқин Шарқ ва Осиё давлатларига тўғри келади. Бу моддалар асосан музлатгич қурилмалари учун, транспорт саноатида, ҳаво-совутгичли кондиционерлар тизимида, косметика-парфюмериялар ҳамда кимё саноатларида турли эритувчилар сифатида ишлатилади.

1995 йилда дунё бўйича озон қатламини емирувчи 500 млн АҚШ долларига баҳоланган 16-38 тн моддалар (ХФУ) ишлаб чиқарилди. АҚШ бундай моддаларнинг ноқонуний сотилиши бўйича иккинчи ўринни эгаллайди.

Европа Иттифоқи давлатлари, АҚШ ва бошқа ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ноқонуний моддалар савдоси билан шуғулланади. Монреал баённомаси 5-моддасининг талабларига биноан айрим давлатларга моддаларни ишлаб чиқариш ва ишлатиш тўхтатилган ёки чекланган. Ушбу моддалар ўрнига бошқа моддаларни синтез қилиш ва янги технологияларни татбиқ этиш жуда кўп сарф-харажат талаб этади. Ноқонуний савдога қарши курашиш учун 2010 йилда барча ривожланган давлатларда моддаларни ишлатиш умуман тўхтатиш талаб этилади.

Озон қатламини емирувчи моддаларни ишлатишни босқичма-босқич тугатиш дастури

Ўзбекистон Республикаси Монреал баённомаси талабларини бажаришнинг зарур чора-тадбирларини ишлаб чиққан ва халқаро ташкилотлар билан бу борада яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Музлатгич ускуналарида озон қатламини емирувчи моддаларни, хладагентларни қайта-қайта ишлатиш ва бу музлатгич ускуналарни хладагентларсиз бошқа технологиялар асосида ишлатишлар режалаштирилган. Бундай моддаларни Республикага олиб келиш фақат махсус рухсатнома, лицензия асосида амалга оширилади ва уларга нисбатан божхона назорати кучайтирилган.

Озон қатламини емирувчи моддаларни ишлатишни тугатиш бўйича миллий дастур 4 та аниқ лойиҳани ўз ичига олади.

- 1- миллий дастурни ишлаб чиқиш, Хладагентларни ишлатишни бошқариш,
- 2- ХФУ қайта-қайта ишлашни амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиш.
- 3- Бу моддаларнинг олиб келинишини назорат қилиш.
- 4- Музлатгич ускуналари ва ҳаво кондиционерларида моддаларни ишлатиш бўйича ходимларни ўқитишни ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси 2002 йилдаёқ Монреал баённомасининг А ва В, МП иловаларида келтирилган моддаларни ишлатишни тугатди. ГХФУ ва метил бромни ва бошқа моддаларни тугатиш Монреал баённомасининг 5 моддасида келтирилган муддатларда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Монреал баённомаси талаблари бажарилишини назорат қилади, ташкилот ва корхоналарга ушбу лойиҳани бажаришда моддий ёрдам беради ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишни бошқаради.

Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси барча ташкилот ва корхоналар томонидан Монреал баённомаси талаблари бажарилишини назорат қилади, бошқаради, экспорт-импорт қилинаётган моддалар учун рухсатнома беради, (транзитдан ташқари) Озон қатламининг емирилишини ҳимоя қилишнинг марказий уйи (Озоновый Офис) фаолият кўрсатади, моддаларнинг истеъмоли ва ишлатилиши ҳақида маълумотлар тўплайди, «ЮНЕП» дастурининг бажарилишини бошқаради, ажратилган махсус фондлар тақсимотини олиб боради ва уларни бошқаради, ўз навбатида «ЮНЕП» котибиятига ҳисоботлар юборади.

Давлат божхона қўмитаси – моддаларнинг экспорт ва импорт қилинишини назорат қилади, ушбу моддалар буйича маълумотлар тўплайди ва ҳисобот тайёрлайди.

Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги шартномаларни рўйхатга олишда Монреал баённомаси талабларининг бажарилишининг назоратини олиб боради.

Макроиқтисод ва статистика вазирлиги давлат миқёсида озон қатламини емирувчи моддалар, аралашмалар ва уларнинг буюмлари ишлатилишининг ҳисоботини олиб боради.

Ушбу қарор билан ХФУ ва бошқа моддаларнинг Республика ҳудудига олиб келиниши махсус (квота) чеклаш асосида амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган эди. Ўзбекистон Республикасида 2 та “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш” ва “Табиатни муҳофаза қилиш” тўғрисидаги қонунлар мавжуд. “Табиатни муҳофаза қилиш” тўғрисидаги 1992 йил 09 январдаги 754-ХII сонли Қонуннинг 20 моддасида куйидагилар ёзиб қўйилган “Халқаро шартномаларга кўра вазирлик ва идоралар, корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар ва хусусий шахслар озон қатламига ёмон таъсир қилувчи кимёвий моддаларни ишлаб чиқариш ва ишлатишни қисқартириш, сўнгра эса тўхтатишга мажбурдирлар”.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 январдаги «Озон қатламини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома талабларини бажариш бўйича» 20–сонли қарорига биноан: 2000 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикасига моддаларни Вена конвенцияси ва Монреал баённомасини имзоламаган давлатлардан олиб келиш ҳамда бундай моддаларни Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш қарорининг 3- иловасига кўра тақиқланган.

Вена конвенцияси, Монреал баённомаси бўйича моддаларни Ўзбекистон Республикасига олиб келиш қарорнинг 4-иловасига биноан тақиқланган. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 январдаги 353-І сонли “Атмосфера хавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 19-моддасида “Озон емирувчи моддалар сақловчи моддалар тутувчи буюмларни эксплуатация қилувчи ва таъмирловчи идора ва корхоналар уларнинг ҳисобини юритиш ва озон хавфсиз моддалар билан алмаштиришлари зарур” деб кўрсатилган.

Шунингдек, озонни бузувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш миллий дастурини амалга оширишга йўналтирилган Озонни бузувчи моддаларни ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришни ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишни такомиллаштириш ва давлат томонидан бошқариш чора-тадбирларини тартибга солиш мақсадида, шунингдек Товарларни тавсифлаш ва кодлаштиришнинг уйғунлаштирилган тизимида асосланган Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2005 йил 11 ноябрда «Озонни бузувчи моддаларни ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришни ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишни тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида»ги 247-сонли қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор, 6 та иловадан ташкил топган бўлиб, унга кўра қуйидагилар амалга оширилди, биринчидан:

Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан бериладиган рухсатномалар бўйича амалга ошириладиган Озонни бузувчи моддалар рўйхати тасдиқланди.

Иккинчидан:

Агар таркибида озонни бузувчи моддалар бўлса Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан бериладиган рухсатномалар бўйича амалга ошириладиган маҳсулотлар рўйхати тасдиқланди.

Учинчидан:

Озонни бузувчи моддаларни ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Тўртинчидан:

2005-2030 йиллар даврида озонни бузувчи моддаларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришга квоталар тасдиқланди.

Бешинчидан:

1985 йилги Озон қатламини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Вена конвенцияси ва 1987 йилги Озон қатламини бузувчи моддалар бўйича Монреал протоколи томонлари ҳисобланган мамлакатлардан озонни бузувчи моддаларни;

хамда мазкур қарорга 1 ва 5-иловаларнинг А рўйхати I гуруҳида кўрсатилган озонни бузувчи моддалардан фойдаланиладиган совутгич ускуналари ва ҳаво ҳароратини бирхиллаштирувчи қурилмаларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тақиқланди.

Олтинчидан:

Вазирлар Маҳкамасининг "Озон қатламини ҳимоя қилиш соҳасидаги шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш чора-тадбирлари тўғрисида" 2000 йил 24 январдаги 20-сон қарорига ўзгартиришлар киритилди. (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг 2000 йил 04\16-105-сонли топшириқ хатига биноан божхона назоратидан ўтказилади).

Бизнинг энг муҳим вазифаларимиздан бири, сайёрамиз озон қатламини емирувчи кимёвий моддалардан ҳимоя қилиш ҳисобланади, бу борада ҳар биримиз, аниқ режа ва дастур асосида иш юритмасак, озон қатламини ҳимоя қилишда бевосита қатнашмасак, бунинг салбий таъсирини ҳар биримиз ўзимизда яққол сезамиз.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ ВА ТОПШИРИҚЛАР;

1. Озон қатламини емирувчи моддалар, турлари ва уларни аниқлаш усулларини гапириб беринг.
2. Ўзбекистон Республикасида Озон қатламини емирувчи моддаларнинг ишлатилишини назорат қиладиган ва бошқарадиган ташкилотни айтинг.
3. Озон қатламини емирувчи моддалар бўйича имзоланган халқаро шартномаларни шарҳлаб беринг.
4. Озон қатламини емирувчи моддаларнинг божхона назоратини амалга оширишда божхона органи бошқа назорат органлари ҳамкорлиги тўғрисида гапириб беринг.
5. Озон қатламини емирувчи моддаларни аниқлаш ва божхона расмийлаштирувини амалга оширишда божхона ходимларининг вазифаларини шарҳлаб беринг.
6. Озон қобиғини ҳимоя қилувчи Миллий марказ уйининг вазифалари нимадан иборат.
7. Ривожланган давлатларда озон қатламини емирувчи моддаларни ишлаб чиқаришнинг тўхтатилиши қачонга режалаштирилган.
8. Озон қатламини емирувчи моддалар ноқонуний айланишининг олдини олиш йўллари шарҳлаб беринг.
9. Монреал баённомаси бўйича назорат қилинадиган озон қатламини емирувчи моддалар ва уларнинг аралашмаларини шарҳлаб беринг.
10. Озон қатламини емирувчи моддаларни тутган буюмларни аниқлашни шарҳлаб беринг.
11. Озон қатламини емирувчи моддаларни тутган буюмларнинг товар ёрлиғи орқали аниқлашни шарҳлаб беринг.
12. Озон қатламини емирувчи моддаларни товар ҳужжатлари орқали аниқлашни шарҳлаб беринг.
13. Озон қатламини емирувчи моддалар ва таркибида улар мавжуд бўлган буюмларни ТИФ ТН бўйича таснифланишини тушунтиринг.

18- БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИНИ КАРАНТИНДАГИ ЗАРАРКУНАНДАЛАР, ЎСИМЛИК КАСАЛЛИКЛАРИ ВА БЕГОНА ЎТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Режа:

1. Асосий тушунча ва атамалар.
2. Ўзбекистон Республикасида карантин назоратини олиб боришнинг ҳуқуқий асослари.
3. Ўсимликлар карантини давлат инспекторларининг ҳуқуқлари.
4. Карантин назорати ўтказилиши зарур бўлган ўсимлик материаллар.
5. Карантин тадбирлари.
6. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг карантин текшируви ва экспертизасида намуналарни танлаш усуллари.
7. Ўсимликлар карантинида қўлланиладиган илмий-тадқиқот усуллари.
8. Карантин лаборатория экспертизаси.
9. Ўзбекистон Республикасига карантин назоратидаги материалларни олиб кириш бўйича карантин қоидалари.
10. Республикага олиб кириладиган карантин назоратидаги материаллар ва транспорт воситаларини фитосанитар назоратидан ўтказиш тартиби.
11. Карантин назоратидаги материаллар транзитининг карантин тартиби.
12. Карантин остидаги материаллар ва улар билан зарарланган транспорт воситаларини зарарсизлантириш ва тозалаш тартиби.
13. Карантин назоратидаги импорт ва транзит материалларга доир ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби.
14. Республика ҳудудидан карантин назоратидаги материалларни олиб чиқиш бўйича карантин талаблари.

Республика ривожланишининг ҳозирги даврида хориждан юртимизга саноат хом ашёлари, турли ўсимлик, ўсимлик маҳсулотлари, кўчатлар, уруғлар келтирилишини сони ортиб кетди. Бу маҳсулотлар карантин ҳолати яхши ўрганилмаган давлатлардан келтирилганлигидан турли хилдаги, бизда учрамайдиган карантин объектларини бизга кириб келиш хавфи туғилмоқда.

Бу зарарли организмларни ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг мамлакат ҳудудига кирибмаслиги Республика Бош Давлат карантин инспекциясининг мутахассислари, шунингдек божхона ходимларининг вазифаси ҳисобланади.

Асосий тушунча ва атамалар

бегона ўтлар - биологик ва экологик жиҳатдан маданий ўсимликлар орасида ўсиб кўпайишга мослашган, ҳосилни ҳамда маҳсулот сифатини пасайтирувчи ёввойи ёки ярим хонаки ўсимликлар;

зараркунандалар - қишлоқ хўжалик ўсимликларига ва уларнинг ҳосилига зарар етказадиган жониворлар ва ҳашаротлар;

ўсимликлар карантини - Республиканинг ўсимлик бойликларига жиддий зарар етказиши мумкин бўлган хавфли зараркунандалар, бегона ўтлар, турли хил ўсимликлар касалликлари ва бошқа карантин остидаги материаллар

олиб келиниши ва тарқалишининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган давлат тадбирлари тизими;

карантин объекти (карантиндаги организм) - ўсимликлар ҳамда ўсимлик маҳсулотларига катта зиён етказиши мумкин бўлган зараркунандалар, ўсимлик касалликларини қўзғатувчилар ёки бегона ўт тури;

карантин остидаги ҳудуд - карантин объектининг ёйилишига йўл қўймаслик юзасидан тадбирлар ўтказилаётган ҳудуд;

карантин назоратидаги материал - ўсимликлар, ўсимликларнинг мевалари ва уруғлари, ўсимликларнинг қисмлари, техник экинларнинг толалари, ун, ёрма ва шу каби қайта ишлаш маҳсулотлари, карантин объектларини олиб ўтувчи бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган маҳсулотлар ва юклар;

карантин остидаги материал - карантин объекти билан зарарланган карантин назоратидаги материал;

карантин остидаги материалларнинг экспертизаси - карантин остидаги материаллар намуналарининг карантин ҳолатини татбиқ этиш, зарарли организмларнинг тур жиҳатдан ҳолатини аниқлаш;

карантин остидаги материаллар фумигацияси - зарарли организмларни йўқотиш мақсадида, карантин остидаги материаллар ва транспорт воситаларини захарловчи моддалар - фумигантларнинг буғлари ёки газлари билан зарарсизлантириш;

ўсимликлар карантини пункти - карантин остидаги импорт, экспорт ва транзит материаллари намуналарининг карантин текшируви ва экспертизаси, чет элдан келаётган транспорт воситаларининг текшируви амалга ошириладиган, шунингдек улар зарарсизлантириладиган жой;

ўсимлик карантини чегара пункти - дарё портлари, аэропортлар, темир йўл станциялари, бош почта алоқа тармоқлари ва уларнинг тизимларида, шосселар ва бошқа чегара зоналаридаги ўсимликлар карантини пункти;

карантин текшируви - экинлар, кўчатлар, ўрмон касалликлари ҳудудлари ва тупрокни уларнинг карантин ҳолатини аниқлаш учун текширувдан ўтказиш;

фитосанитар назорати - зарарли организмлар ва улар табиий кушандаларининг тарқалиши, шунингдек уларнинг ривожланиш суръати ва зарарлилик даражасини кузатиб бориш ҳамда аниқлаш;

интродукция-карантин кўчатхонаси - хориждан олиб келинаётган кўчатлар ва уруғлар карантин объектлари билан яширин зарарланган ёки зарарланмаганлигини аниқлашга мўлжалланган махсус кўчатхона;

фитосанитар сертификати - карантин назоратидаги материал карантин объектлари билан зарарланмаганлигини тасдиқлайдиган ҳамда материалнинг йўналиши, ташиш шартлари ва ушбу материалдан фойдаланиш шартлари, материалнинг идиши ва ўрамларини белгилайдиган ҳужжат;

импорт карантин рухсатномаси - ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматчиси томонидан белгиланадиган шартларда карантин назоратидаги материалларнинг республикага олиб кирилишига ёки унинг ҳудуди бўйлаб транзит олиб ўтилишига, Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси (кейинги ўринларда Инспекция деб юритилади) томонидан рухсат берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Ўзбекистон Республикасида карантин назоратини олиб боришнинг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимликлар карантини тўғрисида” 31.08.1995 йилда қабул қилинган 113-1 сонли Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини давлат инспекциясини Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини Бош давлат инспекциясига айлантириш тўғрисида" 1995 йил 5 декабрдаги 449-сон қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 31 январда 1764-рақам билан рўйхатга олинган, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2007 йил 10 декабрдаги 213-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудини карантиндаги зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлардан муҳофаза қилиш қоидалари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» ги буйруқларига (Давлат божхона кўмитаси 2008 йил 14 февралдаги 7-сонли кўрсатма билан маълумот ва ижро учун қабул қилинган) асосан республикамизнинг чегара масканларидан мамлакат ичкарасига кириб келаётган барча транспорт воситалари, халқаро алоқаларга хизмат қилувчи самолётлар, юк ва пассажир вагонлари, автомобиллар карантин назоратидан ўтказилиши шарт. (АВ 31.01.2008й. 1764-сон билан рўйхатга олинган Низомга қўйидаги меъёрий ҳужжат билан ўзгартиришлар киритилган; Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2011 йил 18 июлда январда 1764-1 рақам билан рўйхатга олинган, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2011 йил 24 июндаги 108-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудини карантиндаги зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлардан муҳофаза қилиш қоидалари тўғрисидаги Низомнинг 1-иловасига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»).

Мазкур Қонун ва қарорларга мувофиқ, республика ҳудудига чет мамлакатлардан кириб келиши мумкин бўлган карантиндаги ва бошқа хавфли зараркунандалардан, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлардан муҳофаза этиш, уларни вақтида аниқлаш, уларнинг тарқатилишига йўл қўймаслик ва уларни йўқ қилиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва бошқа ўсимлик маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, реализация қилиш ва улардан фойдаланишда ўсимликлар карантинига оид қоидалар ва тадбирларга риоя этилиши ҳамда уларнинг амалга оширилиши устидан давлат назоратини олиб бориш қоидаларини белгилайди.

Карантин кузатувининг вазифаси нафақат мамлакатимизга хориждан олиб келинаётган юкларда учрайдиган ҳашоаратлар, касалликлар ва бегона ўтлар

уруғларини аниқлаш, балки республикага кириб келаётган барча транспорт воситалари ва ундаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, хориждан жўнатилган юкларни, почта жўнатмаларини, йўловчиларнинг қўл юкларини ҳам карантин назоратдан ўтказишдир.

Ўсимликлар карантини давлат инспекторларининг ҳуқуқлари

Ўзбекистон Республикасининг "Ўсимликлар карантини тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддасида белгиланган қуйидаги ҳуқуқларга эга.

Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекциясининг бошлиғи - Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспектори, унинг ўринбосарлари эса Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекторининг ўринбосарлари ҳисобланадилар.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекцияларининг бошлиқлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини бош давлат инспекторлари, уларнинг ўринбосарлари эса - тегишинча вилоят ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини бош давлат инспекторларининг ўринбосарлари ҳисобланадилар.

Туманлар ва шаҳарлар ўсимликлар карантини давлат инспекцияларининг бошлиқлари туман ва шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекторлари ҳисобланадилар.

Темирўл станцияларидаги, аэропортлардаги, дарё портларидаги, почтамтлардаги, шосселардаги ўсимликлар карантини чегара пунктларининг мудирлари ҳам ўсимликлар карантини давлат инспекторлари ҳисобланадилар.

Ўсимликлар карантини давлат инспектори қуйидаги ҳуқуқларга эга:

темирўл станциялари ва автовокзаллар (автостанциялар), аэропортлар, дарё портлари (пристанлари), почтамтлар, омборлар, тегирмонлар ҳудудига, пассажир ва юк вагонларига, самолётларга, дарё флоти кемаларига, кўргазмалар, ботаника боғлари, илмий-тадқиқот институтлари, тажриба станциялари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳудудларига, фуқароларнинг томорқа участкаларига, шунингдек уруғлар, ўсимликлар ва ўсимлик маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва реализация қилиш билан шуғулланувчи корхоналарга монеликсиз кириш;

лаборатория экспертизалари ўтказиш учун уруғлардан, ўсимликлардан ва ўсимлик маҳсулотларидан намуналар олиш. Карантиндаги ва бошқа хавфли зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлар аниқланган тақдирда маҳсулотларни олиб чиқиб кетиб, улардан фойдаланишни чеклаш ва карантин тадбирлари тизимини бажариш юзасидан керакли топшириқлар бериш;

карантин ўрнатилган ҳудудлардан карантин сертификатларисиз олиб чиқилган уруғларни, ўсимликларни ва ўсимлик маҳсулотларини ушлаш, олиб қўйиш, зарурат бўлса, олиб келинган жойига қайтариб юбориш;

божхоналар, темирйўл станциялари, автовокзаллар (автостанциялар), аэропортлар, дарё портлари (пристанлари), почтаамтлар ва бошқа ташкилотларнинг маъмуриятидан келаётган ва жўнатилаётган, ушбу Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ карантин тадбирлари қўлланиладиган юклар тўғрисида маълумотлар талаб қилиш, зарур бўлса, улар тасарруфидаги ҳудудда уруғларни, ўсимликларни ва ўсимлик маҳсулотларини кўздан кечириш ҳамда зарарсизлантириш учун транспорт воситалари, ёрдамчи ишчилар, хизмат бинолари ва ёрдамчи материаллар беришни талаб қилиш.

Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган ва унинг ташқарисига олиб чиқиладиган асосий карантин назоратидаги маҳсулотлар, юклар ва материаллар (товарлар) рўйхати «Ўзбекистон Республикаси ҳудудини карантиндаги зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлардан муҳофаза қилиш қоидалари тўғрисидаги Низомга илова қилинган (Низомнинг 1-илоvasи) ва у Низомнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Карантин назорати ўтказилиши зарур бўлган ўсимлик материаллар:

1. Етиштириш учун келаётган турли қишлоқ хўжалик экинларининг уруғлари, мевалари, манзарали ва ўрмон ўсимликларининг кўчатлари, қаламчалари, туганаклари, пиёзбошлари, илдизпоялари ва ҳ.к.
2. Ун, ёғ, кондитер саноатлари учун, пиво таёрлаш, ёғочни қайта ишлаш, чарм саноатлари учун келган хом ашёлар ва қуритилган доривор ўсимликлар.
3. Озиқ, овқат маҳсулотлари: мева, сабзавотлар, картошка, қуритилган мевалар, ёнғоқлар, нон ёпиш учун дон ва дуккакли экин маҳсулотлари самолётларда учаётган пассажирларнинг қўл юклари, айрим шахсларга жўнатиладиган халқаро почта посилкалари, кема командирларининг озиқ-овқат маҳсулотлари захиралари.

Илмий тадқиқот институтларига, ҳайвонат боғларига, цирк қафасларида хориждан жўнатилган ҳайвонлар, куш ва балиқлар учун омухта емлар, озуқалар ҳам экспертизадан ўтказилади.

Карантин тадбирлари

Ўзбекистон Республикасининг "Ўсимликлар карантини тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ, карантин тадбирлари қуйидагиларга тааллуқлидир:

Қишлоқ хўжалик экинлари, доривор, ўрмон ҳамда манзарали экинларнинг уруғлари ва кўчатларига, ўсимликлар ҳамда уларнинг қисмлари (қаламчаси, пиёзи, тугунаги, меваси ва бошқалар)га, шунингдек зараркунандаларни, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларни олиб ўтиши мумкин бўлган бошқа ҳар қандай ўсимлик маҳсулотларига;

тирик замбуруғлар, бактериялар, вируслар, нематодлар, каналар ва хашаротларга;

Ўсимлик касалликларини кўзгатувчи ҳашаротлар коллекциялари ва бу ҳашаротлар келтирадиган зарарларнинг намуналари, шунингдек гербарийлар ва уруғлар коллекцияларига;

карантин остида деб эълон қилинган чет мамлакатлардан ва республика ҳудудидан келаётган, зараркунандаларни, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларни олиб ўтиши мумкин бўлган қишлоқ хўжалик машиналари ва ерни ишлаш қуроллари, идишларнинг барча тури, айрим саноат моллари, ўров-қоплов воситалари ҳамда ўсимликдан тайёрланган маҳсулотлар, яхлит тошлар, тупроқ намуналари, транспорт воситаларига;

ўсимлик маҳсулотларини тайёрлайдиган, ғамлайдиган, қайта ишлайдиган ва реализация қиладиган корхоналар ҳамда ташкилотларнинг ҳудудлари ва бинолари, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ерлари, томорқа, якка тартибдаги ер участкалари ҳамда дала ҳовлилар, жамоа боғлари ва полизлари, қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланилмайдиган ерларга (йўллар, электр ўтказгичлар атрофидаги муҳофаза жойларига).

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини карантин текшируви ва экспертизасида намуналарни танлаш усуллари

Маҳсулотнинг карантин ҳолати, барча маҳсулотларни кўздан кечириш ва ундан олинган намуналарни экспертиза қилиш асосида аниқланади.

Намуналарни экспертиза қилиш зараркунандаларнинг, ўсимликларнинг ва бегона ўтларни турларини аниқлашга, карантин материалларнинг тўплари олинган намуналарнинг лаборатория таҳлили асосида амалга оширилади.

Баъзи бир карантин материалларини (чарм, жун, тўқима-толалар, маданий ўсимликларнинг толалари, қуруқ мевалар, таъм берувчилар, шунингдек, транспорт воситалари, идишлар, ўраб жойлаш воситалари) ташқи карантин текширувидан ўтказилади, қолган карантин материалларни текшириб кўриш ва экспертизадан ўтказилади.

Нуқтали намуна – бирлаштирилган намунани ҳосил қилиш учун, бир йўла тўпдан бир қанча жойидан олинган, карантин материалларнинг озгина миқдори. Нуқтали намуналар умумлаштириб бирлаштирилган намуналар ҳосил қилинади. Улардан олинган намуналар ўртача намуна дейилади. Бу лаборатория экспертизасини ўтказиш учун ажратилган, бирлаштирилган намунанинг қисми.

Уруғлик материаллардан намуналар танлаш.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг уруғлик материалларидан карантин текшируви ва экспертизаси учун нуқтали намуналарни, текширилаётган ҳар битта вагондан, кемадан, омбордан ва уюмдан олинади.


Йирик уруғли маданий ўсимликлардан олинган ҳар битта нуқтали намуна камида 20-25 г, майда уруғликлардан – камида 10 г миқдорда бўлиши керак. Ҳар битта нуқтали намунанинг массаси, буғдойнинг ҳар қайси 5 тоннасига, камида 100 г бўлиши керак.

Тўпдаги вагонларнинг (автомашиналарнинг) сони	Нуқтали намуналар олинаётган вагонларнинг (автомашиналарнинг) соли
5 тагача	Ҳар қайси вагондан
6 тадан 15 тагача	Ҳар қайси учинчисидан
15 тадан кўп	Ҳар қайси бешинчисидан

Автомашиналардаги уруғларнинг нуқтали намуналарини, ёйма юзасининг бешта нуқтасидан конусли шуп билан бурчакларидан ва марказдан (А нусхаси) олинади.

Ҳар битта кўрсатилган нуқталардан намуналарни учта қатламдан: устки қисмини-10 см чуқурликда, ўртачасини ва пасткисини, кузов тубидан 10-15 см масофада олинади.

Вагонга тўла ортилган юклардан нуқтали намуналарни, ҳар бир тонна уруғга, намуналарнинг умумий массаси камида 100 г ни ташкил қиладиган ҳисоб билан бир хил вақт оралиқларида, махсус ковш билан бутун кенглиги ва қалинлиги бўйича кесиш йўли билан, транспортёрдан тушаётган оқимдан олинади. Юк вагонга тўлиқ ортилмаганда, нуқтали намуналарни қуйидаги тарзда конусли шуп билан айнан вагоннинг ўзидан олинади; 16-20 т сиғимли вагонларда ёйма юзасининг бешта нуқтасидан (А-схемаси); икки ҳисса кўп юк кўтарувчанлик вагонларда 33-40 т ёйма юзасининг саккизта нуқтасидан (Б-схемаси); уч ҳисса кўп юк кўтарувчанлик вагонларда 60 т – ёйма юзасининг ўн та ҳиссасидан (В-схемаси), намуналар олинади.



Уруғлардан олингадиган нуқтали намуналарнинг умумий оғирлиги, иккита ўқли вагонда 2 кг га яқин ва тўртта ўқли вагонда 3-4,5 кг бўлиши керак.

Омборларда уруғларнинг юзасини ҳар қайсиси тахминан 20 м² бўлган секцияларга бўлинади. Ҳар бир секциялардан, вагонлардан нуқтали намуналарни олишга ўхшаб, нуқтали намуналарни бешта нуқтадан олинади (А схемаси). Донли экинлардан маккажўхори сўтаси билан бирга бўлса, танланган сўталарнинг умумий соли, ҳар қайси 15 тоннадан 30 донани ташкил қилиши керак.

Идишларда ташилаётган ёки сақланаётган уруғлардан намуналар олиш.

Қоплапга солинган майда уруғли ўсимликлардан нуқтали намуналар конусли шуп билан олинади.

Тўпдаги қопларнинг сони	Нуқтали намуналар олинадиган қопларнинг сони
10 тагача	Ҳар бир қопдан учтадан (тепаси, ўртаси, ва туби)
11 тадан 100 тагача	Ҳар бешинчи қопдан биттадан нуқтали намуна олинади.
101тадан 1000 тагача	Ҳар 10 қопдан биттадан нуқтали намуна олинади.
1000 тадан кўп	Ҳар 25 қопдан биттадан нуқтали намуна олинади

Кўчатлардан намуналарни танлаш.


Кўчатлик материалнинг тупидан, тупнинг ўлчамига боғлиқ ҳолда (кўчатлар, қаламчалар, илдизбачкилар, тўплар, пиёзбошлар, илдиз поялар) кўриб чиқилади:

500 тагача	Барча экиладиган материал
501тадан 3000 тагача	Ҳар бешинчиси
3001 тадан 10000 тагача	Ҳар йигирманчиси
10000 таданкўп	Ҳар юзинчиси

Қопларга жойланган (яшиқларга) пиёзбошдан нуқтали намуналарни, ҳар битта қопдан (яшиқдан) 80-100 граммдан, таранинг бутун чуқурлиги бўйича бир меъёрда, қўл билан олинади. Намуналар танланиши керак бўлган қопларнинг (яшиқларнинг) доналардаги сонини, тўпнинг катталигига қараб аниқланади.

Тўпдаги қопларнинг (яшиқларнинг) сони	Намуналар олинадиган қопларнинг (яшиқларнинг) сони
500 тагача	Ҳар йигирманчисидан
500 тадан 1000 тагача	Ҳар ўттизинчисидан
1000 тадан кўп	Ҳар қирқинчисидан

Ёйиб сақланаётган ёки транспортда ташилаётган уруғлик картошқадан нуқтали намуналарни, олдиндан тахминан 20 м² секцияларга бўлинган тўпдан, 11 та нуқтасидан олинади (Г схемаси), устидан ва 40 см чуқурликдан.



Карантин текширувида олинган намуналарга ёрлик ёзиш. Текширув вақтида олинган намуналарнинг ҳар бирига алоҳида ёрлик ёзиб, олинган

намуналарнинг ташқи кўринишини бузилишига йўл қўймаслик, намуналар бир – бирига зарар етказмаслиги керак.

Ёрлик матн оддий қаламда, аниқ, раво ёзилиши қисқартирилган сўзлар бўлмаслиги лозим. Ёрликда қуйидаги маълумотлар берилади: юк келатган мамлакат номи, юкнинг номи, текшириш жойи (кема, вагон, ташкилот оморхоналар номери), текшириш куни, инспекторнинг фамилияси. Ёзилган ёрлик намуна ичига қулай қилиб жойланиши керак. Агар намуналар карантин лабораториясида экспертизадан ўтиши лозим бўлса, “карантин лабораториясига карантин объектини аниқлаш учун” деб ёзиб қўйилади.

Намуналарни лабораторияга олиб келиш жараёнида қуйидагиларга эътибор бериш керак:

намуналар лабораторияда текшириш учун анализ олинган куни келтирилиши шарт;

қишда намуналарни лабораторияга олиб келиш жараёнида унинг музлаб қолмаслигига эришиш керак;

ёзда ҳашоратлардан олинган намуналар эфир таъсирида ҳаракатсизлантириб, олиб келиниши ва кейин текширилиши лозим.

Экспертиза учун дастлабки намунани тузиш.

Дастлабки намуналарни тузиш учун тўпдан олинган нуқтали намуналар кўздан кечирилади ва таққосланади. Олинган материал бир турда бўлганда, ҳамма нуқтали намуналарни силлик, тоза юзага (клёнка, қоғоз плёнка, брезент ва ҳ.к.) тўкилади ва зараркунандаларнинг, бегона ўсимликларнинг йирик уруғларининг мавжудлиги текширилади. Бирлаштирилган намунани текширишда аниқланган зараркунандаларни (тириги ва ўлиги), бегона ўсимликларнинг шикастланган уруғларини пробиркаларга ва целлофан қопчаларга солиб, ёрликлари билан ўртача намунага қўшиб қўйилади. Ҳамма нуқтали намуналарнинг йиғиндиси, бирлашган намунани ташкил қилади.

Ўсимликлар карантинида қўлланиладиган илмий тадқиқот усуллари:

1. Лаборатория усули – карантин лабораториясида қўлланилиб, карантин материалларини экспертиза қилади.
2. Вегетацион усул – интродукцион карантин питомник (ИКП) ва оранжереяларда карантин организмларнинг ўсимлик ичидаги яширин инфекциясини аниқлашда қўлланилади.
3. Дала тажрибалари – давлат нав синаш участкаларида, қишлоқ хўжалик экинзорларида зарарли организмларнинг тарқалишини олдини олиш ва уларга қарши кураш чораларини аниқлашда қўлланилади.

Карантин лаборатория экспертизаси.

Лаборатория анализини ўтказадиган лаборатория ходимлари тез ва сифатли ишлай оладиган, карантин объектининг ҳолати тўғрисидаги хулосани малакали тузадиган бўлиши керак.

Карантин текширувининг хулосаси икки, уч кунда, ўсимлик материалларига (кўчатлар, қаламчалар, туганаклар, гулларнинг пиёзбошлари) оид хулосалар бир кундан кейин берилиши лозим. Мураккаб экспертиза хулосалари эса узоғи билан бир ой муддат ичида берилиши шарт.

Лаборатория экспертизаси давомида транспорт воситалари тўхтаб қолмаслиги, савдо ва ишлаб чиқариш кархоналарининг иш жараёни бузилишига йўл қўймаслик керак. Ҳар бир анализ қилинаётган материалларнинг ўрам қоғозлари, ёрликлари бузилмаслиги, уларнинг чалкашиб кетмаслигига эришиш керак.

Карантин лаборатория экспертизаси ўтказилиш жараёнида олинган уруғ ва кўчат намуналарини стол устида назоратсиз қолдириш мумкин эмас. Битта намунани анализ қилиб тугатмасдан иккинчисини анализ қилишни бошлаш керак эмас. Бир вақтнинг ўзида бир неча намунани очиб ташламаслик керак. Анализ қилишга улгурмаган намуналар эртасига текширилиши учун ёпик шкафта, салқин жойда барча талаблар асосида сақланиши керак.

Лаборатория экспертизаси тугагандан кейин ҳар бир намунага қуйидаги маълумотлари мавжуд бўлган ёрлик ёзилади:

Экспертиза баённомасининг тартиб номери.

Материал келтирилган давлат номи.

Карантин объекти аниқланган жойи.

Карантин объекти аниқланган ўсимликнинг лотинча номи.

Ҳашарот, касаллик ва бегона ўт уруғи қандай ривожланиш ва босқичида аниқланган.

Ўсимликнинг қайси қисми зарарланган ёки касалланган.

Экспертиза ўтказган ходимнинг исми- фамилияси.

Экспертиза ўтказилган кун.

Экспертиза натижасида тур ва туркуми аниқланган объектларнинг лотинча номи ёзилади. Тури аниқланмаган объектлар туркумдан кейин “SP” деб ёзиб қўйилади.

Ўзбекистон Республикасига карантин назоратидаги материалларни олиб кириш бўйича карантин қоидалари

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига карантин остидаги материалларни олиб кириш ман этилади. Қонун билан истисно тариқасида рухсат этилганлар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикасига чет мамлакатлардан қуйидаги карантин остидаги материалларни олиб киришга истисно тариқасида рухсат берилади:

илмий мақсадлар учун уруғлик ва кўчат намуналарини, уруғлик ёки кўчат, улар етиштирилган мамлакат ҳудудидаги карантин ҳолатидан қатъи назар, интродукцион-карантин питомниклари ва оранжееяларнинг текширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлган ҳолларда;

қишлоқ хўжалик экинларининг уруғларини, бактерия, вирус, микроплазма ва бошқа айрим замбуруғ касалликларининг уруғ ва кўчатлари махсус

ажратилган интродукцион-карантин питомникларда давлат нав синаш участкаларида илмий-тадқиқотлар ўтказиш мақсадида;

карантин объектларининг, янги мева ва сабзавотларнинг товар партиялари қайта ишланган ҳолда озуқа ва ем-хашак мақсадларида фойдаланиш учун;

бегона ўтларнинг карантин турлари, шу жумладан, уларнинг ягона навлари озуқа, ем-хашак ва илмий мақсадлар учун олиб келинганда.

Чет мамлакатлардан республикага карантин назоратидаги материалларни олиб киришга:

Инспекция томонидан берилган импорт карантин рухсатномаси ҳамда экспорт қилаётган мамлакатнинг ўсимликлар карантини ва муҳофазаси бўйича давлат органлари берадиган фитосанитар сертификати ёки гувоҳномаси бўлган тақдирдагина йўл қўйилади. Ўсимликлар карантини ва муҳофазаси бўйича давлат органлари бўлмаган чет мамлакатдан карантин назоратидаги материалларни республикага олиб киришга Инспекция томонидан ҳар бир партиёга алоҳида ҳолда бериладиган импорт карантин рухсатномаси бўлган тақдирда йўл қўйилади.

Импорт карантин рухсатномаси юк олувчининг Инспекция номига ёзадиган аризасига мувофиқ берилади.

Ўзбекистон Республикасига импорт карантин рухсатномаларисиз товар олиб кирилишига товар жўнатаётган мамлакатнинг ўсимликлар карантини муҳофазаси давлат органлари томонидан берилган фитосанитар сертификатлари мавжуд бўлса ва Ўзбекистон карантин лабораторияси томонидан иккинчи марта кўздан кечирилиб, қайта назоратдан ўтказилганидан кейин рухсат этилади.

Халқаро кўрғазмалар учун юборилган карантин остидаги материаллар кўрғазмалар ўтказиладиган жойдаги ўсимликлар карантини бўйича чегара пунктларида фитосанитар назоратидан ўтказилиши лозим.

Агар кўрғазма экспонатлари орасида Ўзбекистон Республикасига олиб кирилиши тақиқланган ёки карантин остидаги материаллар билан зарарланган материаллар мавжудлиги аниқланса, бундай материаллар зудлик билан қайтариб юборилиши ёки олиб қўйиб, зарарсизлантирилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилиши тақиқланган ёхуд фитосанитар назорати ва назоратдан ўтказилмаган кўрғазма экспонатлари, шунингдек карантин остидаги маҳсулотлар, фитосанитар назоратидан ўтмаган тирик организмлар (ҳужайра, планктон, булдуруғ, парранда ва сут эмизувчилар тухумлари каби мавжудотлар) урчитиш манбалари ҳамда сувости ўсимликлари, илдизсимонлар оиласига мансуб ўсимликлар мевалари, уруғлари (кўчатлари)ни четдан олиб кириш аниқланган тақдирда Инспекция ва унинг ҳудудий тузилмалари ходимлари томонидан улар тўхтатиб қолинади ёки мутахассислар иштирокида зарарсизлантирилиб, бу ҳақда алоҳида далолатнома тузилади ва манфаатдор тарафларга маълум қилинади.

Чет мамлакатлардан республикага олиб кириладиган карантин назоратидаги материаллар республика ҳудудига келиб тушган жойларда

Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати инспекторлари томонидан мажбурий текширувдан ўтказилиши шарт.

Республика ҳудудидан олиб ўтилаётган, ичида карантин назоратидаги материаллар бўлган транзит юклар ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати органлари томонидан мажбурий текширувдан ўтказилиши зарур.

Карантин назоратидаги материаллар келтирилган жойда иккинчи маротаба ўсимликлар карантини давлат инспекторлари томонидан фитосанитар назоратидан ўтказилгандан кейин фойдаланишга тавсия этилади.

Карантин остидаги импорт материалларни олиб кириш, транзит қилиш ва улардан фойдаланиш импорт карантин рухсатномаларида белгиланган шартлар асосида амалга оширилади. Ўсимликлар карантини давлат инспекцияларининг розилигисиз жойларда карантин остидаги импорт материалларни бошқа ташкилотларга бериб юборилиши, бошқа ҳудуд ва бошқа минтақаларга жўнатилиши тақиқланади.

Ўсимликлар карантини қоидаларини мунтазам равишда бузувчи, Инспекция томонидан кўрсатилган карантин фитосанитар тадбирлари ижросини таъминламайдиган тадбиркорлик субъектларига карантин назоратидаги юклар ва материаллар олиб кириш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар бериш белгиланган тартибда тўхтатилади.

Республикага олиб кирилаётган карантин назоратидаги материаллар ва транспорт воситаларини фитосанитар назоратидан ўтказиш тартиби

Республика ҳудудига олиб кирилаётган карантин назоратидаги материаллар ва транспорт воситаларини фитосанитар назоратидан ўтказиш чегарадан ўтиш жойларида ташкил этилган ўсимликлар карантини чегара пунктлари томонидан амалга оширилади.

Республика ҳудудига олиб кирилаётган карантин назоратидаги материалларни фитосанитар назоратидан ўтказиш ўсимликлар карантини чегара пунктлари давлат инспекторлари томонидан юklarини туширишга қадар, шунингдек тушириш ва ортиш жараёнида амалга оширилади.

Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати инспекторлари бошқа мамлакатлардан республика ҳудудига кемалар, поездлар, самолётлар ва автотранспортлари орқали олиб кирилаётган карантин назоратидаги материалларни ҳамда почта жўнатмаларини қабул қилиб олишда бевосита иштирок этадилар.

Транспорт ёки юкнинг юзасида карантин остидаги материаллар йўқ бўлса, ўсимлик материалларининг фитосанитар ҳолатини аниқлаш учун ўсимликлар карантини чегара пункти давлат инспектори юк партияларидан белгиланган тартибда намуналарни танлаб олади ва назоратдан ўтказди.

Юк ва транспорт воситаларида карантин остидаги материаллар борлиги аниқланса, уларнинг намуналари тасдиқлаш учун карантин лабораториясига юборилади. Аниқланган карантин остидаги материаллар белгиланган тартибда зарарсизлантирилиши ёки юк жўнатувчига қайтариб юборилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг чегара пунктига етиб келган йўловчилар, кема командаларининг аъзолари, самолёт, поезд бригадалари ва автотранспорт экипажлари божхона декларациясини тўлдириш вақтида қўл юки ёки багаж(юкхона)да карантин назоратидаги материаллари бор-йўқлигини кўрсатишлари ва агар мавжуд бўлса, уларни фитосанитар назоратидан ўтказишлари шарт.

Вагонлар, трюмлар, автомашиналар, контейнерлар ва юк қўйиладиган жойларни (юкхонани) очиб кўриш ўсимликлар карантини чегара пункти давлат инспектори талабига биноан транспорт ташкилотларининг вакиллари, хайдовчилар ёки багаж(юкхона) эгалари билан биргаликда амалга оширилади.

Бошқа мамлакатлардан келган транспорт воситалари юк ва багаждан бўшатиладиганидан кейин чегара пунктлари транспорт ташкилотлари томонидан, юк олиб бориш мўлжалланган жойда эса юкни қабул қилиб олувчи томонидан тозаланиши лозим.

Карантин объекти борлиги аниқланса ёки борлиги гумон қилинса ўсимликлар карантини давлат инспектори кемаларни фумигацияга, вагонлар ва транспорт воситаларини эса, ювиш дезинфекция станцияларига жўнатиш тўғрисида кўрсатма беради.

Ўзбекистон ва чет эл транспорт воситаларидаги карантин объекти ёки бошқа хавфли зараркунандалар билан зарарланган озиқ-овқат захиралари давлат инспекторининг кўрсатмаларига биноан зарарсизлантирилиши ёки транспорт воситалари тўлиқ зарарсизлантирилгунга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиши вақтида омборхоналарда сўрғичлаб тамға босиб қўйилиши лозим.

Иккинчи марта фитосанитар назоратидан ўтказилганидан кейин, лаборатория экспертизаси учун зарурият бўлмаса карантин назоратидаги материаллар келиб тушган жойдаги ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан мазкур маҳсулотдан фойдаланиш шартлари тўғрисида хулоса чиқарилади ва ижро этилиши зарур бўлган фитосанитар тадбирлар белгиланади.

Карантин ва бошқа хавфли зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлар билан зарарланган карантин остидаги материалларга нисбатан зарарсизлантириш ва тозалашнинг самарали тадбирларини қўллашнинг имкони бўлмаса, улар белгиланган тартибда экспортёрга қайтарилиши ёки йўқ қилиниши лозим.

Уруғликлар ва кўчатлар солинган посилкалар ва бандероллар Ўзбекистон Республикасига етиб келганидан кейин фитосанитар назорати ва экспертизасидан ўтказилиши лозим. Чегара пунктнинг давлат инспектори томонидан посилкалар ва бандероллар кўздан кечирилганида, уларда карантин объекти борлиги гумон қилинса, улар назоратдан ўтказиш учун карантин лабораториясига топширилади.

Дипломатик, консуллик, савдо ваколатхоналари ва халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар томонидан карантин назоратидаги материалларни олиб киришнинг карантин тартиби.

Дипломатик ва ташқи савдо ташкилотларининг номига келиб тушган карантин назоратидаги материалларнинг товар намуналари умумий асосларда фитосанитар назоратидан ўтказилиши лозим.

Дипломатик, консуллик, давлат савдо вакиллари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган халқаро ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек имтиёзлар ва имунитетлардан фойдаланувчи шахслар давлат чегарасидан ўтиш вақтида ўсимликлар карантини чегара пунктининг давлат инспектори уларга Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган ўсимликлар карантинига доир қонун ҳужжатларини ҳамда карантин назоратидаги материалларни фитосанитар назоратидан ўтказилишини тушунтиради.

Дипломатик, консуллик, савдо ваколатхоналари ва Ўзбекистон ҳудудида жойлашган халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар учун юборилган карантин назоратидаги юклар унинг эгаси ёки вакили ва юк келиб тушган жойдаги божхона органи ходими назоратида экспертиза учун намуналар олган ҳолда, фитосанитар назоратидан ўтказилади. Мазкур юкларга уларни жўнатган мамлакатнинг карантин хизмати томонидан берилган фитосанитар сертификати илова қилинган бўлиши лозим.

Карантин объектлари мавжуд деган шубҳа туғилса, юк экспертиза учун карантин лабораториясига топширилади, башарти, карантин ва бошқа хавfli зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлар мавжудлиги аниқланса, уларни зарарсизлантириш ёки юк жўнатувчига қайтариб юборилиши лозим.

Бу ҳақда алоҳида далолатнома тузилиб, ўсимликлар карантини бўйича давлат инспектори манфаатдор тарафларга маълум қилади.

Чет давлатларнинг элчихоналари, миссиялари ёки дипломатик ва савдо ваколатхоналари номига келиб тушган уруғли, дуккакли ва цитрус ўсимликлар фитосанитар назоратидан ўтказилиб, доналаб тозаланган, шунингдек лаборатория экспертизасидан ўтказилгандан кейин соф мевалари, башарти, карантин остидаги материаллар мавжуд бўлмаса, зарарсизлантирилмаган ҳолда олиб кирилиши ва улардан озиқ-овқат сифатида фойдаланишга йўл қўйилиши мумкин.

Карантин назоратидаги материаллар транзитининг карантин тартиби

Карантин назоратидаги материаллар транзит тарзида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ёпиқ ёки изотермик, ташишга яроқли ва пломбаланган вагонларда, автофургонларда, авторефрежератор ёки контейнерларда ҳамда "Божхона транзит режими тўғрисида"ги Низом (1998 йил 23 декабрь, рўйхат рақами 577) талабларини инобатга олган ҳолда ташиб ўтилади.

Ушбу қоидалар бузилган тақдирда транзит тарзида ташишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида транзит тарзда олиб ўтиладиган карантин назоратидаги материаллар Ўзбекистон чегара пунктларида фитосанитар назоратидан ўтказилиши лозим.

Карантин назоратидаги материалларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан транзит тарзида олиб ўтиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

уруғликлар, кўчатлар, мевалар, сабзавотлар, ёғоч материаллари карантин назоратидаги бошқа маҳсулотларнинг товар партиялари Инспекция томонидан транзит учун бериладиган рухсатномаларда белгиланадиган шартлар асосида (транзит юкларига экспортёр мамлакатнинг фитосанитар сертификати илова қилинган бўлиши лозим);

почта орқали, йўловчиларнинг бағаж(юкхона) ва қўл юки ичида келтирилган уруғликлар, янги мевалар, сабзавотлар ва карантин назоратидаги бошқа маҳсулотлар ўсимликлар карантини бўйича чегара пункти давлат инспекторининг фитосанитар назоратидан ўтказилганидан кейин олиб киришга рухсат этилади.

Карантин остидаги материаллар ва улар билан зарарланган транспорт воситаларини зарарсизлантириш ва тозалаш тартиби

Карантин остидаги материаллар ва бошқа хавфли ўсимлик зараркунандалари билан зарарланган барча импорт юклар Ўзбекистон Республикасига олиб кирилиши вақтида чегара пунктларида зарарсизлантирилиши, қайтариб юборилиши ёхуд йўқ қилиниши ва бу ҳақда алоҳида далолатнома расмийлаштирилиб, манфаатдор тарафларга маълум қилиниши лозим.

Карантин остидаги материаллар ташиб бўлинганидан кейин барча турдаги транспорт воситалари тозаланиши ҳамда белгиланган тартибда зарарсизлантирилиши лозим.

Транспорт воситаларини чегара пунктида ёки реализация пунктида карантин остидаги материаллардан зарарсизлантириш зарурияти ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан аниқланади. Юк қабул қилиб олувчилар ёки транспорт ташкилотлари чегара пункти давлат инспекторининг кўрсатмаси асосида ўсимликлар карантини бўйича тегишли давлат инспекцияларининг махсус фумигация отрядларига зарарсизлантириш тадбирлари ўтказиш тўғрисида талабнома берадилар.

Фумигация камералари, штабеллар, кемаларнинг трюмлари ва бағаж (юкхона)ларида, вагонлар ва контейнерларда ҳамда транспортнинг бошқа турларида карантин остидаги материаллар ва хавфли зараркунандалар билан зарарланган материал (товар юк)ларни зарарсизлантириш бўйича ишлар чегара пунктларида ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматининг махсус фумигация отрядлари томонидан амалга оширилади.

Кемалар ва баржалар, вагонлар, контейнерлар, автотранспорт ва юкларни зарарсизлантириш бўйича ишларни олиб бориш учун транспорт ташкилотлари ва юк қабул қилиб олувчилар томонидан зарарсизлантириш технологияси ва техника хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган махсус жиҳозланган бандаргоҳлар, майдонлар ва бинолар ажратилади. Транспорт воситалари ва юкларни фумигация ҳамда дегазацияга тайёрлаш бўйича ишлар фумигация отрядлари мутахассисларининг иштирокида транспорт ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Карантин назоратидаги материаллар чет эллардан зарарсизлантирилган ҳолда жўнатилганда, улар Ўзбекистон Республикаси чегара пунктларида фумигация отрядлари томонидан тўғри дегазация қилинганлиги текширилади.

Цитрус ўсимликлар меваларини рефрежерация қилиш ва уларни музлатгич камераларда зарарсизлантириш ўсимликлар карантини давлат инспектори назорати остида юкни қабул қилиб олувчилар томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Зарарланган карантин остидаги материалларни дегазация, фумигация, рефрежерация қилиш ёки бошқа усулларда зарарсизлантириш (тозалаш, қайтариб юбориш ёки бошқа манзилга жўнатиш, йўқ қилиб юбориш), юкларни, багаж(юкхона)ларни посилкаларни очиш ёки ўрамлаш, уларни зарарсизлантириш жойларига олиб бориш ва у ердан қайтариб олиб келиш билан боғлиқ харажатлар юкларни қабул қилиб олувчилар ҳисобидан қопланади.

Карантин назоратидаги импорт ва транзит материалларга доир ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби.

Импорт материалларга карантин рухсатномасини олиш учун импорт қилаётган ташкилотлар ҳужжатларни расмийлаштиришга камида 30 кун қолганида Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекциясига ариза беришлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекциясига тақдим этиладиган аризада қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим:

Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ёки унинг ҳудудидан транзит тарзида олиб ўтиш мўлжалланган карантин назоратидаги материалларнинг номи ва миқдори (ҳар бир тури бўйича алоҳида);

материаллар жўнатиладиган ва улардан фойдаланиладиган жой (манзил, транзит тарзидаги юклар учун эса йўналиш ва жўнатилаётган мамлакат);

транзит тарзидаги карантин назоратидаги импорт материалларни олиши мўлжалланаётган мамлакат, шунингдек мазкур материаллар етиштирилган мамлакат номи;

карантин назоратидаги материаллар етиб келишининг ёки транзит тарзида ташиб ўтилиши мўлжалланаётган муддатлар;

мазкур юклар олиб кириладиган ва олиб чиқиб кетиладиган Ўзбекистон Республикасидаги чегара пунктининг (порт, бандаргоҳ, темир йўл станцияси, аэропорт, автостанция ва шу кабилар) номи.

Карантин назоратидаги импорт материаллар учун рухсатнома бериш сўралган аризада импортёр ўсимликлар карантини бўйича давлат инспекцияси томонидан белгиланган карантин шартлари ва тадбирларини ўз ҳисобидан ва ўз кучи билан бажаришини таъминлаш кафолатини зиммасига олиши шарт.

Карантин назоратидаги материалларни олиб келиш тўғрисида биринчи маротаба ариза берилганда, аризага тегишли давлат рўйхатидан ўтказилганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси илова қилинади.

Почта жўнатмаларида йўловчиларнинг ёки кемалар, самолётлар экипажларининг аъзолари ёхуд поезд бригадаси аъзоларининг багада, қўл юкида Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тақиқланган карантин остидаги материаллар мавжуд эканлиги маълум бўлиб қолса, ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан мазкур маҳсулотлар олиб қўйилиши ва юк эгалари иштирокида йўқ қилиб юборилиши ёки зарарсизлантирилиши лозим.

Илмий аҳамиятга эга бўлган уруғликлар ва кўчатларда карантин объектлари борлиги гумон қилинганда, уларнинг эгалари розилиги билан интродукцион-карантин кўчатхоналарига топширилиши мумкин.

Йўловчилардан карантин остидаги материаллар (қўл юки ва багаж) олиб қўйилганда, бу ҳақда ўсимликлар карантини давлат инспектори икки нусхада далолатнома тузади ва унинг бир нусхаси материал эгасига топширилади.

Импорт уруғликлар, кўчатлар вас бошқа карантин назоратидаги импорт материаллар чегара пунктларидан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларига транспортировка қилинганда ёки юкни қабул қилиб олувчилар турлича бўлганда ўсимликлар карантини давлат инспектори ҳар бир ҳолда алоҳида белгиланган шаклдаги фитосанитар сертификатини (мазкур Низомнинг 4-иловаси) беради. Сертификатнинг биринчи ва иккинчи нусхалари транспорт хужжатларига илова қилинади.

Карантин фитосанитар сертификати ҳар бир транспорт бирлиги учун алоҳида берилди.

Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган карантин назоратидаги материаллар ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан фитосанитар сертификати бор-йўқлиги текширилган ҳолда карантин назоратидан ўтказилади.

Зарарсизлантирилган карантин остидаги материалларга берилган карантин сертификатида зарарсизлантириш ўтказилган жой, соат, маҳсулот қандай усул билан зарарсизлантирилганлиги, унинг миқдори, экспозицияси, грамм нормаси ва зарарсизлантириш ўтказилган сана кўрсатилиши лозим.

Карантин назоратидаги материалларни дарё портлари, аэропортлар, темир йўл ва автомобиль станциялари, алоқа корхоналари ва бошқа чегара пунктлари орқали мамлакат ичкарисига олиб кирилишига импорт қилаётган давлатнинг

ваколатли органи томонидан бериладиган фитосанитар сертификати мавжуд бўлганда йўл қўйилади.

Чет мамлакатлардан келтирилган карантин назоратидаги юкларни карантин шартларига биноан бошқа муассаса, ташкилот ёки минтақага жўнатиб юбориш лозим бўлса, мазкур юкларни бошқа манзилга жўнатиш, Инспекция рухсати билан тегишли ўсимликлар карантини давлат инспекцияси кўрсатмасига биноан алоқа корхоналарининг, аэропортлар, темир йўллар ва автостанциялар ҳамда бошқа транспорт ташкилотларининг маъмурияти томонидан юклар ва материалларни қабул қилиб олувчи ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан карантин назоратидаги материалларни олиб чиқиш бўйича карантин талаблари

Ўзбекистон Республикасидан чет мамлакатларга олиб чиқиладиган карантин назоратидаги материаллар Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар ўртасида ўсимликлар карантини бўйича тузилган конвенциялар ва халқаро битимларда, шунингдек савдо шартномаларида, контрактларда ва импорт қилаётган мамлакатнинг қўшимча талабларида назарда тутилган фитосанитар шартларга жавоб берадиган бўлиши лозим.

Илмий-тадқиқот муассасалари ва қишлоқ хўжалиги экинларининг навларини синаш давлат комиссияси томонидан чет мамлакатларга юбориладиган уруғликлар ва кўчатлар улар етиштирилган жойларда карантин экспертизасидан ўтказилиб, уларга фитосанитар сертификати илова қилинади.

Фитосанитар сертификати импортёр мамлакатлар билан ўсимликлар карантини бўйича тузилган битимлар ва халқаро конвенцияларда назарда тутилган, шунингдек импортёрларнинг қўшимча равишдаги фитосанитар талабларида кўрсатилган талабларга мувофиқ, карантин назоратидаги материалда зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлар йўқ эканлигини тасдиқлаши лозим.

Фитосанитар сертификатида юкни зарарсизлантириш ва бундай материалларни етказиб бериш бўйича қўшимча фитосанитар талаблар бажарилганлиги тўғрисида маълумотлар кўрсатилади, башарти, бу нарса импортёр томонидан ёки шартномада назарда тутилган бўлса, ўсимликларнинг ботаник номи лотинча ёзилади.

Фитосанитар сертификати юк олиб чиқиб кетаётган ҳар бир транспорт бирлигига (вагон, автомашина, кема, баржа ва бошқалар) ёки ҳар бир партиёга юкни жўнатишга кўпи билан ўн беш кун қолганида берилди ва бошқа ҳужжатлар билан биргаликда юкни қабул қилиб олувчи номига жўнатилади. Фитосанитар сертификати муҳр билан тасдиқланади.

Экспорт қилинаётган юклар дастлаб жўнатилаётган жойларда, сўнгра қайта юклаш (экспорт партиясини шакллантириш) вақтида дарё портлари, темир йўл станциялари ва бошқа чегара пунктларида фитосанитар назоратидан ўтказилади.

Чегара пунктида қайта юкланмаган ҳолда экспорт қилинганида юк жўнатилган жойдан берилган фитосанитар сертификати қай даражада тўғри расмийлаштирилганлиги текширилади.

Фитосанитар сертификати икки нусхада тузилиб, биринчи нусхаси юк жўнатувчига берилади, иккинчи нусхаси эса, чегара пункти ёки тегишли давлат инспекциясида ҳисобот учун қолдирилади.

Карантин назоратидаги материаллар қайта экспорт қилинаётганда уларга нисбатан барча карантин талаблари татбиқ этилади.

Карантин назоратидаги материалларни Республика ҳудудидан олиб чиқишга улар тайёрланган жойдаги тегишли ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан берилган карантин фитосанитар сертификати мавжуд бўлган ҳолларда йўл қўйилади.

Ўсимликлар карантини талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасида карантин назоратини олиб боришнинг ҳуқуқий асослари ҳақида маълумот беринг?
2. Ўсимликлар карантини давлат инспекторларининг ҳуқуқлари нималардан иборат?
3. Қайси ўсимлик материаллари карантин назоратидан ўтказилиши зарур?
4. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини карантин текшируви ва экспертизасида намуналар танлашнинг қандай усулларини биласиз?
5. Идишларда ташилаётган ёки сақланаётган уруғлардан ва кўчатлардан намуналар олиш қандай амалга оширилади.
6. Карантин текширувида олинган намуналарга ёрлик ёзиш тартиби тўғрисида гапиринг?
7. Ўсимликлар карантинида қандай илмий-тадқиқот усулларидан фойдаланилади?
8. Карантин лаборатория экспертизаси ҳақида гапиринг?
9. Ўзбекистон Республикасига карантин назоратидаги материалларни олиб кириш бўйича карантин қоидалари қандай амалга оширилади?
10. Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган карантин назоратидаги материаллар ва транспорт воситаларини фитосанитар назоратидан ўтказиш тартибини тушунтириб беринг?
11. Карантин назоратидаги материаллар транзитининг карантин тартиби тўғрисида гапириб беринг?
12. Карантин остидаги материаллар ва улар билан зарарланган транспорт воситаларини зарарсизлантириш ва тозалаш тартибини тушунтириб беринг?
13. Карантин назоратидаги импорт ва транзит материалларга доир ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби қандай амалга оширилади?
14. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан карантин назоратидаги материалларни олиб чиқиш бўйича карантин талаблари ҳақида маълумот беринг?

**IV БЎЛИМ. ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИ.
ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТДАН МУҲИМ БЎЛГАН ТОВАРЛАРНИНГ
БОЖХОНА ЭКСПЕРТИЗАСИ**

**19- БОБ. ГЎШТ-СУТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ БОЖХОНА
ЭКСПЕРТИЗАСИ**

Режа:

1. Гўшт ва гўшт маҳсулотларига умумий тушунчалар.
2. Сут ва сут маҳсулотларига умумий тушунчалар.
3. Гўшт ва сутни текшириш усуллари.
4. Тайёр гўшт-сут маҳсулотларининг сифати устидан тизимли комплекс назорат ўтказиш тартиби.
5. Давлат ветеринария хизмати.
6. Давлат ветеринария ва божхона хизматининг вазифалари.
7. Ҳайвонларнинг юқумли касалликлари тарқалганида карантин ёки чеклашлар.
8. Гўшт ва сут маҳсулотларини божхона экспертизаси орқали назорати.
9. Сотиш мумкин бўлмаган гўшт маҳсулотлари:
10. Санитария ва ветеринария-санитария хулосасини бериш тартиби.

Гўшт ва гўшт маҳсулотларига умумий тушунчалар

Гўшт - қимматли озиқ-овқат маҳсулоти, сўйилган ҳайвон нимтаси ёки нимтаннинг бир қисми

Гўшт – инсон истеъмол қиладиган озиқ–овқатдаги оқсилнинг асосий манбаи ҳисобланади. Гўштни тузилиши ва таъми, сифати ҳайвонлар тури, эти, жинси, ёши, боқиш ва сақлаш шароитларига боғлиқ. Ҳайвонларнинг турига қараб, мол, қорамол, қўй, от гўшти ва бошқаларга ажратилади. Қорамол, қўй, эчки гўшти сифати ва семиз- лигига қараб биринчи ва иккинчи тоифаларга бўлинади.

Гўшт маҳсулотлари - қиймаланган, қайнатиб пиширилган, ярим дудланган, қайнатиб пиширилиб дудланган, хом дудланган, ўпка-жигарли ва қон қўшилган колбасалар, гўшт нонлари, сосискалар, сарделькалар, дирилдоқлар, паштетлар, шунингдек чўчка, мол, қўй гўшtidан, парранда гўшти ва бошқа сўйилган жониворларнинг гўшtidан тайёрланган бошқа маҳсулотлар;

Сўйиладиган (сўқим) ҳайвонлар - қора моллар (шу жумладан қўтослар ва ёввойи хўкизлар), қўйлар, эчкилар, чўчкалар, отлар, туялар, қуёнлар, нутриялар, барча турдаги уй паррандалари;

Ветеринария - ҳайвонларни касалликлардан муҳофаза қилиш ҳамда уларни даволаш, ишлаб чиқариш ва аҳолининг юқори сифатли чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, одамларнинг ҳайвонга ҳам, инсонга ҳам хос касалликларга чалинишининг олдини олиш, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ветеринария-санитария муаммоларини ҳал

этишга доир давлат, жамоат, хўжалик ва махсус ветеринария тадбирлари мажмуидан иборатдир.

Санитария ва ветеринария-санитария хулосаси - бозорларда ва савдо шохобчаларида гўшт маҳсулотларини сотиш бўйича тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахсларга берилган хужжат.

Гўшт мушак тўқималарининг кимёвий таркиби (%): сув 72-75, оқсил 18-22, ёғ ва ёғсимон моддалар 0,5–3,5, азотли экстрактив моддалар 1-1,7, углеводлар 0,7–1,4, минерал моддалар 0,8-1,8. Гўштнинг сифат жихатдан энг муҳим қисми мушак тўқималари ҳисобланади. Гўштда унинг миқдори 40-70% га боради. Мушаклар оқсилларида ҳаётий зарур аминокислоталар бор. Мушак толаларидаги миоглобин оксиди гўштга қизил тус беради. Гўштнинг истеъмол қилинадиган қисмининг минерал таркиби (мг %): фосфор 180-230, калий 200-300, кальций 7-15, магний 17-25, темир 1,5–3,0 ва бошқалар. Гўшт таркибида яна турли хил кислоталар, витаминлар (РР, В1, В2, Е ва бошқалар) бўлади. Гўштнинг сақланиш муддатини узайтириш учун музлатилади, тузланади, дудланади.

Гўштнинг истеъмол қилинадиган қисми таркибий (% ҳисобида).

Хили	Сув	Оқсил	ёғ	углевод	1 кг гўшт-нинг ккал
Мол гўшти	72,2	18,9	12,4	0,06	2030
Қўй гўшти	51,1	16,3	15,3	-	1870
От гўшти	74,2	21,7	2,5	0,4	815
Товуқ гўшти	65,5	18,2	19,0	-	2410

Гўшт саноати.

Гўшт саноати – сўйилган молни комплекс тарзда қайта ишловчи саноат тармоғи, озиқ–овқат саноатининг муҳим соҳаси. Гўшт саноати корхоналарида қорамол, қўй-эчки, парранда, қуён ва бошқалар суйилиб, ундан гўшт олинади, гўшт консерваси, колбаса маҳсулотлари, айрим тайёр маҳсулотлар (котлет, чучвара, пазандачилик маҳсулотлари) тайёрланади. Шунингдек чорвага ем сифатида ишлатиладиган гўшт ва суюқ уни, қимматбаҳо тиббий препаратлар (инсулин, гепарин, липокаин ва бошқа), аминокислоталар, шунингдек, елим, парранда пари, желатин ишлаб чиқарилади. Гўшт саноатида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг хили 400 дан ошади.

Ўзбекистонда ҳам саноатнинг бу тармоғи асосан 30 йиллардан бошлаб шаклланди. Бунга қадар аҳолини гўшт билан майда ва тарқоқ қассобхона, ҳамда қушхоналар таъминлаб келган. От гўшtidан қазни, қорамол, қўй гўшtidан узок муддат сақланадиган қуритилган, қовурилган гўшт маҳсулотлари тайёрланган.

1929 йилда Тошкент гўшт комбинати ташкил этилади. 1932 йилда гўшт саноати республикада халқ хўжалиги режасига алоҳида саноат тармоғи сифатида киритилди. 1965 йилда республика гўшт ва сут саноати вазирлигининг

ташкил этилиши билан гўшт саноати корхоналари курилиши жадаллашди. Чирчиқ, Фарғона, Каттакўрғон, Самарқанд гўшт комбинатларида юқори кувватга эга бўлган колбаса цехлари курилди.

Республика мустақилликка эришгандан кейин бошқа соҳалардаги сингари гўшт саноати соҳасида ҳам чуқур ташкилий ва иқтисодий ислоҳатлар амалга оширилди, корхоналарнинг кўпчилиги давлат тасаруфидан чиқарилиб, акциядорлик жамиятига айлантирилди. Илгари тармоқ корхоналарига раҳбарлик қилган гўшт ва сут саноати вазирлиги тугатилиб. 1993 йил 6 апрелда «Ўзгўштсаноат» давлат акционерлик уюшмаси ташкил этилди. Ҳозирги кунгача Республикадаги жамоа хўжаликлари ва тадбиркорлар томондан замонавий технология ускуналари билан жиҳозланган гўшт ва колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кўплаб корхоналар курилди. Республика саноати ўзининг мустақил ва етарли хомашё базасига эга.

Сут ва сут маҳсулотларига умумий тушунчалар

Сут- одам ва сут эмизувчи ҳайвонларнинг лактация даврида сут безларида ишлаб чиқариладиган суюқлик, физиологик жиҳатдан янги туғилган наслни озиклантиришга мўлжалланган мураккаб кимёвий таркибга ва барча моддаларга эга. Таркибида сув, оксил, ёғ, минерал моддалар, витаминлар, ферментлар, гармонлар ва бошқа моддалар бор. Сут таркибида организмнинг нормал ўсиши ва ривожланиши учун зарур кўпгина озик моддаларнинг мақбул нисбатларда бўлиши уни қимматли озик-овқат маҳсулотига айлантиради.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари сути – қимматли озик-овқат маҳсулоти. Чорва ҳайвонлари сутидан сариеғ, сир, казеин, катик ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Сигир сути кўп истеъмол қилинади. Кўй, эчки, бия, туя ва кўтос, шимол буғуси ва бошқа ҳайвонлар сутидан ҳам фойдаланилади, ҳайвонлар сутининг таркиби уларнинг тури, ёши, озикланиши ва сақланиш шароитига, лактация даврига, йил мавсумига қараб ўзгариб туради.

Сут оксиллари, асосан, казеин, альбумин ва глобулиндан иборат. Ширдон ферменти ва кучсиз кислоталар таъсирида казеиннинг ивиш хусусиятидан творог, пишлок, казеин ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Альбумин ёш организмнинг ўсиш жараёнини таъминлашда, глобулин иммун таначаларининг пайдо бўлишида муҳим роль ўйнайди. Сут оксилларини организм яхши ўзлаштиради.

Сут ёғи кимёвий таркибига кўра глециридлар аралашмасидан иборат. Совиган сутда юзага кўтариладиган ёғ дончалари қаймоқни ҳосил қилади. Сут таркибидаги лактоза – дисахарид, соф оқ кристалл кукун, турли бижғиш жараёнларига осон киришади. Сутдаги минерал моддалар: микроэлементлар – кальций, фосфор, натрий, калий, олтингугурт, хлор, магний ва бошқалар.

Микроэлементлар – рух, мис, марганец, молибден, темир, кумуш ва бошқалар бор. Сут таркибида ферментлар (уларнинг энг муҳимлари - лактоза, пероксидаза, липаза, амилаза, фосфотаза, каталаза), гармонлар (окситоцин,

пролактин, тироксин, фолликулин, адреналин, инсулин ва бошқалар), касалликларга қарши иммунитет пайдо бўлишига ёрдам беради.

Янги соғилган сут таркибида антибактериал моддалар (лактаринлар) бўлгани учун у бактерицид хусусиятига эга. Янги соғилган сут бактерияга чидамлилигини 2-3 соат сақлайди, шунинг учун совутилгандан кейин сутни дархол 0 дан паст ҳароратгача совутилади, 4-6 да сутни икки сутка сақлаш мумкин.

Сутнинг кимёвий таркиби (%) ва калориялиги

Сут турлари	сув	Жами куруқ моддалар	Ёғ	Куруқ модда					
				Оқсиллар			Сут қанди	Минерал моддалар	Калорияси (1000 г-да ккал)
				Казеин	Глоб. Альб.	Жами			
Сигир сути	87,5	12,5	3,8	2,7	0,6	3,3	4,7	0,7	600
Буйвол сути	82,2	12,8	7,5	3,9	0,7	4,5	5,0	0,8	1100
Бия сути	89,9	10,3	1,8	1,1	1,0	2,1	6,7	0,3	520
Туя сути	86,4	13,6	4,5	2,6	0,9	3,5	4,9	0,7	760
Қўй сути	82,1	17,9	6,7	4,6	1,2	6,7	4,6	0,8	1090
Эчки сути	86,3	13,7	4,4	2,6	0,7	3,3	4,9	0,8	730
Буғу сути	63,3	36,7	22,5	-	-	10,3	2,5	1,4	2617
Қўтос сути	82,0	18,0	6,5	-	-	5,0	5,6	0,9	1049
Зебу сути	84,7	15,3	5,2	-	-	4,2	5,1	0,8	865

Сут саноати.

Сут саноати – сутдан турли сут маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган озиқ-овқат саноати тармоғи. Сут саноати таркибига сариёғ, сут, қатик, қаймоқ, сметана, куруқ сут, сут консервалари, пишлоқ (сир), творог, бринза, музқаймоқ, казеин ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар киради. Ўзбекистонда биринчи сут заводи 1928 йилда Тошкент шаҳрида ишга туширилган. 1940 йилга келиб республиканинг йирик шаҳарларда қурилган 13 та сут заводи ишлади (уларда 30,4 минг тонна сут қайта ишланган, асосан ёғи олинмаган сут-қатик маҳсулотлари, сариёғ ишлаб чиқарилган). 1974 йилда Тошкентда бир сменада 150 тонна сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган сут комбинати фойдаланишга топширилди.

90-йиллардан бошлаб сут саноати корхоналарини техник жихатдан қайта қурулантириш, хорижий технологиялар, қадоқлаш автоматлари билан жиҳозлаш амалга оширилди, чет эл фирмалари билан ҳамкорликда қаймоқ, казеин, йогурт каби маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган, қуввати 10 т/сутка бўлган 15 та мини заводлар барпо этилди, қўшма корхоналар қурилди.

«Бухоросут», «Фарғонасут» акциядорлик жамиятлари, Ўзбекистон – Британия кўшма корхонаси, «Бравосут» (Самарканд ш), Ўзбекистон «Нестле» (Наманган ш), Тошкент шаҳрида «Вим Билль Данн – Марказий Осиё» (Россия - Ўзбекистон) кўшма корхоналари шулар жумласидандир.

1993 йилда Республика гўшт ва сут саноати вазирлиги, қорамолларни бўрдоқига боқиш бирлашмалари негизида «Ўзгўштсутсаноат» бирлашмаси ташкил этилди. «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси таркибида 40 дан ортиқ сутни қайта ишлаш корхоналари ишлайди. Сут саноати корхоналари замонавий пастерлаш, стерилизациялаш, совутиш, буғлаш, маҳсулотни қадоқлаш усканалари билан жиҳозланган, авторефрежаторлар, сут ва бошқа маҳсулотларни ташийдиган автомобилларга эга.

Гўшт ва сут маҳсулотларини текшириш усуллари **Микроскопия анализ усули.**

Янги гўштни устки қаватида, қоида бўйича, бир мунча миқдордаги микроорганизмлар бўлади.

Гўштни янгилик даражасини, микроорганизмларнинг таркиби, уларни сони ва тўқима мушакларини изига қараб аниқлаш мумкин. Гўштни бузилиши микробларни сонини кўпайишига ва уларни турлари таркибини ўзгаришига олиб келади. Гўштни бузилишини бошланиш стадиясида, микроскоп майдонида кузатилганда, асосан кок формаси, чуқур ўзгаришларда эса таёкчали бактериялар учрайди. Бундан ташқари микроскопда кузатилаётган майдонда, гўштда, қоронғи бинафша рангли, граммусбат ва пушти ранга бўялган грамманфий микроорганизмлар кузатилади.

Божхона экспертизасини амалга оширишда, товар маҳсулотларини анализ қилиш учун фотоколориметрия усулидан фойдаланилади.

а) Органолептик баҳолаш.

Сутни органолептик баҳолашда: оғирлиги, ўралиши, ташқи кўриниши, консистенцияси, таъми, ҳиди ва рангига эътибор берилади.

б). Ўлчовга оид текшириш усуллари.

Зичлигини аниқлаш. Сутни зичлиги ареометр – лактоденсиметрда, 10-25⁰С температурада аниқланади. Сутнинг таркибий қисмига қараб, зичлиги ўзгаради. Ёғсиз, қуруқ моддаларнинг кўпайиши, зичликни оширади, аксинча, сутнинг ёғлилигини ошириш зичликни камайтиради. Сутни сув билан суюлтирилганда уни зичлиги тахминан ҳар 0,003 га 10% сув қўшилганлигини кўрсатади.

Сутни зичлиги лактоденсиметр кўрсаткичида 27 градусдан паст бўлиши, сутни сув билан суюлтирилганлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, зичлиги бўйича сутни табиийлиги ҳақида хулоса қилинади.

Тайёр гўшт-сут маҳсулотларининг сифати устидан тизимли комплекс назорат ўтказиш тартиби

Қуйидаги қонун ҳужжатлар: Ўзбекистон Республикасининг “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1993 йил 3 сентябр 935-ХII-сон билан қабул қилинган “Ветеринария тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги 1002-ХI-сонли “Стандартлаштириш тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг 1004-ХII-сонли “Метрология тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси 1006-ХII-сонли “Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида” ва “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги Қонунларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 июлдаги 257-сонли “Республикага истеъмол товарлари ноқонуний олиб келиниши ва сотилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги 122-сонли қарори, ДБҚнинг 04.05.2011й, 93-сонли буйруғи, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 сентябрдаги ПҚ-1816-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 9 сентябрда 1853-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган истеъмол товарларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори, 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1047-сонли “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, Тайёр гўшт-сут маҳсулотларининг сифати устидан тизимли комплекс назорат ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 25.02. 2009 йилдаги 1910 сонли, Стандартлаштириш, Метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 10.02. 2009 йилдаги 1-П сонли, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 10.02. 2009 йилдаги 8 сонли қарорларига ҳамда ДБҚнинг 2008 йил 14 майдаги “Божхона экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 170-сонли буйруғига мувофиқ, тайёр гўшт-сут маҳсулотларининг сифати, яъни, озиқ-овқат маҳсулотининг истеъмол хоссаларини белгилаб берадиган ва унинг одамлар ҳаёти ва соғлиги учун хавфсизлигини таъминлайдиган мезонлар мажмуи ҳамда озиқ-овқат маҳсулотининг санитария, ветеринария нормалари ва қоидаларига мослиги устидан тизимли комплекс назорат ўтказиш тартибини белгилайди.

Давлат ветеринария хизмати

Гўшт-сут ва озиқ-овқат назорати станцияси – Давлат ветеринария муассасаси, деҳқон бозорларида сотиладиган ҳайвон ва ўсимликлар маҳсулотлари (гўшт, гўшт маҳсулотлари, балиқ, сут, тухум, дон, сабзаот-полиз маҳсулотлари ва бошқалар)ни ветеринария-санитария экспертизасидан

ўтказди. Шунингдек, станция ходимлари мол бозорларида сотиладиган чорва ва парранда соғлигини ҳам назорат қиладилар.

Чорвачилик, деҳқончилик ва озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини, бозор ҳудуди, сотиш жойлари, савдо-сотик жихозлари ҳамда база, омбор, музхона тозаллигини текшириб туради. Сотишга яроқли маҳсулотларга ветеринария назорати ўтганлигини билдирувчи тамға босилади. Сифатсиз маҳсулотларни сотишга рухсат бермайди. Станция аҳоли ўртасида ветеринария-санитария масалалари бўйича тарғибот ишларини олиб боради, бозорда сотишга мўлжалланган маҳсулотларда учраган юқумли ва инфузион касалликлар (куйдирги, сил, финноз, Сибир язваси, яшур, бруцеллёз, туберкулёз, трихинеллез) тўғрисида ўз вақтида ахборот беради.

Бундай назорат станциялари 1957 йилда соғликни сақлаш муассасалари ихтиёрида бўлган гўшт назорати станцияларининг қўшилиши натижасида ташкил этилган. Станциялар ишига республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ветеринария бош бошқармаси раҳбарлик қилади.

Давлат ветеринария хизмати идоралари ўз ваколатлари доирасида идоравий мансублиги ҳамда мулк шаклидан қатъи назар, барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг иши устидан, шунингдек айрим шахсларнинг фаолияти устидан ветеринария-санитария назоратини амалга оширадилар.

Давлат ветеринария ва божхона хизматининг вазифалари

Эпизоотик вазиятни баҳолайди ва ўзига берилган ваколатлар доирасида ҳайвонларнинг эгаларига юқумли касалликларнинг олдини олиш ва уларни йўқотиш тадбирларини амалга ошириш юзасидан бажарилиши мажбурий кўрсатмалар беради;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини четдан ҳайвонларнинг юқумли касалликлари кириб келишидан қўриқлаш, моллар, ҳайвонотга мансуб маҳсулотлар ва хом ашё, ем-хашак, озуқабоп қўшимчалар ва чорвачиликда қўлланиладиган бошқа воситаларни тайёрлаш, ташиш, хорижга чиқариш ва хориждан келтириш устидан назоратни амалга оширади;

касалликларнинг келиб чиқиши ва ҳайвонларнинг нобуд бўлишининг сабабларини таҳлил қилади, бундай ҳолларнинг олдини олиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқади, ҳайвонларни даволаш ишини ташкил этади;

ҳайвонларнинг касалликларини аниқлаш, шунингдек ем-хашак ва ичимлик сув сифатини баҳолаш мақсадида лаборатория-клиник ҳамда бошқа тадқиқотлар ўтказди;

ҳайвонларнинг юқумли, инфузион касалликларининг олдини олиш ва бартараф этиш тадбирларини амалга оширади;

соғликни сақлаш органлари ва бошқа хизматлар билан биргаликда одамлар ва ҳайвонлар учун хавfli бўлган юқумли касалликларнинг манбаига барҳам беради, шунингдек ўзаро ахборотлар айирбошлайди;

ветеринария-санитария жиҳатдан юқори сифатли чорва маҳсулотлари ва хом ашёси ишлаб чиқарилиши устидан назоратни амалга оширади;

барча чорвачилик объектлари, қушхоналар, гўшт-сут ва бошқа чорва маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар, бозорлар ва хом ашё омборларининг ветеринария-санитария ҳолатини назорат қилади, бу объектларнинг қурилиши ва қайта қурилишини, шунингдек ер қозиш ишларини ветеринария экспертизасидан ўтказди;

Ўзбекистон Республикасининг, бошқа давлатларнинг юридик ва жисмоний шахсларидан юқумли касалликлар ёйилиб кетишининг олди олиниши ва бартараф этилишини таъминлаш тадбирлари ўтказилишини, шунингдек ҳайвонларнинг эпизоотик ҳолатини аниқлаш учун зарур бўлган ахборотни тақдим этишни талаб қилади;

юқумли касаллик аниқланганда ёки ҳайвонларнинг ўта хавфли касаллиги мавжудлиги ҳақида шубҳа пайдо бўлганида юридик ва жисмоний шахсларга молларни сўйиш ёки йўқ қилиб ташлаш, чорвачилик маҳсулотлари ва ҳайвонотга мансуб хом ашёни зарарсизлантириш, уларни ишловдан ўтказиш ёки улардан фойдаланишга доир бажарилиши мажбурий талабларни белгилаб кўяди;

давлат, идоравий ва хусусий ветеринария мутахассисларининг фаолиятини назорат этади ва мувофиқлаштиради;

ветеринария соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштиради.

Ҳайвонларнинг юқумли касалликлари тарқалганида карантин ёки чеклашлар

Ҳайвонларнинг юқумли касалликлари тарқалгани аниқланган ҳолларда туман (шаҳар) давлат ветеринария инспекторининг тақдимномасига биноан маҳаллий ҳокимият органларининг қарорлари билан айрим подалар, отарлар, уюрлар, кўралар, фермалар, хўжаликлар, корхоналар, темир йўл бекатлари, аэропортлар, дарё портлари, қишлоқ ва кўрғонларнинг ҳудудлари ҳайвонларнинг юқумли касалликлари тарқалганлиги жиҳатидан ёмон аҳволда деб эълон қилинади ҳамда уларда карантин ёки зарур чеклашлар ўрнатилади.

Туманларни, шаҳарларни, вилоятларни ҳайвонларнинг юқумли касалликлари тарқалганлиги жиҳатидан ёмон аҳволда деб эълон қилиш ҳамда уларда карантин ёки бошқа чеклашлар ўрнатиш тегишли бош давлат инспекторларининг тақдимномасига биноан вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимиятининг вакиллик органлари ёки вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг қарорлари билан ёки Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспекторининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади.

Ҳайвонларни юқумли касалликлар билан оғриши батамом тўхтаганидан кейин карантин ёки чеклашлар ўрнатилган ҳудудда зарур ветеринария-санитария тадбирлари амалга оширилгандан (касалликларга қарши кураш кўлланилган кўрсатилган муддат ўтганидан) сўнг тегишли бош давлат ветеринария инспекторларининг тақдимномасига биноан карантин ёки чеклашлар ўрнатган туман, шаҳар, вилоят ва Тошкент шаҳри ҳокимиятининг

вакиллик органлари ёки ҳокимларнинг қарорлари билан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспекторининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан карантин ёки чеклашлар бекор қилинади.

Тарқалиши оқибатида карантин ёки чеклашлар белгиланадиган ҳайвонларнинг юқумли касалликлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси томонидан тасдиқланади.

Гўшт ва сут маҳсулотларини божхона экспертизаси орқали текшириш

Гўшт–сут маҳсулотлари фақат ветеринария сертификати, мувофиқлик сертификатлари ва товарнинг келиб чиқиш сертификати тақдим этилгандан кейин божхона расмийлаштирувчи амалга оширилади.

Гўшт–сут маҳсулотларини Ўзбекистон Республикасига олиб келиш тартиби қуйидагича: юк жўнатган давлатнинг ветеринария хизматининг ижобий ҳулосаси асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси ветеринария хизматининг ижобий ҳулосаси, мувофиқлик сертификатлари ва келиб чиқиш сертификати тақдим этилганда божхона расмийлаштируви амалга оширилади.

Тузланган гўшт ва колбаса маҳсулотлари учун захарли моддалар (кўрғошин, кадмий, мисс, мишяк, симоб ва темир), антибиотиклар, пестицидлар, радионуклидлар, нитрозаминлар, микробиологик кўрсаткичлари, намлилиқ даражасини миқдори; дудланган колбасалар учун –нитритлар, фосфатлар, бензоперинлар ва радионуклидлар миқдори; ҳайвон ёғлари учун – захарли моддалар, антибиотиклар, пестицидлар, кислота кўрсаткичлари, радионуклидларнинг миқдори аниқланади.

Гўшт ва сут маҳсулотларин ТИФ ТН кодлари

Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТНнинг “Тирик ҳайвонлар, тирик ҳайвонлардан олинган маҳсулотлар” номли I бўлими (02-04 гуруҳлари) ва “Тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари, спиртли ва спиртсиз ичимликлар, уксус, тамаки ва унинг ўрнини босувчи маҳсулотлар” (16-гуруҳ) IV бўлимлари гўшт ва сут маҳсулотларини ўз ичига олган.

Гўшт ва ярим хом-ашё озиқ-овқат гўшт маҳсулотлари.

“Гўшт ва ярим хом-ашё озиқ-овқат гўшт маҳсулотлари” номли 02 гуруҳ товар позицияларида ҳар-хил гўшт маҳсулотлари синифланади.

02 гуруҳга ҳар-хил ҳайвон гўштлири киради: йирик қорамол, чўчка, қўй, эчки, от, эшак, хачир (лошак, от хачир), хачир (мула), уй паррандалари, қуён, шимол буғуси, кит, тюлень ва бирқанча бошқа сўйилган ҳайвонлар, ярим сўйилган, сўйилган молнинг тўртдан бир (чорак) қисми, ҳайвон ва қушларга оид ярим хом ашё маҳсулотлари.

Ушбу гуруҳга бириктирилган ярим хом-ашё ва гўштлир қуйидаги кўринишда жойлашиши мумкин: янги, бузилмаган, транспортда ташишда

вақтинча бузилмаслиги учун туз сепилган; совутилган (мушак тўқималарининг ҳарорати 0 °С атрофида); музлатилган (мушак тўқималарининг ҳарорати минус 8 °С ва ундан паст); Намакобда тузланган (тузга шимдирилган, қайнатилганда туз миқдори 1,2% кам бўлмаган); қуритилган ёки дудланган.

ТИФ ТНда гўштлар турларига қараб синфланган, 0201-янги уринмаган ёки совутилган каби йирик қорамол гўштлари, 0202-музлатилган, 0206- йирик шохли қорамол, чўчка, қўй, эчки, йилки, эшак, мула ва лошакларнинг (ҳачир) барра, музлатилган ёки совутилган гўшти ва истеъмолга, яроқли калла-почаси, 0207-уй паррандасининг барра, музлатилган ёки совутилган гўшти ва истеъмолга яроқли калла-почаси, 0208- барра, музлатилган ёки совутилган бошқа гўштлар ва истеъмолга яроқли калла-поча, 0210- намакобда тузланган, қуритилган ёки дудланган гўштлар.

Сут маҳсулотлари

04 гуруҳ “Сут маҳсулотлари; парандалар тухуми, табиий асал, бошқа товар позициясида номланмаган ва киритилмаган ҳайвонлардан олинган озиқ-овқат маҳсулотлари” бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади: сут, қаймоқ, пахта (ёғи олинган сут, айрон), ивитилган сут ва қаймоқ, йогурт, кефир, сут зардоби (сыворотка), сарёғ, сутли паста, пишлоқ ва творог.

0401-Суюлтирилган, шакар ёхуд бошқа ширин қилувчи моддалар қўшилмаган сут ва сливклар.

0402-Қуюлтирилган, шакар ёхуд бошқа ширин қилувчи моддалар қўшилган сут ва сливклар.

0403-Суюлтирилган ёки қуюлтирилган, шакар ёхуд бошқа ширин қилувчи моддалар, хушбўй қўшимчалар, мевалар, какао қўшилган ёки қўшилмаган ёғи олинган сут, йогурт, кефир, бошқа ферментланган ёки бошқа ивитилган сут ва қаймоқ.

0404-Суюлтирилган ёки қуюлтирилган, шакар ёхуд бошқа ширин қилувчи моддалар, хушбўй қўшимчалар, қўшилган ёки қўшилмаган, сут зардоби (сутнинг табиий компонентлари, ёғи ва казеин (сутда бўладиган оқсил модда) ажратиб олинган).

0405-Сариёғ ва сутдан олинган бошқа мойлар ва ёғлар;

0406- Пишлоқлар ва творог.

Сотиш мумкин бўлмаган гўшт маҳсулотлари:

а) транспорт воситасида гўшт маҳсулотларини ташиш юзасидан белгиланган ветеринария-санитария талабларини бузган ҳолда келтирилган гўшт маҳсулотлари;

б) ветеринария гувоҳномаси (маълумотномаси) бўлмаган гўшт маҳсулотлари;

в) териси шилинмаган калла-поча, шунингдек пати юлинмаган ёввойи ва уй паррандалари.

Гўшт маҳсулотларини фақат санитария ва ветеринария-санитария нормаларининг барча талабларига жавоб бера оладиган, совутиш ускуналари

билан жиҳозланган ҳамда санитария ва ветеринария-санитария хулосаси бор стационар савдо шохобчаларида сотишга рухсат этилади.

Сотувчи ҳаридорнинг эътиборига гўшт маҳсулоти хусусидаги зарур ва ишончли маълумотни, хусусан:

а) гўшт маҳсулотининг турига;

б) гўшт учун ҳайвон қачон сўйилганлигига;

в) гўштнинг одамлар истеъмолига яроқли эканлиги тўғрисидаги ветеринария гувоҳномасига (маълумотномасига) оид маълумотларни етказиши шарт.

Сотувчи маҳсулот етказиб берувчининг фирма номи ва жойлашган ери (юридик манзили) ҳақидаги ахборотни ҳам ҳаридор талабига кўра бериши шарт.

Гўшт маҳсулотларини автомобиль транспортида фақат совутилган, музлатилган ёки сели қотган ҳолда ташишга йўл қўйилади. Сели қотиш учун қўйилган гўштни олти соат мобайнида, қурукшаб пўст бойлаган, илиғи кетмаган ёки музлатган ҳолда ташиш ман этилади.

Автомобиллар, шу жумладан, махсус автомашиналар (гўшт маҳсулотлари ташиш учун мўлжалланган рефрижераторлар) тегишли тартибда жиҳозланган бўлиши ҳамда уларда ваколатли орган томонидан берилган санитария паспорти бўлиши лозим.

Сели қотган ва совутилган гўшт маҳсулотини ихтисослаштирилмаган транспортда фақат ичи оқ тунука, рух югуртирилган тунука ёки шундай мақсадда ишлатишга йўл қўйиладиган бошқа материаллар билан қопланган, зич ёпиладиган қопқоқли махсус идишлар (яшикларда) ташишга рухсат этилади.

Сели қотган ва совутилган гўшт маҳсулотларини (парранда гўшлари бундан мустасно) шу аҳоли пункти доирасида яқин масофага ташишда уларни уйиб, аммо икки қатламдан оширмай юклашга рухсат этилади. Бунда машина кузовининг поли яхшилаб ювилиб, тоза қалин материал ташлаб, устига чойшаб тўшалган бўлиши лозим. Гўшт маҳсулотининг усти ҳам аввал тоза чойшаб, сўнгра қалин материал билан ёпиб қўйилади.

Очиқ кузовли автомашиналарда ташиладиган музлатилган гўшт маҳсулотини ғарамсимон қилиб жойлаштиришга рухсат этилади, унга ҳам тоза чойшаб ёпилмоғи лозим. Парранда гўшлари бутунлигича яшикларга жойланади. Машина кузовида юкланган гўшт маҳсулотлари билан бирга юкчи ёки бошқа шахсларнинг бўлиши қатъиян тақиқланади, машина кузовида айна шу мақсад учун одамларга махсус жой жиҳозланган ҳоллар бундан мустасно.

Гўшт маҳсулотларини қуйидаги шартларга риоя этилган ҳолда ташишга йўл қўйилади:

а) нимталанмаган таналар белгиланган талабларга мувофиқ нимталанган (сўйилган қора моллар ва бошқа йирик ҳайвонлар тўртга бўлинган, чўчкалар узунасига нимталанган ёки яхлит ҳолда, қўй ва бошқа майдароқ жониворлар бўлакланмаган ҳолда) ҳамда калласи олинган бўлиши лозим;

б) нимталанмаган гўштлар механик шикастланмаган, қон талашиб қолмаган, уринмаган, қон қотиб қолмаган, ошқозон-ичаклари тозаланган, шунингдек бўйин қисмининг ички ва ташқи юзасида юнг қолмаган, тана ички аъзоларидан тозаланган бўлиши лозим;

в) музлатилган гўшт блокларини пергамент қоғозга ёки шу мақсад учун ишлатиладиган бошқа материалга ўраган ва тегишли идишга жойлаган ҳолда ташишга рухсат этилади;

г) ҳар бир нимталанмаган танага ва унинг нимталанган қисмларига ветеринария-санитария экспертизасининг белгиланган шаклдаги тамғаси аниқ туширилган бўлиши лозим;

д) қиймаланган, қайнатиб пиширилган, ярим дудланган, қайнатиб пиширилиб дудланган, хом дудланган, ўпка-жигарли ва қон қўшилган колбасалар, гўшт нонлари, сосискалар, сарделькалар, дирилдоқлар, паштетлар, шунингдек бошқа маҳсулотлар махсус ўров материалга ўралган ёки идишга жойланган бўлиши лозим.

Музлатилган нимталанмаган гўштларни, агар уларни муз қоплаган ёки қиров бойлаган бўлса, ташишга йўл қўйилмайди, шунингдек музлатилган ва сели қотган гўштнинг бирга ташилишига ҳам йўл қўйилмайди.

Йилнинг иссиқ даврларида гўшт маҳсулотини совутиладиган кузови бор машиналарда ташишга рухсат этилади.

Совутилган ва музлатилган гўшт маҳсулотларини кузови нефть маҳсулотлари ёки бошқа ҳидли моддалар билан тўйинган (ва ифлосланган) автомашиналарда ёхуд ўткир ҳидли бошқа маҳсулотлар билан биргаликда ташиш ман этилади.

Гўшт маҳсулотлари ташиш учун мўлжалланган махсус автотранспортларда захарли химикатларни, қурилиш материалларини, ёнилғи-мойлаш материалларини, ишқорларни, кислоталарни, шунингдек гўшт маҳсулоти сифатига таъсир этиши мумкин бўлган маҳсулотларни ташиш қатъиян ман этилади.

Сели қотган, совутилган ва музлатилган гўшт маҳсулотларини махсус рефрижератор-машиналарда ташиётганда транспортнинг ана шу тури учун белгиланган техник шартларга (гўшт маҳсулотини жойлаш ёки илиб қўйиш тартиби, ҳарорат режими, совутиш тизимининг иши ва шу сингариларга) риоя этилиши ва гўшт маҳсулотларини сотувчилар, шахсий гигиена қоидаларига риоя этишлари шарт.

Санитария ва ветеринария-санитария хулосасини бериш тартиби

Санитария ва ветеринария-санитария хулосасини бериш давлат санитария-эпидемиология назорати ҳудудий марказлари ҳамда давлат ветеринария бўлимлари томонидан амалга оширилади.

Бундай хулоса олиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) тадбиркорлик субъектининг манзили, жойлашган ери ва фаолият тури кўрсатилган ариза;

б) ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун жалб этилаётган шахсларнинг тиббий кўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжатларнинг, бу шахсларни ишга қўйиш мумкин эканлиги тиббиёт дафтарчасида кўрсатилган ҳолда, нусхалари.

Санитария ва ветеринария-санитария хулосаси давлат санитария-эпидемиология назорати ҳудудий марказларининг ва давлат ветеринария бўлимларининг мутахассислари мувофиқлик юзасидан текширув ўтказганлари ва баённома (далолатнома) тузганларидан кейин берилади.

Санитария ва ветеринария-санитария хулосасини бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги қарор ариза топширилган кундан эътиборан уч кунлик муддат ичида чиқарилади.

Ушбу талабларга риоя этилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси давлат санитария ва ветеринария назорати органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат санитария ва ветеринария назорати органларининг хулосаси устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Гўшти текшириш усуллари ҳақида сўзлаб беринг.
2. Сутнинг таркибида инсон организми учун зарур бўлган қандай моддалар мавжуд?
3. Сутни текшириш усуллари ҳақида сўзлаб беринг.
4. Давлат ветеринария хизмати тўғрисида гапиринг.
5. Давлат ветеринария ва божхона хизматининг вазифалари.
6. Ҳайвонларнинг юқумли касалликлари тарқалганида карантин ёки чеклашлар қандай амалга оширилади.
7. Гўшт ва сут маҳсулотларини божхона экспертизаси орқали қандай текширилади?
8. Гўшт ва сут маҳсулотларининг ТИФТН кодлари тўғрисида сўзлаб беринг.
9. Сотиш мумкин бўлмаган гўшт маҳсулотлари тўғрисида гапиринг.
10. Санитария ва ветеринария-санитария хулосасини бериш тартиби қандай амалга оширилади.

20- БОБ. АЛКОГОЛЛИ ВА АЛКОГОЛСИЗ ИЧИМЛИКЛАРНИНГ БОЖХОНА ЭКСПЕРТИЗАСИ

Режа:

1. Умумий тушунчалар.
2. Этил спирти ва ундан тайёрланган ичимликларни концентрациясини (қувватини) аниқлаш.
3. Ароқ таркибидаги ишқорийлигини, сивуш ёғлари ва мураккаб эфирлар миқдорини, метил спиртини аниқлаш.
4. Алкоголли ичимликларни физик усуллар ёрдамида тидқиқ этиш.
5. Алкоголсиз ичимликларнинг кимёвий таркиби асосида қалбаки ичимликлардан фарқлаш.
6. Алкоголли ва алкогольсиз маҳсулотларнинг ТИФ ТН кодлари.
7. Алкоголли маҳсулотларини четдан келтириш, ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назорати.
8. Алкоголли маҳсулотларга янги намунадаги акциз маркаларини жорий этиш тартиби.
9. Ўзбекистон Республикасида маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларга маркаларини қўллаш тартиби.
10. Акциз солиғига тортиладиган айрим турдаги товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит йўли билан олиб ўтилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари.
11. Республикамиз божхона ҳудудига этил спиртини олиб келишни ва унинг транзитини тақиқлаш.
12. Алкоголли маҳсулотларни сотиш тақиқланадиган шартлар.

Умумий тушунчалар

Таркибида этил спирти бўлган ичимликлар алкогольли ичимликлар дейилади. Ароқ, ликер-ароқ маҳсулотлари, узум ва мева резаворлардан тайёрланган винолар, коньяк алкогольли ичимликлардир. Ароқ, ликер-ароқ маҳсулотлари учун этил спирти асосий хом-ашё бўлиб хизмат қилади. У таркибида крахмал бўлган (картошка, дон ва бошқалар) ёки қанд бўлган ҳар хил маҳсулотлар, дрожжи ёрдамида ачитиб олинади. Истеъмол учун ўткирлиги камида 95- 96,5% бўлган, яхши тозаланган ёки ректификация қилинган спирт ишлатилади. Тозаланмаган спирт фақат техникавий мақсадларда қўлланилади.

Ароқ деб сув билан спирт аралашмасини активлантирилган кўмирдан ўтказиш ва тайёрланаётган ароқ турига қараб қатор қўшимчалар қўшиш, сўнгра филтрлаш усули билан олинган, кучлилиги 40-55 ҳажмий фоиз бўлган спиртли ичимликларга айтилади.

Ликер-ароқ ичимлиги таркиби 12-60 ҳажмий фоиз оралиғида ректификация спиртидан ва қатор қўшимчалардан, яъни эфир ёғлари, шакар сиропи, ранг берувчи, хушбуй хид берувчи моддалари ҳамда сувдан иборат спиртли ичимликлардир.

Ароқ ва ликер-ароқ ичимликлари давлат томонидан ишлаб чиқилган техник шароитлар асосида ишлаб чиқарилади. Бу ичимликларнинг сифат кўрсаткичлари давлат стандартларида чегараланган.

Ароқ–фақат ароққа тааллуқли хушбуй хидга эга бўлган, чўкма бермайдиган, рангсиз шаффоф ичимлик. Ароқни ишлаб чиқариш учун ишлатилган спирт турига ва кўшилган ингредиентлари характерига қараб ароқ ва махсус ароқ каби турларга ажралади.

Этил спирти. C_2H_5OH t қайнаши $77-78,5^{\circ}C$. Зичлиги $0,809-0,813$ тиник, рангсиз, учувчан, енгил алангаланадиган суюқлик, характерли спирт хидига ва аччиқ таъмга эга. Хлороформ ва эфир, сув билан ҳар хил нисбатда аралашади. Метил спиртига (CH_3OH) реакция бермаслиги қарак.

Олиниши: - Этиленни гидратациялаш;

- озиқавий хом- ашёси аччитиш (дон, картошка ва б.)

- ўсимлик материалларини гидролизлаб (кипик, арча)

Ишлатилиши: - ацетильдегид, уксус кислота, бутадион, хлороформ, диэтил эфирларини ишлаб чиқаришда;

-лок- краска буёқларини эритувчи;

- доривор моддалар тайёрлашда;

-антисептик;

- мотор ёқилғиси;

-наркотик таъсирга эга;

Ароқ, ликер-ароқ маҳсулотларини тайёрлашда ҳам спиртда 90% атрофида этил спирти бўлади. Унда бир қанча зарарли аралашмалар, масалан, сивуш ёғлари – пропил, изобутил ва изоамил спиртлари бўлади. Улар жами спиртни 0,5% ташкил этади. Ректификация йўли билан зарарли модда ва аралашмалардан тозалаб спирт ректификат олинади.

Алкохолсиз ичимликлар. Алкохолсиз ичимликлар чанқоқни қондириш учун суюқ ҳолда этил спирти кўшилмасдан тайёрланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари туркумига қиради. Бу ичимликлар зичлигига ва таркибидаги қуруқ моддаларнинг миқдorigа кўра суюқ концентранган (кўп миқдорда модда кўшилган) ва концентранмаган (қуруқ модда кам миқдорда кўшилмаган) ва қуруқ қукунсимон (қуруқ модда жуда кўп миқдорда) турларга бўлинади. Қуруқ, порошоксимон ичимликлар яримфабрикат маҳсулотлар жумласига кириб, уларни сувда эритиш билан салқин ичимликлар тайёрланади. Алкохолсиз салқин ичимликлар тайёрлашда фойдаланиладиган хомашё турига кўра газли табиий мевали, резавор мевали, синтетик хомашёлардан тайёрланган ичимликлар, қувватлантирувчи, витаминли, парҳез, нонли, морслар, шарбатлар, сабзавотли ва мева-резаворли газсиз ичимликлар, минерал сувлар, концентратлар, экстрактлар, сироплар сингари туркумларга бўлинади. Ушбу туркумларга бўлинади. Ушбу туркумлардаги ичимликлар ҳар бири ўзининг махсус истеъмол хусусияти билан характерлидир.

Алкохолсиз салқин ичимликларнинг ичида табиий шарбатлар алоҳида аҳамиятлидир. Шарбатлар нафақат чанқокни қондириш балки таркибидаги витаминлар, аминокислоталар, минерал моддалари билан киши организмга шифобахшлик хусусият бериши билан қимматли аҳамиятга эгадир. Шарбатларнинг озуқавий қиммати ва мазали таъми унинг қанд моддаси (глюкоза, ф-руктоза ва сахароза) га кўпинча боғлиқ бўлиб, табиий шарбатларда 8-14%, табиий кислоталиги юқори бўлган шарбатларда 23-24%га сахароза кўшиш билан қанд миқдори орттириш билан шарбатлар тайёрланади. Таркибида табиий мевалардан ўтган пектин моддаси кўпроқ бўлган қуюқ шарбатлар қадрлироқ ҳисобланади. Чунки шарбатларнинг таркибидаги пектин моддаси нурдан ҳимоя ва антиоксинлик хусусиятга эга, яъни организмдаги захарли, радиоктив моддаларни ва оғир металлларни сиқиб чиқаради. Шарбатларнинг озуқавий қимматининг ҳосил бўлишида минерал моддаларнинг ҳам ўрни беқиёсдир.

Этил спирти ва ундан тайёрланган ичимликлар концентрациясини (кувватини) аниқлаш

Этил спирти ва унинг ичимликлари концентрациясини спиртомерлар ёрдамида аниқланади. Спиртомерлар одатда 2 хил бўлади – металл ва шишали. Кўпинча шишали спиртомерлар ёрдамида аниқланади. Шишали спиртомерлар цилиндр формада бўлиб, юқори қисми шкалаларга ажратилган ва паст қисмига эса оғир юк ўрнатилган.

Спиртнинг концентрациясини аниқлашдан олдин шишали спиртомерлар иссиқ сувда ювилади ва қуруқ ҳолатга келгунича артиб қуритилади. Термометр ва шиша идиш тайёрланади. Спирт шиша идишга (цилиндрга) қуйилади ва аралаштирилади, кейин секин тайёрланган спирт цилиндрга солинади. Спиртомер цилиндрнинг тубига тушиб кетмаслиги керак. Спиртомер цилиндрнинг 2-3 мм ораликда спиртнинг устида муаллиқ туриши керак. Орадан 2-3 минут ўтгандан кейин кўз орқали спиртомернинг шкаласи текширилади, бунда кўз ва спиртомернинг жойлашиши битта баландликда бўлиши талаб этилади. Бир вақтда спиртомернинг энг пастки шкаласи аниқланади ва спиртнинг ҳарорати термометр орқали аниқланади.

Спиртомернинг шкаласида сувсиз спиртнинг фоиз ҳажми ва эритманинг концентрацияси аниқланади. Кўпинча 20⁰С ҳароратда спиртнинг концентрацияси жадваллар орқали аниқланади. Масалан, спиртомернинг шкаласи 29 градус ҳароратда 90 кўрсатди. Тегишли жадвалдан фойдаланиб топамиз, ушбу ҳолатда эритманинг концентрацияси 87,59% эканлигини кўришимиз мумкин. Масалан, спиртомернинг шкаласи – минус 10⁰С 60 рақамини кўрсатди, бу ҳолатда эритманинг концентрацияси 69,90% эканлигини кўриш мумкин.

Спиртларнинг концентрациясини тўғри аниқлашда спиртомерлар (ареометр) ишлатилади, улар шиша спиртомерларга қараганда анча пишиқ ва

кичик ҳажмда бўлади. Металл спиртомерлар физика қонунига биноан ҳажмига тенг миқдордаги суюқликни сиқиб чиқаради. Ҳажми кичик бўлган учун уни аниқлаш даражаси ортиб боради. Металл спиртомернинг ишлаш принципи ҳам худди шишали спиртомернинг ишлаш принципига ўхшайди.

Зичлик орқали спирт ва унинг ичимликларини концентрациясини аниқлаш. Спирт эритмалари ва унинг ичимликларини зичлиги ареометр ёки пикнометрлар орқали аниқланади. Қуруқ ва тоза шиша цилиндрга спирт эритмаси қуйилади ва унга қуруқ ва тоза ареометр туширилади. Ҳисоблаш 3-4 минутдан кейин бошланади. Ареометрнинг энг паст қисмидаги шкала сонлари олинади. Жадвал орқали берилган зичлик ва ҳарорат орқали уни зичлиги аниқланади. Масалан: агар ареометр 20°C ҳароратда 0,8700 сонини кўрсатди. Жадвалга биноан зичлиги 0,8700 бўлганда спиртнинг концентрацияси 76,06% тенг, миқдорий масса улиши эса 69 %ни ташкил этади.

Ароқ таркибидаги қуйидагиларни аниқлаш:

Ароқнинг ишқорийлигини аниқлаш.

100 мл ароқни титрлаш учун сарф бўлган хлорид кислотанинг мл ҳажмига, унинг ишқорийлиги дейилади. Аниқлаш икки усулда олиб борилади: кимёвий; потенциометрик.

Ароқ таркибидаги сивуш ёғлари миқдорини аниқлаш.

Ароқ таркибидаги сивуш ёғлари миқдорини аниқлаш усули, ўрганилаётган намуна ва унга яқин ўхшаш эритмани салицил альдегид эритмаси билан кимёвий таъсири натижасида реакцион муҳитга эга бўлган рангларини колориметр ёрдамида солиштиришга асосланган.

Ароқ таркибидаги метил спирти миқдорини аниқлаш.

Усул, ароқ таркибидаги спиртнинг калий пермангант билан таъсири натижасида ҳосил бўлган формальдегиднинг фуксии сульфат 11 реактив билан кимёвий таъсири натижасида муҳитнинг эга бўлган ранги интенсивлигини колориметр ёрдамида ўлчаш ва шу кўрсаткич катталигига қараб метил спиртининг миқдори ҳақида хулоса қилишга асосланган. Реакция маҳсулоти оч ҳаво ранг тусга киради. Унинг ранг интенсивлиги фотоколориметр ёрдамида $\lambda = 582\text{ нм}$ ёруғлик тўлқин узунлигида ўлчанади. Ўлчашларда томонлари 30 мм бўлган кюветалардан фойдаланилади.

Олинган натижалар қуйидаги жадвалда келтирилган миқдордан ошмаслиги керак.

Маҳсулотнинг тури	582 нм ёруғлик тўлқин узунлигида рухсат этилган қиймат
«люкс» ва «экстра» спиртларидан тайёрланган ароқлар учун	0,160
Олий даражада тайёрланган ароқлар учун	0,200

Натижаларнинг жадвалдагидек юқорилиги, маҳсулотнинг таркибидаги метил спиртининг миқдори нормадан юқори эканлигидан далолат беради. Хулоса, албатта иккита параллел ўтказилган анализларнинг ўртача қиймати олинади.

Ароқ таркибидаги мураккаб эфирлар миқдорини аниқлаш.

Усул, ароқ таркибидаги мураккаб эфирларнинг ишқорий муҳитда гидрохлорид билан таъсири натижасида ҳосил бўлган гидроксам кислотасининг темир хлорид билан кимёвий таъсири натижасида муҳитнинг ранги интенсивлигини колориметр ёрдамида ўлчаш ва шу кўрсаткич катталигига қараб мураккаб эфирларнинг миқдorigа ўтишга асосланган.

Алкоголли маҳсулотлар (вино, коньяк, шампан виноси) таркибидаги спирт миқдорини аниқлаш

Алкоголли маҳсулотлар таркибидаги спирт миқдорини қуввати, кўпроқ, ҳайдалган солиштирама зичлигини шиша спиртомер ёки пикнометр билан аниқланади.

Физик усуллар ёрдамида тадқиқ этиш

ГОСТ 30536 – 97. Давлатлароро стандарт. Ароқ ва этил спирти, захарли микроаралашма асрашини газ хроматография усулида аниқлаш. Захарли микроаралашмага: сирка альдегид, сирка кислотани метилланган эфири, сирка кислотани этилланган эфири, метил спирти, изопропакол, пропанол – 1, изобутил спирти, бутанол - 1 ва изоамил спирти киради.

Хроматомасс спектрометрия усули билан дондан олинган юқори сифатли этил спиртида 170 дан ортиқ бирикмалар топилган.

Этил спиртини идентификациялашда ва уни таркибидаги аралашмаларни аниқлашда ИК–спектр, масс–спектр, ПМР–спектр ва бошқа усуллардан фойдаланилади.

Ароқ маҳсулотидан олинган намунанинг тўла куйилганлиги, ранги, шаффорлиги, таъми ва мазаси қуввати ўрганилади.

Алкоголсиз ичимликларни кимёвий таркиби асосида қалбаки ичимликлардан фарқлаш

Барча алкогольсиз салқин ичимликларни қалбакилаштиришнинг энг кенг тарқалган усули бу сув билан суюлтириш ёки тўлиқ сув билан алмаштиришдан иборатдир. Агар ичимликнинг ранги бўлса, бунда албатта табиий маҳсулотни рангига мос тушувчи колердан, синтетик ва табиий ранг берувчи бўёқ моддалардан фойдаланилади. Бундай кўпол қалбакилаштириш усулини органолептик усул билан таъмини татиб кўриш орқали осонгина аниқлаш мумкин. Ранг берувчи синтетик бўёқ моддалардан фойдаланганлигини сифат реакцияси орқали, яъни эритманинг муҳитини рН катталикини 7 дан (ишқорлаштириш) орттирилганда маҳсулотни ранги ўзгариши кузатилади. Энг айёрлик билан қалбакилаштириш йўли бу табиий ичимликларнинг таъми, хиди ва рангини берувчи синтетик қўшилмалардан фойдаланишдир. Қалбаки

маҳсулот тайёрловчилар маҳсулотларига замонавий янги номлар беришга кўпинча одатланишган.

Қалбаки салқин ичимликлар тайёрлашда қўлланиладиган услублар

НОМИ	ВОСИТАСИДА	УСУЛИ
Алкоголсиз салқин ичимликлар	Сув	Суюлтириш Тўлиқ алмаштириш Тўлдирмаслик
	Арзон ичимликлар	Қиммат ичимликларнинг товар ёрликларидан фойдаланиш
Газли ичимликлар	Ўзига хослиги	Углерод икки оксиди билан етарли даражада бойитилмаслик ёки умуман тўйинтирмаслик
Мева-резаворли ва қувватли табиий ичимликлар, морслар	Синтетик: Ранг берувчи бўёқ моддалар, ароматизаторлар, подсластителлар, шакар, овқатга ишлатиладиган ва ишлатилмайдиган кислоталар, колер, сув	Бўяш, ароматлаштириш, ширинлаштириш, чучуклаштириш, ранг ҳосил қилиш, эритиш
Нонли ичимликлар, морслар		Меъеридан ортиқ ачитиш ёки етарли даражада ачитмаслик
Табиий сабзавот ва мева-резавор ичимликлар ва шарбатлар	Синтетик асосли концентратлар (ранг берувчи синтетик бўёқ моддалар, ароматизаторлар ва бошқа компонентлар)	Концентратларни сувда суюлтириш
	Арзон шарбатлар (олмали нокли)	Қиммат бўлган шарбатларни тўлиқ ёки озроқ миқдорда алмаштириш
Газли сувлар	Минерал туз, сув	Сувда эритиш
Табиий концентратлар, экстрактлар, сироплар	Синтетик компонентлар: подсластителлар, ранг берувчи синтетик бўёқ моддалар, ароматизаторлар, кислоталар, шакар	Табиий хомашёни синтетик компонентлар билан алмаштириш

Маҳсулотларни қалбакилаштиришнинг асл моҳияти шундан иборатки, маҳсулот тайёрлашда фойдаланиладиган хомашё тўғрисидаги маълумотларни етарли даражада тўлиқ берилмаслигидадир. Кўпинча табиий маҳсулот

рекламасида ва товар ёрлиқларида ёлғон маълумотлар келтирилади. Бундай қалбакилаштириш услубида албатта табиий мева резавор шарбатлар, ичимликлар, сироплар, экстрактлар концентратлар тайёрлашдаги табиий хомашёлар ўрнига ранг берувчи синтетик бўёқ моддалардан, ароматизаторлардан, кислоталардан, подластителлардан фойдаланган ҳолатда тайёрланади. Бундай маҳсулот татиб кўрилганда таркибида ширин таъм берувчи подластителлардан фойдаланилган бўлса, оғиздан 10-15 минут вақт ўтса ҳам ширин таъм тарқалмайди. Агар табиий хомашёлардан тайёрланган бўлса, 5-10 минутдан сўнг ширин таъм ўрнига шакарни секин асталик билан ачиши ҳисобига чучук таъм пайдо бўла бошлайди. Албатта ушбу услуб қалбаки маҳсулотларни аниқлашда етарли эмас. Бунинг учун юқори технологияларга асосланган маҳсулот таркибидаги калий ионларининг миқдорини аниқлашда кўлланиладиган ионометрик услубдан фойдаланилади.

Газли ичимликлар ва шарбатларнинг органолептик усул билан таъмини билиш ва ичимликни қуйиш вақтида силкитиб кўриш орқали углерод икки оксиди билан тўйинганлиги ёки тўйинмаганлигини билиш мумкин.

Алкоголли ва алкогольсиз маҳсулотларнинг ТИФ ТН кодлари

22 гуруҳ тўрт асосий маҳсулот гуруҳларини ўз ичига олади: муз ва қор бошқа алкогольсиз ичимликлар, сув; бижғитилган алкоголь ичимликлар (пиво, вино ва бошқ.); дистилланган спирт эритмалари ва ичимликлари (ликерлар, спиртли ичимликлар, этил спирти); уксус ва унинг ўрнини босувчилар;

2201 товар позициясига табиий оддий сув, минерал (сунъий ва табиий), газланган ёки газланмаган шакар ёхуд бошқа ширин қилувчи, хушбўй хид ва там берадиган моддалар қўшилмаган сувлар бириктирилган, 2202 га эса шакар ёхуд бошқа ширин қилувчи моддалар, хушбўй қўшимчалар қўшилганлари киради.

2202909100-2202909900 товар подсубпозицияларига савдода “бойитилган сут” (“қимиз”) номи билан машҳур истеъмолга тайёр ичимликлар киради. Бу маҳсулот ёғи олинган сут асосида филтрланган ўсимлик ёғи қўшилган.

2203 товар позициясига турли хил солод (ширинмия) пиволари киради.

Пиво маҳсус технологиялар ёрдамида ишлаб чиқарилган, фойдаланилаётган хом-ашёнинг ранги шаффоф ёки қорамтир, ўткир таъмга эга бўлиши мумкин.

2204 товар позициясига спирт қўшилган ва узум шарбати таркибида спирт миқдори 05% ҳажмдан кўпроқ, табиий узум виноси. 2204101100 товар подсубпозициясига шампанское – кўпикланадиган винолар киради.

Вино (вермут) ва бошқа ўсимлик ва қўшимчалар қўшилган узум виноларини 2205 товар позицияси ўз ичига олади (нем. Wermut-аччик).

2206 товар позициясига ачитиш йўли билан олинган ичимликлар, 2203-2205 товар позициясига тегишли ичимликлардан ташқари. Шунингдек ушбу товар позициясига ачитқи билан тайёрланадиган ҳамда алкогольсиз ичимликлар

аралашмалари яъни, масалан лимонад ва пиво (ёки вино), даражаси паст таркибидаги спирт концентрацияси 05% ҳажмдан кам бўлган пиво ва вино.

2207 товар позициясига спирт концентрацияси 80% ҳажмдан кўп бўлган денатурланган этил спирти (денонтурированные-истеъмол мақсадларига яроқсиз, техник мақсадларда фойдаланилади).

2208 товар позициясига ўткир спиртли ичимликлар ва спирт концентрацияси 80% ҳажмдан кам бўлган денатурланмаган этил спирти. Мазкур товар позициясига дистилляция (ҳайдаш) натижасида олинган вино ёки сиқилган узум (коньяк, арманьяк, бренди, узум ароғи ва бошқ) ичимликлари жойлаштирилган.

Алкоголли маҳсулотларни четдан келтириш, ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назорати

Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати, прокуратура, Давлат божхона хизмати, Давлат солиқ хизмати органлари ва жиноят ишлари бўйича судлари (кейинги ўринларда матнда ваколатли органлар деб юритилади) Республика аҳолиси манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, мамлакат ҳудудига товарларни ноқонуний равишда четдан олиб келиш, четга олиб чиқиш ҳамда этил спирти, алкоголли маҳсулот ва тамаки маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши ва сотилиши, ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар устидан давлат назоратини олиб борадилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 04.08.1998 йил «Алкоголли ва тамаки маҳсулотларини четдан келтириш, ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 331-сонли қарори тасдиқланган ва унда қуйдагилар баён қилинган.

Белгилансинки, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини эркин муомала (импорт)га чиқариш тартибида божхонада расмийлаштириш:

товар келиб чиққан ва жўнатилган мамлакатда товар жўнатишдан олдин мажбурий инспекция қилинган, агар контрактнинг умумий қиймати 10,0 минг АҚШ долларидан ортиқ бўлса; товарга Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиология станциялари лабораторияларининг санитария-гигиена хулосаси мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

Акциз маркалари тизимини жорий этиш бўйича идоралараро комиссия акциз маркаларини ҳимоя қилишнинг янги, шу жумладан голографик йўллар қўлланиладиган усулларини жорий этган ҳолда акциз маркаларини мунтазам равишда янгилаб туришни амалга жорий этсин деб таъкидланган.

Алкоголли маҳсулотларга янги намунадаги акциз маркаларини жорий этиш тартиби

Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 11 февралдаги 31, 2004-22, 03-02/8-14-сонли қўшма қарори, 2004 йил 03 мартда Адлия вазирлиги томонидан 1320 қарори билан рўйхатдан ўтган “Алкоголли ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз

маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисида”ги Низоми тасдиқланган. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 ноябрдаги "Алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПҚ-505-сон қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 февралдаги "Алкоголли маҳсулотларга ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркалари жорий этиш тўғрисида" 49-сон қарорига мувофиқ алкоголли ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркаларини жорий этиш тартибини белгилайди. (Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 28.03.2011 й. 1320-3 қарори билан ўзгартиришлар киритилган).

Алкоголли ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланган муддатларда амалга киритилади ва ҳар 2 йилда янгиланади.

Амал қилиш муддати тугаган акциз маркалари ёпиштирилган алкоголли ва тамаки маҳсулотлари маркаланмаган ҳисобланади ҳамда улар белгиланган тартибда олиб қўйилиши ва давлат даромадига киритилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида янги намунадаги акциз маркалари жорий этилган пайтдан бошлаб эски намунадаги акциз маркаларини харид қилиш ва уларга буюртмаларни жойлаштиришга доир буюртманомаларни қабул қилиш тақиқланади.

Янги намунадаги акциз маркалари белгиланган тартибда ишлаб чиқарувчилар ва импортчиларнинг номи ёзилган код рақамлари билан бирга буюртирилади, алкоголли маҳсулот учун акциз маркаларида эса ишлаб чиқарувчи корхонанинг номи ва истеъмол идишининг литрдаги ҳажми ҳам кўрсатилади.

Эски намунадаги акциз маркаларини йўқотиш бўйича ҳаражатларни эски намунадаги акциз маркалари ёки улар билан маркаланган маҳсулотга эга бўлган ишлаб чиқарувчи корхоналар, импортчи ва савдо қилувчи ташкилотлар амалга оширади.

Олиб кириладиган алкоголли маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркаларининг жорий этилиши

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида янги намунадаги акциз маркаларининг жорий этилиши билан унинг ҳудудига эски намунадаги акциз маркалари ёпиштирилган алкоголли ва тамаки маҳсулотларини олиб кириш эски намунадаги акциз маркалари ёпиштирилган товарларни сотишнинг рухсат этилган муддати тугашига икки ой қолганда тўхтатилади.

Эски намунадаги ишлатилмаган акциз маркаларининг қолдиқлари улар инвентаризация қилинганидан кейин таркибида божхона, молия органлари ва импортчиларнинг вакиллари бўлган комиссия томонидан йўқ қилиниши (куйдириш йўли билан) керак. Эски намунадаги акциз маркаларининг ишлатилмаган қолдиқларини импортчи товарларни сотишнинг рухсат этилган муддати тугашидан икки ой олдин экспортчидан қабул қилиб олиши керак.

Талаб қилиб олинган эски намунадаги акциз маркалари таркибида божхона, молия органлари ва импортчиларнинг вакиллари бўлган комиссия томонидан йўқ қилинади (куйдириш йўли билан). Эски намунадаги акциз маркаларининг йўқ қилиниши тўғрисида тегишли далолатнома тузилади.

Комиссия таркиби акциз маркаларини йўқ қилиш жойидаги ҳудудий божхона органи раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланади.

Комиссия инвентаризациялаш тўғри, ўз вақтида ва белгиланган тартибга риоя қилган ҳолда ўтказилиши, шунингдек акциз маркалари тўлиқ ҳажмда йўқ қилиниши учун жавоб беради.

Ўзбекистон Республикасида алкогольли ичимликларга маркаларини қўллаш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 07.01.1999 йилда 589 сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисида Йўриқномаси тасдиқланган. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 29.03.2011 й. 589-5 сон билан рўйхатга олинган қарори билан ўзгартиришлар киритилган).

Ушбу йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларга акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисида" 1996 йил 14 августдаги 285-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва акциз маркаларини бериш, қайд этиш, сақлаш ва қайтариш, шунингдек Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган ва унинг ҳудудига олиб келинаётган, акциз маркалари билан мажбурий маркаланиши лозим бўлган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларнинг акциз маркалари билан маркаланиши устидан назорат ўрнатиш тартибини белгилайди. (Мазкур Қарорга ЎЗР ВМ 25.03.2011 й. 89-сон Қарори мувофиқ ўзгартиришлар киритилган).

Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларни ишлаб чиқариш, импорт қилиш, сақлаш, ташиш ва сотиш устидан давлат назоратини ўрнатиш, шунингдек акциз солиғини тўлиқ йиғиб олиш, мазкур товарларнинг яширин тарзда ишлаб чиқарилишининг ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинишининг олдини олиш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий органлари ўз ишларида мазкур йўриқномага амал қилишлари ва унинг бажарилишини таъминлашлари шарт.

1996 йилнинг 1 октябридан бошлаб Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган ва унинг ҳудудига олиб келинаётган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларни, пиводан ташқари (кейинги ўринларда акциз товарлар деб юритилади), белгиланган намунадаги акциз маркалари билан мажбурий маркалаш жорий этилди ва уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, акциз маркаларини ёпиштирмаган ҳолда ташиш (халқаро транзитдан ташқари), сақлаш ва сотиш тақиқлаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экспорт учун ишлаб чиқарилган ёки халқаро транзит мақсадида олиб келинган, акциз маркалари билан маркаланмаган акциз товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиш тақиқланади.

Акциз маркаларини қалбакилаштирганлик учун, шунингдек қалбаки акциз маркаларини сотганлик учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунига мувофиқ жиноий жавобгарлик чоралари қўлланилади.

Акциз маркаларини буюртириш ва уларни бериш тартиби.

Акциз маркаларини олиш учун ишлаб чиқарувчи корхоналар ва акциз товарларни импорт қилувчилар Давлат солиқ инспекциясига ёки Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий органларига 3 нусхада буюртманомани тақдим этадилар. Буюртманоманинг биринчи ва иккинчи нусхалари солиқ инспекцияси ёки Давлат божхона қўмитаси ҳудудий органининг "Акциз маркалари учун ҳақ тўланган" деган штампи босилган ва солиқ инспекцияси ёки Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий органи масъулиятли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ҳолда харидорга қайтарилади. Учинчи нусхаси қайд этиш ва назорат қилиш учун Давлат солиқ инспекциясида ёки Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий органида қолади.

Давлат солиқ инспекциясининг ёки Давлат божхона қўмитаси ҳудудий органининг ходими акциз маркаларини сотиб олиш учун буюртманомани қабул қилиш пайтида харидорни махсус журналда рўйхатга олади ва корхона кодини кўрсатади.

Буюртманомадан ташқари, ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импортчилар маблағлар "Давлат белгиси" ДИЧБ босма фабрикасининг тегишли банк ҳисобварағига ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатини Давлат солиқ инспекциясига ёки Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий органига тақдим этадилар.

Акциз маркаларини сотиб олувчининг тўлов ҳужжатида "Тўловнинг мақсади" устунида "Акциз маркалари учун тўланди" деган ёзув бўлиши керак.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган ва лекин банкда ҳисобварағи бўлмаган жисмоний шахслар (импортчилар) акциз маркалари учун "Давлат белгиси" ДИЧБ босма фабрикасининг тегишли банк ҳисобварағига ўтказиш мақсадида "Агробанк" ОАТБнинг тегишли ҳудудий бўлинмаларига нақд пул маблағларини тўлайдилар.

Акциз маркаларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш Давлат божхона қўмитаси ҳудудий органларининг рухсати билан БЮДни тўлдирган ҳолда амалга оширилади. Импорт қилинадиган акциз товарларни божхона расмийлаштируви ишлари учун олиб келиш импортчи томонидан акциз маркалари сотиб олинган ва қайд этилган ҳудуддагина амалга оширилади.

Республикага келтирилаётган, акциз маркалари билан маркаланган акциз товарларни маркаларни импортчи сотиб олмаган ва қайд этмаган бошқа ҳудуд

орқали божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тақиқланади. Бунинг учун жавобгарлик Давлат божхона қўмитаси ҳудудий органларининг зиммасига тушади.

Акциз маркалари билан маркалаш тартиби

Акциз товарларни ишлаб чиқарувчи корхоналар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиш учун мўлжалланаётган тайёр маҳсулотларга акциз маркаларини ишлаб чиқариш жараёнида ёки корхона ҳудудининг бошқа мослаштирилган жойида маркалаш учун белгиланган технология асосида ёпиштирадilar.

Импорт бўйича келтириляётган акциз товарларни акциз маркалари билан маркалаш импортчилар томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг акциз маркалари билан маркланмаган акциз товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиб олиш ва сотиш ман этилади.

Қуйидаги акциз товарларни маркалаш мажбурий эмас:

- республикадан ташқарига экспорт қилинаётган;
- божсиз савдо қилувчи дўконлар учун республика ҳудудига келтириляётган;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсатномаси бўлган тақдирда, кўрғазмалар ўтказиш учун келтириляётган;
- халқаро транзит бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинаётган ва олиб чиқишга мўлжалланган;
- жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига Ўзбекистон Республикасининг қонунида белгиланган акцизсиз олиб кириш меъёрлари доирасида келтириляётган.

Республика ҳудудида ишлаб чиқариляётган ва импорт қилинаётган пиво Ўзбекистон Республикасининг акциз маркалари билан маркланмайди.

Кўрғазмалар ўтказиш учун республикага келтириляётган акциз товарлар, агар улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиладиган бўлса, кўрғазмалар тугаганидан сўнг Ўзбекистон Республикасининг акциз маркалари билан мажбурий тарзда маркланади ва улар бўйича умумий белгиланган тартибда акциз солиғи тўланади.

Алкоголли ичимликларни маркалаш қоидалари.

Акциз маркази идишнинг зич қилиб ёпиладиган қопқоқчалари (ёки полиэтилен тиқинлари) устидан очиладиган томонга бир меъёрда ёпишган ҳолда ва қопқоқ очилганда йиртиладиган қилиб ёпиштирилади.

Акциз маркаларини ёпиштиришда товардан олинганда унинг йиртилмаслигига имкон бермайдиган елимдан фойдаланиш керак. Акциз маркаларини ёпиштириш учун қўлланиладиган елим куриб қолмаслиги ва товардан кўчиб кетмаслиги учун юқори ва паст ҳароратларга, турли намлик даражаларига чидамли бўлиши; маркадан қайта фойдаланиш учун идишни ёки пачкани очишда шикастланган маркаларни бутун маркаларга йиғиб бўлмаслик кафолатини таъминлаши керак.

Бошқа ишлаб чиқарувчилар ёки импортчиларнинг ёхуд алкоғолли ичимликлар бошқа товар гуруҳларининг акциз маркалари ёпиштирилган, идишнинг литражига мувофиқ келмайдиган акциз маркалари ёпиштирилган алкоғолли ичимликлар маркаланмаган деб ҳисобланади ва белгиланган тартибда олиб қўйилиши ҳамда йўқ қилиниши керак.

Акциз маркаларини қайд этиш, ҳисоб-китоб ва назорат қилиш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига майда туркумдаги (10 минг пачка, дондан кам миқдорда) акциз товарларни олиб келаётган импортчилар учун ягона код рақамлари - алкоғолли ичимликлар учун IM 98098 рақамлари берилади.

Давлат солиқ бошқармаси (солиқ инспекцияси) ва Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий органи бошлиғининг буйруқлари билан акциз маркаларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш учун жавобгар шахс тайинланади. Акциз маркаларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш уларнинг сони ва қиймати бўйича юритилади.

Давлат солиқ инспекциялари ва Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий органлари ўтган ойдан кейинги ойнинг ҳар биринчи кунда “Агробанк” ОАТБнинг минтақавий бўлинмаларида ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импортчилар томонидан берилган (сотилган) акциз маркаларининг миқдорини солиштирадilar.

Акциз товарларни маркалаётганда акциз маркалари йиртилиб кетган тақдирда тайёрловчи корхоналар (импортчилар) барча йиртилиб кетган маркаларни Давлат солиқ бошқармасига (бу ҳақда солиқ инспекциясига хабар қилиб) ёки Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий органларига топширишлари, бунда йиртилган акциз маркаларини йўқ қилиб юбориш учун қабул қилишни сўраб ариза беришлари керак.

Йиртилган акциз маркалари қуйидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда алоҳида варақларга 10 тадан ёпиштирилиши керак:

- акциз маркаларини ёпиштириш бурмаларсиз ва ғадир-будирликларсиз амалга оширилиши лозим;

- маркалар шундай ёпиштирилиши керакки, марканинг марказий қисми ва рақамли реквизитлар аниқ кўриниб туриши лозим;

- маркалар йиртилганда унинг айрим қисмлари бирлаштирилиши керак;

- қайтариб юборилаётган ҳар бир йиртилган марканинг умумий қисми унинг дастлабки ўлчовининг камида 2/3 қисмини ташкил этиши керак.

Акциз маркаларининг турлари ва белгилари.

Акциз маркалари ишлаб чиқарилаётган ва импорт қилинаётган акцизли товарларнинг турларига қараб қуйидаги турларга бўлинадилар:

АЛКОГОЛЛИ ИЧИМЛИКЛАР		
Импорт қилинган:		
IMPORT, AROQ	IM	Импорт қилувчининг коди
IMPORT, AROQ	IM	98098
IMPORT, VINO	IM	Импорт қилувчининг коди
IMPORT, VINO	IM	98098
IMPORT, SPIRTL ICHIMLIKLAR	IM	Импорт қилувчининг коди
IMPORT, SPIRTL ICHIMLIKLAR	IM	98098
Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган:		
AROQ	O`Z	Корхона коди
VINO	O`Z	Корхона коди
SPIRTL ICHIMLIKLAR	O`Z	Корхона коди

Акциз маркаларида ёзилган ҳарфий ва рақамли белгиларнинг таърифи:

IM - маҳсулот импорт бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинган;

O`Z - маҳсулот Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилган;

98 - иккита биринчи белги - акциз маркази босиб чиқарилган йил;

01 ёки 001 - иккита ёки учта кейинги белгилар - тегишинча тамаки ёки алкоғолли маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарга (импортчиларга) бериладиган код рақамлари;

акциз маркаларидаги 4 та рақамли белги тамаки маҳсулотини англатади;

акциз маркаларидаги 5 та рақамли белги алкоғолли маҳсулотни англатади;

98 билан тугайдиган сўнги рақамлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига майда туркумдаги акцизли товарлар келтирилганлигини англатади.

Алкоғолли маҳсулот учун акциз маркаларида алкоғолли ичимлик қуйиладиган истеъмол идишининг ҳажмини литрларда билдирадиган қуйидаги ёзувлар қайд этилади:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт бўйича олиб кирилганда: “0,1 L gacha”, “0,11 L dan 0,25 L gacha”, “0,26 L dan 0,37 L gacha”, “0,38 L dan 0,5 L gacha”, “0,51 L dan 0,75 L gacha”, “0,76 L va yuqori”;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилганда: “0,05 L”, “0,1 L”, “0,2 L”, “0,25 L”, “0,45 L”, “0,5 L”, “0,7 L”, “0,75 L”, “1,0 L”, “1,75 L”, “3 L”.

Акциз солиғига тортиладиган айрим турдаги товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит йўли билан олиб ўтилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари

Акциз солиғига тортиладиган айрим турдаги товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ҳаракати устидан тегишли божхона назоратини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.10.2007 йилдаги ПҚ-703 қарорига мувофиқ 2007 йилнинг 10 октябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали алкоғолли ва тамаки маҳсулотларининг автомобиль ва темир йўл транспорти воситасидаги транзит ҳаракати қуйидаги шартлар бажарилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсатига биноан амалга оширилади:

юк олиб ўтувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг депозит ҳисобварағига тегишли божхона тўловларининг барча суммаси тўланиши шарт, кейинчалик товарлар Ўзбекистон Республикаси ташқарисига олиб чиқиб кетилганлиги тасдиқлангандан сўнг тўланган суммалар қайтарилади;

товар ишлаб чиқарилган мамлакат сертификати, товар сифати сертификати, уни етказиб бериш шартномаси (битими), товарлар бир нечта қисмга ажратилиб, транзит йўли билан ташилган тақдирда, уни олиб ўтиш жадвалининг мавжудлиги.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб ўтиладиган алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини божхона органларининг кузатиб бориши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит йўли билан алкоғолли ва тамаки маҳсулотларининг олиб ўтилишига рухсат бериш тўғрисидаги қарорининг амал қилиш муддати қарор қабул қилинган кундан бошлаб узоғи билан олти ойи ташкил этади;

транзит мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган алкоғолли ва тамаки маҳсулотлари, агар уларга Вазирлар Маҳкамасининг транзит ҳаракат қилиш учун рухсатномаси бўлмаса ёки божхона тўловлари тўлиқ ҳажмда тўланмаган бўлса, ушбу маҳсулотлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ қайтариб олиб чиқиб кетилади.

Республикамиз божхона ҳудудига этил спиртини олиб келишни ва унинг транзитини тақиқлаш

Алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга давлат монополиясини, ички бозорни, истеъмолчилар ҳуқуқларини ва аҳоли соғлигини ҳимоя қилишни таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига этил спиртининг

ғайриқонуний олиб келинишининг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 15.05.1998 йил 213 сон қарорига асосан:

Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига этил спиртини транспортнинг барча турлари билан олиб келиш тақиқланган.

Этил спиртининг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди орқали транзити фақат Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан амалга оширилади, қуйидаги назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Этил спиртининг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди орқали учинчи мамлакатлар ҳудудидан Евро-Осиё иқтисодий ҳамжамияти аъзоси бўлган давлатлар ҳудудига ёхуд Евро-Осиё иқтисодий ҳамжамияти аъзоси бўлган давлатлар ҳудудидан учинчи мамлакатлар ҳудудига транзити фақат темир йўл транспортида амалга оширилади. Шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 30 декабрдаги 285-сон қарорининг 2-иловасига кўра “Этил спирти ва алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида” Низоми тасдиқланган.

Ушбу Низом этил спирти ва алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

Қуйидагиларни:

а) озиқ-овқат спирти, тозаланган спирт, шу жумладан, узум ва мева-резавор мевадан тайёрланган спирт;

б) узум ва мева-резавор мевадан тайёрланган спирт хом ашёси;

в) коньяк ва кальвадос спирти таркибида спирт бўлган ярим тайёр маҳсулотлардан (дон маҳсулотларидан) тайёрланган спирт;

г) узум ва мева-резавор мевадан тайёрланган виноматериаллар (тозаланган ва тозаланмаган), шунингдек ғалладан тайёрланган ярим тайёр спиртли маҳсулотлар;

д) узум, мева-резавор маҳсус мевадан ва ярим тайёр спиртли маҳсулотлардан тайёрланган винолар; д-1) табиий ачиган натурал вино (этил спирти қўшилмаган);

е) ароқ ва ликёр-ароқ маҳсулотлари, бальзамлар;

ж) коньяклар (брендилар), коньяк ичимликлари ва кальвадослар, виски;

з) шампан виноси, кўпикланадиган ва газли винолар;

и) даражаси паст (пиводан ташқари) ва ўткир спиртли ичимликлар, дамламалар ва ликёрлар;

к) вино ичимликлари: ўткирлиги 4 ҳажмли фоиздан 8 ҳажмли фоизгача бўлган паст даражали ичимликлар, ўткирлиги 9 ҳажмли фоиздан 28 ҳажмли фоизгача бўлган ўткир ичимликларни саноат асосида ишлаб чиқариш фаолияти лицензияланади.

Алкоғолли маҳсулотларни сотиш тақиқланадиган шартлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги ПҚ-605-сон қарорининг 2-иловасида алкоғолли маҳсулотларни сотиш тақиқланадиган шартлар ҳақида қуйидагилар берилган.

Алкоголли ичимликларни: 18 ёшга тўлмаган шахсларга, мувофиқлик сертификатисиз, ярқилик муддати ўтиб кетган ҳолда; акциз маркалари билан маркаланмаган ёки қалбаки акциз маркалари билан маркаланган ҳолда; ишлаб чиқарган корхонани аниқлаш имконини берадиган даражада аниқ маркаланмаган ҳолда; уни ишлаб чиқаришга лицензияси бўлмаган мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиси томонидан ишлаб чиқарилганда; алкоголли маҳсулотни етказиб бериш ҳуқуқига эга бўлмаган ёки божхона орқали тартибга солиш, қоидаларни, савдо белгиларидан ва фирма номларидан фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган қоидаларни, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бузган ҳолда уни амалга оширган етказиб берувчидан сотиб олинганда; санитария нормаларига ва алкоголли маҳсулотларни сақлаш ва сотиш қоидаларига мувофиқ бўлмаган хона ва жойларда; ўқув, мактабгача ва диний муассасалардан камида 500 метр доирасида жойлашган савдо корхоналарида; жамоат транспорти тўхташ жойларида, шу жумладан метрополитен бекатлари ёнида, жамоат жойларида ва дам олиш жойларида, даволаш-профилактика ва спорт-соғломлаштириш муассасалари ҳудудларида, ушбу муассасалар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ошхоналарида, шунингдек аэропортлар, темир йўл вокзаллари ва автостанцияларга тутатиб кетган ҳудудларда жойлашган савдо корхоналарида; этикеткаларсиз, ифлос (ички ёки ташқи томони), синган (оғзи учган, ёрилган), тикини шикастланган, умумий кўриниши тиниқ бўлмаган, чет нарсалар аралашган, чўкиндили шишаларда (винолар тўпламидан ташқари), қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам чакана нархдан паст сотиш тақиқланади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Алкагол ва алкогольсиз ичимликлар тўғрисида умумий тушунчалар беринг.
2. Этил спирти ва ундан тайёрланган ичимликларни концентрациясини (куватни) қандай аниқланади.
3. Ароқ таркибидаги ишқорийлигини, сивуш ёғлари ва мураккаб эфирлар миқдорини, метил спиртини қандай аниқланади.
4. Алкоголли ичимликларни қандай физик усуллар ёрдамида тадқиқ этиш, изоҳлаб беринг.
5. Алкоголсиз ичимликларни кимёвий таркиби асосида қалбаки ичимликлардан фарқланишини тушунтириб беринг.
6. Алкоголли ва алкогольсиз маҳсулотлари ТИФ ТНнинг қайси гуруҳ ва позицияларида жойлашган.
7. Алкоголли маҳсулотларни четдан келтириш, ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назорати кимлар олиб боради.
8. Алкоголли маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркаларини жорий этиш тартибини тушунтириб беринг.
9. Ўзбекистон Республикасида алкоголли ичимликларга маркаларини қўллаш тартибини изоҳлаб беринг.
10. Алкоголли маҳсулотларни сотиш қандай ҳолларда тақиқланади.

21- БОБ. ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ БОЖХОНА ЭСПЕРТИЗАСИ

Режа:

1. Мавзуга доир асосий тушунчалар.
2. Тўқимачилик саноати ва унинг аҳамияти.
3. Тўқимачилик маҳсулотларидан намуналар (синама) олиш тартиби.
4. Божхона экспертизасини амалга ошириш усуллари.
5. Тўқимачилик маҳсулотларининг ТИФ ТН да жойлашиши.

Мавзуга доир асосий тушунчалар

Тўқимачилик материалларнинг асосий тузилиш элементлари бу тола ва иплар.

Тўқимачилик толаси - эгилувчан ва пишиқ, кўндаланг кесими кичик ва узунлиги чегараланган жисм бўлиб, у тўқимачилик материалларни ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Тўқимачилик ипи - эгилувчан, пишиқ, кундаланг кесими кичик ва узунлиги чегараланмаган жисм бўлиб, маълум узунликка эга, у тўқимачилик материалларини ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Элементар тола ва ип - узунасига ажралмайдиган якка ип бўлиб комплекс ипларни ташкил қилади .

Комплекс тола ва иплар - бўйлама бирлаштирилган элементар тола ёки иплардан ташкил топган.

Пахта, чигитли пахта – ғўзанинг тола ва чигитдан иборат асосий маҳсулоти.

Момик - Заводларда пахтага ишлов бериш жараёнида - толаси ажратиб олинган чигитда қоладиган калта толадан тайёрланадиган майин пахта. Унга циклонларда йиғиладиган ифлос ва чангли момик пахта ҳам киради.

Момик пахта - ҳар хил йўналишда тартибсиз равишда кучсизгина бириккан калта толалардан иборат майин пахта. Асосан, толаси ажратиб олинган чигитлар сиртида қоладиган калта тола (линт)дан тайёрланади.

Линт, момик – спиралсимон (толаси ажратилган) чигитда қолган калта тола.

Тўқимачилик саноати ва унинг аҳамияти

Турли хилдаги ўсимлик толалари, жун ва сунъий синтетик толалардан турли газламалар, ип ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи енгил саноат тармоғидир. Тўқимачилик саноати таркибига тўқимачилик хом ашёсини дастлабки, қайта ишлаш, ип газлама, жун газлама, зиғир, каноп жун толасидан газлама, шойи, нотўқима материаллар, тўр тўқиш, тўқимачилик- атторлик, трикотаж, кигиз-намат босиш соҳалари киради. Тўқимачилик саноати

маҳсулотлари кийим-бош ва пойабзал ишлаб чиқаришда, шунингдек, мебель, машинасозлик саноати ва бошқаларда ишлатилади.

Тўқимачилик тайёр маҳсулотлар (газлама, трикотаж, эшилган иплар ва х.к.) асосан тўқимачилик иплардан ишлаб чиқаради.

Тўқимачилик материаллари халқ хўжалиги тармоқларида кенг ишлатилади. Уни ишлатмаган бирорта ҳам тармоқлар йўқ.

Асосий тўқимачилик маҳсулотлари кийим-кечак ва хўжаликда ишлатилади. Масалан: ривожланган давлатларда кийим - кечак учун 35-40 %, хўжалик маҳсулотлари учун 20-25%, техникада 30-35% ва бошқа мақсадлар учун 10% гача ишлатилади. Ҳозирги йўналиш техникада ишлатиладиган маҳсулотларни асосан кимёвий толалардан ишлаб чиқаришни талаб этмоқда. Табиий толалар асосан кийим-кечак учун ишлатилмоғи лозим.

Аввалги собиқ Иттифоқ таркибида Ўзбекистон хом-ашё манбаи бўлиб ҳисобланган. Чунки республикада пахта, ипак, канош толаларини ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринда турар эди.

Етиштирилган пахта толасининг фақат 9-10% Республикада тўқимачилик тайёр маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ишлатилар эди. Пахтанинг қолган 90% тола сифатида сотилган. Бугунги кунда 40-50% пахта толасидан маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Тўқимачилик маҳсулотларидан намуналар (синама) олиш тартиби ***Газламалардан намуналар олиш.***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 29 августи 1269-рақам билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтилаётган товарларнинг намуна ва синамаларини божхона органлари тизимида тасарруф қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага асосан газламалардан божхона экспертизаси учун намуна олиш мутахассислар томонидан, юк эгаси, божхона нозири ва 2 та холис шахслар иштирокида амалга оширилади. Намуна давлат стандарти талабларига биноан, яъни газламанинг бутун энининг узунлиги бўйича божхона экспертизасида анализ қилиш учун етарли энг кам миқдорда 3 та нусхада олинади, олинган намуналар алоҳида идишларга яъни қоғоз пакетга (конверт) жойлаштирилади, унинг юқори (очиқ) қисми елимланади (ПВА елими, силикат, суперелим ва бошқалар ёрдамида). Сўнгра қоғоз пакетнинг елимланган, боғланган (тикилган) қисмига ўрамнинг сақланишни таъминловчи ёрлик ёпиштирилади.

Пахта толасидан намуналар олиш.

Пахта толасидан намуналарни (синамаларни) олиш ЎЗРСТ 634-95-сонли давлат стандарти талабларига асосан 1 та партия ва бир хил навли, бир хил типли ва исталган ҳар хил киплардан танлаб олиш усулида бажарилади. Масалан: 1 та вагонда бир хил нав ва бир хил типли 200 та той пахта толаси бўлса, исталган ҳар 10 та кипдан 1 таси танлаб олиниб, кипнинг уч жойидан қирқилиб, намуна 3 та нусхада – ўртача 0,1 – 0,15 кг миқдорда олинади ва ўралади ҳамда

намуна олганлик ҳақида 3 нусхада "Синамаларни (намуналарни) олиш далолатномаси расмийлаштирилади.

Далолатноманинг биринчи нусхаси экспертиза учун юборилаётган материаллар, яъни намуналар (синамалар), кузатув хати ва товарга тегишли ҳужжатлар билан, экспертиза тайинлаган божхона органи ходими томонидан Давлат божхона кўмитасининг 2008 йил 14 майдаги 170-сонли «Божхона экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома» ни тасдиқлаш ҳақидаги буйруғи ва ДБКнинг 2010 йил 21 июлдаги «Товарларни божхона экспертизаси» автоматлаштирилган ахборот тизимини амалиётга киритиш тўғрисидаги 180-сонли буйруғига асосан, божхона лабораториясига юборилади.

Божхона экспертизасини амалга ошириш усуллари

Божхона экспертлари тақдим этилган намуна ва ҳужжатларни муккамал ўрганиб чиқиб, аввал шартнома қайси маҳсулотга тузилганлигига эътибор қаратилади, яъни, шартнома сунъий газламага тузилган бўлса йўл транспорт вароғида ҳам сунъий газлама деб кўрсатилган бўлиши лозим.

Зарур ҳолларда илмий тадқиқотлар ўтказиб божхона хулосасини тайёрлайди, божхона экспертизасини амалга оширишда турли усуллар ва техник воситалардан фойдаланилади.

Газлама ва матоларнинг божхона экспертизаси.

Экспертизага тақдим этилган газлама ёки мато товарининг намунасини ТИФ ТН бўйича синфлашда қуйидаги кўрсаткичлари ўрганилади. Намунанинг сунъий ёки табиий толадан тўқилганлиги шунингдек, газлама қайси усул билан тўқилганлиги оранолептик, кимёвий ва физикавий усуллар билан ўрганилади. Ушбу ўтказиладиган тадқиқот энг содда ва осон усул ҳисобланиб, дастлабки ҳолда газламани ёндириш ёки эритувчи моддаларда эритиб шу билан бирга микроскоп остида кўрилганда аниқланиши мумкин.

Тўқимачилик толаларининг синфланиши.

Тола- йиғириш, газлама тўқиш ва бошқа мақсадлар учун ишлатиладиган ингичка, пишиқ табиий ёки сунъий ашё; турли электр қурилмаларининг қилсимон ингичка ток ўтказувчи қисми; кокил, соч толаси.

Тўқимачилик материалларида жуда кўп ва турли кимёвий таркиб, тузилиш ва хоссаларга эга бўлган тола ва иплар қўлланади. Уларни ўрганишни енгиллаштириш учун синфлаштирадилар.

Синфлаштиришнинг асосида - толаларнинг келиб чиқиши (олиниш усули) ва кимёвий таркиби куйилган. Тўқимачилик саноатида ишлатиладиган ҳамма толалар келиб чиқиши бўйича иккита синфга бўлинади:

1. Табиий толалар.
2. Кимёвий толалар.

Тўқимачилик табиий толалар.

Табиий толаларга - ўсимликлар, жониворлар ва минераллардан олинадиган толалар киради.

Ўсимликлардан:

1. Уруғлардан. (пахта).
2. Поялардан. (зиғир, каноп).
3. Барглардан. (манила, сизаль).

Жониворлардан:

1. Ҳайвонлардан (қўй, эчки, туя, қуён жуни).
2. Қуртлардан (табиий ипак).

Минерал бирикмалардан ноорганик толалар, асбест толаси олинади.

Кимёвий толалар иккита турга бўлинади:

1. Кимёвий толалар.
2. Суний толалар.

Тўқимачилик кимёвий толаларни – заводларда табиий ёки синтетик юқори молекулали бирикмалардан (полимер) шакллантириш йўли билан олинади.

Ўсимлик толалари целлюлозадан ташкил топган. Уларни олишда ўсимлик уруғининг сиртидан (пахта), поясидан (зиғир, каноп, жут ва бошқалар) ва баргида (абака, сезал), асосан арча ёғочларидан ва пахтанинг калта толасидан целлюлозадан фойдаланилади.

Жониворлардан олинadиган толалар оқсиллардан ташкил топган: кератин (жун), фиброин ва серициндан (ипак).

Пахта толаси - Ғўза ўсимлиги уруғининг сиртини қоплаган, чигит қобиғида етиладиган ингичка, узун, силлиқ ва пишиқ табиий толаларга айтилади.

Целлюлоза - ўсимлик толаларини ташкил қиладиган асосий полимер ҳисобланади.

Жун - турли ҳайвонларнинг пўстини қоплаган толаларга айтилади. Бу толаларнинг асосий моддаси - оқсиллар (жунда - кератин, ипакда - фиброин ва серицин).

Ипак - бу ярим хашаротларни махсус оқсил чиқарадиган безидан чиқадиган маҳсулот. Саноат учун асосан тут баргини ейдиган қуртнинг (ипак қурт) ипаги аҳамиятлидир.

Зиғир толалари - бир йиллик ўт-зиғирнинг новдасидан олинади.

Целлюлоза ўсимлик толаларининг асосий моддаси бўлиб ҳисобланади. Целлюлоза айрим сунъий кимёвий толаларни (вискоза, ацетат, триацетат) олишда ҳам ишлатилади. Целлюлоза ҳамма ўсимликларда бўлади, лекин ҳеч вақт соф ҳолда учрамайди. Ўсимликларда целлюлоза бошқа моддалар билан ўралган ҳолда учрайди. Целлюлозанинг йўлдошига, пектозан, гексозан, лигнин, пектин моддалари киради.

Вискоза толасини олиш: вискоза толаси арча, ёғочларнинг целлюлозасидан олинади арча ёғочларида 50 % гача целлюлоза бўлади. Арча ёғочларидан целлюлоза ишлаб чиқарадиган махсус заводлар бор.

Вискозанинг штапел толаси. Тўқимачилик саноатида вискозанинг узлуксиз узун иплари ва кесилган штапель толалари ишлатилади.

Вискоза ипининг хоссалари: гигроскопик хусусияти бўйича пахта ипига ўхшаш, лекин хўл ҳолатида мустаҳкамлиги 2 баробар камаяди. 150–160⁰С да тузилиши ўзгармайди. Ювганда киришади. Ишқаланиш деформациясиги чидамли.

Ацетат толасининг олиниши: ацетат толаси куруқ усул билан ацетилцеллюлозадан олинади. Ацетилцеллюлоза эса кимёвий заводларда пахтанинг калта толасини сирка ангидриди билан ишлаш натижасида олинади. Ацетат ипининг мустаҳкамлиги вискозадан кам, лекин, хўл ҳолатда мустаҳкамлигини кам йўқотади. Эластик хусусияти вискозадан яхши, лекин гигроскопик хусусияти вискозадан паст. Яна камчилигидан биттаси ишлатиш жараёнида ацетат толасида статик зарядлар йиғилади. Лекин, толаси яхши бўлади, ҳар хил кийим–кечак ишлаб чиқариш учун ишлатилади.

Шиша толасини олиниши: шиша толалари диаметри 2 см бўлган шиша шарикларидан олинади. Бу шариклар 1200–1600⁰С эритилиб махсус филтрдан ўтказилади. Эриган шиша филтрдан ўз оғирлиги таъсирида оқиб тушади. Ҳаво билан совитилган ип ғалтакка ўралади.

Ипларни бир-бирига ёпишқоқлигини камайтириш учун ва юмшоқлигини ошириш учун улар махсус ёғлар билан ёғланади.

Металл ипларини олиш: металл иплари асосан мисс металлни чўзиш усули билан олинади. Олинган металл ипини уч хил қиммат баҳоли металл билан қоплайди. (1-2 % олтин, кумуш).

Металл иплари ҳар хил кўринишда бўлади. Бу иплар кийимларни ва орден, медалларни безатишда ишлатилади.

Сунъий толалар: табиатда тайёр ҳолда учрайдиган юқори молекулали бирикмалардан (целлюлоза, оксил) оладилар. Синтетик толаларни табиатда учрайдиган (кўмир, газ, нефт) кичик молекулали бирикмалардан юқори молекулали бирикмаларни синтез қилиб оладилар. Синтетик толалари гетерозанжирли ва карбозанжирли толаларга ажратилади.

Гетерозанжир толалар деб, полимер занжирида углерод атомларидан ташқари кислород, азот каби бошқа элементлар ҳам бўлган толаларга айтилади.

Карбозанжир толалар деб, полимер занжири фақат углерод атомларидан ташкил топган толаларга айтилади.

Синтетик толалар оддий моддаларнинг яъни, мономерларнинг молекулаларни синтезлаб капрон толаси ва ловсан толаси олинади.

Капрон толасининг олиниши: Капрон толаси капролактама мономерини полимерлаш реакцияси билан олинади. Капролактама эса фенол, бензол, фурфурол моддаларига кимёвий ишлов бериб олинади. Фенол, бензол, фурфурол эса нефтни, тошкўмирни қайтадан ишлаш натижасида олинади.

Капрон толасининг асосий хусусиятлари. Капрон чексиз узунликдаги ип ва қирқилган штапел тола кўринишида ишлаб чиқарилади.

Гигроскопчилиги 4 %. $T = 65^{\circ}\text{C}$ – капрон пишиқлигини йўқота бошлайди. Ишқор таъсирига чидамли. Кислотага чидамсиз. Камчилиги эса, толаси силлик, яхши илашмайди, ишқаланиш кучи кам. Бошқа толалар билан аралаштирилган ва силликлиги туфайли материал юзасига чиқиб ишқаланиш натижасида пиллинг (тугунчалар) ҳосил бўлади. Ўзига намликни тортади.

Ловсан толасининг олиниши: ловсан толаси терефтлат кислота билан этиленгликол моддасини поликонденсация (280°C) реакция натижасида олинган полиэтилен терефтлат полимеридан олинади.

Газламалар қуйидаги усуллар бўйича тўқилиши билан фарқланади.

Газлама- бир-бирига перпендикуляр жойлашган 2та ипдан бўйлама (танда) ва кўндаланг (арқоқ) ипларни ўзаро тўқилиши натижасида ҳосил бўладиган материал. (толалар эни ва бўйи бўйича тўқилади).

Трикотаж- эгиловчан ва пишиқ жисм бўлиб, тўқимачилик ипларининг эгилиши натижасида ҳосил бўладиган ва бир-бирига тизилган халқалардан ташкил топади. Унинг асосий элементар звеноси - халқа. (толалар фақат энига тўқилади).

Нотўқима полотно- (нетканые полотно) турли усуллар билан бириктирилган бир неча тўқимачилик материалларининг қатламларидан ташкил топган маҳсулотга айтилади. Нотўқима полотнони асоси сифатида толали холст (тўшама), иплар системаси, газлама ёки трикотаж полотно ва уларни комбинацияси қўлланади.

Абразив- абразив сифатида наждак тошлар, (қум қоғоз) қоғозлар, металллар ва айрим қаттиқ газламалар қўлланилади.

Тикувчиликда ишлатиладиган материаллар вазифасига қараб олти гуруҳга булинади:

а) асосий материаллар - тикувчилик буюмни усти сифатида қўлланилади (газлама, трикотаж ва нотўқима полотно, табиий ва сунъий чарм ва мўйна, комплекс ва пленкали материаллар);

б) астарли ва қистирма материаллар;

в) иситувчи материаллар - иссиқни сақловчи сифатида қўлланилади (момиқ пахта, ватин, поролон, табиий ва сунъий мўйна);

г) буюм қисмларини бириктирувчи материаллар (тикув ипи, йигирилган ип, елим материаллар);

д) безаш материаллари (тасма, тур, шнурлар ва бошқа);

е) фурнитура - ёрдамчи материал (тугма, молния, илмоқлар, кнопка ва бошқа). Тикувчилик буюмларни аксарияти тўқимачилик материаллардан тайерланади: газлама, трикотаж ва нотўқима полотнолардан тикув ва йигирилган иплар, момиқ, ватин ва бошқа қўллаган ҳолда.

Бу материалларнинг асосий қисми тўқимачилик толалардан ташкил топади.

Ёндирилганда ҳар бир газлама таркибига кўра ўзига хос ҳидга эга.

Пахта, зиғир, вискоза ва бошқа ўсимлик толалари, – тез ёнади, ёниш давомийлиги тўхтатилганда чўғланиб туради, куйган қоғоз хиди келади ва энгил кўкимтир кул қолдиради.

Жун ва ипак толаси – секин ёнади, ёниш давомийлиги тўхтатилганда ўчиб қолади, куйган ҳайвон шохининг хиди келади ва қаттиқ тўқ рангли шарча ҳосил бўлади, кўл теккизилганда осонгина увоқланади.

Ацетат толаси - ёниши пахтага ўхшаш, ўткир (уксус) аччиқ ва куйган қоғоз хидли, унча катта бўлмаган шарча ҳосил бўлади, кўл теккизилганда қисман увоқланади.

Полиамид ва полиэфир толалари – атрофи эриб ёнади, кўп ҳолларда полимер томчилаб эриб ёнади, ҳидсиз, эриганда ўзидан қаттиқ қолдиқ қолдиради, кўл ёрдамида увоқланмайди.

Тўқимачилик материалларининг оловга чидамлилиги махсус асбобларда ёниш тезлиги орқали аниқланади, шунингдек ҳар бир газлама маълум бир ўзига хос эритувчиларда эрийди.

Масалан; пахта толаси 70% ли хлорид (серная) кислота эритмасида эриса, вискоза ва жун толалари сульфатъ (соляная) кислота эритмаларида эрийди.

Ипак, нитрон, диацетат, триацетат ва хлорин толалари, жун толасидан фарқли равишда 8,9 н.(нормал.) сульфатъ ксилота эритмасида эрийди.

Намуналар микроскоп остида кўрилганда (26-29- *расмлар*), газлама толалари намуналари таркибига кўра турлича кўринишда бўлади:


1)- пахта толасидан:

2)- кимёвий толадан:

3)-жун толасидан тўқилган газламалар бир-биридан фарқланади.

Уларнинг қайси толадан тўқилганлиги микроскоп остида кўрилганда куйидаги кўринишларга эга бўлади.

Тўқимачилик толаларининг микроскопик кўриниши.



26- расм. Пахта толасининг микроскопик кўриниши.

а). Мутлақо пишмаган ўлик тола.

б). Пишмаган тола.



в). Яхши пишмаган тола.

г). Пишган тола.

д). Пишиб ўтиб кетган тола.

27- расм. Жун толасининг микроскопик кўриниши.

- а). момик.
- б). оралик тук.
- в). дағал тук.
- г). ўлик тола.




28- расм. Пилла толасининг микроскопик кўриниши.

Пилла иплари икки, бир-бирига параллел жойлашган элементар иплардан ташкил топган. Элементар иплар (фибриондан ташкил топган) церицин қатлами билан бир-бирига елимланган. Пилла ипининг кўндаланг кесими иккита айланма бурчакли учбурчак ва уларни қоплаган церицин қатлампидан ташкил топган. Пиллаларни чуватганда бир нечта пилла иплари елимланиб битта ип ҳосил қиладилар.

29- расм. Кимёвий толаларнинг микроскопик кўриниши.

- а-б. вискоза толаси.
- в. атцетат ва 3 ацетат.
- г. полиноз, полиамид ва полиэфир.
- д. нитрон.
- е. хлорин, поливинил хлорид.
- ж. винол.



Тўқимачилик маҳсулотларини ТИФ ТН бўйича тасинфлашда, материалларни сифатини баҳолашда ва тикувчилик буюмларига материал танлашда чизиқли ва сирт зичлиги муҳим роль уйнайди. Бу характеристикалар материаллар стандартида кўрсатилади ва уни кўрсаткичларига қатъий риоя қилиш зарур. Стандарт кўрсаткичларидан оғиш нуқсон деб ҳисобланади ва

материал тузилиш параметрларида камчилик борлигини кўрсатади. Тўқимачилик маҳсулотларни сирт зичлиги турлича бўлади. У материални вазифасини белгилайди. Тўқимачилик материалларни сиғимини камайтириш бу жуда муҳим масала, аммо бу уларни сифатини ёмонланишига олиб келмаслиги керак. Тўқимачилик материаллари чизиқли ва сирт зичлигини тарозида ўлчаб ёки ҳисобалб қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

Ўлчов 0,01 гр хатоликда ўтказилади.

$$\text{Чизиқли зичлик } \rho_l = \frac{m}{l} \times 10^3 \text{ (г/м)}$$

$$\text{Сирт зичлиги } \rho_s = \frac{m}{S} \text{ (г/м}^2\text{)}$$

m - мато массаси, кг ёки г.

l - мато узунлиги, м ёки см.

S – мато сиртининг юзаси, м².

Бу характеристикалар материални намлигига қараб кўп ўзгаради.

Пахта толаси божхона экспертизаси.

Божхона экспертизасига пахта толасининг намунаси ва унга тегишли ҳужжатлар тақдим этилади. Эксперт намуна ва ҳужжатларни қабул қилиб олгандан кейин биринчи босқичда тақдим этилган товарга таалуқли ҳужжатларни синчковлик билан ўрганади. Бунда тақдим этилган ҳужжатлардан йўл транспорт варағи ва шартномани тўла ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

1. Дастлаб, божхона экспертизасига тақдим этилган пахта толасининг намунаси “эталон” намуна билан ташқи кўриниши бўйича таққосланади. Намунавий “эталон” “Сифат” маркази, “Ўздавпахтасаноатсотиш” давлат уюшмасининг сифат лабораториялари томонидан тайёрланади.

2. Давлат стандарти талаблари бўйича тола узунлиги “классёр” усули билан аниқланади.

3. Пишганлик коэффиценти, намлиги, ифлосланганлик даражаси тегишли асбоб ускуналарида ўрганиб чиқилади.

Маълумки пахта толаси Ўзбекистон Республикаси ва кўшни давлатларда алоҳида кипларда тойланади. Ҳар бир кипнинг оғирлиги ўртача ўртача 180-240 кг бўлиб, ҳар бир кипга тайёрланган пахта заводининг код рақами берилади. Бу кўрсаткичлар кипнинг паспорти ҳисобланади.

Масалан: 035 3 220 02

1. Биринчи учта рақам пахта заводларининг код рақамлари бўлиб, (бурақам МДХ ва Республикадаги барча пахта заводлари учун ҳар хил бўлади).

2. Иккинчи рақам қайси сменада тайёрланганлигини билдиради.

3. Учинчи учта рақам кипнинг оғирлигини билдиради.

4. Тўртинчи иккита рақам кип тайёрланган санани билдиради.

Кипдаги ушбу рақамлар асосида пахта толасини назорат қилиш мумкин бўлиб, яъни пахта толаси қайси пахта заводида тайёрланганлиги аниқланади.

Пахта толасининг пишиқлигига қараб пахта хом ашёси 6 навга: сараланган, биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи навларга бўлинади. Сараланган навга энг етилган ва пишиқ толали пахта киради.

Биринчи нав пахта толаси: олий, яхши, ўрта (тола узунлиги 40,2 мм ва ундан юқори).

Иккинчи нав пахта толаси: олий, яхши, ўрта, оддий (тола узунлиги 38,2-39,2 мм).

Учинчи нав пахта толаси: яхши, ўрта, оддий (тола узунлиги 35,2-37,2 мм).

Тўртинчи нав пахта толаси: ўрта, оддий, ифлос (ёмон) (тола узунлиги 31,2-33,2 мм).

Бешинчи нав пахта толаси: ўрта, оддий, ифлос (ёмон) (тола узунлиги 29,2-30,2 мм).

Пахта момиғининг ТИФ ТН бўйича код рақами 5601 21 900 0 ва у беш турга бўлинади: гигроскопик, таралган, тўшакбоб, люкс, прима, тикув. “Прима”, “Люкс” ва “Тикув” момиғлари намуналарини экспертиза вақтида бир биридан фарқлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб улар экспортда иқтисодий зарарни олди олинади. Давлат стандарти ЎзРСТ 634-95-сонли Техник шарт талабларига бўйича бир биридан қуйидаги сифат кўрсаткичларига биноан фарқ қилади:

1. Пахта толасининг ташқи кўриниши.

2. Тола узунлиги.

3. Пишганлик коэффиценти.

4. Ифлослик даражаси.

5. Намлиги.

Ушбу кўрсаткичлардан бири талаб даражасига жавоб бермаса пахта толасининг нави қуйи навга қараб ўзгаради.

Пахта толаси юқоридаги кўрсаткичларга кўра 1а, 1б, 1,2,3,4,5,6 ва 7 типларга бўлинади. 1-3 типлар ингичка толали, 4-7 типлар эса ўрта толали хисобланади.

Толанинг биринчи нави окрок, паст навлари тўкроқ – сариқ ёки жигарранг бўлади.

Пахта толасининг ташқи кўриниши ва ранги «пахта саноати» давлат акциядорлик уюшмасида тайёланадиган ва белгиланган тартибда тасдиқланган намуналарига солиштирилиб кўзда аниқланади.

Тола узунлиги толаларнинг геометрик хоссаларидан бири. Бу хоссаларга уларнинг катталиги ва шакли киради.

Тола узунлиги L, мм, - тўғриланган тола учлари орасидаги масофа. Тола қалинлигини тўғридан-тўғри ўлчаш қийин, чунки у жуда кичик ва

кўндаланг кесими турлича бўлади. Шунинг учун қалинликни одатда бевосита характеристикалар билан таърифлайдилар. Чизикли зичлик T , текс, узунлик бирлигига тўғри келадиган масса билан ифодаланади ва қуйидаги формуладан аниқланади:

$$T = \frac{m}{L} \text{ бунда}$$

m - тола массаси, г ёки мг.

L - тола узунлиги, км ёки м.

Чизикли зичлик - тола қалинлигини асосий стандарт характеристикаси.

Пахта толасининг юқоридаги кўрсаткичлари унинг сифати ва нархини белгиловчи меъёр ҳисобланиб, ТИФ ТН бўйича синфлашда муҳим кўрсаткич сифатида қаралади.

Тўқимачилик маҳсулотларининг ТИФ ТН да жойлашиши

Тўқимачилик маҳсулотлари Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасининг асосан XI бўлимида жойлашган бўлиб, 14 та гуруҳни (50дан 63гача) ўз ичига олади. Ушбу бўлимда тўқимачилик маҳсулотлари хом ашё, ярим тайёр маҳсулот ва тайёр маҳсулот кўринишида берилган. Наменклатурада тўқимачилик маҳсулотлари – бу, турли технологиялар бўйича олинадиган тўқимачилик толаларидан олинадиган материаллар ва буюмлардир.

Тўқимачилик маҳсулотлари турли хусусиятларига кўра, яъни келиб чиқиши бўйича, функционал вазифалари асосида, кимёвий таркибига кўра ва маҳсулот турига қараб номенклатуранинг бошқа бўлимларига жойлаштирилган. Масалан, тўқимачилик маҳсулотларини ёруғликни сезувчанлигига кўра 37 гуруҳга, углерод толаси ва ундан тайёрланган буюмлар; абразив қопланган текстил материаллари - 68 гуруҳга, ўйинчоқлар ва спорт анжомлари - 95 гуруҳга бириктирилган. XI бўлимга киритилмаган товарлар рўйхати, XI бўлимнинг 1 бандининг изоҳида келтирилган.

50-53 гуруҳларга табиий толалар яъни (жун, шойи, пахта ва бошқа ўсимлик маҳсулотлари), уларга 50 ва 52 гуруҳларга кирадиган ипак ва пахта ва унинг асосидаги маҳсулотлар киради, яъни 50-гуруҳга –ипак, 51-гуруҳга жун, хайвон сочидан олинган дағал ёки ингичка; от сочидан олинган ёки ип ва мато, 52-гуруҳга пахта, 53-гуруҳга бошқа тўқимачилик ўсимлик толаси; қоғоз калавасидан мато ва қоғоз ип. 54-55 гуруҳларга кимёвий толалар ва ушбу толалардан иплар ва матолар. 54 гуруҳга кимёвий иплар; кимёвий тўқимачилик материаллардан текис ва ўхшаш иплар, 55- гуруҳга кимёвий тола, калта (узилган) тола, ундан тўқилган мато ва калава.

Газламалар тўқилган толанинг кимёвий таркиби бўйича, ТИФ ТН га хос халқаро код рақами ҳам ҳар хил бўлади, яъни:

- жун газлама – 5101-5105,
- жун толасидан тайёрланган ип – 5106 - 5110,
- жундан тўқилган газлама – 5111,
- пахта толаси чиқиндилари (жумладан, йигирув чиқиндилари ва титилган хом ашё) – 5202,
- пахта толасидан тўқилган газлама 5208 – 5212 гуруҳда,
- ўсимлик толаларидан тайёрланган газлама-каноп газламаси – 5301,
- номлари бошқа жойларда келтирилмаган ёки киритилмаган кокос ёнғоғи, абака (манил пенкаси, ёки *Musa textilis* Nee), рами ва бошқа ўсимликларнинг тўқимачилик толалари, хом ашё кўринишида ёки ишлов берилгани, бироқ йигирилмагани: мазкур толаларнинг тарандиси ва чиқиндилари (жумладан, йигирув чиқиндилари ва титилган хом ашё) – 5305,
- каноп ипи - 5306,
- канопдан тўқилган газлама – 5309,
- синтетик ип – 55401,
- синтетик ипдан тўқилган газлама -5407- 5408,
- нотўқима материаллар – 5603,
- тукли (ворсли) ва бахмал газлама – 5801,
- тюл ва бошқа тўрсимон матолар – 5804,
- энсиз газламалар – 5806,
- текстил материаллардан тайёрланган этикеткалар, эмблемалар ва ўхшаш буюмлар – 5807,
- мустаҳкам нейлон ёки бошқа полиамид, полиэфир ёки вискоза иплардан тайёрланган газламалар – 5902,
- резина аралаштирилган текстил материаллар -5906,
- кўлда ёки мошинада тўқилган трикотаж полотноси – 60 гуруҳ,
- кўлда ёки машинада тўқилган трикотаж материалдан тайёрланган кийим-кечак предметлари ва унинг буюмлари - 61-гуруҳ,
- бошқа тайёр тўқимачилик буюмлари: тўпламлар, кийим-кечаклар ва тўқимачилик буюмлари, эски ишлатилган буюмлар, материаллар - 63-гуруҳ.

5601 товар позициясида тўқимачилик материалларидан олинган момик (вата) ва ундан тайёрланган буюмлар; узунлиги 5мм дан ошмаган тўқимачилик толалари киритилган. Шундай қилиб 5601 товар позициясидаги момик (вата) сўзида таралган тўқимачилик толаси тушинилади. Шунингдек, сигарет филтрларини тайёрлашда ишлатиладиган “филтрпалочки” номи билан аталадиган буюмларга ҳам тегишли бўлади.

5603 товар позициясидаги маҳсулотларга, техник адабиётларда “нотўқима материал” умумий термини билан номланган, яъни толалар бирикктирилганда ҳосил бўлган тўшама материаллари жойлаштирилган.

60 гуруҳга қўлда ёки мошинада тўқилган трикотаж полотноси киритилган бўлиб, унга атиги икки товар позицияси – 6001 “тукли (ворсовые) трикотаж полотноси” ва 6002 товар позициясига 6001 га киритилмаган “бошқа трикотаж полотноси” таркибидаги эластик ёки резина иплари 5% дан кўп эмас, эни 30 см дан ошмаган қўлда ёки мошинада тўқилган трикотаж полотноси жойлаштирилган.

Ўзбекистон ТИФ ТНнинг XI (50-63гуруҳлар) бўлимида келтирилган, тўқимачилик ва трикотаж маҳсулотлари, тайёр кийимлар ва бошқа буюмларнинг божхона назоратини олиб боришда, амалиётда доим таркибидаги толанинг турини ва маҳсулот қайси усулда қайта ишланганлигини билиш талаб этилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Тўқимачилик саноати тўғрисида маълумот беринг.
2. Тўқимачилик табиий толалари тўғрисида маълумот беринг.
3. Тўқимачилик кимёвий толалари тўғрисида маълумот беринг.
4. Тўқимачилик маҳсулотларидан намуналар (синама) олиш тартиби.
5. Тўқимачилик маҳсулотлари божхона экспертизаси амалга ошириш усуллари ҳақида гапиринг.
6. Тўқимачилик маҳсулотларининг ТИФ ТН да жойлашиши бўйича мисоллар келтиринг.

22- БОБ. МЕТАЛЛАРНИНГ БОЖХОНА ЭКСПЕРТИЗАСИ.

Режа:

1. Металлар ва уларнинг кимёвий ва физик хоссалари.
2. Рангли металлларнинг умумий тушунчаси.
3. Рангли металлларни физик усуллар ёрдамида тадқиқ этиш.
4. Металлар ва улардан олинadиган маҳсулотларнинг божхона экспертизаси ва ТИФ ТН да таснифланиши.

Металлар ва уларнинг кимёвий ва физик хоссалари

Металлар (юн.metalleno – қазийман, ер қаридан оламан)- пишиқ, электр ўтказувчан, пластик, иссиқ ўтказувчан ва ярқироқ, шаффоф бўлмаган кристалл моддалардир. Металлар қаттиқ ҳолатда кристалл тузилишида бўлади, буғ ҳолатида эса бир атомлидир.

Дунёда йилига 600 млн т.га яқин металл ишлаб чиқарилади. Металлар техника тараққиётининг негизи ҳисобланиб, халқ хўжалигида, қурилишда, космонавтика, кemasозлик, машинасозлик, самолетсозликда ва бошқа кўп соҳаларда ишлатилади.

Кимёвий хоссалари. Д.И. Менделеевнинг даврий системасидаги кимёвий элементларнинг тўртдан уч қисми, яъни 109 кимёвий элементнинг 87 таси металллар, 22 таси металлмасдир. Барча металлларни «оддий металллар», «оралиқ металллар», «лантаноид ва актиноидлар» ташкил қилади. Кимёвий хоссалари коррозияга бордошлиқ, яъни металл ва қотишмаларнинг турли емирувчи мухитлар таъсирига қаршилик кўрсатиш қобилиятларидир.

Физик хоссалари уларнинг истъемол тавсифини белгилайди ва муайян мақсадлар учун металл, ҳамда қотишмалар танлаб олишда муҳим роль ўйнайди. Хусусан, зичлиги, эриш харорати, электр ўтказувчанлиги, электр қаршилик хоссалари ва магнит хоссаларидир. Металларнинг зичлиги турлича. Энг енгил металл – литий (Li) зичлиги 0.531 г/см^3 , энг оғир металл – осмий (Os) зичлиги $22,6 \text{ г/см}^3$. Зичлиги 5 г/см^3 дан кичик металллар енгил, қолганлари эса оғир металл дейилади. Металларнинг суюқланиш температуралари ҳар хил. Симоб (Hg-38,87°C), цезий (Cs-28,44°C) ва галлий (Ga-29,77°C) қўлда ушланганда суюқланиб кетади, вольфрамнинг (W) суюқланиш температураси 3390°C. У электр лампаларининг толаларини тайёрлашда ишлатилади. Металлар қаттиқлиги жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Энг қаттиқ металл – хром, у шишани кесади. Энг юмшоқ металллар – калий, рубидий ва цезий, уларни пичок билан осон қирқиш мумкин.

Механик хоссалари – металл ва қотишмаларнинг статик ва динамик, чўзувчи, сиқувчи, эгилувчи ва эгилтирувчи, кесувчи ташқи кучлар таъсирига нечоғлиқ қаршилик кўрсата олиш қобилиятини кўрсатади.

Металлар 2-та асосий гуруҳларга: қора ва рангли металллар гуруҳларига бўлинади. Темир, унинг қотишмалари бўлган пўлат, чуян, хром, марганец қора металлларга киради.

Негизи темирдан иборат бўлмаган, қолган ҳамма металллар ва уларнинг қотишмалари (мис, никель, қўрғошин, кобальт, алюминий, олтин, кумуш, платина, рух ва бошқалар) рангли металлларга киради.

Таркибига икки ёки бир неча металл ёки металллар билан нометаллар кирадиган материаллар металл қотишмалари дейилади.

Рангли металлларнинг умумий тушунчаси

Рангли металллар – темирдан бошқа барча металлларнинг саноатдаги номи 5 гуруҳга бўлинади; энгил металллар, оғир маталлар, қийин суюқланадиган металллар, асл металллар, нодир металллар.

Энгил рангли металлларга: алюминий, магний, титан, натрий, бериллий, литий, барий, кальций, стронций ва калий (зичлиги 0,53 – 5 г/см³);

Оғир рангли металлларга: мис, никель, қўрғошин, кадмий, кобальт, рух, маргамуш, сурма, висмут, симоб (зичлиги 5- 13,6 г/см³);

Қийин суюқланадиган рангли металлларга: вольфрам, молибден, ниобий, тантал, хром, цирконий ва бошқа.

Асл рангли металлларга: олтин, кумуш, платина, осмий, иридий, родий, рутений ва палладий;

Нодир рангли металлларга: тарқоқ металллар (таллий, галлий, германий, индий, рений, гафний, рубидий, цезий).

Сийрак ер металллар (скандий, иттрий, лантан ва лантаноидлар).

Радиоактив металллар (техниций, франций, полоний, радий, актиний, торий, протактиний, уран ва барча трансуран элементлар) киради.

Рангли металлларни физик усуллар ёрдамида тадқиқ қилиш

Металлларнинг механик хоссаларини ва қаттиқлигини аниқлаш.

Чўзилувчанликни синаш. Чўзилувчанликни текшириш (ГОСТ 1497-73) ҳар хил машиналарда олиб борилади. Мисол учун УМ-5А.

Зарбдор қовушқоқликни аниқлаш. Зарбни текшириш (ГОСТ 2459-78) бўйича аниқланади. У металлларни қаршилигини, емирилишни динамик нагрукасини текширишга имкон беради.

Юзасини ғадир-будурлигини аниқлаш. Ғадир-будурлик юзаси ГОСТ - 2789–73 бўйича аниқланади.

Атом абсорбцион анализ. Бу усул билан металлларни сифат ва миқдорий текширувлари амалга оширилади.

Металлар ва улардан олинадиган маҳсулотларни божхона экспертизаси ва ТИФ ТН да таснифланиши

Божхона экспертизасини амалга ошириш орқали иқтисодий муҳофаза қилиш ва бож тўловларининг тўғри ундирилишини таъминлаш мақсадида товарларни ТИФТН бўйича тўғри синфлаш ҳозирги куннинг долзарб вазифасидир. Металлар ва улардан олинган буюмлар юқорида келтирилган товарлар тадқиқотининг физик усуллари, жумладан, атом-абсорбцион усул ёрдамида олинган натижалар орқали ҳамда ГОСТ ва ТШ кўрсаткичлари бўйича таҳлилини амалга ошириш орқали тадқиқ этилади.

Қимматбаҳо ва ноқимматбаҳо металлларнинг божхона экспертизасида қуйидагилар ўрганилади;

Қимматбаҳо металлларнинг таркиби ва алоҳида кўриниши;

Ўрганилаётган буюмнинг нархи;

Қимматбаҳо металлларнинг қайси пробага (софлик даражасини билиш учун урилган тамға) тегишлилигининг фоиз миқдори;

Тошнинг табиийлиги, суънийлиги, қайта ишланганлиги, қимматбаҳо, ярим қимматбаҳо ёки қалбакилиги;

Металлларнинг - ТИФ ТН да таснифланиши

“Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси”да металлларнинг синфланиши ишлаб чиқаришдагидан фарқ қилади. Ноқимматбаҳо металллар ва уларнинг буюмлари “Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси” китобининг XV бўлимида “ноқимматбаҳо металллар ва улардан тайёрланган буюмлар” синфланади, қимматбаҳо металллар эса VI ва XIV бўлимлардан жой олган ва металллар кетма кет хом ашё, ярим тайёр маҳсулот ва тайёр маҳсулот кўринишида жойлашган.

«Ноқимматбаҳо металллар» терминига ТИФ ТН нинг XV бўлими изоҳининг 3-бандида қуйидагилар келтирилган; қора металллар (темир, чўян, пўлат) деганда, мис, никель, алюминий, кўрғошин, рух, қалай, вольфрам, молибден, тантал, магний, кобальт, висмут, кадмий, титан, цирконий, сурьма, марганец, бериллий, хром, германий, ванадий, галлий, гафний, индий, ниобий, рений ва таллийлар тушунилиши кўрсатиб ўтилган.

ТИФ ТН нинг XV бўлими 11 та гуруҳдан ташкил топган, 72 гуруҳдан бошлаб 83 гуруҳгача яъни 72-76, 78-83, 77 гуруҳ заҳирада. Улар 157 та товар позициясига бўлинади ва қуйидагиларни ўз ичига қамраб олган 72 гуруҳ қора металллар ва уларнинг қотишмалари-темир, чўян, терро қотишма, пўлат, 73 гуруҳ қора металллардан тайёрланган буюмлар, 74 гуруҳ мис ва ундан тайёрланган буюмлар, 75 никель ва ундан тайёрланган буюмлар, 76 алюминий ва ундан тайёрланган буюмлар, 78 кўрғошин ва ундан тайёрланган буюмлар, 79 рух ва ундан тайёрланган буюмлар, 80 қалай ва ундан тайёрланган буюмлар; барча бошқа ноқимматбаҳо металллар ва улардан тайёрланган буюмлар 81 гуруҳда (вольфрам, молибден, тантал, магний, кобальт, висмут, кадмий, титан, цирконий, сурьма, марганец, бериллий, хром, германий, ванадий, галлий, гафний, индий, ниобий, рений ва таллий) келтирилган. 82 гуруҳ ноқимматбаҳо металллар ва уларнинг қисмларидан тайёрланган буюмлар – пичоққа ўхшаш ва бошқа кесувчи буюмлар шунингдек ошхона буюмларини ўз ичига олади.

Ноқимматбаҳо металллар қаторидан ишқорли, ер ишқорли, сийрак ер металллар, шунингдек скандий, иттрий ва симоб чиқариб ташланган, яъни улар ТИФ ТН да ноорганик кимё маҳсулотлари 2805 позициясига, радиактив моддалар эса 2844 позициясига тегишлидир. Шу каби кўпчилик ноқимматбаҳо металллардан ясалган буюмлар бошқа бўлимларга бириктирилган. Булар асосан XVI бўлим (машиналар, механик қурилмалар, электр ускуналар), XVII бўлим

(транспорт воситалар), XIX (қурол аслахалар) ҳамда VI, XII, XX ва XXI бўлимлар. Шунинг учун бу турдаги буюмларни синфлашда биринчи навбатда XV бўлимдан чиқариб ташланган товарлар рўйхатига қаралади, улар шу бўлимнинг 1 изоҳида келтирилган.

XV бўлимнинг 1 д изоҳида 71 гуруҳда келтирилган қимматбаҳо металл қотишмалари, қимматбаҳо металл билан қопланган ноқимматбаҳо металл, бижутериялар (тақинчоқ, безак) бу бўлимга кирмаслиги таъкидланган.

Металл қотишмалар ва улардан тайёрланган буюмлар қатор ўзига хос жиҳатларга эга, шунинг учун уларни синфлашда хатоликка йўл қўймаслик учун изоҳларга эътибор беришлик лозим. Уларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири ТИФ ТН да 72-76 ва 78-81 гуруҳларда келтирилган металлдан тайёрланган буюмлар импорти учун таъриф чоралар металлнинг кимёвий таркиби асосида белгиланса, 82-83 гуруҳларда келтирилган буюмлар эса вазифасига қараб синфланади. Шундай қилиб 2В изоҳга кўра 82-83 гуруҳларда келтирилган буюмлар 72-76; 78-81 гуруҳлардан ўчирилган.

Масалан;

1. Гўшт қиймалагич (мясорубка) уй хўжалигида фойдаланиш учун, оғирлиги 10 кг дан кам эмас, тайёрланиши; а) чўяндан, б) алюминийдан.

2. Кастрюля, тайёрланиши; а) чўяндан, б) алюминийдан.

Биринчи (1) мисолдаги буюм, гўшт қиймалагич (мясорубка) қайси металлдан тайёрланганлигидан қатъи назар, 82 гуруҳ товар рўйхатига киради; чўяндан ёки алюминийдан тайёрланган бўлса ҳам гўшт қиймалагич (мясорубка) нинг коди 8210000000 бўлади.

Иккинчи (2) мисолдаги буюм, кастрюля 82 гуруҳга кирмайди. Бунда қайси металлдан тайёрланганлигига эътибор қаратилади. Чўяндан қуйилган эмалланган кастрюлянинг товар коди 7323920000, алюминийдан қуйилган кастрюлянинг коди эса 7615191000 бўлади.

Қотишмаларни синфлашга мисол;

1. *Қотишма* (таркиби 53% мис, 45% рух, 2% алюминий) – оғирлиги жиҳатидан устун бўлганлиги учун, мис қотишмаси деб синфланади.

2. *Қотишма* (таркиби 35% рух, 40% олтингугурт, 15% фосфор, 10% кремний) – 2843 позициясида кимё маҳсулоти сифатида синфланади, бошқа жойда ном берилмаган.

3. *Қотишма* (таркиби 70% мис, 28% қалай, 2% кумуш) – Кумуш қотишмаси деб синфланади, чунки 71 гуруҳнинг 5 бандида берилган изоҳга кўра қотишма таркибидаги қимматбаҳо металл 2% дан кам бўлмаган миқдорни ташкил этса қимматбаҳо металл қотишмаси деб синфланади.

Турли компонентлардан ташкил топган яхлит буюмнинг таснифланишини аниқ мисолларда кўриб чиқамиз .

Сиртқи қатлами латундан, ички-пўлатдан, таглиги-чўяндан иборат ошхона анжومي, ҳажми 1л бўлган ўлчов идиши.

Буюмдаги металлларнинг нисбати: 55% латун, 10% пўлат, 35% чўян. Латуннинг таркиби: 60% мис, 40% рух.

Мазкур товар қуйидаги кетма кетликда таснифланиши керак.

1. XV бўлимининг 1 бандида берилган шарҳларга кўра, ушбу бўлимга киритилмаган товарлар рўйхатига жойлашмаганлиги текширилади.
2. 7а банди изоҳига асосан: Ҳар-хил турдаги қора металлларни синфлашда, йиғиндиси 45% ташкил этган чўян ва пўлат металига битта метал сифатида қаралади.
3. 5а, 6 ва 7б бандларда берилган шарҳларга биноан, мис (60%) ва рухдан (40%) таркиб топган латун, мис қотишмаси деб таснифланади.
4. Демак, товарларнинг таркиби мис (55%) ва қора металдан (45%) ташкил топган буюм деб қаралади ва 7 банд (биринчи сўзбоши) изоҳига биноан мазкур товар, мисдан тайёрланган буюм сифатида 74 гуруҳдан жой олади. Шунингдек “Мисдан тайёрланган ошхона буюмлари ёки бошқа маиший эҳтиёж буюмлари учун уларнинг қисмлари” сифатида аниқ таснифланган 7418 товар позициясида синфланиши лозим.

Алюминий профиль маҳсулотлари, уларнинг ТИФ ТН бўйича субпозиция даражасида синфлашда мезон бўлиб унинг легирланмаган ёки қотишма эканлиги ҳисобланади. ТИФ ТНнинг 76-гуруҳ учун берилган изоҳга кўра, легирланмаган алюминий- 99% алюминийдан иборат бўлиб, бошқа элементларнинг масса бўйича миқдори қуйидаги жадвалда келтирилган чегарадан ортиқ бўлмаслиги лозим:

Элемент	Чегаравий миқдори, масс.%
Fe + Si (темир плюс кремний)	1,0
Бошқа элементлар ¹ (уларнинг ҳар бири)	0,1 ²

¹ Бошқа элементларга, масалан, хром, мис, магний, марганец, никел ва рух (Cr, Cu, Mg, Mn, Ni, Zn)

² Миснинг миқдори 01 мас. % дан кўпроқ, бўлиши мумкин, лекин 02 мас.% дан ошмаслиги керак, шу каби хром ва марганец 0,05 мас.% кўп эмас

Демак, алюминий профилларининг субпозиция даражасида таснифланишида мезонларнинг асосийларидан бири - унинг кимёвий таркиби билан белгиланади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Металлар тушунчасига таъриф беринг.
2. Металларнинг физик ва кимёвий хоссаларини тавсифлаб беринг.
3. Рангли металллар қандай физик усуллар билан таҳлил қилинади?
4. Металлар ва улардан олинadиган маҳсулотларнинг божхона экспертизаси қандай ўтказилади?
5. Металларнинг ТИФ ТНда таснифланиши тўғрисида маълумот беринг.

23- БОБ. МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАРНИНГ БОЖХОНА ЭКСПЕРТИЗАСИ

Режа:

1. Ўғитларнинг синфланиши.
2. Оддий минерал ўғитлар.
3. Комплекс минерал ўғитлар.
4. Божхона экспертизасида минерал ўғит турларини сифат реакциялари ёрдамида аниқлаш.
5. Минерал ўғитларнинг ТИФ ТН да жойлашиши.

Ўзбекистонда яратилган “Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш” фани божхона экспертизасини ривожлантириш ва такомиллаштиришда асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Ҳар бир соҳа мутахассисларига ўзлари ишлаб чиқараётган товарларни кимёвий таркиби асосида халқаро код рақамлари бериш ва уларни сертификатлашда ҳам, кимёвий таркибга асосланиш ҳар томонлама муҳим эканлигини етказиш зарур. Ана шундагина товар ишлаб чиқарувчи ва харидорлар орасида илмий асосланган иқтисодий самарадор мулоқот яратилади.

Ўғитларнинг синфланиши

Таркибида ўсимликлар учун зарур озик моддалар бўлган ва инсон томонидан тупроққа киритиладиган моддаларга ўғитлар дейилади. Улар ўз навбатида *минерал* ва *маҳаллий* ўғитларга бўлинади (30- расм).


Маҳаллий шароитларда (томорқа, хўжалик) тайёрланиб, шу жойнинг ўзида ишлатиладиган ўғитлар *маҳаллий* ўғитлар деб юритилади. Таркибида озик элементлар миқдори кам бўлгани боис уларни олис масофаларга ташиб-ишлатиш мақсадга мувофиқ эмас.

Минерал ўғитлар саноат асосида тайёрланади ва ўсимликлар учун зарур озик моддаларни асосан ноорганик шаклда тутати (мочевина, кальций цианамид, оксамид, мочевина-формальдегид кабилар бундан мустасно).

Минерал ўғитларнинг таркибидаги озик элемент сонига кўра **оддий** ва **комплекс** минерал ўғитларга бўлинади.

Оддий минерал ўғитлар таркибида фақат битта озик элементни тутати. Лекин бу шартли тушунча ҳисобланади, чунки кўп ҳолларда улар таркибида Mg, Ca, S ва микроэлементлар ҳам учрайди.

Комплекс минерал ўғитлар эса таркибида икки ёки ундан ортиқ озик элементларни тутиб, уларнинг боғланиш табиатига кўра мураккаб, мураккаб аралаш ва аралаштирилган ўғитларга бўлинади.



30- расм. Ўсимликларнинг озикланиш жараёнида моддалар алмашинуви.

Маҳаллий ўғитлар.

Маҳаллий ўғитлар жумласига компостлар (31- *расм*), шаҳар ахлати, нажас, ипак курти чиқиндиси, сапропел, кўкат ўғитлар, ғўзапоя ва қовачоқ, эски девор қолдиқлари, бактериал препаратлар, торф, сидератлар, маиший ва хўжалик чиқиндиларини киритиш мумкин.



31- расм. Компост ўғитининг кўриниши.

Оддий минерал ўғитлар

Азотли, калийли ва фосфорли минерал ўғитлар киради.

Азотли минерал ўғитлар.

I. Ҳозирги кунда қуйидаги турдаги азотли ўғитлар ишлаб чиқарилмоқда.

1. *Аммиакли нитратли ўғитлар* – аммиакли селитра, аммоний-сульфат-нитрат (32- *расм*).

2. *Аммиакли ўғитлар* – аммоний сульфат, аммоний хлорид, аммоний карбонат, суюлтирилган аммиак, аммиакли сув ва аммиакатлар.

3. *Нитратли ўғитлар* – натрийли селитра, кальцийли селитра, калийли селитра.

4. *Амидли ўғитлар* - мочевино, кальций цианамид, мочевино-формальдегидли ўғитлар (МФЎ).

1. **Аммиакли нитратли ўғитларнинг** асосий вакили аммиакли селитрадир.

Аммиакли селитра (NH_4NO_3) – ўз таркибида ўртача 34,6% нитрат ва аммиак шаклидаги N (азот) бўлиб, гигроскопик бўлгани боис нам тортиб, муштлашиб қолади. Бу хусусиятини йўқотиш учун унга фосфорит ёки суяк талқони, гипс, каолинит каби моддалар қўшилади. Бу қўшилмалар унга сарғиш тус беради. Аммиакли селитранинг асосий қисми грануланган (донадорланган) ҳолатда ишлаб чиқарилмоқда.

Аммиакли селитра таркибидаги соф азотнинг миқдори 34,6% дан кам бўлмаслиги, намлиги 0,4% дан, қўшилмалар миқдори 0,1% дан ошиб кетмаслиги, муҳити мўътадил ёки кучсиз нордон бўлиши лозим. Тайёр ўғит ҳам нам тортмайдиган беш қаватли қоғоз ёки целлофан қоқларда сақланади.

2. **Аммиакли азотли ўғитларни** олиш усули бирмунча содда. Қаттиқ ва суюқ ҳолатдаги аммиакли ўғитлар фарқланади. Қаттиқ аммиакли ўғитлар жумласига аммоний сульфат, аммоий натрий-сульфат, аммоний хлорид ва



32- расм. Аммоний-сульфат-нитрат минерал ўғитининг кўриниши.

аммоний карбонат киради. Суюлтирилган аммиак, аммиакли сув ва аммиакатлар суюқ азотли ўғитларнинг вакиллари дир.

Аммоний сульфат – ўз таркибида 20,5-21,0% N тутади. Жаҳон миқёсида ишлаб чиқариладиган азотли ўғитларнинг қарийб 25% аммоний сульфат келади. Икки хил усулда синтетик ва кокс газларидаги аммиак ёрдамида ишлаб чиқарилади. Синтетик аммоний сульфат оқ рангли, кокс-кимёвий аммоний сульфат эса, таркибида органик аралашмалар бўлгани сабабли кулранг, кўкимтир ёки қизғиш тусда бўлиши мумкин. Аммоний сульфат кучсиз гигроскопик, сочилувчан таркибида 24% атрофида олтингугурт тутади, кайсики, ўсимликларнинг озикланишида ўзига хос аҳамиятга эга.

Аммоний-натрий сульфат – таркибида 16% азот ва 2,5% атрофида органик қўшилмалари мавжуд бўлган, сариқ тусли заррабин модда. Капролактама ишлаб чиқаришда чиқинди маҳсулот.

Аммоний хлорид – сувда осон эрийдиган оқ заррабин модда. Таркибида 24-25% N ва 66,6% Cl (хлор) тутади. Бу гуруҳга шунингдек, аммоний карбонат ва аммоний бикарбонатлар ҳам киради. Уларнинг таркибида мос равишда 24 ва 17% азот мавжуд. Улар кимёвий жиҳатдан беқарор бирикмалар бўлгани учун деҳқончиликда кенг қўлланилмайди.

Суюқ аммиакли ўғитлар. Суюқ аммиакли ўғитлар жумласига суюлтирилган, аммиакли сув ва аммиакатлар киради.

Суюлтирилган аммиак – концентрацияси юқори (82,3%), балластсиз ўғит. Аммиак газини юқори босим остида сиқиб, суюлтириш асосида олинади. Рангсиз, ҳаракатчан суюқлик. Солиштирма оғирлиги 0,61, 34°C да қайнайди, учиб кетишини олдини олиш учун махсус металл идишларда сақланади ва ташилади.

Аммиакли сув – синтетик ёки кокс-кимёвий аммиакнинг сувдаги эритмаси бўлиб, икки хил нави ишлаб чиқарилади. Ўғитнинг биринчи нави 20,5%, иккинчи нави эса 16,4% азот тутади. Буғларининг эластиклиги унча юқори эмас – 0,15 кг куч/см², шу боис уни оддий углародли пўлатдан тайёрланган идишларда ташиш мумкин.

Аммиакатлар – аммиакли селитра (аммиакли ва кальцийли селитралар ёки аммиакли селитра ва мочевина)нинг суюқ аммиакдаги эритмаси. Аммиакатлар таркибий қисимларига боғлиқ ҳолда 30-50% азот тутиши мумкин. Аммиакатлар қора металлларни коррозияга учратиши сабабли баллонлар махсус пўлатлардан тайёрланади.

3. Нитратли азотли ўғитлар жумласига натрийли, кальцийли, калийли селитралар киради. Азотли ўғитлар ассортиментида нитратли ўғитларнинг ҳиссаси жуда кам (1% атрофида).

Натрийли селитра – 15-16% N тутади, сувда яхши эрийди, оқ ёки оқиш тусли заррабин модда, гигроскоплиги юқори бўлгани учун муштлашиб қолади.

Кальцийли селитра – ўта гигроскопик, шу сабабли одатдаги шароитда гидрат ҳолатига ўтиб қолади. Мазкур хусусиятни ҳисобга олиб, алоҳида таркибли модда шимдирилган нам тортмас қопларда сақланади.

Натрийли ва калцийли селитралар – физиологик ишкорий ўғитлар жумласига киради.

4. Амидли азотли ўғитлар.

Мочевина (карбамид) – синтетик мочевиена оқ тусли заррабин модда бўлиб, таркибида 46% азот тутади. Мочевина сувда яхши эрийди, гигроскоплиги ҳароратнинг ошишига мос равишда ошиб боради. Узоқ сақланганда ёпишиб, муштлашиб қолади. Физикавий хоссаларини яхшилаш учун (33- расм) гранулаланади (0,2-1,0 ёки 1-1,25) мм катталиқда ёки ёғли моддалар қўшилади.



33- расм. Мочевина минерал ўғитининг кўриниши.

Кальций цианамид – тоза 34,98% азот тутади, енгил, қора ёки тўқ кулранг тусли унсимон модда.

II. Фосфорли ўғитлар.

Фосфорли ўғитлар апатитлар ва фосфоритлардан олинади. Ер қобиғида кўпгина минераллар ўз таркибида фосфор тутади, лекин улардан фақатгина отқинди апатитлар ва чўқинди фосфоритларгина фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришда амалий аҳамиятга эга.

Апатит – отқинди тоғ жинси бўлиб, тупроқ ҳосил қилувчи она жинс таркибида дисперсияланган ҳолатда тарқалган.

Фосфоритлар эса айрим геология даврларида яшаган ҳайвон скелетларининг минераллашуви ва фосфат кислотанинг сувдаги кальций билан бирикиб чўкишидан ҳосил бўлади.

Фосфорли ўғитларни эрувчанлиги ва ўсимликлар томонидан ўзлаштирилишига қараб учта гуруҳга бўлиш мумкин;

1. *Сувда яхши эрийдиган фосфорли ўғитлар* – оддий суперфосфат ва кўш суперфосфат.
2. *Сувда камроқ, лекин кучсиз кислоталарда яхши эрийдиган ўғитлар* – преципитат, томасшлак, фторсизлантирилган фосфат, термофосфатлар.
3. *Сувда умуман эрмайдиган, кучсиз кислоталарда ҳам кам миқдорда эрийдиган фосфорли ўғитлар* – фосфорит уни, суяк талқони.

Сувда яхши эрийдиган фосфорли ўғитлар.

Суперфосфат – таркибида 14-20% P_2O_5 (фосфор) тутади, куқунсимон одатда тўқ кулранг (фосфоритдан олинган) ёки оч кулранг (апатитдан олинган) тусда бўлиб, ундан фосфат кислота ҳиди анқиб туради. 1 т хом ашёга 1 т сульфат кислота таъсир этиб, 2 т маҳсулот олинади. Куқунсимон суперфосфатни намлаб, айланувчан барабанда қуритиш йўли билан донадор

суперфосфат олинади (34- расм). Унинг таннархи бирмунча қиммат бўлсада, самарадорлиги жиҳатидан кукунсимон суперфосфатга нисбатан муайян устунликка эга. Донадор суперфосфат таркибида намнинг камлиги (1-4%), ўзлаштириладиган фосфорнинг кўплиги (19,5-22%), нордонлик даражасининг пастлиги (1-2,5%) ва физикавий хоссаларининг яхшилиги билан кукунсимон суперфосфатдан ажралиб туради.



34- расм. Суперфосфат минерал ўғитининг кўриниши.

Кўш суперфосфат – таркибида 42-49% $P_2 O_5$ тутади, донадор ҳолда тайёрл-анади, оддий суперфосфатдан таркибида гипс бўлмаслиги ва шу боис фосфор микдорининг кўплиги билан фарқ қилади.

Кальций метафосфат. Таркибида фақат фосфор тутган оддий ўғит, АҚШда олинган, сувда эримайди, лекин аммонийнинг лимон кислота билан ҳосил қиладиган мўътадил тузи эритмасида эрийди. Таркибида 64% атрофида P_2O_5 тутгани учун энг концентрланган фосфорли ўғитлар жумласига киради.

Кучсиз кислоталарда эрийдиган фосфорли ўғитлар.

Преципитат – оқ ёки оч кулранг тусли кукун, ҳидсиз ўғит. Фосфоритни қайта ишлаш жараёнида олинadиган фосфат кислотани “оҳак сути” билан чўктириб олинади. Унинг таркибидаги фосфор сувда яхши эримайди, лекин аммоний цитратда яхши эрийди ва уни ўсимликлар яхши ўзлаштиради.

Физикавий хоссалари яхши: муштлашиб қолмайди, сочилувчан, ҳар қандай ўғит билан аралаштириш мумкин. Таркибидаги фосфорнинг микдори хомашёга боғлиқ равишда 25-27% дан 30-35% гача ўзгариб туради.

Фторсизлантирилган фосфат. Апатит ёки фосфоритни 1400-1450°C ҳароратда сув буғлари иштирокида куйдириш ва 2-3% кум (SiO_2) кўшиш йўли билан олинади. Апатит асосида олинadиган фторсиз фосфат 30-32% фосфорит асосида олинadигани эса 20-22% фосфор (P_2O_5) тутади. Мазкур микдорларнинг 70-90%, 20% ли лимон кислотада эрийди.

Томасшлак – таркибидаги лимон кислотада эрийдиган фосфор микдори 7-8 дан 16-20%гача ўзгариб туради, бу бевосита руда таркибидаги фосфор микдорига боғлиқ. Томасшлак фосфорга бой рудаларни Томас усулида эритиш жараёнида ҳосил бўладиган оралиқ маҳсулот. Ўғит таркибида темир, алюминий, ванадий, магний бирикмалари ва микроэлементлар ҳам бор.

Мартен фосфатшлагги – таркибида кальций силикат, темир, марганец ва бошқа бирикмалар кўп, шу боисдан у фосфорга унча бой эмас (8-12% атрофида P_2O_5 тутади), лекин таркибидаги фосфор тўлалигича лимон кислота эритмасида эрийди. Мартен фосфатшлагги кучли ишқорий муҳитга эга. Мартен печларда

чўядан пўлат олиш жараёнида ажраладиган фосфорни оҳак билан боғлаб олинади.

Сувда ва кучсиз кислоталарда эримайдиган фосфорли ўғитлар.

Фосфорит талқони – қорамтир сарғиш тусли, хидсиз, майда оғир кукун. Олий нави 25%, биринчи нави 22%, иккинчи нави 19% P_2O_5 тутади. Бу ўғит фосфоритни кукун ҳолатга келгунча майдалаб олинади. Ундаги фосфор фторапатит, гидроксилapatит, карбонатапатит бирикмалари ҳолида бўлади. Мазкур бирикмалар сувда ва кучсиз кислоталарда эримади, шунинг учун ундан аксарият ўсимликлар баҳраманд бўла олмайди. Фосфорит талқони – энг арзон фосфорли ўғит. Ундан ўғит сифатида фойдаланиш мумкинлиги А. Н. Энгельгардт, Д. Н. Прянишников, А. Н. Лебедянец, Б. А. Голубев, Ф. В. Чириков каби таниқли агрохимёгар олимлар томонидан эътироф этилган.

III. Калийли ўғитлар.

Калийли ўғитларнинг кенг миқёсда ишлатиш Республикамизда XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб йўлга кўйилди. Собиқ Иттифоқ даврида калийли ўғитлар тўлалигича *Русия (Верхокамск, Соликамск), Беларус (Старобинск)* ва *Украина (Калуш-Галинск)* конларидан олинадиган хомашёлар асосида ишлаб чиқаришлар эди.



35- расм. Калий хлорид минерал ўғитининг кўриниши.

Ҳозирги кунда Ўрта Осиёнинг ўзидаги бир қатор конларда, масалан, Туркменистоннинг Тубегатан, Қарлук конлари, Қашқадарё вилоятидаги Хўжайкон конларидан хом ашё олиш ва улардан калийли ўғитлар ишлаб чиқариш йўлга кўйилмоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, биргина Сурхондарёнинг Хўжайкон калий тузлари Республикамиз дехқончилигини қарийб юз йил давомида калийли ўғитлар билан таъминлаш имкониятига эга.

Калийли ўғитлар *концентрланган* (калий хлорид, калий сульфат, калий хлорид электролити, калий тузи, калий магнезия, калийли-магнийли концентрат) ва *хом* (сильвинит, каинит) калийли ўғитларга бўлинади.

Саноат асосида олинадиган калийли ўғитлар.

Калий хлорид (KCl). Энг кўп тарқалган калийли ўғит ҳисобланиб, ишлаб чиқариладиган калийли ўғитларнинг 85-90% ини ташкил қилади. Таркибида 53,7- 60,0% гача K_2O тутади. Давлат андозаси бўйича калий хлорид намлиги 1% дан кўп бўлмаган, кулранг жилвага эга пушти ва оқ кристалларнинг аралашмаси ҳолида ишлаб чиқарилади, майда кристалл заррачалар шаклида бўлади (35- расм). Гигроскоплиги юқри бўлганлиги сабабли сақлаш жараёнида нам тортиб, муштлашиб қолиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун заррачалар

донадорлаштирилади (1-3 мм катталиқда) ёки аминлар қўшиш йўли билан ёпишқоклиги камайтирилади.

Калийли туз ($KCl + mKCl \cdot nNaCl$). Кулранг ва пушти кристаллар тутган, калий хлорид ва силвинит аралашмасидан иборат ўғит.

Давлат андозаси бўйича намлиги 2% дан ошмаслиги, таркибида K_2O нинг миқдори 40% дан кам бўлмаслиги керак. Ҳаводан нам тортиб, ташиш жараёнида муштлашиб қолади.

Калий сульфат (K_2SO_4). Оқ тусли (баъзан сарғиш жилвага эга) майда кристалл заррачали кукун. Таркибидаги намлик 1,2% дан камроқ, K_2O нинг миқдори 46-50% атрофида. Муштлашиб қолиш эҳтимоли кам, халталарда ёки очик ҳолатда ташилади.

Калимагнезия ($K_2SO_4 \cdot MgSO_4 \cdot 6H_2O$). Кулранг тусли майда кукун ёки пушти доначалар ҳолида ишлаб чиқарилади. Таркибида 29% K_2O , 9% Mg , тутади, намлиги 5% атрофида. Муштлашмайди. Қоғоз ва полиэтилен қопларда ёки очик ҳолда ташилади.

Калийли-магнийли концентрат. Кул ранг тусли донадор ўғит. Намлиги 1,5-7,0%. Таркибида 18,5% K_2O ва 9% га яқин MgO мавжуд. Муштлашмайди, очик ҳолатда ташилади.

Табиий калийли тузлар.

Табиий калийли тузлар таркибида калий билан бир қаторда турли-туман қўшимчалар миқдорининг кўплиги билан характерланади.

Табиий калийли тузлардан силвинит ва каинит энг кўп тарқалган. Уларнинг таркибида кўп миқдорда хлор мавжуд (масалан, силвинитда 1 кг калийга 4 кг хлор тўғри келади).

Силвинит ($KCl \cdot NaCl$). Таркибида 14-18% K_2O , 34-38% Na_2O ва Cl (ёки 75-80% $NaCl$) бўлади. Орасида кўк кристаллари бўлган кулранг-кўнғир тусли, 1-4 мм катталиқдаги (4 мм дан йирик фракция 20% дан кам) майдаланган жинс. Сувда яхши эрийди. Гигроскоплиги кам, лекин ҳавонинг намлиги юқори бўлган шароитларда сақланса, нам тортади, қуритилганда муштлашиб қолади.

Каинит – таркибида кўп миқдорда 10-12% K_2O , 8% га яқин MgO , 40% атрофида Cl ва 35% Na_2O тутади. Каинитли ва каинит-лангбейнитли жинсларни майдалаш йўли билан олинади.

Карналлит – майдаланган руда, 12-13% K_2O тутади. Ўта гигроскопик, муштлашиб қолиш хусусиятига эга. Бошқа калийли ўғитларга нисбатан кам ишлатилади.

Калийли ўғит сифатида ишлатиладиган саноат чиқиндилари; Поташ (K_2CO_3). Физиологик ишқорий ўғит. Таркибида 52-55% гача K_2O тутади. Нафелиндан алюминий олиш жараёнида чиқинди сифатида ажралиб чиқади.

Кул – таркибида калий, фосфор, кальций ва аксарият микроэлементлар тутган қимматли ўғит. Кул таркибидаги озик элеменларнинг миқдори кўп

жиҳатдан дарахт ёки экин тури, шунингдек, гўнг, торф ва тошкўмирнинг сифатига боғлиқдир.

Хлор-калий электролити. Бу ўғит калий хлориднинг турли брикмалар (5% MgO , 5% Na_2O ва 50% гача хлор) билан аралашмасидир. Бу карналлитдан магнийни ажратиш жараёнида олинадиган чиқиндидир. Серчанг, сариқ тусли майда кристалл куқун. Таркибида 31,6-45,5% K_2O мавжуд, муштлашмайди, (аркибидаги нам миқдори 4% гача етиши мумкин). Қоғоз қоғларга жойлаб ёки очик ҳолатда ташилади.

Цемент чанги (гарди) – таркибида карбонатлар, бикорбанатлар ва калий сульфат ҳолида ўртача 14-15% K_2O , шунингдек, 19% CaO , 3-4% MgO ва 1% атрофида Na_2O тутати. Унга хос бўлган салбий физикавий хоссаларини (чангиш, кучли гигроскопиклик) донадорлаштириш йўли билан йўқотиш мумкин.

Комплекс минерал ўғитлар

Таркибига кўра икки компонентли (фосфорли-калийли, азотли-фосфорли, азотли-калийли) ва уч компонентли (азотли-фосфорли-калийли) (36- расм), олиниш усулига кўра мураккаб, мураккаб-аралаш ва аралаштирилган, агрегат ҳолатига кўра эса қаттиқ ва суюқ комплекс ўғитлар фарқланади.

Мураккаб ўғитлар катион ва анионлардан таркиб топган битта туз бўлиб, қатъий кимёвий формула билан ифодаланади – KNO_3 , $NH_4H_2PO_4$ ва бошқалар (аммоний дифосфат, аммоний фосфат сульфат, мочевинали аммофос, нитрофос, нитроаммофос).

Мураккаб-аралаш ўғитлар деганда, ягона технологик жараёнда аммиак, фосфат, нитрат ва сульфат кислоталар, аммиакли селитра суюқланмаси, фосфорит ёки апатит, калий тузларнинг ўзаро таъсирлашиши асосида олинадиган ва ҳар бир заррачасида кимёвий бирикмалар ҳолида икки ёки учта озик элементини тутадиган ўғитлар тушунилади. Аралаш ўғитлар икки ёки учта қуруқ ҳолатдаги оддий минерал ўғитларни аралаштириш йўли билан олинади.

Бир пайтнинг ўзида таркибида юқори концентрацияли икки ёки учта озик элементни тутиши комплекс ўғитларга хос ижобий хусусиятдир. Масалан, аммофос, диаммофос, аммонийлаштирилган суперфосфат, нитрофос иккита озик элементни тутса, нитрофоска, карбоаммофоскалар таркибида учта озик элементни мавжуд. Айрим мураккаб ўғитлар таркибига микроэлементлар ҳам киритилади.

Мураккаб ўғитлар. Таркибида икки ёки учта озик элементни тутган мураккаб ўғитлар фарқланади.



36- расм. Азот ва калий компонентли минерал ўғитининг кўриниши.

Аммофос – $NH_4H_2PO_4$. Балластсиз ўғит, таркибида 11-12% азот ва 46 - 60% фосфор мавжуд.

Диаммофос – $(NH_4)_2HPO_4$. Фосфат кислотани аммиак билан тўйинтириш асосида олинади. У энг юқори концентрацияли мураккаб ўғитлардан бири бўлиб, таркибида 18% дан ортиқ азот ва 50% атрофида фосфор тутади ($N:P_2O_5=1:2,5$).

Калийли селитра – KNO_3 . Ўғит 13% азот ва 45% гача K_2O тутади. 1 ц калийли селитра 1 ц калий хлорид ва 0,4 ц аммиакли селитра ўрнини босади. Таркибида балласт моддалари йўқ, физикавий хоссалари яхши.

Полифосфатлар ($H_{n+2}P_nO_{3n+1}$) – таркибида кўп сонли PO_4 гуруҳ тутган чизикли полимерлардир. Истикболли мураккаб ўғитлар жумласига аммоний полифосфатни (15% азот, 60% P_2O_5 тутади) киритиш мумкин.

Мураккаб-аралаш (комбинацияланган) ўғитлар.

Академик Д. Н. Прянишников 1908 йилда фосфаритларга сульфат кислота билан эмас, балки нитрат кислота билан таъсир этиш бир йўла азотли ва фосфорли ўғит олиш имконини беришини таъкидлаган.

Нитрофоска – таркибида 18% азот, 18% фосфор, 18% калий тутади, гранулаланган доналари 1 - 4 мм катталиқда бўлади ва уларнинг қуйидаги турлари ишлаб чиқарилади.

Нитроаммофос – моноаммоний фосфат асосида олинандиган мураккаб аралаш ўғит. Таркибига калий киритилса, нитроаммофоска дейилади. Айтилганлардан ташқари *карбоаммофоска* (20% азот, 20% фосфор, 20% калий), мочевина фосфат (27% азот, 27% P_2O_5) ва *фосфамид* деб номланандиган ўғитлар ишлаб чиқарилади.

Нитрофосфатларнинг тавсифи

(А. В. Петербургский, 1989)

Нитрофосфатлар	Озиқ элементлари миқдори		
	N	P_2O_5	K_2O
А русумли нитрофос	23,5	17	-
Б русумли нитрофос	24	14	-
А русумли нитрофоска	16-17	16-17	13-14
Б русумли нитрофоска	12,5-13,5	8,5-9,5	12,5-13,5
В русумли нитрофоска	1,1-12	10-11	11-12

Суюқ ва суспензияланган комплекс ўғитлар.

Суюқ комплекс ўғитлар (СКЎ) деб таркибида барча макро ва микроэлементларни тутган суюқ аралашмаларга айтилади. Қаттиқ ва суюқ комплекс ўғитлар самарадорлиги бирдек бўлиши аниқланган. СКЎлар – истикболли ўғитлардан ҳисобланади. Улар фосфат кислотани аммиак билан нейтраллаш ($pH=6,5$) асосида олинади. Таркибида азот миқдорини ошириш учун суюқ ўғитларга аммиакли селитра, мочевина ёки уларнинг аралашмалари

кўшилади. Ортофосфат кислота асосида олинган ўғитлар (24-30% озик элементи бор) тиниқ эритма ҳолида, суперфосфор кислота асосида олинган ўғитлар эса (40% дан ортиқ озик элементлари тутади) лойқароқ эритма ҳолида бўлади. Бу турдаги ўғитлар ўз таркибида эркин аммиак тутмайди. Концентрациясини ошириш учун уларга стабиллаштирувчи қўшимча – каллоид лой (1т ўғитга 10-22 кг) қўшилади. Шундай усулда олинган ўғит 12% азот, 40% P_2O_5 тутиши мумкин, СКЎларнинг сақлаш муддати 3 ойгача.

Аралаштирилган ўғитлар.

Аралаштирилган ўғитлар компонентларни кимёвий ўзгаришга учратмасдан олинади. Улар кукунсимон ёки донадор ҳолатда бўлиши мумкин. Ўғитларни қуруқ ҳолатда аралаштириш комплекс ўғитлар олишдаги энг оддий ва самарали усулдир. Бу тадбир икки хил усулда амалга оширилади:

- бевосита хўжаликларнинг ўзида муқим ва кўчма ўғит аралаштиригичлар ёрдамида аралаштириш;
- юқори қувватли мосламалар (40 - 60 т/соат) ёрдамида аралаштириш.

Аралаштирилган ўғитлар икки ёки уч хил оддий кукунсимон ёки донадор ўғитларни махсус ўғит аралаштириш заводларида, агрокимё марказларининг йирик механизациялаштирилган омборларида ёки бевосита хўжаликларда аралаштириш йўли билан олинади.

Аралаштириладиган ўғитларнинг ўзига хос физикавий ва кимёвий хусусиятлари кўп ҳолларда уларни аралаштириш имкониятларини чеклаб қўяди. Масалан, аммиакли селитра суперфосфат билан аралаштирилганда, нитрат кислота буғлари ёки азот оксидлари ҳосил бўлади:

Шунингдек, ҳосил бўладиган кальций нитрат аралашманинг гигроскоплигини оширади:

Таркибида кальций оксидини тутган металлургия шлаklarини аммиакли селитра ёки аммоний сульфат билан (шунингдек аммоний фосфат билан) аралаштириш мумкин эмас, чунки бунда аммиак ажралиб чиқади.

Суперфосфат ва фосфорит уни клийли ўғитлар билан, шунингдек, аммиакли селитра ва аммоний сульфат преципитат билан аралаштирилганда номақбул ўзгаришлар содир бўлмайди.

Энг кенг тарқалган ўғитлар – аммиакли селитра, суперфосфат ва калий хлорид аралашмаларининг физик хоссаларини яхшилаш мақсадида суперфосфатдаги эркин кислотани боғлаш ва гигроскопликни камайтириш учун майдаланган – доломит, фосфорит уни каби мўътадилловчи моддалар қўшилади. Бундай аралашмани сочилувчанлиги 4-5 ой давомида ҳам ўзгармайди.

Мочевинани фосфорли ва калийли ўғитларнинг барча шакллари билан аралаштириш мумкин. Донадаор ўғитар, айниқса доначаларининг ўлчамлари бир хил бўлган ўғитлар аралаштирилганда аралашманинг физикавий хоссалари ва сочилувчанлиги яхшиланади.

Божхона экспертизасида минерал ўғит турларини сифат реакциялари ёрдамида аниқлаш

Минерал ўғитларни ташиш вақтида этикеткаларининг йўқолиши ёки азотли ўғитларнинг бир-бирига ўхшашлиги натижасида уларни ажратиб олиш қийин. Шунинг учун хўжаликда сифат реакцияси орқали ўғит турини ва нормасини тезда аниқлаб бериш зарур. Бу тажрибани (агар реактивлар бўлмаса) бирор мутахассис ёрдамида қийналмасдан қилиш мумкин.

Керакли асбоб ва реактивлар: пробирка, турли ўғитлардан намуналар, 2-5 процентли барий хлорид, 8-10 процентли ишқор эритмаси, хлорид кислотанинг 1 процентли эритмаси ёки 1:10 нисбатдаги сирка эссенцияси сув ёки қор (ёмғир сувлари), кўмир чўғи 1-2 прцентли кумуш нитрат эритмаси, стаканлар.

Агар ўғит таркибида Cl- бўлса, кумуш нитрат билан реакцияга киришганда оқ чўкма ҳосил бўлади.

Кумуш нитрат фосфорли ўғитлар билан ракцияга киришганда сариқ чўкма ҳосил қилади.

Агар ўғит таркибида SO₄- бўлса, у Ва Cl₂ билан реакцияга киришиб, сутсимон чўкма ҳосил қилади.

Агар ўғит таркибида аммиак бўлса ишқор билан реакцияга киришиш натижасида аммиак ажралади (албатта пробиркани чайқатиш зарур).

Иш тартиби. Тажрибани бошлашдан олдин пакетдаги ёки пробиркадаги ўғитдан тахминан 0,5-1,0 граммини пробиркага солиб, устига 6-8 атрофида дистилланган сув қуйилади. Пробиркани яхшилаб чайқатиб, ўғитнинг эриш даражаси аниқланади. Одатда, ўғитлар сувда яхши эрийдиган, қисман эрийдиган ва эримайдиган группаларга ажралади. Агар ўғит сувда эриса, ҳосил бўлган эритма учта пробиркага бўлиб қўйилади ва уларнинг ҳар қайсисига 2-3 томчидан NaOH, BaCl₂ ва AgNO₃ эритмалари таъсир эттирилади.

Агарда ўғит сувда эримаса, у холда эритма бир оз тиндирилади (тиндириш вақтида иккинчи реакцияни қилиш мумкин). Тиндирилган эритмадан 3-4 мл олиб иккинчи пробиркага солинади ва унга фақат кумуш нитрат (AgNO₃) таъсир эттирилади.

Ўғит сувда эриса, унинг қуруқ донаси кўмир чўғида текширилади. Селитра ўғити бўлса портлаганга ўхшаб ёнади, аммиакли ўғит бўлиниб-бўлиниб тутун чиқаради ва аммиак ҳидини беради. Калийли ўғитлар бўлиниб сачрайди.

Сувда эрийдиган ўғитларни аниқлаш.

Текширилаётган ўғит намунасидадан учта пробиркага олиб, уларнинг ҳар қайсисига алоҳида-алоҳида NaOH, BaCl₂ ва AgNO₃ таъсир эттирилганда ҳеч қандай ўзгариш бўлмасдан, фақат ишқор таъсир эттирилган пробиркада аммиак ҳидини берса, бу ўғит *аммиакли селитра* (NH₄NO₃) бўлади. Бу ўғит чўғда ёниб, аммиак ҳиди билан тутун ҳосил қилади. Олинган ўғит намунаси учта реактивда ўзгариш бермаса калийли ва натрийли селитра бўлади. Бунда кўмир чўғида

бинафша ранг бўлса, калийли селитра KNO_3 , агар сариқ аланга берса, *натрийли селитра* $NaNO_3$ бўлади.

$AgNO_3$ қўшилган пробиркада оқ чўкма, $BaCl_2$ қўшилган пробиркада эса лойқа ҳосил бўлса, бу ўғит *аммоний хлорид* бўлади NH_4Cl .

$AgNO_3$ қўшилган пробиркада лойқа ҳосил бўлиб, $BaCl_2$ қўшилган пробиркада сутсимон оқ чўкма ҳосил бўлса, аммоний сульфат ўғити бўлади $(NH_4)_2SO_4$.

$AgNO_3$ қўшилган пробиркада сариқ чўкма, $BaCl_2$ қўшилган пробиркада оқ чўкма ҳосил бўлса *аммофос* – $NH_4H_2PO_4$ ва *диаммофос* – $(NH_4)_2HPO_4$ ўғитлари бўлади. Бу ўғит сувда секин эрийдиган бўлгани учун уни текшираётганда кўпроқ чайқатиш керак.

$NaOH$ қўшилган пробиркада аммиак ҳиди бўлмаса, ёки кўмир чўғида аммиак ҳидини ҳосил қилса пробиркадаги ўғит – *мочевина* $CO(NH_2)_2$ бўлади.

Кўмир чўғида ўғит доналари бўлиниб ёки билинар – билинмас сачраса ва тутун чиқармаса бундай ўғитлар *калийли ўғитлар* ҳисобланади.

Агар ўғитда ҳар хил ранглар бўлса, *сильвинит ўғити* бўлади ($mKCl \cdot nNaCl$).

Ўғитнинг кўриниши ош тузига ўхшаш бўлиб, унга айрим рангли кристаллар аралашган бўлса, *калий тузининг ўғити* бўлади $KCl + mKCl \cdot nNaCl$.

$AgNO_3$ қўшилган пробиркада ҳеч қандай ўзгариш бўлмасдан, фақат $BaCl_2$ таъсир эттирилган пробиркада сутга ўхшаш оқ чўкма ҳосил бўлса, бундай ўғит калий сульфат бўлади - K_2SO_4 .

Сувда эримайдиган ўғитларни аниқлаш.

Агар ўғит сувда эримаса, бир оз тинидирилгач, ундан 3-5 мл олиб иккинчи пробиркага қуйилади ва фақат $AgNO_3$ таъсир эттирилади.

1. Агар $AgNO_3$ таъсир эттирилганда тезлик билан сариқ ранг ҳосил бўлса, суперфосфат $Ca(H_2PO_4)_2$ ўғити бўлади.

2. Агар $AgNO_3$ таъсир эттирилганда пробирканинг пастки қисмидан секин-асталик билан сариқ ранг ҳосил бўлса, преципитат $CaHPO_4 \cdot 2H_2O$

$AgNO_3$ ни таъсир эттирилганда сариқ ранг ҳосил бўлмайди. Ўғитнинг ранги қорароқ бўлиб, унга сульфат аммоний ёки аммоний хлор ўғитларидан оз миқдорда аралаштириб сувда эритилади. Буни эритган вақтимизда аммиак ҳиди чиқса текшириляётган ўғит – томасшлак ҳисобланади.

Агарда $AgNO_3$ таъсир эттирилганда аммиак ҳидини бермаса, кальций цианамид $CACN_2$ ўғити бўлади.

Муҳим минерал ўғитларни аниқлаш усуллари.

Минерал ўғитлар кристалл ва аморф ҳолатларда бўлади.

Кристалл ҳолатдаги ўғитлар сувда яхши эрувчан, аморф ўғитлар эса кам эрийдиган ёки эримайдиган бўлади. Кристалл ҳолатдаги ўғитларга ҳамма азотли ўғитлар (кальций цианамиддан ташқари) ва калийли ўғитлар (тошкўмир кулидан ташқари) киради.

Аморф ўғитларга фосфорли ва оҳакли ўғитлар ҳамда кальций цианамид ўғитлар киради. Шундай қилиб, ўғитлар эрувчанлигига кўра икки гуруҳга, яъни кристалл ҳолатдаги – азотли ва калийли ўғитлар, аморф ҳолатдаги – фосфорли ва оҳакли ўғитларга бўлинади.

Азотли ўғитлардан аммиакли селитра. Унинг таркибидаги азот аммоний ва нитрат ҳолида бўлади. Ҳозирги вақтда бу ўғит донадор шаклда ишлаб чиқарилмоқда. Бу ўғитдан ташқарли натрийли ва калийли селитралар ишлатилади, калийли селитра мураккаб ўғит ҳисобланади. Бу ўғитларни фақат кўмир чўғида ажратиш мумкин. Бунда сариқ аланга берса натрийли селитра ва бинафшаранг аланга берса калийли ўғитлар бўлади. Аммиакли селитра ўғитига ишқор эритмаси томизилганда аммиак ҳиди ажратилади. Натрийли ва калийли селитраларда бундай бўлмайди, яъни аммиак ҳиди ажралмайди.

Аммоний сульфат кўмир чўғида суюқланади ва оқ тутун ҳосил қилиб, аммиак ажралиб чиқади. Аммоний сульфатни аммиакли селитрадан ажратиш учун эритмага 2-3 томчи барий хлорид $BaCl_2$ эритмаси томизилса, оқ чўкма барий сульфат $Ba SO_4$ ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган оқ чўкма сирка ёки хлорид кислота таъсирида эримаса *аммоний сульфат ўғити* ҳисобланади.

Мочевина – кенг тарқалган азотли ўғит. У кўмир чўғида аммиак ҳидини беради, лекин ишқор таъсирида аммиак ҳидини бермайди.

Калийли ўғитларнинг ҳаммаси кўмир чўғида парчаланиб, сачрайди. Уларни шу хусусиятига кўра азотли ўғитлардан фарқ қилиши мумкин.

Агар калийли ўғит таркибида хлор бўлса, бундай ўғитга кумуш нитрат эритмасидан 2-3 томчи томизилганда оқ чўкма ҳосил бўлади.

Калий сульфат – сувда эритилиб, унга 2-3 томчи барий хлорид эритмаси томизилганда оқ чўкма ҳосил бўлади. Барий сульфат сирка ва кучсиз хлорид кислоталарда эримайди. Калий сульфат ва аммоний сульфат барий хлоридда - $BaCl_2$ бир хилда оқ чўкма ҳосил қилади. Буларнинг фарқини билиш учун эритмага 2-3 томчи ишқор эритмасидан томизилса, аммоний сульфатдан аммиак ҳиди келади, калий сульфатдан эса аммиак ҳиди келмайди.

Каинит, калимагнезия ўғитлари ҳам барий хлорид таъсирида оқ чўкма ҳосил қилса, кумуш нитратда ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди.

Аммофос ўювчи натрий ёки ўювчи калий таъсирида аммиак ҳидини, кумуш нитрат таъсирида эса сариқ чўкма ҳосил қилади.

Одатда азотли ва калийли ўғитлар аниқлаб бўлингач, фосфорли ҳамда оҳакли ўғитлар аниқланади. Бунинг учун синалаётган ўғитдан 0,5-1,0 г тортиб олиб, унга 3-4 томчи сирка ёки хлорид кислота эритмасидан томизилганда ўғит қайнаса, у оҳакли ёки томасшлак ўғити бўлади, чунки унинг таркибида оҳак кўп бўлгани учун у қайнайди. Фосфорли ўғитларнинг қолганлари эса сирка ёки хлорид кислота эритмаси таъсирида сариқ ранг ҳосил бўлади.

Суперфосфат – ўғитни пробиркада эритиб, бир оз тингандан кейин кўк лакмус қоғозни теккизилса, у қизаради.

Суяк уни – оч сариқ тусли бўлиб, таркибида фосфор ва қисман азот бўлади.

Кальций цианамид – қора тусли кукун, сувда эрмайди. Кальций цианамиднинг сувли эритмасига қизил лакмус қоғоз туширилса, эритманинг муҳити ишқорий бўлгани учун қизил лакмус қоғоз кўкаради. Бу ўғит кўпинча дефолиант сифатида, яъни ғўзанинг баргини тўкиш учун ҳам ишлатилади.

Минерал ўғитларнинг ТИФ ТН да жойлашиши

Минерал ўғитлар амалдаги Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасининг 31 гуруҳида таснифланиб экспорт-импорт қилинади. Ушбу гуруҳга кирадиган товарлар, натрий нитрат, сульфат, кальций аммоний, фосфат ва суперфосфат тузларидан, таркибида калий, азот ва фосфор элементларидан ҳосил бўлган минерал ўғитлар киради. ТИФ ТНда минерал ўғитлар ҳайвон ва ўсимликлардан олинган, табиий ёки синтетик йўл билан синтез қилинган турларига бўлиб берилган. ТИФ ТНнинг 3101- товар позициясида келиб чиқиши ўсимлик ёки ҳайвондан ҳосил бўлган ўғитлар, аралашган ёки аралашмаган, кимёвий ишлов берилган ёки берилмаган; аралаштирилган ўғитлар ёки ўсимлик ёхуд ҳайвон маҳсулотига кимёвий ишлов бериш билан олинган ўғитлар, 3102-товар позициясида таркибида азот тутган минерал ёки кимёвий ўғитлар қадоқланмаганлик шарти билан (қадоқланган минерал ўғитлар 3105 га киради) таснифланган, 3103 товар позициясида фосфорли минерал ёки кимёвий ўғитлар, 3104 товар позициясида клийли минерал ёки кимёвий ўғитлар, 3105 товар позициясида таркибида икки ва ундан ортиқ калий, азот, фосфор ва бошқа элементларни тутган (комплекс), таблетка ёки таблетка шаклида ёхуд қадоқланган, брутто оғирлиги 10 кг дан ошмаган ўғитлар таснифланган.

Амалдаги меъёрий ҳужжатларда, давлат стандартлари, техникавий шарт талаблари бўйича минерал ўғитларнинг турлари кўп ва кимёвий таркиби ҳам хилма-хил, бироқ ТИФ ТНда юқоридаги таҳлилий маълумотлардан кўриниб турибдики, 31 гуруҳда барча минерал ўғитлар тўлиқ деталлаштирилмаган.

Ушбу товарларни ТИФ ТН бўйича тўлиқ таснифлаш мақсадида, ҳар бир товар турларини кимёвий таркибини аниқлаш учун божхона экспертизасини амалга оширишнинг «Экспресс» самарали усулларини яратиш, мазкур товарларнинг бир-бири билан фарқлаш учун кимёвий таркибига асосланиб амалга оширилиши лозим деб ўйлаймиз.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Ўғитларнинг синфланиши тўғрисида маълумот беринг.
2. Қайси минерал ўғитлар оддий минерал ўғитлар турига киради.
3. Комплекс ўғит турларига мисоллар келтиринг.
4. Божхона экспертизасида минерал ўғит турларининг сифат реакциялари қандай амалга оширилади.
5. Минерал ўғитларнинг ТИФ ТН да жойлашиши тўғрисида маълумот беринг.

БОЖХОНА ЭКСПЕРТИЗАСИ ФАНИДАН

Якуний назорат саволлари

Билет-1

1. Божхона экспертизаси ташкил этилиш тарихини шарҳлаб беринг.
2. Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан олиб ўтилаётган товарнинг намуна ва синамаларини божхона органлари тизимида тасарруф қилиш тартиби тўғрисида маълумот беринг.
3. Божхона экспертизасини амалга ошириш усулларини шарҳлаб беринг.

Билет-2

1. Божхона экспертизасининг асосий вазифаларини изоҳлаб беринг.
2. Экспертизанинг нечта турлари бор ва уларни шарҳлаб беринг.
3. Импорт қилинадиган, давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган истеъмол товарларига қайси товарлар кирди?

Билет-3

1. Давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган истеъмол товарларини маркалаш ва божхонада расмийлаштириш қоидалари тўғрисида маълумот беринг?
2. Божхона экспертлари сифатида кимлар хизмат қилиши мумкин?
3. Божхона экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш тартиби тўғрисида йўриқномани қабул қилишга қайси қонун ҳужжатлар ҳуқуқий асос бўлиб ҳисобланади.

Билет-4

1. Товарларни божхона экспертизаси автоматлаштирилган ахборот тизимини яратишнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат.
2. Истеъмолчи учун маркалаш маълумотлари тақдим этилиши усуллари ва унинг бажарилиши сифатига қандай талаблар қўйилган?
3. Намуна ва синамаларини божхона лабораторияларида сақлаш ва йўқ қилиш тартибини шарҳлаб беринг.

Билет-5

1. “Божхона экспертизаси” фанининг божхона органларида тутган ўрни ва аҳамиятини шарҳлаб беринг.
2. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2003 йил 29 августда 1269-сон билан рўйхатга олинган йўриқноманинг мазмун-моҳиятини изоҳланг.
3. Экспертиза тушунчасини шарҳлаб беринг.

Билет-6

1. Намуна ва синамаларининг божхона лабораторияларида рўйхатга олинishi ва уларни қайтариш тартибини шарҳлаб беринг.
2. Божхона экспертизаси органолептик усулини шарҳланг ва мисоллар билан изоҳлаб беринг.
3. Товарларни маркалаш деганда нимани тушуниш мумкин?

Билет-7

1. Дастлабки қарорни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низом қайси қонун-ҳужжатлар асосида қабул қилинган.
2. Товарларнинг божхона экспертизаси автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланишда божхона экспертизасини ўтказишни ташкил этишда, ташқи фойдаланувчиларнинг АИЎ билан ишлаш, ахборотларни алмашиш тўғрисида маълумот беринг.
3. Божхона экспертизасининг ҳисоблаш усулини шарҳланг ва мисоллар билан изоҳлаб беринг.

Билет-8

1. Намуна ва синамаларини ўраш усуллари ва божхона экспертнинг хулосаси тўғрисида маълумот беринг.
2. Товарларнинг божхона экспертизаси ААТ дастурида экспертиза тайинлаш тўғрисидаги мурожаат хати электрон нусхасининг мақомларини тушунтириб беринг.
3. Божхона экспертизасининг инструментал усулини шарҳланг ва мисоллар билан изоҳлаб беринг.

Билет-9

1. Инфрақизил спектрометр усули, ишлаш принципи ва ундан фойдаланиш ҳақида гапириб беринг.
2. ДБҚнинг 2010 йил 21 июлдаги 180- сонли буйруғининг мазмун ва моҳияти нимадан иборат.
3. Божхона экспертизасининг объекти ва субъектини шарҳлаб беринг.

Билет-10

1. Хроматография усуллари турларини айтиб беринг.
2. Божхона экспертларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб беринг.
3. Дастлабки қарорни қабул қилганлик учун тўлов ким томонидан белгиланади ва дастлабки қарор қандай ҳолларда бекор қилинади ёки чақириб олинади.

Билет-11

1. ДБҚнинг 2010 йил 24 мартдаги «БЮД 31-графасида маълумотларнинг тўлиқ киритилиши устидан назоратни кучайтириш тўғрисида»ги 73-хфу-сонли буйруғининг моҳияти.
2. Аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотини билан таъминлашнинг ҳуқуқий асослари қайси қонун-ҳужжатларга асосланган.
3. Давлат ветеринария ва божхона хизматининг вазифаларини шарҳлаб беринг .

Билет-12

1. Ҳайвонларнинг юқумли касалликлари тарқалганида карантин ёки чеклашлар қандай амалга оширилади.
2. Озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, қадоқлаш, ўраш, тамғалаш, сақлаш, ташиш, реализация қилиш, олиб кириш, олиб қўйиш ва йўқ қилиб ташлаш тўғрисида гапириб беринг.
3. Ўзбекистон Республикасида алкогольли ичимликларга маркаларини қўллаш тартибини изоҳлаб беринг.

Билет-13

1. Ўзбекистон Республикасининг гиёҳванд, психотроп моддаларни ва прекурсорларни божхона экспертизаси орқали назоратини ташкил қилиш қайси қонун ҳужжатларга асосланган.
2. Ўзбекистон Республикасига карантин назоратидаги материалларни олиб кириш бўйича карантин қоидалари қандай амалга оширилади?
3. Алкоголсиз ичимликларни кимёвий таркиби асосида қалбаки ичимликлардан фарқланишини тушинтириб беринг.

Билет-14

1. Нефт маҳсулотларидан намуна олиш ва текшириш усуллари тўғрисида маълумот беринг.
2. Озон қатламини емирувчи моддаларни аниқлаш ва божхона расмийлаштирувини амалга оширишда божхона ходимлари вазифаларини шарҳлаб беринг.
3. Божхона экспертизасида минерал ўғит турларининг сифат реакциялари қандай амалга оширилади.

Билет-15

1. Тўқимачилик табиий ва кимёвий толалари тўғрисида маълумот беринг.
2. Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви қандай амалга оширилади.
3. ДБҚнинг 2010 йил 24 мартдаги “Божхона юк декларацияларининг 31-графасида маълумотларни тўлиқ киритилиши устидан назоратни кучайтириш тўғрисида”ги 73хфу-сонли буйруғи талаблари асосида божхона юк декларациясининг 31-графасини тўлдириш тартибини мисоллар билан изоҳланг.

Билет-16

1. Импорт қилинадиган истеъмол товарларини маркалаш тартиби тўғрисидаги низом ҳақида маълумот беринг.
2. Алкоголли маҳсулотларни четдан келтириш, ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кимлар олиб боради.
3. Божхона экспертизасини тайинлаш шарт-шароитларини изоҳлаб беринг.

Билет-17

1. Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 14 майдаги 170-сонли буйруғининг моҳиятини изоҳланг.
2. Гўшт ва сут маҳсулотларини, ТИФ ТН да жойлашишини мисоллар билан шарҳлаб беринг.
3. Пахта толаси ва унинг маҳсулотларининг божхона экспертизаси қандай амалга оширилади.

Билет-18

1. Акциз солиғига тортиладиган айрим турдаги товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит йўли билан олиб ўтилиши бўйича қандай чора-тадбирлар амалга оширилади.
2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини карантин текшируви ва экспертизасида намуналарни танлашнинг қандай усулларини биласиз.
3. Тўқимачилик маҳсулотлари божхона экспертизасини амалга ошириш усуллари ҳақида гапиринг.

Билет-19

1. Товарларни штрихли кодлаш тўғрисида маълумот беринг.
2. Ноқимматбаҳо металллар ва улардан олинадиган маҳсулотлар божхона экспертизаси қандай ўтказилади.
3. Ўзбекистон Республикасида карантин назоратини олиб боришнинг ҳуқуқий асослари ҳақида маълумот беринг.

Билет-20

1. Металларнинг – ТИФ ТНда таснифланиши тўғрисида маълумот беринг.
2. Озон қатламини емирувчи моддаларнинг тутган буюмларни аниқлашни шарҳлаб беринг.
3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудини карантиндаги зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлардан муҳофаза қилиш қоидалари тўғрисидаги Низомнинг мазмунини шарҳланг.

Билет-21

1. Божхона юк декларациясининг 31-графасини тўлдириш тартибини ва унинг назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини шарҳланг.
2. Импорт қилинаётган алоҳида гуруҳ истеъмол товарларни махсус назорат идентификацион белгилар билан маркалаш қандай амалга оширилади.
3. Товарларнинг ТИФ ТН код рақамларини аниқлашда божхона экспертизасининг аҳамиятини мисоллар билан тушунтиринг.

Билет-22

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 10 августдаги “Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1595-сонли қарорига ва 7-бандига асосан қандай ишлар амалга оширилди.
2. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши халқаро курашиш ҳақида нималарни биласиз.
3. Республика аҳолисини контрафакт товарлардан ҳимоялашда амалга оширилган ишлар ва унинг ҳуқуқий асослари.

Билет-23

1. Контрафакт товарлар, контрафакция тушунчаларини изоҳланг.
2. Минерал ўғитлар божхона экспертизасини амалга ошириш усуллари ҳақида гапиринг.
3. Импорт қилинаётган алоҳида гуруҳ истеъмол товарларни махсус назорат идентификацион белгилар билан маркалашда божхона ходимларининг хизмат вазифаларни шарҳланг.

Билет-24

1. Махсус назорат идентификацион белгиларни жорий қилишда ишлатиладиган технологик қурилмалар тўғрисида маълумот беринг.
2. Республика аҳолисини контрафакт товарлардан ҳимоялашнинг ҳуқуқий асоси тўғрисида маълумот беринг.
3. Штрихли кодлашнинг афзалликлари ва штрихли кодларга киритилган ахборотларнинг ўқилиши ҳақида маълумот беринг.

БОЖХОНА ЭКСПЕРТИЗАСИ ФАНИДАН

Курс ишлари мавзулари рўйхати

1. Экспертиза тушунчаси, ҳуқуқий асослари ва унинг вазифалари.
2. Ўзбекистонда божхона экспертизаси ташкил этилиши тарихи.
3. Божхона экспертизасининг моҳияти ва вазифалари, ҳуқуқий асослари.
4. Божхона экспертизасини амалга ошириш усуллари ва уларда қўлланиладиган техник воситалар.
5. Божхона экспертизасининг ўзига хос хусусиятлари. Божхона экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
6. Божхона чегарасидан олиб ўтилаётган товарлардан намуна ва синамаларни олиш ва божхона экспертизасига юбориш.
7. “Товарларнинг божхона экспертизаси” автоматлаштирилган ахборот дастури.
8. Товарларнинг таснифланиши тўғрисида божхона органлари томонидан дастлабки қарор қабул қилиш.
9. Божхона юк декларациясининг 31-графасида товарларни тавсифлаш.
10. Давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган истеъмол товарларини маркалаш ва расмийлаштириш.
11. Товарларни махсус идентификацион рақам билан маркалаш.
12. Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш.
13. Республика аҳолисини контрафакт товарлардан ҳимоялаш ва божхона органлари олдида турган долзарб вазифалар.
14. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни аниқлаш усуллари.
15. Озон қатламини емирувчи моддаларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш тартиби.
16. Ўзбекистон Республикаси ҳудудини карантиндаги зараркундалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлардан муҳофаза қилиш.
17. Гўшт-сут маҳсулотларининг божхона экспертизаси.
18. Алкоголли ва алкогольсиз ичимликларнинг божхона экспертизаси.
19. Тўқимачилик саноати маҳсулотларининг божхона экспертизаси.
20. Қимматбаҳо ва ноқимматбаҳо металллар божхона экспертизаси.
21. Минерал ўғитларнинг божхона экспертизаси.
22. Нефть ва нефть маҳсулотларининг божхона экспертизаси.

БОЖХОНА ЭКСПЕРТИЗАСИ ФАНИДАН

Битирув малакавий ишлари мавзулари рўйхати

1. Озиқ-овқат маҳсулотларини (гўшт ва сут маҳсулотлари мисолида) божхона экспертизасидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш ва методикалар яратиш.
2. Ўзбекистон Республикаси Божхона тизимида (ДБҚнинг ҳудудий бошқармаси мисолида) божхона экспертизаси фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари.
3. Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТНни (2007 йил варианты) амалда қўллаш жараёнида пайдо бўлаётган муаммолар ва сабабларини таҳлил этиш (ДБҚ МБЛ мисолида).
4. Товарларнинг божхона расмийлаштирувини амалга ошириш жараёнида тақдим этиладиган сертификатларни таҳлил этиш (мувофиқлик ва келиб чиқиш сертификатлари мисолида).
5. «Товарларнинг божхона экспертизаси» ААТ дастурини амалиётда қўллаш ва дастурдан фойдаланиш жараёнида пайдо бўлаётган муаммоларни таҳлил этиш ва такомиллаштириш.
6. Иқтисодий муҳим товарларнинг (минерал ўғитлар мисолида) божхона экспертизасини амалга ошириш усулларини яратиш.
7. «Товарларнинг божхона экспертизаси» ААТ дастуридан амалиётдан фойдаланишда бошқа давлат назорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишда пайдо бўлаётган муаммоларни таҳлил этиш.
8. ТИФ ТН асосида салқин ичимликларни таснифлаш муаммоларини таҳлил этиш (ДБҚнинг ҳудудий бошқармалари мисолида).
9. Божхона юк декларациясининг 31,33,44 ва 47 - графалари нотўғри тўлдирилиши натижасида келиб чиқаётган муаммолар ва уларнинг оқибатлари.
10. Товарларни тавсифлашда БЮД 31-графасидаги маълумотларни (товар тавсифи, номи, модели, тури, ГОСТи) нотўғри киритилиши натижасида пайдо бўлаётган муаммоларни таҳлил этиш (ДБҚнинг ҳудудий бошқармалари мисолида).
11. Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТНни амалда қўллаш масалалари.

Фойдаланилган ва тавсия этилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т.:“Маънавият”, 2008 й.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 1997 й.-95 б.
3. “Ўсимликлар карантини тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 31 августда қабул қилинган 113-1 сонли қонуни.
4. “Атмосфера хавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 январдаги 353-І сонли қонуни.
5. “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги 221-І қонуни.
6. «Давлат божхона хизмати тўғрисида». Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги 472-І қонуни.
7. «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида». Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августдаги 483-І сонли қонуни.
8. «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида». Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги 813-І сонли қонуни.
9. “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги 267-ІІ қонуни.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Божхона кодекси”. Ўзбекистон Республикаси 1994 йил 22 сентябрда 548-І қонуни билан тасдиқланган.
11. Ўзбекистон Республикасининг “Жиноят-процессуал кодекси”. Ўзбекистон Республикаси 1994 йил 22 сентябрда 2013-ХІІ қонуни билан тасдиқланган.
12. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролик кодекси”. Ўзбекистон Республикаси 1997 йил 30 августда 477-І қонуни билан тасдиқланган.
13. Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 27 мартдаги ПҚ-823-сонли қарори.
14. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1047-сонли қарори.
15. Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 10 августдаги ПҚ-1595-сонли қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 сентябрдаги ПҚ-1816-сон қарори.
17. Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини давлат инспекциясини Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини Бош давлат инспекциясига айлантириш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 5 декабрдаги 449-сон қарори.
18. Алкоголли ва тамаки маҳсулотларини четдан келтириш, ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 апрелдаги 331-сонли қарори.
19. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига этил спиртининг ғайриқонуний олиб келинишининг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 213-сон қарори.
20. Озон қатламини химоя қилиш соҳасидаги шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 январдаги 20-сонли қарори.
21. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб қириш, олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 31 июлдаги 293-сонли қарори.
22. Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарларни олиб келишни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 декабрдаги 427-сонли қарори.
23. Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 августдаги 295-сонли қарори.
24. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июлдаги 315-сонли қарори.
25. Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сонли қарори.
26. Озонни бузувчи моддаларни ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришни ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишни тартибга солишни такомиллаштириш

- тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 ноябрдаги 247-сонли қарори.
27. Этил спирти ва алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 30 декабрдаги 285-сон қарори.
 28. Сертификатлаштириш тартиботларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора - тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 прелдаги 122-сонли қарори.
 29. Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарларининг алоҳида гуруҳларини олиб киришни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 12 декабрда 324-сонли қарори.
 30. Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 1999 йил 3 ноябрда 834-рақам билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқнома.
 31. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасига мувофиқ товарларни таснифланиши тўғрисида божхона органлари томонидан дастлабки қарорни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низоми: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 20 ноябрда 1190-рақам билан рўйхатга олинган қарори.
 32. Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган товарларни (маҳсулотларни) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва унинг ҳудудидан олиб чиқиш тартиби тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 1 январда 901-4 рақам билан рўйхатдан ўтган Йўриқнома.
 33. Давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган истеъмол товарларини маркалаш ва божхонада расмийлаштириш қоидалари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2003 йил 15 январда 1202-рақам билан рўйхатга олинган қарори.
 34. Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтилаётган товарларнинг намуна ва синамаларини божхона органлари тизимида тасарруф қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 29 августдаги 1269-рақам билан рўйхатга олинган қарори.
 35. Ўзбекистон Республикаси ҳудудини карантиндаги зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлардан муҳофаза қилиш қоидалари тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида: Адлия вазирлигида 2008 йил 31 январдаги 1764-рақам билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг буйруғи.

36. Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисида: Йўриқнома: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 14 мартдаги 589-5 сон билан рўйхатга олинган қарори.
37. Ўзбекистон Республикиси ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасига мувофиқ товарларни таснифланишида божхона органлари томонидан дастлабки қарорни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низомига ўзгартириш киритиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 12 июлда 1190-1 рақам билан рўйхатга олинган қарори.
38. Алкоголли ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисидаги Низом: Адлия вазирлиги 2011 йил 28 мартдаги 1320-3-сон билан рўйхатдан ўтган қарори.
39. Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2012 йил 25 январда 834-21-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори.
40. Ўзбекистон Республикаси назоратдаги наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлар рўйхатини қайта тасдиқлаш ва уларни қонунга ҳилоф равишда муомаладан мусодара қилинган ҳолларда миқдорини тоифалаш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Наркотик моддаларни назорат қилиш Давлат комиссиясининг 2010 йил 6 апрелдаги 10/10 сонли қарори.
41. Божхона экспертизани тайинлаш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида: Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 14 майдаги 170-сонли буйруғи.
42. Ўзбошдаварантиннинг 2008 йил 3 сентябрдаги 50-242-09-сонли хатида кўрсатилган Қирғизистон Республикасидаги фитосанитар ҳолат тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 7 сентябрдаги 38-сонли кўрсатмаси.
43. Ўзбекистон Республикаси Наркотик моддаларни назорат қилиш Давлат комиссиясининг 2010 йил 6 апрелдаги 10/10 сонли қарори ижроси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2010 йил 17 апрелдаги 102-сонли буйруғи.
44. Божхона юк декларацияларининг 31-графасида маълумотларни тўлиқ киритилиши устидан назоратни кучайтириш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2010 йил 24 мартдаги 73хфу-сонли буйруғи.
45. Божхона юк декларацияларининг 31-графасида маълумотларни тўлиқ киритилиши устидан назоратни кучайтириш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2010 йил 21 майдаги кўрсатмаси.

46. “Товарларни божхона экспертизаси” ААТ дастурини амалиётга киритиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2010 йил 21 июлдаги 180-сонли буйруғи.
47. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги 122-сонли қарори ижроси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2011 йил 4 майдаги 93-сонли буйруғи.
48. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 12 декабрда 324-сонли қарорини ижрога киритиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2011 йил 14 декабрдаги 307-сонли буйруғи.
49. “Маркировка қилиш ва аудит” идоралараро ахборот тизими дастуридан фойдаланиш ҳамда давлат божхона ва солиқ хизмати органлари ўртасида ахборот алмашинувини амалга ошириш тартиби тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 19.01.2012 йилдаги 22-сонли, давлат солиқ қўмитасининг 2012 йил 21 январдаги 33-сонли қўшма буйруғи.
50. «Маркировка ва Аудит» автоматлаштирилган ахборот тизимини амалиётга жорий этииш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 20.06.2012 йилдаги 162-сонли буйруғи.
51. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 сентябрдаги ПҚ-1816-сон қарори ижроси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 14.09.2012 йилдаги 236-сонли буйруғи.
52. Алихонов Б.Б., Доценко Н.П., Расулова Э.Р., Сайдиев Ф.Р. Озон қатлами// Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ахборотномаси.-2007.-6-60-бетлар.
53. Асқаров И.Р. Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш фанининг вазифалари. //“Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш муоммолари ва истиқболлари”: 2-илмий - амалий конференцияси материаллар.19-20 апрел 2011йил.- Андижон-2011.-13-14 б.
54. Асқаров И.Р., Намозов А.А. Салқин ичимликлар таркибидаги эрувчан куруқ моддаларни аниқлаш услуги // Ташқи иқтисодий фаолият ва божхона қонунчилиги муаммолари: Респуб.илм.амал.конф. (Тез. маъруза ва илмий мақолалар тўплами), Тез. 2006 29 май, -Тошкент, ДБҚ, 2006. - 152-154 б.
55. Асқаров И.Р., Каримқулов Қ.М. АЛС-1 ускунаси билан пахта толаси навини аниқлаш услуги. // Божхона экспертизасини ташкил этишга доир методик қўлланмалар. –Т.: Таш.тип. ПТУ-2. -1995. 39-51 бет.
56. Б.Е.Зайцев. Общие физические и химические свойства металлов. М., “Колос”, 1987 год.

57. Божхона назоратида товарларни кимёвий таркиби асосида таснифлаш: Дарслик / Шорахмедов Ш., Каримкулов Қ. ва бошқ.-Т. Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2003.
58. Ибрагимов А.А., Гулямов С.С., Марупова М.А. Экологик муаммоларни олдини олишда божхона ходимининг вазифалари. Фарғона. 2000.16-23 б.
59. Каримкулов Қ.М., Асқаров И.Р., Абдуганиев Б.Ё. Контрафакт товарларни аниқлашда божхона экспертизасининг роли. // “Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш муаммолари ва истикболлари”: 2-илмий-амалий конференцияси материаллар.19-20 апрел 2011йил.-Андижон-2011.-30-31б.
60. Каримкулов Қ.М., Асқаров И.Р., Узоқов А., Хасанов О. Товарлар экспертизаси ва Республика иқтисодиётини ҳимоя қилишда экспертизаларнинг ўрни. // “Маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлар асосида янги композицион материаллар”: Халқаро илм.тех.конф. 5-7май 2011йил.-Тошкент-2011.-343-344 б.
61. Каримкулов К., Абдуганиев Б., Ҳамроқулов Ф. Дарслик / Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси. Тошкент-2008 й.
62. Криминалистика: Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик / Ф.Абдумажидов ва бошқ.- Т.: “Адолат”, 2003 – 54,113,133 б.
63. Матмусаев У.М., Тўқимачилик материалшунослиги фанидан маърузалар матни. Тошкент. ТТЕСИ 1999 й.
64. Мусаев Б.С. Агрокимё. – Т.: «Шарқ», 2001. – 108-167 б.
65. Мусаев Б.С. Ўғит қўллаш тизими. Т.: Аграр, 1995. - 51 б.
66. Намазов А.А., Асқаров И.Р. Алкоголли ичимликларни кимёвий таркиби асосида қалбаки ичимликлардан фарқлаш омиллари. //“Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш муаммолари ва истикболлари”: 2-илмий - амалий конференцияси материаллар.19-20 апрел 2011йил.-Андижон-2011.-5-9 б.
67. Пояснения в Товарной номенклатуре внешнеэкономической деятельности Российской Федерации. Москва-2007 г.
68. Назаров Э.К., Иняминов А.Э., Абдуганиев Б.Ё. Товарная номенклатура внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан (версия 2007 года). –Т.: 2008.
69. Шералиев А.Ш. Ўсимликлар карантинида фитоэкспертиза.-Т.: “”Фан ва технология” -2008.-3-165 б.
70. Шодиметов К. Товар ёрлиқлари ва штрихли кодлаш: 100 саволга жавоб. – Т.: “Янги аср авлоди”. 2005-5-79 б.
71. Шорахмедов Ш., Каримкулов К. “Товарларни таснифлаш.”-Т.: 2005 й.
72. Хроматография-практическое приложение метода. -М.: «Мир». 1986. Глава 8. стр.88-131.
73. Ю.В.Додкин, И.А.Жебелева, В.И.Криштафович. Таможенная экспертиза товаров.-М.: Изд. центр “Академия”, 2003.-272с.

ИЛОВАЛАР

БОЖХОНА ЭКСПЕРТИЗАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ЎТКАЗИШДА АМАЛ ҚИЛИНАДИГАН ТАЛАБЛАР

“Божхона экспертизаси” фанидан амалий машғулотлар бошлашдан аввал тингловчилардан техника хавфсизлиги қоидалари билан танишиб чиқиши ва бу ҳақда махсус дафтарчага имзо чекиши ҳамда қуйидаги лабораторияда ишлаш қоидаларига қатъий риоя қилиши талаб этилади.

1. Лабораторияда ҳар бир тингловчи – тажрибани ўзи учун белгиланган иш ўрнида, оқ халат кийган ҳолда бажариши лозим.

2. Лабораторияда сув ичиш ва овқатланиш мумкин эмас.

3. Тажриба бошлашдан аввал тингловчи ишнинг моҳиятини билиши, асбоб ва реактивларни тайёрлаши, сўнгра ўқитувчи ёки катта лаборант иштирокида ишни бошлаши, уларнинг рухсати ва кузатувида электр асбоб-ускуналарини тармоққа улаши лозим.

4. Заҳарли моддалар билан бажариладиган тажрибалар фақат мўрилли шкафта бажарилиши керак!

5. Лабораторияда полга реактив ва эритмаларни тўкиш, пробирка, идиш синиқлари ва қоғоз қолдиқларини ташлаш мумкин эмас.

6. Лабораторияда электр асбобларни ишлатишда эҳтиёткорлик билан ишлаш, очик линия ва электр мосламаларга тегиш мумкин эмас.

7. Электр асбоблар ерга уланиши ва мустаҳкам ўрнатилган бўлиши шарт!

8. Реактивларни қўлга, терига ва юзга теккизманг, зарарли таъсир этади.

9. Концентрланган кислота ва ишқор ишлатишда, албатта, резинка қўлқоп ва махсус кўзойнакдан фойдаланиш керак.

10. Концентрланган кислоталарни бир идишдан бошқа идишга қуйишда ёки бирор моддага аралаштиришда жуда секин ва эҳтиёткорлик билан аралаштириб турган ҳолда қуйиш, шунингдек суюлтиришда сувни кислотага эмас, балки кислотани сувга қуйиш лозим.

11. Моддани газ ёки спирт алангасида қиздираётганда, колба ёки пробиркалар оғзини ёнингизда ишлаётган тингловчи томонга қаратманг ва бензин, эфир ва ацетон билан ишлашда алангадан узоқда туриши шарт!

12. Ёниб турган газ горелкаси ва электр асбобларини назоратсиз қолдирманг!

13. Лабораторияда ишлаётган тингловчилар дори кути ва ўт ўчиргич асбоблари турадиган жойни билишлари керак.

14. Лабораторияда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш қутчасида танин, калий перманганат, калий гидрокарбонат, йод, пахта, бинт, қуйишга қарши малҳам дорилар бўлиши лозим.

15.Эритмалар солинган идишларга ёрлик (этикетка) ёпиштирилиши ва унга эритманинг номи ва тайёрланиш муддати ёзилиши керак.

16. Машғулот тугагач, иш жойини тартибга келтиришни, сув жумрагини беркитишни, хонани шамоллатишни, газ ва электр асбоблар ҳамда чирокларни ўчиришни унутманг!

ЛАБОРАТОРИЯДА НОХУШ ХОДИСА РЎЙ БЕРГАНДА АМАЛ ҚИЛИНАДИГАН ЧОРАЛАР

- қўл, юз ва кўзга кислота сачраса, шу жой кўп миқдордаги сув билан ювилади, натрий карбонатнинг 10% ли, натрий бикорбанатнинг 3% ли ёки аммиакнинг кучсиз эритмаси билан ювилади, сўнгра шу жойга кунгабоқар, пахта ёки зиғир ёғи суркалади;

- лаборатория ишларини бажариш жараёнида тана қисмларига ишқор сачраганда ҳам аввал мўл миқдордаги сув билан, сўнгра сирка (CH_3COOH), лимон ($\text{C}_6\text{H}_8\text{O}_7$) ёки борат (H_3BO_3) кислоталарнинг кучсиз эритмалари билан ювилади ва вазелин суртиб боғланади;

- лабораторияда ишлаш жараёнида куйиш содир бўлса, калий перманганат (KMnO_4)нинг 2% ли эритмаси ёки спирт билан хўлланган пахта босилади ёки стрептоцид эмульсияси суркалади;

- шиша идиш синиқлари қўл ёки тананинг бошқа қисмини кесганда, биринчи навбатда шу жой сув билан ювилади, қисқич (пинцет) ёрдамида жароҳатдаги синиқлар териб ташланади, сўнгра калий перманганат эритмаси билан ювилади ҳамда 3-5% ли йод эритмаси суриб, бинт билан боғланади;

- аммиак таъсирида заҳарланиш содир бўлса, сирка кислота хидлатилади, сут ичирилади ёки лимон бўлакчаси шимдирилади;

- терига симоб тўкилса, шу жойга дарҳол олтингугурт кукуни сепилади, кейин темир (III)-хлорид эритмаси билан ювилади. Бром теккан жой дарҳол бензол билан ювиб ташланади;

- азот оксидлари (NO , NO_2), водород сульфид (H_2S), хлор (Cl) ва метан (CH_4) газларидан заҳарланиш рўй берганда, жабрланувчи дарҳол очик ҳавога олиб чиқилади;

Барча ҳолларда биринчи ёрдам кўрсатилгандан кейин врачга мурожаат қилиниши шарт.

Божхона лабораторияси фаолиятига оид айрим меъёрий ҳужжатлар Рўйхати

№	Меъёрий ҳужжатларнинг номи
1.	Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 10 августдаги ПҚ-1595-сон қарори.
2.	Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 сентябрдаги ПҚ-1816-сон қарори.
3.	Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 31 июлдаги 293-сонли қарори.
4.	Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб келишни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 декабрдаги 427-сонли қарори.
5.	Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сонли қарори.
6.	Озонни бузувчи моддаларни ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришни ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишни тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 ноябрдаги 247-сонли қарори.
7.	Сертификатлаштириш тартиботларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаш-тиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги 122-сонли қарори.
8.	Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарларининг алоҳида гуруҳларини олиб киришни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 12 декабрда 324-сонли қарори.
9.	Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасига мувофиқ товарларнинг таснифланиши тўғрисида божхона органлари томонидан дастлабки қарорни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низоми: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 20 ноябрда 1190-рақам билан рўйхатга олинган қарори. (АВ 12.07.2011й. 1190-1 рақам билан рўйхатга олинган қарор билан ўзгартиришлар киритилган).
10.	Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган товарларни (маҳсулотларни) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва унинг ҳудудидан олиб чиқиш тартиби тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 26 февралда 901 рақам билан рўйхатдан ўтган Йўриқнома. (АВ 28.07.2011й. 901-4 рақам билан рўйхатга олинган қарор билан ўзгартиришлар киритилган):
11.	Давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган истеъмол товарларини маркалаш ва божхонада расмийлаштириш қоидалари: Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2003 йил 15 январда 1202-рақам билан рўйхатга олинган қарори.

12.	Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтилаётган товарларнинг намуна ва синамаларини божхона органлари тизимида тасарруф қилиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 29 августдаги 1269-рақам билан рўйхатга олинган қарори.
13.	Ўзбекистон Республикаси ҳудудини карантиндаги зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлардан муҳофаза қилиш қоидалари тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида: Адлия вазирлигида 2008 йил 31 январдаги 1764-рақам билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг буйруғи. (АВ 18.07.2011й. 1764-1-сон билан рўйхатдан ўтган ЎзР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 24.06.2011 й. 108-сонли буйруғи билан ўзгартириш киритилган).
14.	Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2012 йил 25 январда 834-21-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори.
15.	Божхона экспертизани тайинлаш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида: Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 14 майдаги 170-сонли буйруғи.
16.	Божхона юк декларацияларининг 31-графасида маълумотларни тўлиқ киритилиши устидан назоратни кучайтириш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2010 йил 24 мартдаги 73хфу-сонли буйруғи.
17.	“Товарларни божхона экспертизаси” ААТ дастурини амалиётга киритиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2010 йил 21 июлдаги 180-сонли буйруғи.
18.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 12 декабрда 324-сонли қарорини ижрога киритиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2011 йил 14 декабрдаги 307-сонли буйруғи.
19.	“Маркировка қилиш ва аудит” идоралараро ахборот тизими дастуридан фойдаланиш ҳамда давлат божхона ва солиқ хизмати органлари ўртасида ахборот алмашинувини амалга ошириш тартиби тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 19.01.2012 йилдаги 22-сонли, давлат солиқ қўмитасининг 2012 йил 21 январдаги 33-сонли қўшма буйруғи.
20.	ТИФ ТН бўйича товарлар кодини аниқлаш, “Товар коди” автоматлаштирилган ахборот тизимини амалиётга жорий қилиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 07.03.2012 йилдаги 66-сонли буйруғи.
21.	«Товарнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат» автоматлаштирилган ахборот тизимини амалиётга жорий қилиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 11.05.2012 йилдаги 133-сонли буйруғи.
22.	«Маркировка ва Аудит» автоматлаштирилган ахборот тизимини амалиётга жорий этиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 20.06.2012 йилдаги 162-сонли буйруғи.
23.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 сентябрдаги ПҚ-1816-сон қарори ижроси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 14.09.2012 йилдаги 236-сонли буйруғи. (ТИФ ТН 2012 йил тахрири).

ХАСАНОВ Отабек Аллобердиевич
КАРИМҚУЛОВ Қурбонқул Мавланқулович - т.ф.д.
АБДУҒАНИЕВ Бахтиёр Ёрмахаматович – к.ф.н.
АСҚАРОВ Иброҳимжон Раҳмонович – к.ф.д., профессор

Хасанов О.А., Каримқулов Қ.М., Абдуғаниев Б.Ё., И.Р.Асқаров // Давлат божхона қўмитаси Раиси, божхона хизмати полковниги З.А. Дусанов умумий таҳрири остида. Божхона экспертизаси. «Божхона иши» таълим йўналиши тингловчилари учун дарслик: -Т.: «fan va texnologiyalar», маркази 2012. - 312 бет.

Нашрга тайёрловчи муҳаррир: Д. Алимова.

Техник муҳаррир: Ш.Муратова, З.Садиков.

Босишга 2012 йил 2 февralида рухсат этилди.
Босмахонага 2012 йил 14.05. берилди.
Times New Roman ҳарфида берилган. Шрифт 14.
Қоғоз бичими 60x84. 1\ 64 Босма табағи 19,5.
Адади – 300 нусха. Буюртма № 3/10/4-2012.
Баҳоси шартнома асосида.

Давлат божхона қўмитаси
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Ўзбекистон кўчаси 3-уй